
R 496
1999/2



GULISTON

2
1999



Ортиқали ҚОЗОҚОВ,
“Уч дўппи”. Мато,
мойбўёқ. 1994 й.

Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган санъат арбоби
Ортиқали Қозоқов.

GULISTON

2
1999

март-апрель

Ижтимоий-сиёсий,
илмий-оммабоп ва
бадиий безакли журнал

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ишлари
вазирлиги

Бош муҳаррир:
Тилаб МАҲМУДОВ

Таҳрир ҳайъати:

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Саъдулла АБДУЛЛАЕВ,
Баҳодир АБДУРАҲИМОВ,
Оқилхон ИБРОҲИМОВ,
Отаназар МАТЁҚУБОВ,
Асқар МАҲКАМ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Алишер МИРЗАЕВ,
Маъпура НАБИЕВА
(масъул котиб),
Йўлдош СУЛАЙМОН,
Ислом ШОҒУЛОМОВ,
Муҳсин ҚОДИРОВ,
Турсунали ҚЎЗИЕВ

Журнал 1925 йилдан
чиқа бошлаган.


UShBU SONDA

Muharrir minbari. Yangicha tafakkur - zamon talabi 2
Mahkam ANDIJONIY. O'zbekiston istiqloli - pokistonliklar nigohida 6
Sa'dulla YO'LDOShEV. Imon Buxoriy Pokistonda 8
Qodirjon INOMOV. Oilaning ma'naviy asoslari 10
Emina IZZATOVA. Ilm va axloq 11
Akbarali MANSUROV. Axloqiy kamolat va vijdon erkinligi 12
Nabi JALOLIDDIN. Yukinib borodur yuragim. (She'rlar) 13
Muhammadjon O'RMONOV. O'zbek muzeylari va ularning istiqboli 14
Tilab MAHMUD, Sirojiddin AHMAD. Buyuklar matonatli bo'ladilar 15
Dilbar MAHMUDOVA. Hammasi ko'zimning nuri 18
Murod SAVUROV. Kamolot 20
Dehqonboy HUSANOV. A.JO'ZIMBETOV. San'at - uning baxti 21
Ma'pura NABIEVA. Izlanishga chorlagan xat 22
AVESTO. VANDIDOD. (Davomi) 24
Mahmuda ABDULLAYOROVA. Mukammallik yo'lida 30
Sanjar JABBOROV. Shariat, oila va odat 32
Farida AFRO'Z. Ra'nolarning Ra'nosi (Aktrisa Ra'no Yarasheva bilan suhbat) 34
Toyir ISLOMOV. Jaloliddin Manguberdi 36
Botir JUMANIYOZ O'G'LI. Yetti hunar egasi 38
Tilab MAHMUD. Ayollar (Hikoya) 40
Anvar HOJI. Bir boshga - bir Vatan. (She'rlar) 42
Ixtiyor RIZO. Asqartog' (Dostondan parcha) 43
SAYYOR. Mehribonim (Ustoz Shuhrat siyratiga chizgilar) 44
Saidaxbor BO'LATOV. Asrlar va XX asr davomida 46
Rahmatjon ARSLONZODA. Ma'lum va noma'lum muxtoriyat 47
Jaloliddin RUMIY. Masnaviy. (Davomi) 48
Nazar RAJABOV. "Devonu lug'otit turk" Fitrat talqinida 54
Mamajon RAHMONOV. Birinchi xalq hofizi 56
Siddiq MO'MIN. Nutq suvrati va siyrati 57
Said ALIMOV. Yetim qizning baxti 58
Otabek JO'RABOEV. Muqimiy "Cho'ntak bayoz"i 59
Hafiz ABDUSAMATOV. "Boy ila xizmatchi" pyesasi mustaqillik ko'zgusida 60
Muqaddas TOJIBOEVA. Gul ochilib, gulshan o'lub lolagun 62
Shoh MUROD. Mamasoli biznes qildi. (Hajviya) 63
Ilhom ZOYIR. Sovuq nafas (Hajviya) 64

MUQOVANING BIRINChI BETIDA.

Abdulhaq ABDULLAEV.
Alisher Navoiy.
(Mato, moybo'yoq.)

Муҳаррир минбари



ЯНГИЧА ТАФАККУР – ЗАМОН ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов асарларининг VI томида бугун Ўзбекистон ва у билан бирга Марказий Осиё минтақасидаги бошқа давлатлар кечираётган мураккаб, ғоят кескин муаммолар – хавфсизлик, барқарорлик ва собитқадам ривожланиш муаммоларига бағишланган асарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси сессияларида, республика Вазирлар Маҳкамаси йиғилишларида ҳамда турли халқаро учрашувларда сўзлаган нутқлари, суҳбатлари ўрин олган.

Ушбу томда наинки Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё минтақасидаги давлатлар кечираётган мураккаб ижтимоий-сиёсий, иқтисодий-маънавий муаммолар таҳлил қилинади, XXI аср бўсағасида Ўзбекистон олиб бораётган ички ва ташқи сиёсатнинг дунё миқёсида хавфсизлик, барқарорлик ва тараққиёт йўлида нақадар катта аҳамиятга эга эканлиги ҳар томонлама очиб берилган.

Ўзбекистон бутунлай янгича йўл, янгича мафкура билан тараққий қилар экан, бу тараққиётнинг назарий-методологик асосларини чуқур идрок этиш замон талабидир. Бундай назарий-методологик қарашлар Президентимиз асарлари, маъруза ва суҳбатларида ўз ифодасини топган.

Ўқувчиларимизни мустақил фикрлашга, Президентимиз асарларини мутолаа қилишда уларга назарий ёрдам бериш ниятида биз доимий равишда мустақиллик, маънавият ва миллий мафкурага доир бош мақола ва туркум материалларни бериб бормоқдамиз. Президентимиз асарларини чуқур ўрганиш мустақил тафаккур юритишга, тафаккурни янгилашга, ижтимоий-сиёсий фаолликни оширишга, шу азиз Ватан учун пок ва ҳалол меҳнат қилишга чорлайди.

Ўтиш даврининг мураккаб буҳронлари ичида адашиб юрмаслик учун, бозор иқтисодиётининг темир қонуниятларидан эсанкираб қолмаслик учун ҳар бир инсон ўз даври бош ғояси, асосий ижтимоий-сиёсий тараққиёт тамойилларини чуқур идрок этиши лозим. Бунинг учун ҳар кун, ҳар сония ўз тафаккурига маънавий озуқ бериши ва назарий жиҳатдан янги фикрлар, ғоялар билан қуроллангани даркор.

Ислом Каримов асарлари халқимизни ана шундай маънавият ва маданият шоҳсупалари томон чорловчи ёркин юлдуз вазифасини бажармоқда.

Президентимизнинг ҳар бир навбатдаги асарида шунчалик кўп масалалар, муаммолар ва фикрлар зикр этиладики, уларни бир ёки икки бош мақола билан изоҳлаб бўлмайди. Уларнинг мазмунини баён этиш учун яна алоҳида китоблар ёзишга тўғри келади. Биз "Ўзбекистон XXI аср бўсағасида" китоби бўйича бир йилдан ортиқ вақт мобайнида туркум мақолалар эълон қилдик. Бундан ўқувчиларимиз миннатдор бўлиб, ўзларининг дил сўзларини изҳор этмоқдалар.

Президентимиз асарларидаги ғояларни халқимизга етказиб туриш, бу ғояларни уларнинг қалб мулкига айлантиришга ҳаракат қилиш бизнинг шарафли вазифамиздир.

Журнал саҳифаларидан жой олаётган материаллар юртбошимиз олға сураётган сиёсатнинг, баён этаётган ғоя ва фикрларнинг, амалга ошираётган хайрли ишларнинг ҳамма-ҳаммасини қамраб ололмаслиги табиий. Бунинг учун барча оммавий ахборот воситалари бурчлидир. Лекин иложи борича мустақилликни мустаҳкамловчи, мустақиллик даврида туғилган, бунёд этилган ва ривожланиб бораётган маънавий қадриятларни халққа етказиш бизнинг асосий вазифамиз ва бурчимизга айланган.

Президентимиз олиб бораётган инсонпарварлик сиёсати фақат халқимиз қалбидан чуқур ўрин эгаллабгина қолмай, жаҳон халқлари, давлат ва мамлакатларнинг ҳам диққат марказида эканлиги бизда юксак қувонч ва ифтихор туйғуларини уйғотади. Мисол тарзида журналнинг ушбу сонида Покистонда чоп этилган айрим газета ва журналларнинг Ўзбекистон, унинг Президенти, бу қуёш ўлкасининг маънавий-маданий мероси ва бугунги куни ҳақидаги айрим материалларни ўқувчилар диққатига ҳавола қилдик. Шунинг ўзи кўрсатиб турибдики, дунёнинг пок

ниятли нигоҳи Ўзбекистонга қараган, ундаги барқарорлик ва тараққиёт кўпчиликда қизиқиш, ҳавас туйғуларини уйғотмоқда.

Саккиз йил ичида эришилган бундай юксалиш нимага ва кимга боғлиқ бўлди, деган савол туғилади. Бу саволга халқимизнинг 8 ёшдан 80 ёшгача бўлган фуқаролари "Мустақиллик" ва "Ислом Каримов" деб жавоб бермоқдалар. "Мустақиллик" "Ислом Каримов"дан, "Ислом Каримов"ни "Мустақиллик"дан айириб бўлмайди. Бу икки табаррук тушунча бир йўла ва бир пайтнинг ўзида миллат ҳаётида, онги ва шуурида пайдо бўлди.

Замонлар ўтади, замонлар келади, авлодлар кетади, авлодлар келади, бироқ ўзбек халқи бу гўзал диёр кўкрагига офтоб нурини, маънавий юксалишни олиб кирган одамлар ҳақида гап кетганда Президентимиз номи ярқираб туради.

Тарихда буюк шахслар кўп ўтган. Лекин буюкликнинг ажиб бир мезони мавжуд: истеъдоди, ақли ва заковатини ўз шахсини тасдиқлаш йўлида меҳнат қилиб буюк кашфиётлар, ижодий муваффақиятларни қўлга киритганлар ҳам буюк бўлганлар; ўз истеъдоди, ақли ва заковатини миллат, мамлакат ва инсоният йўлида сафарбар айлаганлар эса буюкларнинг сардоридир. Президентимиз ана шундай буюклар ичида ҳам ажралиб туради.

Ислом Каримов зиммасига асрлар мобайнида ўзлигини излаган халққа ўзлигини англатиш, асрлар мобайнида маънавият осмонида чарақлаган юлдузларнинг тафтини ўз халқига етказиш, ўтмиш билан келажакни бирлаштирувчи жамият пойдеворини яратиш бахти муяссар бўлди.

Президентимиз асарларини ўқиганда ана шундай хулосаларга келамиз.

Президентимиз Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки кунидан бошлаб ўзининг асосий ижтимоий-сиёсий вазифаси сифатида инсон манфаатларини, жонажон Ватанимиз равнақи, халқимиз бахт-саодатини биринчи ўринга қўйди. "Барчамизнинг эзгу ниятимиз, – деган эди И.А.Каримов ўзининг Ўзбекистон халқига Наврўз табриги муносабати билан, - юртимиз тинч ва обод, дастурхонимиз тўкин ва баракали бўлсин, оиламиз ва фарзандларимиз, ёру биродарларимиз соғ-саломат, бахтли-саодатли бўлсин".

Бу ниятлар амалга ошган мамлакат бахтли ва бахтиёр бўлмай, қаер ва ким бахтли ва бахтиёр бўлиши мумкин?

Ўзбекистонда олиб борилаётган барча ишлар ана шунга қаратилган. Агар ҳамма, ҳар қаерда шу ният, шу мақсад билан меҳнат қилганда эди, Президентимиз айрим вилоят кенгашларида бунчалик куюниб сўзламаган, изтироб чекмаган бўларди.

Ҳаётнинг мураккаблиги шундаки, барчани баравар кўриб бўлмас, барчага баравар бирор нарсани уқтириб бўлмас, барча бараварига қадам ташламас экан. Ана шундай мураккаб ижтимоий тараққиёт йўлида асосий ва бош мезон, талаб ва эҳтиёж ҳам бор. Бу – инсон қалби, онги, тафаккурининг ўзгариш тезлигидир. Онгни, тафаккурни ўзгартирмай туриб муҳитни, жамиятни ўзгартириб бўлмайди.

Шунинг учун одамларнинг озодлик ғоясига, миллий мафкура ва истиқболга ишонч туйғуларини шакллантирмасдан олға юриш қийин бўлади. Президентимизнинг ёшлар ва яна ёшларга жиддий ҳамда катта эътибор бераётганликлари бежиз эмас.

Ёшлар ҳаёт майдонига қадам қўяётган эканлар, қайси томонга қарайдилар (орқағами, олдингами), кимга эргашмоқчилар, нимани орзу қилмоқдалар, ўз ёшлик кучи, истеъдоди ва имкониятларини нимага сарф этмоқдалар – булар бевосита миллат ва мамлакат истиқболини белгиловчи масалалардир. Ана шу маънода ёшларга бефарқлик истиқбол мевасининг илдизига болта уриш билан баробар бўларди.

Ёшларнинг миллат ва мамлакат истиқболидаги улкан ижтимоий-тарихий ўрнини ҳамда масъулиятини теран идрок этган Президентимиз уларнинг ақлий-маънавий ўсишига, дунёқарашига катта эътибор бермоқдалар. Чунки инсон тафаккурида миллий истиқлол мафкурасини шакллантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат, аждодларимиз меросига, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялаш муҳим вазифадир.

"Ҳаммамиз яхши биламиз, – дейди Ислом Каримов, – 15 дан то 18 ёшгача бўлган давр – инсон умрида энг нозик, энг мураккаб даврдир. Шу ёшда инсон онги, ҳулқи ва ахлоқи, маънавий қиёфаси тугал шаклланади. Ҳали суяги қотмаган фарзандларимизни ўз ҳолига ташлаб қўйсак, тарбияси, илми ва маънавияти билан шуғулланмасак, келажакда уларнинг комил инсонлар бўлиб етишмоғига ким кафолат бера олади? Биз жамиятимиз, давлатимиз келажагини кимларнинг қўлига топширамиз?"

Ана шунинг учун Президентимиз аввало халқ таълими тизимини бутунлай қайта ислоҳ қилиш ғоясини ўртага ташладилар:

умумтаълим мактабларининг 9-синфини тугатган минг-минг ўсмирларнинг иш тополмай, ишга жойлаша олмай овора бўлиб юришларига чек қўйиш кераклигини уқтирдилар.

9-синфдан кейин ихтисослашган таълимни жорий этиш ёшларга бирор касб қулоғини ушлашга имкон беради, уларни ижтимоий фойдали меҳнатга жалб этади.

Таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш кадрлар тайёрлашда муҳим омил ҳисобланади. Кадрлар бирдан ва бир йўла вояга етиб қолмайди. Аввало уларнинг ўқиш-ўрганиш, шаклланиш ва тараққиёт жараёнлари билан боғлиқ омилларга эътиборни қаратмоқ лозим.

Аввалги ўн бир йиллик таълим тизимининг моҳияти нимада эди? Унда асосий иллат шу эдики, миллий ўзига хослик, қадимий тажриба, анъаналар инобатга олинмаган эди. Шунинг учун "Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур"ни тузиш эҳтиёжи туғилди.

1997 йил 5 июнь куни Тошкентда бўлиб ўтган "Кадрлар тайёрлаш бўйича миллий дастур"ни тузиш комиссиясининг йиғилишида Президентимиз сўзга чиқиб, таъкидлаган эдики, "кадрлар масаласини ҳал этмас эканмиз, саъй-ҳаракатларимиз кутилган натижаларни бериши, ҳаётимиз, маънавиятимиз ўзгариши қийин кечади. Де-

макки, замонавий таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилиш, замон талабларига мос кадрлар тайёрлаш ишини йўлга қўйиш фаолиятимизнинг бош йўналиши бўлмоғи даркор.

Чунки бизнинг халқимиз талант ва иқтидор жиҳатидан ҳеч кимдан кам эмас. Унга маърифатнинг равон йўллари очиб берилса, жаҳонда ўзига яраша обрўли ўринни эгаллай олади".

Бинобарин, таълим-тарбия тизимини ислоҳ қилишда аввало тарбия берувчиларни тарбиялаш вазифаси туради. Агар тарбиячиларнинг билим савияси замон талабларига мос келмаса, эски замон дастурлари асосида дарс берса, ислоҳотлар моҳиятини тераң англаб етмаган, янги тафаккурга эга бўлмаган бўлса, қандай қилиб улар замонавий ёшларнинг маънавий баркамол ўсишларига масъул бўладилар?

Эскича таълим-тарбия тизимининг энг катта нуқсони шу эдики, унда ёшлар онгига қуруқ хабар беришдан нарига ўтилмас, ёшларнинг мустақил тафаккур юритишига эътибор берилмас эди. Мактабни битирган ёшлар ўз мустақил фикри ва ҳаваси йўлидан эмас, ота-онаси ҳамда таниш-билишларининг тавсияси, кўмаги ва кўрсатмаси бўйича касб-ҳунар танлар эдилар. "Мустақил фикрга эга бўлмаган одам эса ҳар қандай оломонга эргашиб кетаверади. Масаланинг энг муҳим жиҳати айнан мана шундадир", деди юртбошимиз.

Замонавий билимга, миллий мафкура ва истиқлол дунёқарашига эга бўлган ёшларгина келажагимизни белгилайди. Шунинг учун ҳаммага бир хил эмас, балки билимига қараб турли даражали дипломлар бериш давр тақозоси бўлиб қолди.

Бинобарин "Билимга чанқоқ, истеъдодли ёшларни топиб, уларни Ватанга фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш муқаддас вазифадир".

Бу вазифани амалга ошириш учун республикамизда олиб борилаётган барча ишлар, асосан, инсоннинг ижтимоий-иқтисодий манфаати, маданий ва маънавий, ақлий лаёқатини рўёбга чиқариш учун шарт-шароит яратиш, ҳуқуқини ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашга қаратилган.

Мустақилликка эришганимизга 8 йил бўлмоқда. Жуда кўп соҳаларда мустақиллик ғояси ва миллий мафкура ўз самарасини бермоқда.

Бу деган сўз буёғига ҳамма нарса хамирдан қил суғургандай бораверади, деган гап эмас. Мустақиллик инсон манфаатлари йўлида амалга оширилган экан, навбатдаги вазифа янги инсонларнинг янгича дунёқараш ва янгича тафаккур асосида қанчалик фидойилик билан меҳнат қилишларига ҳам боғлиқ. Ёшлар тарбияси ва билими кадрлар малакаси ва салоҳияти, халқ руҳиятининг тетиклиги ва тинчлик, барқарорлик масалалари мустақиллик натижасигина эмас, мустақиллик истиқболини ҳам белгилайди. Биринчи навбатда, тинчлик ва барқарорлик шароитида инсофли, диёнатли, ҳалол ва пок, талабчан ва қатъиятли, халқпарвар ҳамда ватанпарвар инсонларни шакллантириш ва тарбиялаш муваффақиятларимиз, истиқболимиз гарови ҳисобланади. Шу сабабдан "бугун ватанпарвар, янгиликка чанқоқ, замонавий соҳаларни чуқур англаб етадиган, ўз эл-юртига хизмат қиладиган инсонларни, биринчи навбатда ёшларни" диққат марказда тутмоқ зарур.

Бу вазифа бизнинг миллий хусусиятимизни ҳам ифода этади. Халқимиз фарзанд тарбиясига, унинг келажаги, ахлоқ-одоби, касб-кори ва эл орасидаги обрўсига ниҳоятда эзгу бир фазилат тарзида қарайди. Фарзандига яхши ном қўйиш, яхши устоз қўлига топшириш, уни саводли, илмли, бирор ҳунар бошини ушлаш, уйлантириб, уйли-жойли қилиш каби халқимизнинг ажойиб анъаналари гуллаб-яшнайдиган замон келди.

Ёшларни тарбиялаш фақат оилалар вазифаси бўлибгина қолмай, умумжамият аҳамиятига молик ижтимоий бурчга айланди. "Фақатгина чинакам маърифатли одам, – деган эди И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида сўзлаган нутқида, – инсон қадрини, миллат қадриятларини, бир сўз билан айтганда, ўзлигини англаш, эркин ва озод жамиятда яшаш, мустақил давлатимизнинг жаҳон ҳамжамиятида ўзига муносиб, обрўли ўрин эгаллаши учун фидойилик билан курашиши мумкин".

Янги тафаккурга эга ёшларни вояга етказиш ва тарбиялаш мақсадида "Таълим ҳақида" қонун қабул қилинди, катта ишлар амалга оширилмоқда:

– олий мактаб соҳасида тест усули жорий этилди;

– вилоят марказларида педагогика институтлари университетларга айлантирилди;

– чет элларга тажриба алмашиш ва талабаларни ўқишга юбориш йўлга қўйилди;

– иқтисод ва бизнес соҳасидаги мутахассис ва ўқитувчиларни қайта тайёрлаш бошланди;

– ўтиш даврида 2 мингдан ортиқ талаба ва мутахассислар чет элларда ўқиб келишди;

– 200 дан ортиқ чет эл мутахассислари республикамиз ўқув муассасаларига жалб этилди;

– Давлат ва жамият, Банк ва Молия, Бадиий академиялар ташкил этилди;

– "Маҳалла", "Камолот", "Соғлом авлод учун", "Нуроний" , "Улуғбек", "Умид" ва ҳоказо жамғармалар ишга фаол киришиб кетдилар.

Шу билан бирга таълим-тарбия тизимида тарбиячининг билими, салоҳияти масаласи ҳамон долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Бошланғич таълимга эътиборни кучайтириш бўлажак саводли ва билимли ёшларни тарбиялашнинг энг мақбул йўлидир. Ёшликда ким, нимани қўлга киритса у шуни ривожлантириш, давом эттириш имкониятига эга бўлади. Бошланғич таълим жараёнида бой берилган имкониятни кейинчалик тўлдириб бўлмайди. Шунинг учун юртбошимиз таъкидлаганларидек, "боланинг дунёқараши, диди, салоҳияти шаклланадиган бошланғич синфларга энг етук, энг тажрибали мураббийлар биркитиб қўйилишини оддий мантиқнинг ўзи талаб этади".

Бундан ташқари, мураббийлар замонавий дарсликлар билан қуролланган бўлишлари керак. Эс-

ки қолипда, мустабид даврда ёзилган дарсликлар туфайли эски мафкурадан халос бўлмасдан болаларимизни янгича фикрлашга ўргатиб бўлмайди.

Мустақиллик даври дарсликларида миллат фикрининг, миллат тафаккури ва миллат мафкурасининг энг илғор намуналари акс этиши зарур. Ана шундагина ёшларимиз онги ва қалбидан мустақиллик ғоялари, миллий қадриятларимиз, тарихий ва маънавий меросимиз ўрин олади. Қаерда айтилаётган гап билан, ёзилган нарса билан уларни идрок этувчилар ўртасида онгли интизом бўлса, яъни тингловчи билан тарбиячи маънавий дунёсининг муштараклиги вужудга келса, шу ерда таълим-тарбия ўз самарасини беради.

Тарбиячи фақат тарбия "берувчи", талаб қилувчи эмас, "тингловчи" ҳамда ўз кўл остидагиларнинг мустақил фикр юритишига маънавий муҳит яратувчи бўлгандагина қарс икки қўлдан чиқади. Акс ҳолда бир-бирига қараб ўтирган, аммо хаёллари турли томонда бўлган одамларнинг ҳолатига тушиб қолинади. Бу ўринда тарбиячининг вазифаси мутлоқ эркинлик, яъни хоҳласам ўқийман, хоҳласам ўқимайман, дейдиган "мустақил фикрловчи"ларни эмас, уларга тўғри йўл кўрсатувчи, уларни билим ва маънавиятга қизиқтирувчи, орқасидан эргаштира оладиган чинакам мураббий, устоз бўлиши муҳимдир.

Бундай тарбиячилар олий ўқув юртларида шакллантирилади. Шунинг учун олий ўқув юртларига билимга чанқоқ, истеъдодли болаларни танлаш ва уларга етарли маълумот бермоқ зарур; олий ўқув юртларида қандай ва неча хил мутахассислик бўйича таълим берилиши ҳам ниҳоятда муҳим масала; замон талаб қилаётган янги мутахассисларни аниқлаб олиш зарур; бундай вазифалардан келиб чиқадиган мантиқий хулоса шуки, ўқув дастури, программаларни замонавий талабларга мослаштириб тузиш ва жорий этиш керак; шунингдек, юртимиз ўғил-қизлари таҳсилнинг охирги йилларини тараққий топган давлатларнинг ўқув марказларига бориб ўқишларини ташкил қилиш, домлаларни ҳам чет элга малака ошириш ҳамда тажриба алмашиш бўйича юборишни уюштириш мақсадга мувофиқдир.

Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури шунга ўхшаш жуда кўп масалаларни ойдинлаштирадики, уларни ҳал қилиш мамлакатимиз фани ва маданиятининг келажаги, равнақи учун ниҳоятда зарурдир.

Президентимиз И.А.Каримов кўрсатиб берганидек, кадрлар тайёрлашнинг 3 босқичдан иборат тизими қуйидаги асосий тамойилларни ўз ичига олади:

– барча таълим муассасаларида юқори малакали кадрлар тайёрлаш учун узлуксиз таълим, фан ва ишлаб чиқариш ютуқларидан самарали фойдаланиш;

– давлат таълим стандартларини жорий этиш ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизмини ишлаб чиқиш;

– ихтисосликлар, малака даражасига кўра мутахассисларга бўлган умумдавлат ва минтақавий талабларнинг истиқболини аниқлаш;

– ўқувчиларни ва мураббийларни қайта тайёрлаш;

– давлат ва ижтимоий муассасаларнинг касбга йўналтириш бўйича фаолиятини такомиллаштириш;

– ўқувчи-ёшларни Ватанга садоқат, юксак ахлоқ, маънавият ва маърифат, меҳнатга виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялаш;

– умумтаълим мактабларини давлат томонидан молиявий ва моддий-техникавий тўлиқ таъминлаш меъёрларини ошириш ва унинг механизмини такомиллаштириш;

– кадрлар тайёрлаш ва таълим соҳасига чет эл сармоялари, халқаро жамғармаларнинг маблағларини жалб этиш.

Халқ таълимининг асосий бўғинини узлуксиз таълим тизими ташкил этгани учун умумтаълим дастурларини мактабгача тарбия, бошланғич, умумий таълим ва мактабдан ташқари таълим тармоқларида тузиш мақсадга мувофиқ топилди. Бинобарин "Алоҳида таъкидлаб ўтишимиз керак, – дейди И.А.Каримов, – умумтаълим мактаби барчамиз учун мажбурий бўлиб, уларда болаларимизга умумий билим асосларини чуқур ўргатишимиз керак, том маънода фарзандларимизнинг дунёқарашини шакллантириш ва кенгайтиришимизга асос солишимиз керак".

Таълим тизими, касб-ҳунарни эгаллаш ва олий савиядаги мутахассис бўлиб шаклланиш қуйидаги поғоналар асосида содир бўлади:

1. Мактабгача таълим.

2. Бошланғич таълим. 1-4 синфларни ўз ичига олади.

3. Умумий таълим. 5-9 синфлар доирасида билим ва тарбия берилади.

4. Ўрта махсус билим таълими академик ва касб-ҳунар лицейлари ва коллежларида берилади.

5. Олий мутахассислик таълими.

Олий мутахассислик таълими бакалаврлик ҳамда магистратурага бўлинади.

Бакалаврлик базавий олий таълим бериш демакдир. Сўнгра магистратура – аниқ мутахассислик бўйича олий касбий таълим бўлиб, бакалаврлик негизида камида икки йил давом этади. Таҳсил якунида магистрлик диссертацияси ҳимоя қилинади.

Шунингдек, узлуксиз таълимнинг расмий тизимида якунловчи бир босқич ҳам борки, унга аспирантура ва докторантура киради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, аспирантура ниҳоясига етказилган магистрлик негизида 3 йил давом этади. "Фан номзоди" илмий даражасига эга бўлганларигина докторантурада ўз мутахассислиги бўйича 3 йил ўқийдилар.

Таълим-тарбия соҳасидаги миллий дастурнинг ўзига хос хусусиятларидан бири унда ёшларнинг билим олиши ва касб-ҳунар эгаллашларида жуда катта эркинлик яратилишидир.

(Давоми келгуси сонда).



ЎЗБЕКИСТОН ИСТИҚЛОЛИ



ПОКИСТОНЛИКЛАР НИГОҲИДА

Марказий Осиёдаги йирик давлатлардан бири Покистонда халқаро миқёсда, турли тилларда чиқадиган "Медиа Таймс" ("Давр кўзгуси") журнали бутун бир сонини Ўзбекистон истиқлоли, тарихи, иқтисоди, маданияти, санъати, маънавий миллий қадриятларини қизиқарли қилиб ёритишга бағишлади. Журнал муқовасида Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг суврати, титул варағида журналнинг Ўзбекистон, АҚШ, Канада, Оврупо (Лондон), Саудия Арабистони (Жидда), Бирлашган Араб Амирликлари (Дубай)даги муҳаррирлари ва манзиллари берилган. Кейинги саҳифада Қуръони Каримдан дўстлик ва маърифатни улуғловчи оятлар берилган:

(Эй, инсонлар), *Сизларга бир мусибат етса бас, ўз қўлларингиз қилган нарса* (гунох) *сабабли етур. Яна у* (Оллоҳ) *кўп гуноҳларни кечириб юборур. ... Ва Сизлардан охиратда Оллоҳдан ўзга бирон дўст ва ёрдамчи йўқдир. Денгиз, дарёлардаги тоғлар янглиғ сузиб юрадиган кемалар Оллоҳнинг оятлари - аломатларидир. Ва иймон келтирган, ёлғиз Парвардигорга суянадиган зотлар учун Оллоҳ ҳузуридаги нарсалар яхшироқ ва боқийроқдир. Улар катта гуноҳлар ва бузуқликлардан четланадиган ва* (ёмонликни кўрса) *ғазабланадиган вақтларида гуноҳлари кечириб юбориладиган зотлардир. Уларнинг ишлари доимо шўро* (маслаҳат, кенгаш) *билан бўлур ва Биз уларга берган ризқларидан хайр-эҳсон қилурлар"* (Шўро сураси, 30-50-оятлар).

Сўнг имом Бухорий, Муслим ибн Ҳажжож, имом Термизий китобларидан мехр-шафқат, хайр, саховатга доир ҳадислар танлаб олинган. Журналнинг бош муҳаррири Сайид Маҳдум Гилоний "Ўзбекистон – дўст кўшнимиз" сарлавҳаси билан Покистон бош вазири Навоз Шариф билан Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг учрашуви қандай яхши самаралар бергани ҳақидаги фикрларини баҳам кўради. Ранг-баранг сувратларда Амир Темурнинг отлиқ ҳайкали, Ўзбекистоннинг рангли иқтисодий харитаси, Бухоро ва Хева шаҳарларининг 2500 йиллиги тарихи, Президент Ислом Каримовнинг Қашқадарёга ташрифи, Муборак, Толимаржон, Ғузор–Бойсун–Кумқўрғон йўллари, пири бадавлат, серфарзанд ўзбек оилалари ҳақида (журналист ва шоира Муҳтарама Улуғова мақоласи), ўзбек аёллари, никоҳ тўйлари, қадимий ёдгорликлар, ҳунарманд усталар санъати акс этган. Беруний Алимовнинг "Ўзбектуризм" фаолиятига оид мақоласи, ЎзА мухбири Бехзод Усмоннинг "Туркистон – умумий уйимиз", "Жаҳон" агентлиги мухбири Ҳамроғул Қурбонованинг "Ҳаким Зариповлар сулоласи", "Ўзбекистон – Ньюмонт" (АҚШ) олтин кони", ўзбек адиби, ҳиндшунос олим Дадахон Нурийнинг "Лаҳорда ўзбек "Олтин девор"и" мақолалари ўрин олган. Бу ерда шоир Эркин Воҳидовнинг "Олтин девор" асари Покистонда саҳналаштирилгани айтилади.

Покистон журналида яна инглиз тили-

да Фарғона Политехника олий илмгоҳи мударрислари Абдувосит Йўлдошев ва Баҳром Мирзо, Фарғона ўлкашунослик музейи илмий ходимлари Г.Иванов ва И.Абдулаҳадовларнинг жаҳон илм-фанига буюк ҳисса қўшган аллома Аҳмад Фарғоний ҳаёти ва иждодига оид мақоласи берилган.

"Медиа-таймс" журналининг 66-120-саҳифаларида юқоридаги асарларнинг кўпчилиги рус тилида берилиб, ажойиб ранг-баранг фотосуратлар билан безатилган. "Ўзбекистонда саломлашиш", "Никоҳ" ва бошқа ички мақолаларда миллий урф-одатларимизнинг, юксак маънавий маданиятдан келиб чиқувчи нозик жиҳатлари ҳақида фикр юритилади. Жумладан, ўзбек аёллари ўзаро кўришганда бир-бирларининг елкаларини силаб, юзларини юзларига енгил тегизиб қўйиши, эркаклар кўришганда аввал қўл қисишиб, сўнг кўксига қўл қўйиб, таъзим бажо қилиб, кулиб туришлари, аёллар ва эркаклар (алоҳида) ўтирган жойларида янги меҳмон келиб қолса, барчалари ўринларидан туриб (қариялардан бошқалари) хурсандчилик билан кутиб олишлари, самимий муомалалари ажойиб миллий қадрият сифатида талқин этилади.

Домла ҳузурида никоҳ ўқитиш маросимида ҳам ҳикмат кўплиги айтилади.

Қашқадарё воҳасига доир йўлнома руҳидаги мақолада бу вилоят майдони Бельгия давлати майдонига тенглиги, қадимда ва ўрта асрларда бу жойлар темурийлар салтанатининг маркази бўлганлиги, у ерларда осориатиқалар кўплиги айтилади.

Англиялик аёл Эми Спьюлинг хорижий журналистларга хос ихчамлик ва топқирлик билан ўзбек таомлари, ҳўл ва қуруқ мевалар, қовунларнинг турли навлари, тўйларда ва ҳайит арафасида паловнинг қандай пиширилиши (беш масаллиқ – гўшт, ёғ, сабзи, гуруч, пиёздан шундай мўъжиза ҳосил қилинади), чақалоқларга қўйиладиган исмларнинг маънолари ҳақида нозик кузатишларини ёзади.

Файсал Зоҳид Маликнинг "Ўзбекистон мусулмон маънавий меросининг тикланиши" мақоласида Покистон тарихида Моваруннаҳр билан иқтисодий, маданий алоқалар кенг йўлга қўйилганлиги, ҳозир ҳам Ўзбекистонда гўзал исломий анъаналар яшаб келаётганлиги, Имом Бухорий, Ибн Сино, Улуғбек, Алишер Навоий ижодий мерослари яхши ўрганилаётгани ҳақида фикр юритилади. "Нью-Йорк , Чикаго ёхуд бошқа замонавий шаҳарларда юрганингизда, – деб ёзади мақола муаллифи, – ойна, бетон ва шу каби янги ашёлардан тикланган осмонўпар уйлар хотирангиздан тарихни, ўтмишдаги маданият ва тараққиётнинг изларини ўчириб ташлайди. Тошкент, Бухоро ва Самарқандда эса ўзбек мусулмонларининг шунчаки иқтисодий ривожини эмас, балки халқ маънавий, маданий меросининг чинакам тикланганлигини кўрдим". Шундан сўнг у Самарқанддаги "Шоҳи Зинда", "Гўри Амир", Бибихоним масжиди ва мадрасаси каби нодир маданий ёдгорликлар ҳақида ёркин таассуротларини ёзади.







Муаллиф Ўзбекистон ҳукуматининг яна бир қанча мустақил исломий ташкилот ва институтлари (Ислом тадқиқотлари маркази каби) очилганига қувонади. У Самарқанд яқинидаги Имом Бухорий ёдгорлиги мажмуасида бўлгани, бу табаррук зиёратгоҳга давлат анча катта ермулкларни, мевали боғларни вақф-совға қилиб берганини, бу дала ва боғлардан келадиган даромад Имом Бухорий масжиди ва мадрасаси эҳтиёжлари учун сарфланишини, Жума намози пайтида у маҳаллий уламолар илтимоси билан "Вал-Фажр" сурасини ўқиб берганида ўзини ниҳоятда бахтиёр ҳис этганлигини айтади.

Ўзбекистон Олий Мажлиси депутати, халқ шоири Эркин Воҳидов инглизча босилган "Шарқона демократия хусусиятлари" мақоласида ўзбек маҳаллаларида халқимизнинг минг йиллик маънавий ҳаёт анъаналари, миллий урф-одатлари, инсонийлик, меҳр-оқибат ва халқона демократия яшаб келаётганлигини ёзади. Чиндан ҳам, маҳаллада одамлар орасидаги меҳрмурувват, яхши қўшничилик, тўй-маъракалар, салгина ноҳақлик ва адолатсизлик ҳам дарров халқ тилига тушиб, ошкора бўлади. Шу туфайли, маҳаллада бошлиқ, мансабдорлар ҳам, оддий ҳунарманд ҳам тенг кўрилади. Бу ерда фақат яхши ва ёмон, илмли ва саводсиз одамлар фарқланади.

"Бу уйдан ҳеч ким кўнгли оғриб кетмасин" мақоласида (М.Улуғова) ўзбек оилавий ҳаёти хусусиятлари ёркин очиб берилган. Мақола муаллифи халқимизнинг неча минг йиллик миллий анъаналари, урф-одатлари, маънавий қадриятлари оилавий ҳаётда сақланиб, давом эттирилиши, Шарқда ҳар бир инсоннинг ахлоқий, маданий, сиёсий, эстетик қарашлари оилада шаклланиши, ота, она, келин, куёв, қайнота, қайнона ҳурмати, фарзандлар тарбияси оила муҳитида кўриниши ҳақида фикр юритади. У тўй ҳақида гапириб, ёш келин-куёвга қариндош-уруғлар чарлар вақтида рўзғорига керакли жиҳозларни совға қилишини, тўйдан сўнг чилла вақтида келин ва куёв ўзларини турли ёт таъсирлардан асрашини, куёв 40 кунгача кеч келмаслиги, карта ўйнамаслиги, бировлар билан уруш-жанжал қилмаслиги зарурлигини айтади. Шоир Чўлпон ижоди ҳақидаги мақола инглиз ва рус тилларида босилган.

Марказий Осиёда биринчи бўлиб қурилган Тошкент метрополитени манзаралари, Ўзбекистон ҳунармандлари, заргарлари, чеварлари санъати ҳам журнал саҳифаларида ёркин аксини топган.

Бинобарин, Ўзбекистон жаҳон кўзгусида ўзининг азалий ва замонавий кўркини тобора равшан намойиш этмоқда.

Маҳкам АНДИЖОНИЙ.

ИМОМ БУХОРИЙ ПОКИСТОНДА

1998 йил мустақил Ўзбекистон давлатининг ҳаётида тарихий ва унутилмас воқеалар бўлиб ўтди.

1998 йил 1 сентябрда мустақиллигимизнинг 7 йиллигини нишонлаган бўлсак, орадан 1,5 ой ўтгач, Ўзбекистон халқи, шунингдек, бутун мусулмон Шарқи Ўрта осиёлик буюк зотнинг таваллуд топган кунларини катта шодиёналик билан нишонладилар. 1998 йили 23 октябрда ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорийнинг таваллуд топганига 1225 йил тўлиши ва буюк риёзиюн, астроном, табиатшунос олим Аҳмад ал-Фарғонийнинг таваллудига 1200 йил тўлиши муносабати билан кўҳна Самарқанд ва Фарғонада илмий анжуманлар ўтказилди. Бу тантаналарда жаҳоннинг турли мамлакатларидан азиз меҳмонлар икки алломанинг пок руҳларини шод этмоқ учун Ўзбекистонга ташриф буюрдилар.

Жумладан, Покистон давлатидан келган меҳмонлардан йирик олим Аҳмад Ҳасан Доний ўзининг "Келажаги порлоқ давлат" номли интервьюсида Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийларга бағишланган халқаро анжуманда олган таассуротлари ҳақида шундай дил сўзларини изҳор қилади: "Мен бундан 6 йил бурун Президент Ислом Каримовни кўрган эдим. Ҳозирги Ислом Каримов ўз мамлакати билан бирга жуда ўзгарган, унинг ўз халқига, она-Ватанига, айниқса, аждодларига кўрсатаётган ҳурмат-муҳаббати, ишлари жуда катта таҳсинга сазовор.

Бу галги сафар чоғида ҳурматли Ислом Каримов жаноблари икки буюк алломанинг таваллудига бағишлаб ўтказилган тантаналарда кўрдим. Ул зотнинг тантаналарда бошидан охиригача қатнашишлари, бош-қош бўлишлари, мароқли ва сермазмун маърузалари бизда жуда чуқур таассурот қолдирди. Эндигина 7 ёшга кирган давлатнинг ишлари ошиб-тошиб турган, ҳар бир дақиқалари ўлчовли бўлишига қарамай, жаноб Президент буюк муҳаддис Имом ал-Бухорий ва Аҳмад ал-Фарғонийдек сиймоларга ҳурмат-эҳтиром кўрсатди.

Бизга маълум, не-не миллий қадриятлар шўролар давлатида оёқ ости қилинган, ер қаърига киритиб юборилган эди.

Президент Каримов уларни тиклаш ва жамият ҳаётида қарор топтиришга саъй-ҳаракатлар қилмоқда. Ёниб яшаб, ёш авлодни миллий қадриятлар, буюк аждодларга ҳурмат ва эҳтиром билан қарашга ўргатмоқда. Маданиятимизни жаҳонга танитишда ҳормай-толмай катта иш юритмоқда. Биз ана шу икки кун ичида қадимий ва навқирон Самарқанд ва Фарғонада бир-биридан чиройли, ям-яшил майдонлар, кўчалар, кўзни қамаштирадиган биллур чироқлар, мавж уриб кишига ҳузур бағишловчи фавворалярни кўриб лол қолдик...

Президент Ислом Каримовнинг нафақат ҳамдўстлик мамлакатларида, балки хорижий Шарқ мамлакатлари ўртасида ҳам обрў-эътибори баланд... Ислом маданияти бизга кўпроқ Арабистон орқали эмас, балки Ўрта Осиё орқали кириб келган. Шунинг учун расм-русумларимиз, анъаналаримиз, байрамларимиз ва ҳатто тилимизда ҳам муштарак томонлар кўп.


Биз бир дарахтнинг шохларимиз. Бу борада севимли шоиримиз Муҳаммад Иқболнинг қуйидаги тўрт мисрасини келтириш жоиз деб биламиз:

На афғонмиз, на туркмиз, на тотормиз,
Ҳар биримиз бир гул - бирга гулзормиз.
Ирқ ажратмоқ бизга тамом бегона,
Бир қуёшдан баҳра олган баҳормиз.

Икки буюк давлат, халқ ўртасидаги алоқалар юқори чўққиларга кўтарилишини истайман. Менга қадрдон бўлган меҳмондўст ўзбек халқи, унинг доно Президенти омон бўлсин, зафар доимо ёр бўлсин!"

Йирик олим ва жамоат арбоби, "Покистон обсервер" газетаси ва урду тилида чоп этиладиган "Ҳурмат" журнали бош муҳаррири ўринбосари Файсал Зоҳид Малик анжумандан олган таассуротларини юқорида номлари зикр қилинган газета ва журналда чоп этди.

У "Имом Бухорий ва Аҳмад Фарғонийнинг юртларига саёҳат" номли мақолаларида покистонликларга ўз таассуротларини шундай ҳикоя қилади: "Анжуманда сўзга чиққан машҳур уламо ва ёзувчилар ўз маърузаларида Имом Бухорий ҳадиснинг энг ишончли тўпламі "Саҳийҳ ал-Бухорий"ни тўплаб, улуғ иш қилганини таъкидлайдилар. Улар мазкур асар неча асрлар муқаддам ёзилганига қарамай, бу китоб Қуръони Каримдан кейин иккинчи ўринда турадиган муҳим ислом таълимоти манбаи сифатида бутун ислом оламида ҳозиргача юқори баҳоланиб келинаётганини изҳор қилдилар. Маърузачилар, айниқса, шунга диққатни қаратдиларки, Имом Бухорий тўплаган ҳадислари фақат шариат аҳкомларига оид умумий қоидаларни акс эттириш билан чекланиб қолмай, балки уларда меҳр-оқибат, сахийлик, очиқ кўнгиллик, ота-она ва катталарга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, ҳалоллик, турли халқлар орасида ўзаро дўстлик каби инсоний фазилатлар ҳам акс эт-



тирилган. Шунингдек, унда нима яхши, нима ёмон каби ҳозирги жамиятимиз аҳли, айниқса, ёш авлод учун катта тарбиявий аҳамиятга эга йўл-йўриқлар, панд насиҳату ўгитлар ўз ифодасини топган.

Ватандошимиз профессор Белуж "Ал-Жомеъ ас-Саҳиҳ"нинг Ҳиндистон ва Покистонда ўрганилиши ҳақида маъруза қилди.

Мажлислар ниҳоясида етгандан сўнг Имом Бухорий дафн этилган мақбара устига янги, жуда гўзал гумбаз барпо этилган қишлоққа бордик. Янги масжидда номоз ўқиганимиздан сўнг тушлик қилдик. Пешинда барчамиз машҳур Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг етиб келишларини кутдик.

Президент Ислом Каримов анжуман қатнашчилари билан қўл бериб кўришганларидан сўнг, мақбара олдига бордилар. Аввал Ўзбекистон мусулмонлари муфтийси Қуръондан бир сура тиловат қилдилар, сўнг Президент Қуръони Каримдан ва Имом Бухорий ҳадисларидан келтириб, жуда кучли нутқ сўзладилар, бу эса олиму уламоларда чуқур таассурот қолдирди.

Конференция иштирокчилари Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг номлари унутилаётган кўплаб алломаларнинг шуҳрати қайта тикланаётганининг гувоҳи бўлдилар.

Истиқлолингиз мустаҳкам бўлсин, ўзбек халқи юртбошиси омон бўлсин, деб қолдилар хорижий меҳмонлар".

Ўзбекистонда Имом Бухорий ва Аҳмад Фарғонийларнинг таваллудларига бағишланган халқаро илмий анжуман ишлари Покистоннинг нуфузли журналларидан яна бири "Ҳурмат"да ўз ифодасини топди.

Журнал саҳифаларида Файсал Зоҳид Малик Имом Бухорийга, мустақил Ўзбекистонга бағишланган туркум мақолалари билан қатнашган.


Жумладан, "Ўзбекистон ҳақида чексиз таассуротларим", "Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг чет эллик меҳмонлар билан учрашуви", "Меҳмоннавоз ўзбек халқи", "Имом Бухорий ва Аҳмад Фарғонийга бағишланган анжуманлар" ҳамда Ўзбекистон Президенти ҳақида расмлар билан ифодаланган лавҳалар берилган. Журналда, шунингдек, Ўзбекистондаги тарихий ёдгорликлар ҳақида лавҳалар ҳам баён қилинган.

Муаллиф чоп этилган туркум мақолаларида жумладан қуйидаги фикрларини баён қилади:

"Ўзбекистон халқи ўз аждодларига катта ҳурмат билан қараб, уларга таъзим бажо келтирмоқдалар. Уларнинг номларини ва таълимотларини бутун жаҳонга танитмоқдалар. Ислом маданиятининг Осиё қитъасига Ўрта Осиё орқали кириб келгани ҳақиқат. Ўзбекистон Республикасининг биринчи Президенти Ислом Каримов жаноблари биз хорижий мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар билан учрашув вақтида бизларнинг ушбу халқаро анжуманда иштирок этаётганимиздан беҳад хурсанд эканликларини билдирдилар".

Файсал Зоҳид Малик ўз мақоласини қуйидаги сўзлар билан тугаллайди: "Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов ўз маърузасининг якунида шундай деди: "Ўша даврда яшаб, ижод этган буюк мутафаккирлар ва олимлар нафақат ўзбек халқининг, балки бутун мусулмон дунёсининг фахридир".

Саъдулла ЙЎЛДОШЕВ.



Қодиржон ИНОМОВ

ОИЛАНИНГ МАЪНАВИЙ АСОСЛАРИ

Маълумки ҳар томонлама етук кишиларни, яъни эл-юртга садоқатли, маънавияти бой, ахлоқий пок, жисмонан соғлом кишиларни тарбиялаб воягa етказиш оиладан бошланади. Никоҳ ва оила муқаддас бўлиб, у ота-боболаримиздан бизга мерос бўлиб келаётган маънавий оламнинг давомидир. Оилавий муносабатлар ўзининг мустаҳкам маънавий таянчларига асосланиб ривожланади. Маънавий ва ахлоқий покланиш, иймон, инсоф, диёнат, ор-номус, меҳр-оқибат ва шу каби чинакам инсоний фазилатлар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди, балки улар тинимсиз тарбиявий ишларнинг самараси сифатида вужудга келади.

"Маънавият тарбиянинг энг таъсирчан қуроли экан, ундан оқилона фойдаланиш, болаларимизни ватанпарварлик, ростгўйлик, ҳақсеварликка ўргатиш керак бўлади".

И.А.Каримов



Ўзбек халқининг маънавиятида миллатнинг ўтмиши, ҳозирги куни ифодаланиши билан бирга, оилавий турмуш ва муносабатлар оила аъзолари учун муҳим қадриятлардир.

Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган барқарор сиёсат айнан оиланинг ёшларни Ватанга, халққа, жамиятга ҳурмат руҳида тарбиялашдаги ролини оширишга қаратилган.

Оилада фарзандларни тўғри тарбиялашдек мураккаб вазифа, мажбуриятлар ҳадисларда ҳам ўз ифодасини топган. Муҳаммад Расулуллоҳ ҳадисларида "Ҳеч бир ота ўз фарзандига хулқу одобдан буюкроқ мерос бера олмайди", "Фарзандларингизни иззат-икром қилиш билан бирга ахлоқ-одобини ҳам яхшилангизлар" деб марҳамат қилганлар.

Ота-оналар ўз фарзандларини тарбиялашдек мураккаб бурчларини ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатлик асосида қурғандагина оила мустаҳкам бўлади. Ота-оналар билан болалар ўртасидаги муносабатлар ростгўйлик ва адолатлиликка асосланғандагина оила тарбияси тўғри ҳамда самарали бўлади.

Оиладаги тарбиявий ишларнинг тақсимотида рўзғор учун маблағ топиш отанинг иши, болаларни тарбиялаш онанинг иши, деб аниқ чегара қўйиш мутлақо нотўғри. Чунки, болаларни умуминсоний қадриятлар руҳида, жамият талабларига жавоб берадиган, хушхулқли, ақлли, меҳнатсевар қилиб етиштиришда ота ҳам, она ҳам бирдек масъулиятлидир.

Демак, ота-оналар ўз болаларига нисбатан тенг ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга. Дарҳақиқат, болаларни меҳнатсеварлик руҳида тарбиялаш, ҳар қандай қийинчиликларни чидамлилик билан бартараф қилиш, дўстлик ва бирдамлик руҳида тарбиялаш оила бахти, бола келажагининг мустаҳкам заминидир.

Афсуски, баъзи ота-оналар жамият ва ўз фарзандлари олдидаги масъулиятни тўғри бажармаётгани туфайли болаларида меҳнатсиз, енгил ҳаёт кечириш кайфияти шаклланади. Бу эса, ўз навбатида, ножўя ҳаракатларни содир этишга олиб келади.

"... Гап энг муқаддас нозик нарса - фарзандларимиз қалби ҳақида, маънавий ва ахлоқий тарбия асосларини яратиш, ёш инсонни муайян касбга йўналтириш ҳақида бормоқда", деб таъкидлайди Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн иккинчи сессиясида қилган маърузасида.

Модомики, оила жамиятнинг негизини ташкил этар экан, уни давлатимизнинг илдизи деб тушунишимиз, давлатни эса катта бир оила деб тасаввур қилиш лозим.

"Оила,– деб таъкидлаган эди Ислом Каримов, – турмуш ва виждон қонунлари асосига қурилади". Дарҳақиқат мустақиллик йилларида Ўзбекистондаги ҳар бир оилада демократик негизларга асос солинди ва солинмоқда. Бу ижобий жараён кенг қамровли бўлиб, халқимизнинг бой маънавий салоҳиятига таянади.

Миллатнинг давомийлиги аввало масъул зот ҳисобланган аёлларнинг маънавий қиёфасига ҳам кўп жиҳатдан боғлиқдир. Маънавиятсиз ҳеч қачон моддий фаровонликка, умумтараққиётга эришиб бўлмайди. Маънавий қашшоқлик миллий танназзулга олиб келиши мумкин. Ноаҳил оилалар миллатни заифлаштиради.

Она буюк зот. Оилада уларга катта масъулият юклатилади. Аёллар ҳам жамият ҳаётида, оғир меҳнат ёки тижорат соҳасида эркаклар билан баббаробар иштирок этишлари, гоҳида, уларда оила олдида масъулият ҳиссини заифлаштириб қўймоқда. Бундай қийинчиликларга бардош бера олмаган баъзи бир аёллар енгил-елпи ҳаёт кечириш йўлига тушиб кетмоқдалар. Аёлларнинг олис шаҳарлар ва хорижий мамлакатларга тижорат сафарларида учровчи баъзи ноҳуш ҳолатлар шубҳасиз, болалар тарбиясига ва оиланинг мустаҳкамлигига салбий таъсирини ўтказмай қолмайди.

Чайқовчилик билан шуғулланиб, чет элларга қатнаб, олди-сотти ишлар билан қўли мўмай пул кўрган айрим енгил табиатли аёллар ўзларини моддий жиҳатдан таъминлашидан мағрурланиб кетиб, миллий қадриятларга, инсоният маънавиятига нисбатан ҳурматсизлик қилмоқдалар. Бундай салбий ҳолатларга қарши курашиш нафақат оила доирасида, балки бизнингча, кенг жамоатчилик иштирокида олиб борилиши лозим.

Миллий Истиқлол даврида, жамиятимиз янгиланиши жараёнида оила ҳаёти янада миллийлашиб бормоқда. Президентимизнинг бевосита ғамхўрлигида фарзанд тарбияси, оила ҳаётини мустаҳкамлаш учун шарт-шароитлар яратиб берилмоқда. Оила маркази ташкил этилган. Республикада оилага хизмат кўрсатиш тизимини яратиш ва уни мунтазам равишда такомиллаштириш оиланинг жамиятдаги аҳамиятини оширади ва мустаҳкамлайди. Бундай оиланинг ёш авлодни софдил, иймон, инсофли қилиб шакллантиришдаги мақоми янада ортади. Тарихий қадриятларга, миллий урф-одатларга, мавжуд қонунларга риоя қилиб, ҳалол меҳнат билан яшовчи оила оқибатда жамият ривожланишига салмоқли ҳисса қўша олади.

Илм ва ахлоқ

(Моддий тараққиёт ва инсон камоли)

Сир эмаски, маърифатнинг хосияти фақат илм-фанларни ривожлантиришдагина эмас, балки инсонларни камолотга етказишдадир. Инсоният XXI асрга қадам қўяр экан, фан ва техника соҳасида жуда кўп муваффақиятларга эришди, электроника, лазер техникаси, ядро физикаси, фазога учирилаётган қудратли ракеталар ҳам инсон ҳулқини тузатишга, кўнглини гўзал, меҳр-муҳаббатга бой қилишга кучи етмайди.

Аллома Маҳмуд Абулқосим Замахшарий айтган эдики: "Айвони атрофида қушлар учиб, қўнмайдиган жойга ёмғир ҳам барака бермайди. Унинг эгаси ҳам эркинлик (нималигини) билмайди, у жой (маънавий) фақирликка гирифтордир". Яъни, меҳр-мурувват саховат йўқ жойда ҳар қанча мол-дунё бўлса ҳам, инсонийлик етишмайди.

Тўғри, йўққилик, камбағаллик ёмон, аммо мол-дунё, фақат моддий бойликларга ружу қилиш ундан ёмон. Абу Райҳон Беруний "Ҳиндистон" асарида жамиятнинг бир-бирига қарши турли ижтимоий табақаларга ажралиб кетиш сабабларини керагидан ортиқча бойлик орттириш билан боғлайди. Мол-дунёси кўпайган одам одатда мақтанчоқ, кибру ҳаволи, худбин бўла боради, атрофидаги оддий одамларни менсимай кўяди, дабдаба ва шон-шуҳратга интилади.

Инсонийлик ва инсоф танқислиги фақат бизда эмас, бутун дунё мамлакатларига хосдир. Бу муаммо барча софдил кишиларни ташвишга солмоқда.

Шунинг учун ҳам мамлакатимиз раҳбари Ислом Каримов 1997 йилни Инсон манфаатлари йили, 1998 йилни Оила йили, 1999 йилни Аёллар йили деб эълон қилди. "Иқтисод, сиёсат соҳасидаги барча ислоҳотларимизнинг асосий мақсади – инсон ва унинг манфаатлари" деб тушунтиради Президентимиз инсонпарварлик ғояларига содиқлик ҳақида гапириб.

Инсониятнинг маънавий юксалишига жиддий халал бераётган табиий ва ижтимоий муаммолар Алишер Навоийни ҳам, Жан Жак Руссони ҳам, XX аср мутафаккирлари Альбер Камю ва Альберт Швейцерни ҳам ташвишга солган эди. Руссо ёшлик чоғларидаёқ машҳур Дижон академияси конкурсталнови учун "Фанларнинг ривожи одамларнинг ҳулқини яхшилайдими?" деган саволга, "Йўқ", дейишга журъат қилган эди. Фан-техника ривожи давомида цивилизация ва ахлоқ ўртасидаги, моддий тараққиёт ва маънавий тараққиёт ўртасидаги зиддиятлар янада кучайди. Илм-фан ривожидан фойдаланиб, қирғин қуролларининг кўплаб ишлаб чиқарилиши инсон эркинлиги, шахснинг яшашга ҳуқуқи дахлсизлиги, инсониятга ҳурмат масалаларини айрим давлат арбоблари ва сиёсатдонлар унутиб қўяёздилар. II жаҳон уруши, Хиросима, Нагасаки фожеалари, Вьетнам, Босния, Сербия, Афғонистон урушлари шу зиддиятлардан келиб чикди.

Айрим мамлакатлар ва минтақалардаги табиий фалокатлар бора-бора Ер курраси экологиясига салбий таъсир кўрсата бошлади. Масалан, Орол денгизининг қуриб бориши, Ўзбекистонда узоқ йиллар давом этган пахта яккаҳокимлиги туфайли, заҳарли химикатлар таъсирида баъзи ерларнинг ишдан чиқиши, халқ саломатлигига салбий таъсири бунинг ёркин далилидир. Мустақиллик туфайли бундай табиий ва ижтимоий ҳалокатларнинг олдини олишга эътибор кучайди.

Ғарб ва Шарқ мутафаккирлари фикрича, бозор муносабатлари, яхши маҳсулотлар ишлаб чиқаришда эркин рақобат ривожланишни таъминлаши билан бирга, фойда кетидан қувишда асрлар давомида инсонларни маънан соғлом қилиб турган виждон, инсоф, диёнат каби ахлоқий мезонлардан чекиниш - бора-бора маънавий таназзулга олиб келиши мумкинки, бундай инқироз табиат экологияси бузилишидан ҳам фалокатлироқдир.

Альберт Швейцер фикрича, ҳозирги замон жамиятида одамларнинг табиат берганига қаноатланмай, ортиқча бойлик орттираман деб, тинимсиз меҳнат билан, соф ташкилотчилик билан банд бўлиб, маънавий камолотга, инсоний қадр-қимматга, меҳр-оқибатга эътибор беришга вақти етмаётганлиги, айрим корхоналар ва корчалонлар манфаатлари умуминсоният манфаатларидан устун қўйилиши - ҳаммаси бир бўлиб, инсонларни қиёфасиз, роботларга айлантириб қўйиши мумкин. Алломанинг фикрича, фақат маънавий, ахлоқий идеаллар, қадриятларгина одамларни иқтисодий манфаатлар қуллигидан қутқазиб, табиатга, гўзаллик, нафосат, эзгулик, яхшилик, меҳр-шафқат оламига қайтариши мумкин. Саъдий Шерозийнинг қуйидаги байтлари Бирлашган Миллатлар Ташкилоти биносининг пештоқига ёзиб қўйилгани бежиз эмас:

Баний башар вужуди бир бадандир,
Барчаси бир моя, бир гавҳардандир.
Танада бир аъзо гар бўлса бемор,
Ҳаммасида қолмас сабр ҳам қарор.
Ўзгалар ғамини чекмаса одам,
Анга нолойиқдир инсон деган ном.

Алишер Навоий ҳар бир одамнинг халқ, жамият олдидаги инсоний бурчини янада равшанроқ қилиб: "Одамий эрсанг, демагил одамий, ониким йўқ халқ ғамидин ғами" деб изҳор қилган эди. Шарқ мутафаккирлари фикрича, маънавий фазилатларга эга бўлмай туриб, ахлоқий покликка эришмай туриб, жамиятда адолат ўрнатиш мушкулдир. Дунё халқларининг аҳиллиги, дўстлиги ва ҳамкорлиги экология ва ижтимоий адолат соҳасида ҳаётбахш самаралар беради.

Ўзбекистонда демократия ва ижтимоий адолатни ташкил этувчи маънавий қадриятлар қайта тикланиб, тарих, фалсафа, дин, маданият, ахлоқий мезонлар шўролар мафкураси ва сиёсати тазйиқидан қутулиб, соғлом ривожланиш йўлига кирди. Руҳий олам гўзаллигига эътибор, маънавиятни юксалтириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши даражасига кўтарилиши, инсон шахсий манфаатлари билан жамият, халқ манфаатларининг уйғунлашувига интилишлар келгусида янада ҳаётбахш самаралар беради, деб умид қиламиз.

Эмина ИЗЗАТОВА.

АХЛОҚИЙ КАМОЛОТ ВА ВИЖДОН ЭРКИНЛИГИ

Мамлакатимиз тўла маънода ҳур ўлка мақомига эга бўлганидан буён ўтган давр мобайнида жамиятда содир бўлаётган турли ижтимоий жараёнларда мустақил Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотларга халқимизнинг некбинлик билан муносабатда бўлаётганлиги, энг аввало уларнинг қалбларида самимийлик, инсонпарварлик, Ватанга муҳаббат, иймон нури мужассамлигидан далолатдир.

Устоз деган шарафли ном учун, уни тўла маънода оқлаш учун заҳмат чекаётган олиму фозил кишиларимиз, шу жумладан педагогларимизнинг бутун фикри, амалиёти, интилишлари маънавий изланиш, ёш авлод камолоти учун хизматдан иборат. Президентимиз И.Каримов таъкидлаб ўтганларидек "...маънавий жиҳатдан мукаммал ривожланган инсонни тарбиялаш, таълим ва маорифни юксалтириш, миллий уйғониш ғоясини рўёбга чиқарадиган янги авлодни вояга етказиш давлатимизнинг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолади". Бу шарафли иш энг аввало педагогларимиз, қолаверса, жамиятимиз зиёлилари зиммасидаги муқаддас вазифадир.

Мустақил Ўзбекистонда бош ислоҳотчи давлат эканлигини доимо ёдимизда сақлаб, устоз деган юксак номимизга содиқ қолган ҳолда, ўз фаолиятимизни ҳозирги давр маънавий талабларига жавоб бера оладиган даражада олиб боришимиз олдимизда турган шарафли вазифадир.

Имом Абу Ҳомид Ғаззолий "Кимиёи саодат" асарида шундай ёзадилар: "Инсон фариштa ва ҳайвон орасидаги махлукдир. Ҳайвон руҳан ривожланмайди, чунки унинг камолот қуввати йўқ. Фариштa ҳам ривожланмайди, чунки унинг ўзи пок илоҳий нурдан иборат. Фақат инсондагина ривожланиш, руҳий камолот хислати мавжуд". Шундай экан, ўзўзидан кишилик жамияти ўзини англай бошлаган давриданоқ доимо маънавий юксак устозга эҳтиёж сезиб келганлиги маълум бўлиб қолади.

Лекин ҳозирги даврда динга муносабат маънавий ва дунёвий, моддийлик асосида фикрловчилар орасида турли-тумандир. Шуниси аниққи, диний қадриятларни тушуниш ва тушунтиришда ҳар бир фикрловчи инсон ўзининг савияси даражасида ҳамда кўзлаган мақсади ёки фаолияти нуқтаи назаридан ёндошади. Шунинг учун ҳам узоқ даврлардан буён динимиз ягона ислом бўлсада, унда турли йўналиш, назария, тариқатлар вужудга келди. XIII аср мутафаккири Баҳоуддин Валад уқтиришича, динда "бирламчи (асос) амалдир..." "Амал ҳолдан ҳолга қараб ўзгариш, яъни муттасил покланиб боришдир"... "Она қорнидаги уруғ (нутфа) ҳолдан ҳолга ўтиб, ўзгариб ривожланади, қуюқлашиб, мурғак жон пайдо бўлади ва одамзот қиёфасига киради, туғилади. (худди шундай) киши ҳаётда ҳам доимий тараққиётга бўлмоғи лозим". Яъни, қилинаётган амал фақат ташқи кўринишга эга бўлмай, асосий эътибор унинг мазмунига, амалий таъсирига қаратилмоғи керак.

Мазкур мутафаккирнинг яна бир эътиборли фикри: "Баданнинг феълу аъмоли намоз, рўза ва бошқалар бўлгани каби, илм амалдан ажралган бўлиши... фойдасиз илмдир". Хусусан, қуруқ ваъда ва чиройли иборалар қўлланилаверсаю, амалда кўринмаса, бу дин нуқтаи назаридан ҳам, илмий мантиқ нуқтаи назаридан ҳам риёкорликдир.

Диннинг маъноси – бу соқол қўйиш, ҳижобга бурканиш, намоз, рўза, закот, ҳаж эмас, балки ана шу каби амаллар дилни поклашга ва оқибат юксак инсоний камолотга эришувга хизмат қилишидир. Агар дин амали Аллоҳга муҳаббат даражасига боғлиқ бўлса, ана шу муҳаббатнинг бир кўриниши сифатида Ватан ва халққа муҳаббат бизнинг фаолиятимиз мазмуни бўлмоғи зарур.

Аммо бундай фидойилик туйғуси энг аввало оилада камол топиши ҳеч кимга сир эмас.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий, сиёсий-маънавий ислоҳотлар даврида вужудга келаётган баъзи иқтисодий қийинчиликлар босқичини ўтишда, айрим оилаларда рўзғордаги етишмовчиликлар оқибатида шариат аҳкомларига беписандлик билан қараб, ҳаром-ҳалол деган тушунчалардан йироқлашиб, товламачилик, муттаҳамлик, фаҳш, ўғрилик ва ҳоказо иллатлардан ҳазар қилмай, қай йўл билан бўлсада пул топиш, нафс қулига айланиш ҳолатлари учрамоқда.

Мутафаккирлар таъкидлаганидек, нафс – шайтон қутқуси , нафс – тубанликка тортадиган куч, нафс – ҳирсу ҳавас даракчиси, тамаъ, манманлик, жаҳолат, порахўрликни келтириб чиқарадиган қувват. Ана шу нафсга эрк бериш ёки уни жиловлай билиш фазилати, энг аввало, оилада шаклланади ва айни вақтда ўз авлодининг бахтли келажагидан умидвор бўлган оила бошлиқлари ўз фарзандига яхши ном қўяди, яхши муаллим қўлига топшириб, саводини чиқаради, илмли, касб-ҳунарли қилади, фарзандини уйлантиради, уйли-жойли қилади.

Олижаноб, маърифатли оилаларда улғайиб, камол топган фарзандлар фаолиятидан аввало оила, қолаверса бутун жамият манфаатдордир. Ана шундай баркамол оилалар кўплаб яшайдиган маҳаллаларда ўсган ёшлар онгида қайсидир сабаб билан вужудга келган нуқсонли жиҳатлар ҳам барҳам топиб, оила, маҳалла, жамият талабларига жавоб бера оладиган ва хизмат кўрсата оладиган даражада камолот соҳиблари бўлиши табиийдир.


Халқнинг маънавий камолоти, хусусан ёшларда ҳалоллик сифатларини тарбия қилиш ўтмишда, ҳозир ҳам, келгусида ҳам ўз долзарблигини йўқотмайдиган абадий муаммодир, зеро камолот нафақат доимо давр билан ҳамқадам, балки, маълум даражада, ундан олдинроқ бўлиши ва илғор зиёлилар ўз ортидан халқнинг ҳам юксалиб боришига хизмат қилиши шартлиги инкор этиб бўлмас ҳақиқатдир.

Мактабдаги фаолиятнинг самараси эса аввало устоз маҳоратига ва, иккинчи томондан, бу маҳорат ва фидойилик жамият томонидан қўллаб-қувватлаб турилишига бевосита боғлиқдир.

Ҳозирги даврга келиб барча таълим-тарбия муассасаларида фаолият олиб бораётган мутахассислар эътибори шунга йўналтирилган бўлиши керакки, эндиликда ҳур ўлкамизга "... битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак." Менга қолса, аввало бизга тарбия кўрган, кейин эса пухта таълим эгаси бўлган кишилар керак, деб айтган бўлар эдим. Негаки, кўпчилик муассасаларда яхши мутахассисларни кўришимиз мумкин, аммо афсуски маънавий тарбия масаласида улар халқимизнинг талаби даражасида эмас.

Президентимиз эслатиб ўтганларидек "... ҳар қайси давлат, ҳар қайси миллат нафақат ерости ва ерусти табиий бойликлари билан, ҳарбий қудрати ва ишлаб чиқариш салоҳияти билан, балки биринчи навбатда ўзининг юксак маданияти ва маънавияти билан кучлидир". Ана шундай маърифат ва маънавият эгаси бўлган кишиларда, аввало, Ватан меҳри мустаҳкам бўлади. Меҳр-муҳаббатга тўлиқ қалб соҳиби эса элим деб, юртим деб ёниб яшаш салоҳиятига эга бўлади.

Акбарали МАНСУРОВ,
фалсафа фанлари номзоди.



Наби ЖАЛОЛИДДИН

Юкиниб бородур юрагим...

ТАЛОШ

Келибди мени йўқлаб
Сендан элчи - қуёшим -

Тунлар тўккан кўз ёшим,
Армонларга талошим,
Сен отган тилло тошим.

Билмагай ишқи йўқлар,
Сендан элчи қуёшим.

Неча кунлик рутубат
Ҳижронларнинг мозори.

Ай, кўнглимнинг зўр зори,
Ширин азоб озори,
Мен ишқингни қозондим.

Кун қолгай кўкда тунаб,
Ай, кўнглимнинг зўр зори!

Баҳор оқар қонимда,
Гуллар сочим, бармоғим.

Кўксимда қизғалдоғим
Тайин баҳрим ёрмоғи
Ва ёнингга бормоғи.

Бир тўфон бор жонимда,
Тайин баҳрим ёрмоғи.

Соғиндим сени, кунни,
Ҳусни кундан ортиғим,

Севгимнинг тилло тиғи,
Мен излаган ёртиғим,
Оллоҳимнинг тортиғи.

Сен-ла майсадек ундим,
Оллоҳимнинг тортиғи!

КЕЧ КУЗ. ДАРАХТЗОР

Шивирларди бу япроқ ҳам қачонлар,
Энди хазон - сарғайибди, сўлибди.
Ўзидайин ғариб дўстин ачомлаб,
Шамолларга тўшин тутиб турибди.

Гувиллайди очкўз шамол тунлари,
Чирмашади бир-бирига ҳасратлар.
Узоқлашар ёлғизларнинг унлари,
Қололмайди сариқ уюм асраблар.

Тонгни кутар.
Тонг отади бепарво,
Кампирларнинг хаёлидай чўзилиб,
Қуёш қани?
Ана, бўздек арава,
Дийдирайди қиздиролмай ўзини.

Келақолса узун-узун супурги,
Фаррошларни куйиб кутар қийноқлар...
Чақилади қўйнидаги гугурти,
Ёна бошлар ва ниҳоят япроқлар...

Энди тёнтир ойдин-ойдин хаёллар
Ғариблар ҳам қасосини бошласин
Қанисан тун?
Кела қолинг, шамоллар,
Аччиқ куллар кўзингизни ёшласин?

ЯЛПИЗЛИ КЕЧА
(Раҳматли онамдан ялпизнинг ҳиди келарди)

Ялпизнинг япроғи овунчим,
Ялпизли май қуяр мастона.
Ёқар жоним зангори чим-чим,
Тушларимга кирсайди онам.
Тушларимўў-ўўв!..

Соғинчим соябон, хаёли-хумор,
Кўзимга тўкилиб ётибди олам.
Киприклар бўзлашиб айтади ёр-ёр,
Тушларимга кирсайди онам.
Тушларимўў-ўўв!..

Нигоҳимга ёпаман сувни,
Ялпизнинг оғуши бошпанам.
Қайдан топай ахир уйқуни?!
Тушларимга кирсайди онам.
Тушларимўў-ўўв!..

Сурати йўқ. Сурати Ойда,
Ой тунлари тўлган паймонам.
Ялп-ялпи-изз, баргинг манглайга бойлаб,
Тушларимга кирсайди онам.
Тушларимўў-ўўв!
Ялпиз тушимўў-ўўв!..

МЕНИ ЙЎҚОТДИНГМИ?

Мени йўқотдингми, эй, кўнгил,
Баҳринг сенинг ҳувиллар бунча?!
Айрилдингми бебошингандан
Осмонингда тонглар отгунча.

Осмонингда тонглар отгунча
Қолмадими тўккали кўз ёш?
Бебошингнинг аразишунча -
Кўйларингга тополмас бардош.

Кўйларингга тополмас бардош,
Қон ўрнида соғинч оқодур.
Айладинг-ку вужудим талош,
Талашларинг шунча ёқодур.

Талашларинг шунча ёқодур -
Йўқотаман ўзимни ўзим.
Қай тарафга нолон боқодур
Мени излаб, воҳ, кўнгил-кўзим?!

ФАҚАТ СЕНИ ЎЙЛАЁТИРМАН

Яхшики бор сенинг хаёлинг,
Хаёлингда ўлмаётирман.
Баҳрин ўйиб кўзим самонинг
Фақат сени ўйлаётирман.

Ҳижронимнинг йўллари олис,
Олисларда қолганим - ой қиз,
Соғинганим ўзингсан ёлғиз,
Кўнглим қуяр зўр хавотирдан.

Тоғлар эриб кетар оҳимдан,
Айро қилсанг мени моҳимдан.
Ё, Оллоҳим, кеч гуноҳимдан,
Мен севгига тўймаётирман?..

Кўзи қаро ёлғон дунёнинг,
Ёшин тўкиб бўлғон дунёнинг,
Бўзлай-бўзлай толғон дунёнинг,
Мен бўзлашни қўймаётирман.

Сен ҳам соғин, соғингил, жоним,
Дилга ишқдай ёғилгил, жоним,
Ҳижронларни ёғий бил, жоним,
Васлинг кутиб ўлмаётирман,
Фақат сени ўйлаётирман!

БАРМОҚДАГИ ҒАЗАЛ

Аё, ишқим шоҳаншоҳи,
Кўнгилнинг майлини кўргил.
Ботиб кетган изларинга
Кўзимнинг сайлини кўргил.

Ишқ аҳлин муддаосида
Жунун даъволари кўндир,
Менга боқ, бошдин-оёғим
Мажнуно айнини кўргил.

Кўзимнинг ашкидин йўллар
Чаманзор ўлди-ю, воҳ-воҳ,
Бу йўллардин келгайму деб,
Сўрганим тайнини, кўргил.

Оҳлар учар сўроғимдин...
Ранг бериб гулузорима,
Кел-кел, деган сени бунга
Ҳуморин майними, кўргил.

Келмадинг, қолмиш ортингда
Икки сочинг дор-дор ўлиб,
Осилган унга қачонлар
Ўзимман, қайрилиб кўргил...

Осилган дорларим юксак,
Юрак тупроқ қадар кетди,
Ишқ учун келган Набиман,
Ки Оллоҳ хайрини кўргил!

ТОНГ ОТГАНМИКИН?...

Кўкка бир кўз - юлдуз қадалмиш,
Ёр ўйга ё ботганмикин?
Сайлаб ўзни шўълалар ичра
Ё Ой мисол отганмикин?

Ерда киприк қоқмайин ғариб
Биз-ки турсак они ахтариб,
Осмонларда осмон бўлибай
Ул бир гурур тотганмикин?

Хаёлларга ботган хаёлнинг
Дугонаси бўлган Ҳилолнинг
Ҳуфияси - нурлари аринга
Ё майлимиз сотганмикин?

Қайга борсин девона кўнгил,
Десам кўнмас-борига кўнгил,
Бизни алдаб бир нигоҳ бирлан
Бепарволиғ ётганмикин?

У ён боқсам қоронғудир, воҳ,
Бу ён боқсам жон олгудир, воҳ,
Бизнинг кўзга кечани қамаб,
Ёр томон тонг отганмикин?

Самоларга боққан Набиман,
Ердин кўкка оққан Набиман,
Асли тоқда нишони йўғу
Оҳ, бир илинж қотганмикин?!...

ЎЗБЕК МУЗЕЙЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ИСТИҚБОЛИ

Ўзбекистон Республикаси мустақил давлат сифатида дунёдаги ривожланган давлатлар қаторига кириб бормоқда.

У жаҳон ҳамжамиятида ўзига хос, иқтисодий тараққиётнинг ўзига мос йўлини танлаб олган Ўрта Осиёда ягона бирдан-бир давлат деб тан олинган.

Шунинг учун бўлса керак жаҳон матбуот саҳифаларида "ўзбек модели" деган жумлалар тез-тез учрайдиган бўлиб қолди.

Ҳақиқатан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг белгилаб берган мамлакат иқтисодий ривожланиш йўли беш тамойилга асосланган тараққиёт йўлидан тез суръатлар билан олға томон бормоқда.

Жамиятнинг барча қатламларида янгича тартиб-интизом бўлиб, ҳамма соҳаларда туб ўзгаришлар юз бермоқда.

Жумладан Ўзбекистон ҳудудидаги музейлар фаолиятида янги давр бошланди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 12 январдаги "Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида"ги фармони музейлар ва музей ходимларининг ҳаётида бурилиш нуқтаси бўлди.

Мамлакатимиз ҳудудида қадимдан мавжуд бўлган музейлар тизимини янада такомиллаштириш, уларни халқнинг маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини янада ошириш мақсадида "Ўзбекмузей" республика жамғармаси тузилди.

Бу жамғарма музейлар фондларида йиллар давомида сақланиб келаётган халқимизнинг бой тарихидан гувоҳлик берувчи ноёб, нодир экспонатларни авайлаб-асраш, уларнинг илмий томонларини ўрганиш, уларни таъмирлаш, янги экспонатлар билан музей залларини бойитиш билан шуғулланмоқдалар.

Бугунги кунда мамлакатимиз ҳудудидаги турли муассасалар, корхоналар, қурилиш ташкилотлари, қишлоқ жамоа бошқарув хўжаликлари қошида, шаҳар, туман, вилоят марказларида, халқ таълими тизимида 1200 дан ортиқ музейлар бўлиб, уларнинг энг йириклари пойтахтимизда жойлашган.

Шу билан бирга ўнлаб ёзувчилар, шоирлар, рассомлар, олимлар ва машҳур санъат арбобларининг уй-музейлари мавжуддир.

Бу музейлар халқимизнинг маънавият масканлари бўлиб, миллий мафкура ва тафаккурни ривожлантирувчи, ёшларда миллий ғурур ва ифтихорни юксалтиришда улуғ қадамжолар бўлиб қолмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг "Музейлар фаолиятини тубдан қўллаб-қувватлаш масалалари тўғрисида"ги 1998 йил 5 март 98-сонли қарори "Ўзбекмузей" жамғармасига Ўзбекистон музейлар жамоатчилик кенгашини Халқаро музейлар кенгаши – ИКОМга аъзо бўлганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон музейларига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш вазифаси топширилди. Ушбу қарорда мамлакат музейлари асослари иншоотларини таъмирлаш, зарур техник воситалар ва замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш ҳамда маблағ билан таъминлаш вазифалари юклатилган.

Айни кунларда "Ўзбекмузей" ходимлари бир қатор ишларни амалга оширмоқдалар.

Мавжуд барча ўзбек музейлари фондидаги экспонатларнинг ягона рўйхатини тузиш, экспонатларни доимий ҳимоя қилиш шароитларини яхшилаш, сақланаётган экспонатларнинг қатъий назоратини таъминлаш, илмий концепциялар ишлаб чиқиш, хорижий мамлакатлардаги музейларда сақланаётган тарихимизга ва маънавий бойлигимизга оид ашёвий-атиқаларни, шунингдек, қадимий қўлёзмаларни рўйхатга олиш, уларни халқимизга таништириш, музейлардаги нодир экспонатларни дунёга олиб чиқиб, жаҳон халқларини таништириш соҳасида тегишли ташкилотлар билан ҳужжатлар ишлаб чиқиш ва шартномалар тузиш ишларини олиб бормоқдалар.

– Биз мамлакатдаги барча музейларда ҳар ойнинг бир кунини "Очиқ эшиклар куни" деб эълон қилдик. Шу куни музейларга келувчи ўқувчилар, талабалар ва бошқа томошабинларга музей ходимлари бепул хизмат кўрсатмоқда. Шунингдек, тарихимизда маънавий из қолдирган алломаларга бағишлаб "Барҳаёт сиймолар", "Истиқлол, маънавият ва музей" каби мавзуларда адабий кечалар, турли тадбирлар ўтказилмоқда, – дейди "Ўзбекмузей" жамғармаси ва Ўзбекистон жамоатчилик музейлар кенгаши раиси Н.Н.Ҳабибуллаев.

Тарихимиздан маълумки, "Буюк ипак йўли"га жойлашган Ватанимиз Шарқ билан Ғарбни боғловчи, уларнинг савдо иқтисодини, ҳамкорлигини бирлаштирадиган бир макон бўлган.


"Буюк ипак йўли"нинг вориси сифатида Ўзбекистонга АҚШ, Япония, Германия, Франция ва Италия каби кўплаб давлатлар жуда катта қизиқиш билан қарамоқдалар.

Ўзбек музейларининг эртанги истиқболи каттадир. Келажакда "Ўзбектуризм" миллий компанияси билан ҳамкорлик қилиш режаларимиз бор.

Қишлоқ меҳнаткашлари ва чет эллик меҳмонлар, умуман музейларимизга қизиққан мухлисларга нафақат марказий музейларни кўрсатибгина қолмай, янги очилган Имом Бухорий масжид-мақбара мажмуаси, Аҳмад ал-Фарғоний ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур мажмуалари каби музей шаҳарчаларга жалб қилиш мақсадларимиз бор.

Лекин музей ишларида ўзига хос муаммолар мавжуддир. Музейшунос мутахассис кадрлар, форсараб эски ёзувларини ўқий оладиган мутахассислар ва экспонатларни таъмирлайдиган усталар, иқтидорли тарихчи олимлар ва музейга келувчиларни ёшига қараб экскурсия олиб борувчи психолог-тарбиячи экскурсоводлар етишмайди.

Муҳаммаджон ЎРМОНОВ,
"Ўзбекмузей" республика жамғармаси бош мутахассиси.



Жаннатнинг ёқутдан ишланган равоқига олтин ҳарфлар билан битилмиш: инсондан фақат яхшилик қолади.

Ҳожа Ҳофиз Шерозий

Эътиқодлидан от қолар

Бу кўҳна дунёда узоқ яшаган пири комил отахонлар ҳаётни баҳри уммонга ўхшатадилар. Ушбу уммоннинг тўлқини-ю довулига чидаган сабрли кишиларгина тўқсон тўққиз ўлимни ортда қолдириб, кексалик гаштини - уммон гўзаллигини кўра оладилар. Ўшаларнинг сўзларига қараганда, уммоннинг гўзаллиги, қудрати сокинлигида билинар экан. Мисли Синдбоддек умри баҳри уммонда ўтганлар ҳикоя қилишича, ўша сокин уммон қалбига назар ташласангиз тубидаги бўрондан огоҳ бўлиш мумкин экан. Улкан, инсон назарида уфқи кўринмайдиган уммоннинг гўзаллиги, матонати ана шу лаҳзада намоён бўларкан. Инсон ҳам Оллоҳ яратган мавжудотнинг бир қисми. Унинг табиатида ҳам уммонга ўхшашлик бор. Шу боис унинг фитратидаги олижаноблик, матонат, сабр дарҳол сезилавермайди.

... Яқинда Ислом ака Шоғуломовнинг "Буни умр дерлар ..." асари қўлимизга тушиб қолди. Китобни мутолаа қилиб, саҳифаларга муҳрланган ҳаёт воқеалари, юрак қаърида аллақачонлар ҳосил бўлиб, энди ёруғликка чиққан изҳори дилу, пурҳикматлар билан танишар эканмиз, уммону унинг матонати кўз олдимиздан сирғалиб ўтди...

Инсоннинг умр дарахти ғаройиб. У қаерда унмасин, қандай иқлимда ўсмасин, барибир, асл ҳосилини бераверади, яъни асли наслига тортади. Халқимиз бежиз "қазисан, қартасан асли наслингга тортасан" демайди. Биз ҳам муаллиф ҳаёт дафтарини варақлар эканмиз, нигоҳимиз беихтиёр унинг асли-наслига,у вояга етган макон иқлимига тушди.

Китобда макони "Охунгузар" маҳалласи дейилган. Охунгузар... тўғрироғи Охундгузар, яъни уламолар, ҳозирги замон атамасига табдил, тамсил қиладиган бўлсак, академиклар гузари. Бир вақтлар Имом Қаффоли Шоший - Ҳазрати Имом, Шайх Зайниддин отадек буюк уламолар, комил инсонлар пойқадами теккан, кейинги замонларда Пирмуҳаммад аълamдан то Ғози Юнусдек адиблар вояга етган гузар. Муаллифнинг бузруквори Шоғулом ота ҳам шу макондан эканлиги чеҳрасида порлаб турган ўша муҳит зиёсидан сезилади. Шоғулом отанинг сурати сийратининг пэклиги-ю, маънавий бойлигидан далолат беради. Кексалик, ҳаётнинг буқаламундек товланишини кўп кўриб, уйқусизликдан толган нигоҳу пешонасидаги чизиқлар бир умр ҳалол меҳнат рамзи, исломий тарбия белгиси. Ана шундай кишигина: "Исломжон болам, ишдан қўрқмагин, меҳнат билан ўзингни чиниқтиргин. Аксари кўнгилсизликлар меҳнат қилмаслик, ишдан қочиш кабилардан пайдо бўлади. Бир бурда нон ҳам меҳнат билан мазали бўлишини ёдда тутсанг,

БУЮКЛАР МАТОНАТЛИ БЎЛАДИЛАР

асло панд емайсан. Бахтнинг бир оёғи меҳнат бўлса, иккинчиси илм-маърифат ва одобдир. Илмли, одобли, фаросатли одам ҳаётда ўз ўрнини, албатта, топиб олади..." деб сабоқ бера олади. Бу бир неча авлодларнинг камол топиб, бахтли умр кўришининг гарови, ҳақиқий ахлоқ низомидир. Маърифатли кишигина фарзандларига бундай насиҳат қила олади.

Дебочада берилган ота-она, опа, ака-укалар сурати бу оиланинг ниҳоятда маърифатли оила эканини сўзсиз, шарҳсиз инъикос эттиради.

Инсоннинг қиёфаси сийратининг сувратидир. Китобда берилган муаллифнинг турли ҳолатлардаги сувратлари унинг катта ҳаёт манзилларини кўрган, тўғрисўз, маърифатли, гўзаллик ошиғи экани-ю, нигоҳидаги сурур номли асар нурида бир мунг борлигини уқтириб туради. Қаранг, мана бу сўзларни фақатгина тўғрисўз одамгина айта олади: "... Болалигимдан институтда ўқийман, олий маълумотли мутахассис бўламан деб юрардим-да, қолаверса, босмохонадаги юз-кўли мой, қўллари қўломдан қизариб кетган ишчини кўрганимда ҳафсалам пир бўларди-да, бошим қотар эди: "Наҳотки, бир умр шу қора бўёқда қоришиб, нохуш ҳидлар гирдобида тентираб ўтаман?" дея ўкинардим".

Ана шу юракдан чиққан сўзни айтувчи илмга чанқоқ киши цехда ишлаш билан бирга матбаачилик сир-синоатини, босмахона ҳам ўзига хос бир оила-ю, унинг турли миллат ва турли характердаги аъзоларини бошқариш илмини оталари айтмиш инсонга сув ва ҳаводек зарур ҳаёт илмини, раҳбарлик илмини нозик фаҳм билан кузатгани умр лаҳзаларида намоён бўлади, ўқувчи диққатини ҳар хил фикрлар қилишга чорлайди, чуқур ўйга толдиради. Негаки, бу ўзига хос илм. Уни институтда ўқитмайдилар, рисолаларда тадқиқ этмайдилар... Бу сабоқни ҳаёт отлиғ дорилфунуннинг ўзи меҳнат, одамлар билан муомала исмли дарсхонасида уқтиради. Уққан илиб олиб, бир умр фароғат топади, уқмаган доғда қолади...

Китобни мутолаа қилган киши ўзбек матбаачилиги тарихи билан, раҳбар кечинмалари-ю, ҳеч кимга, ҳеч қачон айтилмайдиган, ёлғиз бир гўшада инсон ўзи ўз қалби билан сирлашадиган, дардлашадиган онларда унсиз шивирлайдиган, кўнглидан кечирадиган фикрлари билан ошно бўлади: "Раҳбар одамнинг ором соатлари ҳам янги режалар ва лойиҳалар устида соатлаб ўйлаши боис бир зумда ўтиб кетган"ига шоҳид бўлади.

Ўқувчи ҳайратга тушадиган саҳифалардан бири – ёш оила масаласи. Ёш оила қурган киши билан ёш амалга минган кишининг орзу-ҳаваси бой бўлади, дейишади. Аммо ана шу самовий орзу моддият қаршилигига дуч келганда, барча ҳам бардош беравермайди. Бундай ҳолатда инсон матонат кўрсатмаса, кўп нарсадан бебахра қолади. Ана шундай ҳолат – матонат, сабр муаллиф табиатида борлиги унинг раҳбарлик фаолияти ҳақида, босмахона ишчилари – одамлар манфаатини ўйлаб оромгоҳ қуришга аҳд қилгани, қуриш ва яна тиклаш жараёнларида мақом оҳанглариdek текис, инсон қалбини тўлқинлантириб, ҳаяжонга солувчи ҳикоя-хотираларда ўқувчи кўз олдидан бирма-бир ўтади.

... Кўпни кўрган бир донишманддан сиз нимани ёқтирмайсиз, деб сўрашганда, у сира иккиланмай: "Меҳнат қилган, ҳалол кишига нисбатан қилинган адолатсизликни. Сув чиқарса-ю, эвазига зарб еса, адолат қайда қолди?" – деган экан. Яна, сиз бундай одамга нима тилар эдингиз деганда, "Оллоҳдан сабр ва матонат", дея жавоб берган. Китобнинг ҳаётий ривоятларига назар ташлаган киши муаллиф битган, бошидан ўтказган умр лаҳзалари орасида ана шундай адолатсизликлар бўлгани ва у доно айтганидек, барча қийинчиликларга сабр ва матонат кўрсатиб яшаганига гувоҳлик қилади. Ислом аканинг изтироблари, чарчоқлари, қилган ишларидан кўнгли гоҳ тўлиб, гоҳ тўлмай юрганлари, ишидан қониқиш, мароқ олганда, ўша дардлар бир зум унутилганига ишонади. Мана бу сўзларга эътибор беринг-а: "... Эндиликда шаҳримизнинг кўркига узук бўлиб тушган бу муаззам таҳририятлар иморатини кўрганда, одамлар соатини унинг пештоқидаги соат милларига қараб тўғрилаб олганига кўзинг тушганда бахри дилинг очилади, баъзи чарчоқлар унут бўлади". Ҳимматли, олижаноб феъли, кенг кишигина бундай гапира олади.

Биз, қаламкашларнинг кўпларимизнинг ярим аср, чорак асрлик умримиз шу бинолардa ўтди. Матбаачилик соҳасида ким ислоҳотчи-ю, ким бунёдкорлиги-ю, ким... яхшиси айтмай қўя қолайлик, шундоққина кўз олдимизда. "Буни умр дерлар..." муаллифи биз билган чин ислоҳотчи ва бунёдкордир. Бунга эл-юрт шоҳид. Мазкур қобилиятга эга бўлиш учун ҳам катта қалб, ҳам катта раҳбарлик салоҳияти керак. Дарвоқе, муаллиф бу фазилатни қуйидагича таърифлайдилар: "Раҳбарлик тезда тўла-тўкис ўрганиб олинадиган осон фаолият ёки бир ўтиришда ўқиб чиқиладиган қизиқарли китоб ҳам эмас. Бу санъат китобини бир умр ўқишга, пухта ўрганишга ва уқишга тўғри келади. Раҳбарлик санъатининг мағзи бўлмиш етакчилик иқтидорини мисқоллаб жамланадиган бойликка қиёслаш мумкин. Раҳбарликнинг тори ипак толасига ўхшаб кетади. У қанчалик юзиклашиб ва нафислашиб борса, унга шунчалик эҳтиётлик ва назокат билан муносабатда бўлиш керак. Толани узиб юбормаслик тақозо этилади. Чекилган машаққатлар эвазига у бетакрор гўзал мато – санъат асари сифатида дунёга келади".

Раҳбарлик деган ноёб санъат асарини Рафаэл ҳам, Леонардо ҳам чизишга ожиз. Уни азал наққоши битади, холос. Насиб қилгангина унга эга бўлиши мумкин. Ахир чин раҳбар қанчадан-қанча одамнинг руҳини кўтариши, инжиқликларига чидаши, вақти-соати келганда, қўл остидагилар оиласига назар ташлаб туриши, оталик қила билиши лозим.

Раҳбар одам иккиланишга, амал курсисида ўзини омонат тутишга ҳаққи йўқ. Муаллиф бу ҳолатни шундай шарҳлайди: "Қалдирғоч оғир меҳнати ва тиниб-тинчимаслиги ҳисобига ининни одамлар кулбасига мустаҳкам, гўзал ва пишиқ қилиб қуради. Мусича-чи? Хас-хашакдан омонатгина қилиб, бир кунда қуриб ташлайди. Биз эса мусича эмасмизку? Омонат ҳаёт, омонат илм, омонат касбу кор,омонат эътиқод билан яшаган инсон боласи бахтли бўла олмайди".

Муаллиф минг бор ҳақ: эътиқодли одамгина пишиқпухта иш қилади, ўзидан яхши от қолдиради. Бу от замонлар синовидан ўтиб яшайверади, уни ҳеч ким, ҳеч қачон ўчира олмайди. Ислом ака ишлари ҳам шундай.

Чунки уни вояга етказган макон пок, ўстирган ота-онаси иймони кучлидир. Шу боис унинг дилида инсонларга яхшилик қилиш эътиқоди кучлидир.

"Ўзилган олтин ҳалқа нидоси"

Китобнинг "Невараларимга мактублар" деб аталувчи иккинчи қисми кишини ҳам ўйлатади, ҳам ларзага солади... Бир саҳифада бир қучоқ набираларни бағрига олган бува... кейингисида оиласини бевақт фироқ ўтига ташлаб кетган фарзанд ва... ундан қолган зурёд...

Суратларга назар ташлар эканмиз, бир ривоят хотирдан кечди. Кўҳна Шарқнинг бозорларидан бирининг гўшт растасидан ўтаётган бир киши бир дўкон олдида беихтиёр тўхтаб қолибди-да, қассобга танбеҳ берибди:

– Э, қассоб, туяни сўйишга сўйибсан, аммо нега унинг жигарини бунчалик илма тешик қилиб ташладинг, – дебди.

Шунда қассоб:

– Э, аъробий, унинг жигарини мен тешганим йўқ, бу тешиклар унинг қанча фарзандидан айрилганини кўрсатади, – деб жавоб берибди. Шунда ҳалиги аъробий:

– Эвоҳ, бир маҳлуқ фарзанд доғига шунчалик куйса, инсон қандай чидай олсин, – деб оҳ урган экан.

Муаллифнинг набираси Шарофжонга қарата айтган сўзлари, умуман набираларига айтган ҳайратомуз дил изҳорида ўша дард, ўша оғриқ, ўфуриб туради. Кўринишдан доимо сокин кўринган Ислом аканинг матонати кўринади, армонларини, дардларини яшириб, фақат одамларга яхшилик қилиб дил дардларини ёзиши сезилади. Эл-юртга самимий хизмат қилиб дардига дармон олиши кўзга яққол ташланади. Зеро муаллиф айтганидек, "... Оллоҳнинг ... бир ёш оилага юборган дастури – битиги" бўлган бош фарзанд ўрни, кўз асари, тафти ота-она қалбида мангу яшайди. Вақт-соати келиб, бош невараниг бир қилиғи уни ўйлатганда эл назари унга малҳам бўлади.

Бош невара Шарофжон билан маънавий-руҳий суҳбат заминида муаллифнинг марҳум ўғли Алишер ҳақидаги ҳаётий воқеалар содда, равон услубда ҳикоя қилинади. Режалар, орзулар, армонлар, ҳаётий тажрибалар юрак қаридан отилиб чиққан қуйма фалсафий хулосалар ўқувчини ўзи ва ўзгалар ҳаёти олдидаги масъулиятини бир-бир эслатиб қўяди.

Инсоннинг бу дунёдаги асосий иши Оллоҳга тан бериб, инсонларга меҳр-муҳаббат, саховат ва мурувват кўрсатиш, дил ранжитар воқеаларга сабот билан қарашни ўргатади: "Атрофдаги одил одамлар", "Ўзим бўлай дегандан қоч", "Вақти келиб ҳақ роҳатини, ноҳақ жазосини топади", "Ишхона раҳбарнинг иккинчи уйи" ва бошқа сарлавҳалар замиридаги воқеа-ҳодисалар, панд-насиҳатлар ана шундай дейишга асос беради.

Ҳаёт воқеаларини мушоҳада қилиш, турмуш илми кўпайгач тажрибадан ўтган воқеалар мағзини чақиш, гўзал хулосалар чиқариш ширин суҳбат асносида берилиши фақат муаллиф авлодларига эмас, умуман ўз халқи орасидан етишиб чиқаётган истеъдодларга бир сабоқ. Ана шу сабоқни эса муаллифнинг невараси Шарофжоннинг суврати ёнида битилган қуйидаги сўзлар унутмасликка даъват этади: "Жигарпорам, неварам Шарофжон! Кўз олдингга ёнаёна сўниб бораётган лаҳча чўғни келтир. Атрофи бўмбўш. Суқунат... Яқиндагина унинг алангасида исиниб юзлари лов-лов ёнган кимсалар бугун қайлардадир сарсари кезишади. Гангир-гунгур суҳбатлар абас... Шошиб қолган совуқ эпкин чўғ юзига тортилаётган кулни тўзғитмоқчи бўлади. Аммо қаноти куйган капалакдек чирпирак бўлиб чекинади. Ахир чўғ-да, Шарофжон. Ҳали у мутлақо сўнгани йўқ. Ҳароратнинг қаймоғини, алангадан ҳам зўрроқ қудратини бағрида асраб турибди. У шунчаки зоҳиран - кўрар кўзлар учунгина сўнган. Ботинан – қалб кўзлар учун эса сўнмаган".

Ислом аканинг матбуотчилар билан мулоқоти, газета ва журнал таҳририятларига кўрсатаётган ёрдамига бир мисол келтирамиз. Қўлимизга республика журналлари бош муҳаррирларидан бирининг Ислом акага ёзган хати тушиб қолди. Уни тўлиқ келтиришни лозим топдик.

"Азиз ва мўътабар Ислом Шомуродович!

Мен ҳаётимда жуда кўп одамларни, раҳбар ва хизматчиларни кўрдим. Одамлар ҳақида ўз фикр ва тасаввурим бор. Ёмон одамлар ҳақида ўйласам кўз олдимда саноқли қиёфалар гавдаланади, яхши одамлар эса сон жиҳатидан кўп бўлса-да, уларнинг ҳам энг мўътабарлари киши дилини қуёш нуридай илитиб юборади.

Сизни ана шундай олижаноб одамлар орасида юрган йўлингизда, турган ўрнингизда бошқаларнинг бошини силаб, кўнглини кўтариб келаётган, ўзи ҳам чинакам эъзозга лойиқ инсон, деб биламан.

Бу сўзларни халқимизнинг икки зиёли фарзандининг бир-бирига самимий эҳтиром ва ишонч туйғулари деб билгайсиз.

Мен охирги ҳафталарда катта бир руҳий тушкунликка тушиб, нажот қалъаси деб қайси эшикка бошимни уришга журъат ва илож топа олмаганим, инсон ўз ҳаётининг энг оғир дақиқаларида ё отаси, ё онаси, ё фарзандлари, ё энг яқин дўсти қошига борганидек, ўйлаб-ўйлаб сизни бу боши берк кўчадан бизни олиб чиқиб кетадиган халоскор инсон бўлишингизга имон келтирганим учун юрак изтиробимни қаламга туширишга мажбур бўлдим.

Редакциямиз қоғоз масаласида жуда қийналиб қолди. Куздаги учрашувимизда Тўхтасин акани чақириб, "Буларга ёрдам беринг, йилига 10-20 тонна қоғоз ишлатишар экан, биз учун бу унчалик оғирлик қилмайди, фирмалардан қидириб, сарсон бўлиб юришмасин" деган эдингиз. Минг афсуслананаман, ўшанда илтимосномамизни ёзма шаклда олиб тушганимда, бир четига рухсат имзоингиз чекилганда ҳозир Клавдия Михайловна бизни мунчалик қийнамаган бўларди.

Боши берк кўчага кириб қолгандай нима қилишимизни билмаймиз: муассисимизга мурожаат этсак, "Мана, маблағ ажратаяпмизку, қоғозни топинглар" дейди, давлат матбуот қўмитаси "Қоғоз йўқ" дейди, матбуотни демократлаштириш ва қўллаб-қувватлаш жамғармасида "Биз қоғоз ишлаб чиқармаймиз" дейишади.

Биз ўзимизни ягона ҳуқуқли Ўзбекистон матбуотида ўгай бола аҳволига тушиб қолгандай ҳис қилаяпмиз. Бу вазиятни ягона сиз тушуниб етмасангиз бизнинг борар жойимиз қолмади.

Мана шундай ҳолатларда шартта ариза ёзиб, ишдан кетиб қолсаммикан, деган хаёлларга ҳам бораман. Ўз ишимни қилиб мақола, китобларимни ёзиб юрганим яхшимасми, деб ўйлайман. Яна мулоҳаза қиламан. Мен кетганим билан аҳвол ўзгарадими? Балки булар ўткинчи қийинчиликлардир, ахир ҳар куни, ҳар сония ислоҳотларимиз яхшилик томонга бурилмоқда-ку!

Оғир руҳий тўлғоқлар гирдобида яна сизнинг нуроний, инсоний ва самимий сиймонгиз Ҳизр янглиғ кўз олдимдан ўта бошлади ва ушбу шахсий хатни ёзишга жазм қилдим.

Ҳаётда иложсиз нарса йўқ, фақат кўнгил очиқ ва кенг бўлса бас, деган нақлга таяниб, юз истиҳола билан сизга мурожаат ва илтимос қилишга мажбур бўлдим. Балки дардимизга малҳам бўларли қарорга келарсиз, балки муносиб йўл-йўриқ кўрсатарсиз.

Сизнинг вақтингизни олиб, дардимизга шерик қилиб, руҳингизни безовта қилган бўлсам, ўтиниб узр сўрайман. Сизга узоқ умр, зурриётларингиз, халқимиз ва дўстларингиз бахтига омон бўлишингизни Оллоҳи таолодан тилаб қолувчи укангиз.

Имзо: 19 февраль 1997 йил".

Ислом ака ана шундай одамларнинг оғирини енгил қиладиган, таҳририятлар мушкулини осон қилишга доимо тайёр бўлиб келган инсон сифатида ҳам ҳурматга сазовордир.

Ислом ака Шоғуломовнинг "Буни умр дерлар..." хотирот китоби кейинги йилларда босилган турли олим-ёзувчилар томонидан битилган бу туркумдаги нашрларни ҳар жиҳатдан тўлдиради. Ўқувчи бу китобдан ўзига талайгина ибратли воқеаларни кашф этишига аминмиз. Ўйлаймизки бу асар кўпгина китобхонларнинг маънавий мулкига айланиб қолади. Бунга мусаввир М.Аъламовнинг нозик дид билан ишлаган безаклари ҳам хизмат қилади.

Тилаб МАҲМУД,
Сирожиддин АҲМАД.



Ҳаммаси кўзимнинг нури

Бу аёлни чорак асрдан буён танийман. Уни кузатаман, унга ҳавас қиламан, ундан ўрганаман...

1973 йил. Фармакология фанида ўзбек аёлларидан биринчи бўлиб фан номзоди бўлган Санъатхон Азизова бу соҳада докторлик диссертациясини ҳам биринчи бўлиб ёқлади. Ўшанда у 33 ёшда, уч фарзанднинг онаси эди. Унинг илм-фандаги муваффақияти, оиласидаги хотиржамликни кўпроқ у яшаётган муҳит, ота-онаси, турмуш ўртоғи, қайнона-қайнотасининг ишлашга шароит яратиб бераётганликлари туфайли деб ўйлардим...

Афсуски, Санъатхон атрофидаги меҳрибон одамларидан жуда эрта жудо бўлди. Фарзандларига ҳам она, ҳам оталик қилди. Вазифаси кўпайди, ҳаёт юки оғирлашди. Лекин у тушкунликка тушмади. Фармакологияга доир изланишларини давом эттирди, китоблар, мақолалар, услубий қўлланмалар яратди. 180 дан ортиқ илмий ишларнинг муаллифи бўлди. Халқаро миқёсдаги конференция, симпозиумларда иштирок этди. Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига сазовор бўлди. Профессорликни олди...

Инсон ўз олдига қўйган мақсадларини амалга оширишида унга меҳрибон қўллар нечоғлик керак бўлмасин, аслида бундай ижодий ишларнинг самараси, асосан, инсоннинг ўзига боғлиқ эканини олима Азизова ҳаёт тарзида яна бир бор кўрдим.

Санъатхон Азизова Тошкент педиатрия тиббиёт институти очилган 1972 йилдан буён унда дарс беради. Шундан буён институтнинг Фармакология ва клиник фармакология кафедраси мудири. Унинг дарс беришига илмий изланишлари, олималигига ўқитувчилик фаолияти ёрдам беради, бир-бирини тўлдиради.

Бир куни икковимиз у дарс берадиган учинчи курс талабалари тўпланган аудитория томон бораётгандик, йўлакда чекиб турган икки талаба шоша-пиша папиросни яшириб, аудиторияга кириб кетишди. Биз ҳам уларга орқама-орқа ичкари кирдик.

– Бугун холиномиметиклар ҳақида суҳбатлашамиз, – деди Азизова дарс мавзуини эълон қилар экан. – Холиномиметиклар никотин туркуми деб ҳам аталади. Маълумки, никотин тамакидан олинган алкалоид. У заҳарли бўлгани учун тиббиёт амалиётида қўлланмайди. Лекин никотин сигарета таркибида бор, – деди у маърузасини бошлар экан. – Орамизда чекишга қизиқувчилар эса йўқ эмас. Шундай экан, бу модданинг фармакологиясини билишингиз керак...

Биласизми, битта сигаретада 5-7мг никотин бўлади. Кашанда бир кунда камида 10-20 дона сигарета чекади. Никотин сиздек ёшларнинг организмини жисмоний ҳамда жинсий жиҳатдан заҳарлаб, ривожланишига тўсқинлик қилади. Хотирани сусайтиради... – Санъатхон бироз жимиб қолди. Кейин сўзида давом этди: – Яширмайман, орангизда чекувчи қизлар ҳам бор. Бугун уларнинг номларини айтиб ўтирмайман. Азиз қизларим, ҳуснингизга доғ туширманг. У ёғини сўрасангиз чекувчи аёлларда бола тушиши, чақалоқ мажруҳ туғилиши мумкин. Ёшликдан тамаки чекиш оқибатида атеросклероз барвақт бошланади, қон томирлар қисқариб, кўпчилик аъзолар, тўқималар қон билан яхши таъминланмайди. Чекиш наркоманияга олиб боради. Наркотик моддаларга қизиққан одамлар енгил ҳаётни қидириб қоладилар. Ўқишдан, меҳнатдан совийдилар, нопок йўлларга кириб кетадилар. Наркомания жамиятимиз учун катта фожиа.

Ўқитувчи дераза томонга қаради. Ташқарини кузатаётгандек бироз тин олди. Кейин талабаларга ўгирилиб:

– Ўғилларим, қизларим сизлардан умидимиз катта, – деди жилмайиб. – Мамлакатимизнинг узоқ-яқин қишлоқларида тер тўкиб меҳнат қилаётган ота-оналарингиз сизни кутишяпти. Қачон ўғлим ёки қизим келиб қўлимдан ишимни олар экан, унинг орқасидан яйрар эканман, деб орзу билан яшашяпти. Қолаверса, Ватан сизни кутаяпти... Сизга ишонаяпти.

... Спиртли ичимликларнинг организмга таъсири мавзуидаги дарс ҳам ниҳоятда таъсирли ва мазмунли ўтгани эсимда.

– Грецияда оғзига ичкилик олган келин-куёвни суд жазосига тортишар экан, – дея дарсини бошлаганди профессор Санъат Азизова.

Ўшанда талабаларнинг бутун вужудлари қулоққа айланди. У шу биргина мисол билан ёшларни ўзига жалб этиб олганди.

– Негаки, бунда гап авлодлар тақдири ҳақида боряпти, – сўзида давом этди ўқитувчи. – Алкоголь наслга ёмон таъсир кўрсатади. Маст қилувчи ичимликлар эрамиздан бир неча аср илгари маълум бўлган. VI-VII асрларда унга "аль-коголь", яъни "гангитадиган", "мияни айнитадиган" деган ном берилган. Ичкилик туфайли бошга тушган кулфатлар оқибатида уни "офат суви", "ўлим суви" деб ҳам аташган. Яна шуни ҳам билиб қўйингларки, ичкиликни сурункали истеъмол қиладиганларда юрак ва қон томир касалликлари йигирма икки марта кўп учрайди... Гап шундаки, бу офат-

дан аввало ўзларингизни асранг. Ана шунда бошқаларни ҳам бу йўлдан қайтара оласиз...

Талабаларнинг "Санъат опанинг лекциялари ўз исмларига монанд санъаткорона ўтади" деган гапларида ўқитувчининг дарс ўтишдаги ўзига хос услуби, маҳорати ётади. Институт ректори томонидан яширин ўтказилган савол-жавобда ҳам профессор Санъатхон Азизова институт бўйича энг яхши ўқитувчи шарафига муяссар бўлди. Чунки у фармакология фани дарсига маънавият, тарбиявий омилларни обдон сингдириб юборади.

– *Дарс беришда ҳаяжонланасизми?*

– Асти сўраманг... Дарс бераётганимга чорак асрдан ошибдики, ҳамон аудиторияга кирганимда ҳаяжонланаман. Душанба куни дарсим бўлса, якшанбани қандай ўтказганимни билмайман...

Санъатхон бирор талабани ёки қўлида ишлайдиган оддий лаборантни сансираб гапирмайди. Ҳаммани сизлайди. Талабаларидан олдин ўзи саломга чоғланади. Уларнинг кўзларидан қандай яшаётганликларини уқиб олади. Керак бўлса ёрдам, маслаҳат беради. Эсимда, Санъатхон эллик ёшга тўлганда талабалар уни гулга ўраб юборишган эди.

– Бу кунни ҳеч қачон унутмайман, – дейди Санъатхон. – Талабаларим "Опа сизга ўхшагимиз келади, ҳаётда сиздек инсоннинг борлиги учун шукур" дейишганида бошим осмонга етган. Ўз навбатида мен ҳам уларни қадрлайман. Ўқитувчи ўргатади, талаба эса ўрганади, дея масалани қатъий қўйиб бўлмайди. Кези келганда талабалардан биз ҳам ўрганамиз.

Шу кунга қадар фармакологиядан ўзбек тилида биронта ўқув адабиёти йўқ эди. Санъатхон Азизова бу ишни амалга оширди. У ўзбек тилида фармакология дарслигини яратди. Дарсликнинг янгилиги, ўзига хослиги билан қизиқаман.

– Маълумки, мижоз ҳақидаги назария бизнинг тиббиётдан ўрин олмаган. Лекин кўпгина шарқ мамлакатларида беморлар аввало мижозига қараб даволанадилар. Дарсликда дори моддаларининг мижозга қараб таъсир қилиши ҳақида маълумотлар бор.

Фармакология фани одамзот билан кетма-кет пайдо бўлган дейиш мумкин. Чунки энг қадимги одамлар ҳам касал бўланлар. Улар йиртқич ҳайвонларга, ёнғинларга дуч келганлар, уларни илонлар, чаёнлар чаққан... Улар атрофларида ўсаётган гиёҳлардан, ҳайвонот оламидан шифо, дори-дармон излаганлар. Эрамиздан бир минг беш юз йил илгариёқ анор пўстининг гижжаларга қарши таъсирини, канакунжут мойининг сурги бўлишини, денгиз пиёзининг юракка фойдали эканини билишган. Китобда фармакология фанини ривожлантиришга ҳисса қўшган ўзбек алломаларидан ўнлаб табиблар, ҳакимлар, қомусий олимларнинг илмий тадқиқотлари ҳақида маълумотлар бор.

Мамлакатимизда Абу Али ибн Сино жамғармасининг ташкил этилиши катта воқеа бўлди. Олимнинг "Тиб қонунлари" каби ажойиб асарлари Оврупо шифокорлари учун аллақачонлар асосий қўлланма бўлиб келади. Ибн Сино Оврупо шифокорларидан уч юз-тўрт юз йил илгариёқ заҳм касаллигини симоб билан даволаган. Дориларни беморларга мижозига қараб ишлатиш зарурлигини уқтирган.

Кимё фанининг тараққий этиши туфайли беморларни даволашда шифобахш ўсимликларни қўллашга эътибор бермай қўйилди. Даволашда кимёвий моддаларни кўплаб қўлланиши оқибатида "дори касаллиги" келиб чиқди. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотлари келтирган рақамларга кўра касалхоналардаги беморларнинг икки ярим-беш фоизи дори моддалари таъсиридан азоб чекишаётир...

Шунинг учун ҳам шифобахш ўсимликлар билан даволашга катта эҳтиёж туғилмоқда. Дарсликда шу жиҳатларга кенгроқ тўхталишга ҳаракат қилдим. У ёғини сўрасангиз, шифобахш ўсимликлар кўп асрлар мобайнда синовдан ўтиб келаётган омил ҳисобланади. Улар сурункали касалликларни даволашда катта аҳамиятга эга. Масалан, кексаларни олайлик. Улар бир пайтда бир нечта касалликлар билан оғришлари мумкин. Ўсимликларда эса бир неча хил хусусиятлар бор. Шифобахш ўсимликларни асосий дори моддалари сифатида касалликнинг бошланғич даврида қўллаш яхши. Касаллик авжига чиққанда шифобахш ўсимликлар организмнинг ҳимоя кучларини ошириб, қўлланаётган кимёвий моддаларнинг ножўя таъсирини камайтириши мумкин. Соғайиш даврида эса шифобахш ўсимликлар олинган давони қўллаб-қувватлаш учун қўлланади.

Ялпиз ўсимлигини оладиган бўлсак, унинг барглари тинчлантирувчи, сафро ҳайдовчи, оғриқ қолдирувчи хусусиятларга эга. Рефлектор йўл билан юрак тож томирларини кенгайтиради. Ичакдаги ҳамма патоген микроорганизмларга таъсир этади. Ялпиз барглари меъда-ичак спазмида, қабзиятда, кўнгил айниганда, қусишни қолдириш учун қўлланади.

Ибн Сино анжир мевасини йўтал қолдирувчи, балғам кўчирувчи дори сифатида ишлатган. Анжир баргидан олинган псоберан моддаси пес касаллигини даволашда қўлланилган. Анжир қадимдан жигар, талоқ ва ўпка шамоллаганда қўлланиб келинган. Анор пўстлоғи, меваси ва пўсти қўтир, йўтал, ичбуруғ, сариқ касалликларига даво бўлган. Ибн Сино анор пўстини қон қусганда, милк ва ичакдан қон кетганда, ичбуруғда ва сийдик ҳайдаш, гижжаларни ҳайдаш учун қўллашга тавсия этган.

Қадимги будда тиббиётининг ажойиб ривоятларида шундай дейилган: дармон излаган табиб нигоҳи билан оламга назар солса, дори-дармонлар оламида ҳаёт кечираётганимизни билиши мумкин. Оламда дори сифатида ишлатиб бўлмайдиган биронта модданинг ўзи йўқ.

– *Олий таълим вазирлиги ва "Устоз" жамғармасининг "Йилнинг энг яхши илмий раҳбари" деган биринчи даражали дипломи билан тақдирланганингизни эшитиб хурсанд бўлдим.*

– Раҳмат! Буни қарангки, ўтган йил нафақат менга, балки шогирдларим учун ҳам омадли йил бўлди. Шогирдларимнинг биттаси фан докторлигини, учтаси эса фан номзодлигини ҳимоя қилди. Фармакология бўйича талабаларнинг республика олимпиадасида шогирдларимдан бири – Жасуржон Жабборов биринчи ўринни олди.

– *Дарс бериш, кафедрани бошқариш, ихтисослашган кенгаш аъзоси сифатида ҳимояларда қатнашиш, талабалар илмий тўгарагини бошқариш, оила ташвишлари... Бир одамга булар кўп эмасми?!*

– Очиғини айтганда мен тиғиз ишлашга ўрганиб кетганман. У ёғини сўрасангиз буларнинг ҳаммаси битта иш. Фақат номлари ҳар хил. Аёл одамнинг вақти кам бўлади. Шунинг учун уни тежаб ишлатади. Зайнабхон Хушбахтова деган шогирдим бор. Талабалик пайтида кафедрада лаборант бўлиб ишларди. Ўқиши эса сиртдан. Ота-онаси кетма-кет оламдан ўтишди. Ўзи Чордарадан қатнаб ишларди. Ишлаб, пул йиғиб Тошкентдан уй сотиб олди. Оила қурди. Ҳозир икки боласи бор. Шу турмуш уринишлари билан баробар кандидатликни ҳам, докторлик диссертацияларини ҳам муваффақият билан ҳимоя қилиб олди.

Яна бир шогирдим Рихсихон Азизова Тошкент педиатрия тиббиёт институтига икки йил ҳаракат қилиб киролмади. Ниҳоят учинчи йили қабул имтиҳонларидан яхши ўтиб, институтга кириб олди. Ўшанда унинг беш фарзанди бор эди. Яхши ўқиди, институтни муваффақиятли битирди. Кафедрада ишга олиб қолдик. Ҳозир

докторлик диссертацияси устида ишламоқда. Йигирма еттита шогирд тайёрлаган бўлсам шуларнинг асосий қисми хотин-қизлар. Аёллар билан ишлаш осон. Улар жуда интизомли, интилувчан бўладилар. Вақтдан унумли фойдаланадилар. Вақтини бекорга кетказмаган одам ҳаётида кўп нарсаларга эришади.

Хотин-қизлар қўмиталарида ишлаган пайтимда ўзбек аёлларининг бошқа жиҳатларини кашф этдим. Халқимизда турмушни чидаганга чиқарган, деган гап бор. Кўпдан-кўп оилаларнинг яшаб қолаётгани замирида асосан аёл сабр-тоқати, чидамлилиги ётибди. Ўзбек аёли учун оила деб аталмиш салтанатдан буюкроқ бахт йўқ.

– *Сизни дунё кўрган олима дейишади.*

– Ҳозирги даврдаги чет элларга бўлаётган саёҳатлар, борди-келдиларга қиёс қилинадиган бўлса, мен кўрган нарсалар ҳеч нарса эмас. Лекин ўз вақтида мен кўрган юртларга бориш, катта анжуманларда қатнашиш бир ўзбек қизи учун катта гап эди. 1968 йили Чехословакияда фармакологларнинг халқаро анжуманида қатнашдим. Кейин Ҳиндистонга, Франция, Канада, Оттавага бордим. Сан-Франсиско, Вашингтон, Нью-Йорк... Булар ҳаётимдаги энг қувончли дамлар...

– *Айни шу кунларда қандай иш билан бандсиз?*

– Оиламизда энг катта фарзанд бўламан. Ота-онамнинг ҳаёти, қилган ишларини укаларим, сингилларимдан кўра кўпроқ кўрганман. Онам – Ёқутхон, отам – Собиржон Азизийлар ҳақида хотира китоби ёзаяпман. Ёзаётганларим китоб шаклида босилар ёки босилмас. Гап шундаки, у ёзиляпти. Фарзандларим, набираларим учун, бизнинг оилани яқиндан билган ёру биродарларимиз учун бир эсдалик бўлиб қолади, деб ўйлайман.

Ўзликка, қадриятларга қайтиш, оила шажараларини тиклаш хусусида гапирамиз. Агар ҳар бир фарзанд ўз ота-онаси ҳақида кўрган-билганларини ёзиб қолдирса, бу ўша одамнинг ҳаётида қилган энг савоб иши бўлади. Негаки, ота-оналарни болаларидан ортиқ биладиган кимса йўқ. Ота-онамнинг етимларнинг бошини силагани, бева-бечораларга ёрдам бергани, камбағалга қайишгани ва дуосини олганини ўз кўзим билан кўрганман. Улар чиндан ҳам кўзимнинг нури. Фарзандларим, қариндош-уруғларим, маҳалладошлар, ёру дўстларим, устозу шогирдларим, ҳамма-ҳаммалари ҳам кўзимнинг нури, улар билан ҳаётман...

Дилбар МАҲМУДОВА.



Муқимий номидаги мусиқали театр бағрида талайгина ўзи гўзал, ижоди гўзал санъаткорлар вояга етиб, элимизга танилдилар. Улар театр тараққиётига катта улуш қўшиб, бу даргоҳда ишлашни ўз умрининг мазмуни деб билдилар. Ўзбекистон халқ артистлари Наима Пўлатова ва Суръат Пўлатовлар ана шундай санъаткорлардандир.

Санъат Наимахонга ота-онадан мерос. Бобосини Исмат созанда дейишарди. Отаси Қудрат Тошхўжаев, онаси Ҳалима Исматова ҳам созанда ва хонанда бўлишган. Ўз вақтида уларни бутун республика аҳолиси радиоэшиттиришлар ва концертларда чиқишлар орқали билишган. Сингласи Нафиса Тўхтабоева, укаси Қобилжон Исматов Ўзбекистон давлат филармониясида ва мақомчилар ансамблида фаол хизмат қилмоқдалар.

Наимахон ҳам улар йўлини тутди. Санъатга эрта меҳр қўйди. Ана шу меҳр уни 1958 йили Тошкент театр ва рассомлик санъати институтига етаклаб келди. Институтда Ўзбекистон халқ артисти, профессор Раззоқ Ҳамроев устахонасида таҳсил олди. Бўш пайтларида Муқимий номидаги театрга келиб, тажриба орттирди, оммавий саҳналарда кўрина бошлади. Ана шунга ҳам ҳозир салкам қирқ йил бўлибди. Бу бир инсон умри. Ушбу умр йўлига назар ташласак, томошабинлар хотирасида унинг "Нурхон"даги Нурхон, "Тошболта ошик"даги Каромат, "Жон қизлар"даги Ойсулув, "Равшан ва Зулхумор"даги Зулхумор, "Фарғона тонг отгунча"даги Ҳаётхон, "Паранжи сирлари"даги Холисхон, "Фарҳод ва Ширин"даги Ширин, "Гули сиёҳ"-даги Амал каби маҳорат билан яратилган роллари мустаҳкам ўрнашиб қолганига гувоҳ бўламиз. Кўпгина томошабинларга у ижро этган қўшиқлар ёд бўлиб кетган. 60-70-80-йиллар ёшларининг диди бевосита унинг ва мазкур театрнинг таъсирида шаклланди, десак муболаға қилмаган бўламиз.

Наима Пўлатовага ўзбек мусиқали театри ривожига қўшган ҳиссаси, ижрочилик соҳасида эришган ютуқлари учун 1997 йили "Ўзбекистон халқ артисти" фахрий унвони берилган.

Муқимий номидаги мусиқали театр истеъдодлар дарёсининг бир ўзанга қуйилиш жойига ўхшайди. Наимахон ҳам айни шу даргоҳда умр йўлдоши Суръат Пўлатов билан танишди. Улар бир-бирларига меҳр-оқибат кўрсатишди. Ҳозир Н.Пўлатова беш нафар фарзанднинг онаси, ўн бир нафар набиранинг ардоқли бувисидир.

Ўзбекистон халқ артисти Суръат Пўлатов ҳам санъатга жуда эрта меҳр қўйди. Мактабда ўқиб юрган чоғларидаёқ Ёш томошабинлар театрида ишлаб санъат сирлари билан ошно бўлди. 1947-1952 йилларда Театр ва рассомлик санъати институтида ўқиди. Институтни тамомлагач, Қашқадарё вилоят мусиқали драма театрида актёр ва бир оз муддат бош режиссёр бўлиб ишлади. 1956 йилдан эътиборан Муқимий номидаги мусиқали театрда ижодини давом эттириб келмоқда.

Суръат Пўлатовнинг санъаткор бўлишида ва истеъдодининг шаклланишида отаси Миробид Мирпўлат ўғли, онаси Муаззам Султонбек қизи, машҳур ҳофизлар Қобилқори Сиддиқов ва Бобораҳим Мирзаевларнинг хизматлари катта. Уларнинг самимий маслаҳатлари билан Суръат Пўлатов ўзининг санъатдаги йўлини топиб олди, десак муболаға бўлмайди.

Санъаткор Муқимий номидаги театр саҳнасида талайгина эл оғзига тушган ролларни ижро этди. Хусусан, унинг Равшан ("Равшан ва Зулхумор"), Ҳайдар ("Нурхон"), Розиқ ("Нодира"), Тоҳир ("Тоҳир ва Зуҳра"), Нодир ("Гули сиёҳ"), Ота ("Девона") сингари бир-биридан гўзал роллари театр олтин заҳирасидан жой олган.

Ажойиб инсон ва санъаткор С.Пўлатов телеэкранда ҳам гўзал тимсолларни яратган ва яратмоқда. Унутилмас шоир Ҳайриддин Салоҳнинг "Наъматак" асари асосидаги инсценировкада С.Пўлатов ижод этган ошиқ йигит тимсоли кўпларнинг севимли образига айланиб қолган. У ижро этган қўшиқ эса узоқ йиллар йигит-қизларнинг тилидан тушмаган эди. Ана шунинг ўзиёқ актёр маҳоратининг кучлилигидан, мухлислар қалбига йўл топганидан далолатдир.

Суръат Пўлатовнинг театр санъати равнақига қўшган ҳиссаси ҳукуматимиз томонидан муносиб баҳоланган. У "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист" ва "Ўзбекистон халқ артисти" унвонларига сазовор бўлган.

Наима ва Суръат Пўлатовлар миллий мусиқали театр ривожига катта ҳисса қўшиб келаётган ижодкорлардир. Ўйлаймизки, улар янги-янги баркамол образлар яратиб, ажойиб қўшиқлар ижро этиб, мухлису мутахассисларни яна кўп марта хушнуд этадилар.

Мурод САВУРОВ,
фалсафа фанлари номзоди



Санъат — унинг бахти

Мамлакатимиз маданият масканларида фаолият кўрсатаётган шундай инсонлар борким, улар ўзларининг ижодкорлиги, касбига бўлган меҳри билан халқ эътиборини қозониб келмоқдалар. Ана шундай фидойи кишилардан бири Қорақалпоғистон Республикаси Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика маркази раҳбари Абдуғани Абдукамоловдир. Абдуғани 1946 йилда Қорақалпоғистон Республикаси Кегейли туманининг Майли Болта қишлоғида таваллуд топди. Унинг отаси Абдукамол Юсуфбек ўғли ўз замонасининг билимдон кишиларидан бўлиб араб, форс, турк тилларини мукаммал билар, кўплаб китобларга эга бўлиб, маҳалладаги йиғинларда узоқ қиш тунларида қизиқувчиларга илму маърифатдан зиё тарқатиб, китобхонлик кечалари ўтказарди. Ўша даврнинг қийин, фалокатли дамларида унинг ҳам тинчи йўқолди. Маълум фурсат Туркманистонга, уни танимайдиган жойларга кетишга мажбур бўлди. Абдуғанининг болалик дамлари ўзга юртларда кечди. Йиллар ўтиб, бир оз юрт тинчигандан кейин улар 1956 йилда қишлоққа қайтиб келдилар. Энди ота ўз фарзандига бутун билимларини ўргата бошлади. Ёшлигиданоқ зукко бўлган Абдуғани отасидан илм сирларини ўрганди, ҳаёт сабоқларидан дарс олди.

Абдуғанининг мусиқа санъатига иштиёқи баланд эди. Отасидан ўрганган дутор чертиш, мусиқанинг бетакрор олами билан ошно бўлиш сирлари уни Нукус мусиқа билим юртига бошлаб келди. Ўқишдан сўнг эса Қорақалпоқ Давлат педагогика институтида, К.Айимбетов номидаги Қорақалпоғистон маданият техникумида талабаларга мусиқа сирларидан сабоқ берди. Абдулла Қодирий номидаги Тошкент Давлат Маданият институтини аъло баҳоларга тугатди.

Абдуғанининг "Янги дастурлар – ёшлар ҳаётида" деб номланган ёшларга бағишланган сценарийлар тўплами Қорақалпоғистон Давлат нашриётида босмадан чиқди. Ёшлар ҳаёти, уларнинг ҳаётда тутган ўрни, келажагимиз ворислари олдида турган вазифалар жамулжам этилган бадиий сценарийлар республиканинг турли бурчакларида ҳаваскорлар томонидан саҳналарга олиб чиқилди.

Абдуғани Абдукамоловнинг Қорақалпоғистон Республикаси маданиятини ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатларини кузатган раҳбарлар Халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлар республика марказига раҳбар этиб тайинладилар.

Ўз касбининг фидойиси бўлган Абдуғани тез орада бу жабҳада ҳам ўзини намоён этди. Республикада ва ундан четда бўлиб ўтаётган фестиваль, кўрик-танловларда бадиий ҳаваскорлик жамоалари юқори кўрсаткичларга сазовор бўла бошлади. Абдуғанининг ташаббуси билан ташкил этилган "Алла ва бешик тўйи қўшиқлари", "Тўй маросимлари қўшиқлари", "Бадиий ҳаваскорлар кўрик-танловлари" юқори даражада ўтказилиб, ўзининг томошабинларини топди.

У кўпроқ халқ орасида, кексалар билан суҳбатларда бўлади, улардан қадим қўшиқларни ёзиб олади, халқ ўйинлари ҳақида маълумотлар тўплайди, буларнинг барчаси эса кейинчалик сайқал топтирилган ҳолда бадиий ҳаваскорлик жамоаларига тақдим этилади. Унинг Ҳайит байрамига бағишланган "Ассалом ота-бобом дастури" деб номланган сценарийси асосида томошани кўраркансиз ўзга бир оламга, сеҳрли дунёга кириб қолгандай ҳиссиётлар оғушига чўкасиз. Қорақалпоқ халқининг тўй маросимларига бағишлаган "Остонаси тиллодан" деб номланган Абдуғани Абдукамолов сценарийси асосида ўтказилган тўй томошалари "Қорақалпоқфильм" студияси томонидан суратга олинди. Абдуғани томонидан тайёрланган театрлаштирилган томоша, байрам тадбирлари, бадиий ҳаваскорлик жамоалари, фольклор-этнографик ансамбларнинг мусиқий дастурлари Ўзбекистон, Туркманистон, Қозоғистон Республикаларида ўтказилган фестивалларда, байрам томошаларида махсус совринларга сазовор бўлди.

Абдуғани Абдукамолов ўзбек ва қорақалпоқ халқлари миллий маданиятини ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган бетакрор санъаткорлар ҳаёти, уларнинг ижодларига бағишланган кечаларни тез-тез ўтказиб туришда ташаббускорлик кўрсатади. Жапақ бахши Шомуродов, Отажон Худойшукуров, Ёшан бахши Қоспўлатов, сўз устаси Жаксинбой Бекмуратов ва бошқаларнинг ижодий кечалари, хотира оқшомлари ёшларда катта қизиқиш уйғотиш билан бирга, ота-боболаримиз санъатини ривожлантиришга даъват этмоқда.

Маданиятни ривожлантириш, айниқса, янгиликлар, уларни тадбиқ этишга ҳам боғлиқ. Шунингдек, ўзгаришларни тезда илғаб олиб саҳна тилига кўчириш ҳам ижодкордан алоҳида меҳр талаб этади. Абдуғани каби фидойи, ўз касбининг усталари бор экан миллий маданиятимиз албатта равнақини топажак.

Деҳқонбой ҲУСАНОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.
А.ЖЎЗИМБЕТОВ,
Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.

Камалакнинг етти ранги

ИЗЛАНИШГА ЧОРЛАГАН ХАТ



Мусаввир Василий БАЖИГЕЕВ.

Табиатда ноёб ҳодисаларга, бир-бирига мантиқан боғланиб турувчи турли жисмларга ҳар қадамда дуч келиб, кимдадир ҳайрат, кимдадир ҳавас ҳислари уйғониши табиий. Осмон азалдан сирли, ер азалдан тилсим. Инсон шу ўрталиқда яшаётган олий хилқат. У аввал йиғлаб дунёга келади, сўнг атрофдаги муҳит, тарбия орқали ўзини, ўзлигини таний бошлайди. Инсон камолга етгач ўз қудратига, ўз кучига ишонади ва бу ҳол уни жасоратга ундайди. Жасоратнинг ўзи нима?

Инсоннинг бир касбнинг бошидан тутиб, виждонан ишлашини ҳам жасорат деб аташ мумкин. Мусаввир Василий Бажигеевнинг "Амир Темурнинг Тошкентга келиши" (1996) деб номланган асарини кузата туриб, муаллиф жасорат билан қўлига қилқалам олибди ва ўз олдига қўйган мақсадига эришибди деган фикрлар хаёлимдан кечди.

90-йилларга келиб, бир қатор мусаввирларимиз Турон заминида дунёга келиб илмий ва илоҳий билимлари билан бутун дунё маданиятига ўз улушини қўшган улуғ алломаларимиз, саркардалар сиймоларини яратишга катта аҳамият бердилар.

В.Бажигеев ҳам "Амир Темурнинг Тошкентга келиши" асарида образларнинг ички дунёси, ўй-фикрларини тасвирлаш учун ранглар ўз ўрнида берилишига, мазмунни ечадиган тасвирий воситаларга катта эътибор берган.

Ҳар бир асарни яратиш оддий ғоядан бошланади. Мияда бу ғоя тўлиб етилгунча фикрлар ғужғон ўйнайверади. Мусаввир улуғ соҳибқирон тўғрисида тарихий асар яратиш ниятида аста-секинлик билан материалларни йиға бошлади. Композиция учун қаламда, бўёқда бир неча эскизлар ишлади, узоқ изланди. Шундан сўнг муқим бир қарорга келди.

"Амир Темурнинг испан элчиси Гонзалес де Клавихони қабул қилиши" асари устида изланаётганимда қайсидир пайтда қаҳрамонларимнинг ҳаммасини бор бўйича тасвирлаш хоҳиши туғилди, – дейди биз билан суҳбатда Василий. – Агар шундай қилсам буюк саркарда орқа фонга тушиб қолиши мумкин экан. Менинг ниятим эса уни асосий планда кўрсатиш эди. Шунинг учун эскизлардан оёқларни кесиб ташладим. Ана шундагина картинада яққол манзара ҳосил бўлди. Испан либосларини чизиш учун турли-туман китоблар мутолаа қилдим. Испан элчиси де Гонзалес Клавихонинг эсдаликларини қайта-қайта ўқидим".

Мусаввирнинг кейинги йилларда яратган асарлари ичида "Амур Темурнинг испан элчиси Гонзалес де Клавихони қабул қилиши" (1998) энг муваффақиятли чиққан картиналардандир.

Олдинги кўринишда Клавихо Костилия қироли Генрих III нинг хати (посланияя)ни топшираётгани тасвирланган. Темурнинг вазирлари ҳар бири ўз ҳолича. Қизил тўндагиси "Келинглар, келинглар!" деб элчиларга мулозимат қилаётгандай. Доно, кўпни кўрган отахон, балким философ, қўлида асо тутган. Асонинг учида қимматбаҳо тош. Унинг образини кўриб бу одам ҳаётда кўп нарсани кўрган ва кўп нарсани биладиган инсон деб ўйлайсиз. Иккинчи кўринишдаги ўсмир эса қўлида китоб билан тасвирланган. Назаримизда, бу келажакка ишора. Темурнинг орқа томонида таржимон, орқароқда қоровуллар. Мусаввирнинг сарой тасвирини ҳам унутмаслиги таҳсинга лойиқдир. Сарой тасвиридаги ганч ўймакорлиги, қадимий ўйма нақшлар асарни янада мазмунли, миллий чиқишига хизмат қилган.

Сарой кўринишида икки эшик тасвирланган бўлиб, биринчисидан Темурнинг яқинлари, иккинчисидан Испания элчилари кириб келаётир. Уларнинг кўлида совға-саломлар солинган сандиқчалар бор. Узоқдан ички ҳовлининг ойналари кўриниб турибди.


"Манбаларда ёзилишича, – дейди мусаввир, – Оқсарой ўша кезларда шунчалар гўзал ва бой бўлиб, бунақаси ҳали Парижда ҳам йўқ эди. Шунинг учун мен сарой тасвирига алоҳида эътибор бердим".

Темур ўз тахтида хотиржам, мардонавор ўтирибди. Аллақандай ғурур билан келган элчиларнинг ўзларини тутишларини кузатиб турибди.

Василий Бажигеевнинг қаҳрамонлари – ўз қувонч ва қайғусига, бахт ва фожиасига эга бўлган жонли одамлардир. Рассом ҳар бир суратда сюжет учун иккинчи даражали бўлган деталларга берилиб кетмай, сиқиқ воситалар ёрдамида бутун эпизодни яхлит кўрсатиб беради. Унинг асарларида индивидуал кечинмани, мавзуни рассом томонидан англаб етиш ҳам сезиларлидир.

Мусаввир чизаётган даврни яхши ўрганганлиги туфайли ўша даврдаги одамларга этнографик жиҳатдан хос юз чизгиларидан ҳам фойдаланди.

В.Бажигеев 80-йилларнинг ўртасида ўлкамиз бўйлаб турли фаслларда, турли об-ҳавода кўп кезди. У ўлкамизнинг ҳақиқий манзарасини, кўрганлари, тасаввуротига мухрланиб, ўрнашганларини ўзи сезмаган ҳолда чиза бошладики, бу мусаввир асарларининг ҳаётий ва ҳақиқийлигини таъминлади. Унинг манзараларининг зиммасидаги "юк" кишини фикрлашга, изтироб чекишга ундайди. Бу туйғу баъзан сокин кечса, баъзан долғали ва тўфонли замонда ҳозирги кун кишисининг ҳолатини кескин психологик драматизмда кўрсатади. Бунга мисол қилиб "Хива", "Хива, Боғ-Бола масжиди", "Хива. Ота-Дарво-



Ўзбекистон мевалари натюрморти.

за" картиналарини келтириш мумкин. У ўз асарларида мангуликка айланиб, бетиним оқиб ўтаётган замонни, оддий кундалик воқеалар, икир-чикирлар орқали кўрсатади. Бу унинг дунёни ҳис этишда ўзига хос бўлган характерли хусусиятидир.

Мусаввир ижодининг илк босқичи лирик манзараларнинг тасвирланишига қаратилганди. Унинг тасвирий санъатга меҳр-муҳаббат қўйишида отаси Василий Миронович нинг ҳиссаси катта. Василий Миронович узоқ йиллар мобайнида Норильскдаги театрда ишлаган, кўплаб спектаклларнинг саҳна юзини кўришига унинг меҳнати сингган. У киши айни кунда нафақа гаштини суриб ўғлининг ижодини янада баркамоллашувида ўз ҳиссаларини қўшаётирлар.

Бутун қалби билан она ерга боғланган В.Бажигеев бошқа мусаввирлардан фарқли ўлароқ, қишлоқни юмшоқ рангларда – саратон иссиғида, бир оз ғубор қўйнида тасвирлайди. Заминнинг сокин ва осуда, абадий гўзаллиги, рассом мўйқалами сеҳридан қоғозда ўз аксини топган манзараларнинг таъсир кучи, ҳиссиётга тўлиқлиги мана шунда. Лирик, ўйга толдирувчи хилма-хил жилолар унинг Болтиқбўйи минтақаси табиатини тасвирлаган асарларида ҳам яққол кўзга ташланади. "Таллин. Томлар", "Таллин бўғози кўриниши", "Пирита. Таллин" ва шу кабиларни мисол тариқасида кўрсатиш мумкин. Кўриниб турибдики, картиналарнинг номланишиёқ бир манзарани гавдалантиради.

В.Бажигеев асарлари ҳамиша рангларга тўлиқ. Унинг асарларида ўзига хос ранглар кўзга ташланади. У очиқ ҳаво рангни жуда севади ва асарларида кўплаб қўллайди.


Унинг натюрмортларини ("Ўзбекистон мевалари", "Олма ва тарвуз билан натюрморт", "Қовун ва беҳи билан натюрморт") кузатар экансиз, беихтиёр ўзингизни куз фаслида тасаввур этасиз. Кўз ўнгингизда танти, қўллари қадоқ деҳқон гавдаланади. Сахий куз неъматлари, тўкин-сочинлик юртимизни тарк этмасин дея ният этасиз. Ҳатто мусаввирнинг орқа фонда тасвирлаган миллий матоларимиздан бири бўлмиш атласни ишлатгани ҳам кўнглингизга шукуҳ бағишлайди. Яна дастурхонга қўйилган иккита тандир нон ҳам мусаввирнинг миллий одатларимизга бўлган ҳурматининг бир белгиси деб ўйлайсиз.


В.Бажигеев айни кунларда темурийлар ҳаётига оид асар яратиш ниятида эскизлар устида ишламокда, чунки у ўлкамиз тарихига жуда қизиқади. Ватансилийнинг кўплаб асарлари Англия, Америка Қўшма Штатлари ҳамда Франция каби хорижий юртларда коллекционер ва музейларда бор. Унинг рафиқаси Светлана ҳам рассом-керамист. У ҳам турмуш ўртоғининг изланишларида ўз маслаҳатларини аямайди.

Мусаввирнинг бисотида бир хат сақланади. Бу улуғ мусаввир Аркадий Александрович Пластовнинг қаламига мансуб. У Ульяновск вилоятининг Присложи қишлоғида яшаб ўтган. Бу хат 1969 йилда ёзилган. Лекин Василий уни ҳамон ардоқлаб эҳтиётлайди. Чунки бу мактуб унинг ўзига бўлган ишончини янада мустаҳкамлаган. Улуғ мусаввир А.Пластов ёш, қизиқувчан ўсмирнинг дастлабки ижодий ишларидан намуналарни кўрган ва унга "Сизда қобилият бор, лекин Сиз жуда кўп ўқишингиз керак. Ўз устингизда изланишдан тўхтаманг" дея ёзганди.

Орадан кўп йиллар ўтганига қарамай биз ҳам А.Пластовнинг фикрига қўшилган ҳолда, мусаввирнинг бундан кейинги ишларига зафарлар тилаб қоламиз.

Маъпура НАБИЕВА.





Дала шийпонида.

Авесто

Ўша баттарин қаҳратон астуманд оламга қалин қорлар билан тушиб келади. Баланд тоғларга қорлар ёғади Аридвай[36] баландлигида.

23

Эй Жам!

Уч томондан қўйлар суруви келади. Улар ғоят хавфли манзиллардан келадилар: тоғларнинг юксак чўққиларидан, қишлоқларнинг чуқур ерларидан...

24

Эй Жам!

Қаҳрли қаҳратондан бурун сувлар шиддат билан оққан бу сарзаминларда гиёҳ ва ўт-ўланлар ғоят сероб бўлади. Аммо қаҳратон оёғи етгач ва у бутунлай кириб келгач, қорларнинг қутуришини кўрсанг. Энди бу заминда сурувларнинг ҳайратбахш оқимидан ном-нишон тополмайсан.

25

Шундан сўнг – сен, эй Жам! – ҳар бирининг тўрт томони асприйс[37] узунлигида бўлган вар[38] бино қил. Қўйлар, туялар, одамлар, итлар, паррандалар ва қуйдиргувчи қизил олов уруғларини у ерга олиб бор.

Сўнгра – сен, эй Жам! – одамларнинг яшамоғи учун ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигида бўлган вар бино қил. Сигирлар ва қўйлар учун ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигида бўлган вар барпо айла.

26

... У ерда сувлар узунлиги бир ҳосар[39] бўлган ўзанларда шитоб билан оқадилар.

... У ерда ҳамиша ям-яшил ва хуррам, ҳамиша егулик ва қут-баракотли яйловлар яратгин.

... У ерда кенг ва баланд уйлар қур.

27

... У ерга ер юзидаги энг улуғ, энг олий, энг яхши эркак ва урғочиларнинг уруғларини олиб бор.

... У ерга ер юзидаги энг улуғ, энг олий, яхши жонворларнинг хилма-хил уруғларини олиб бор.

(Давоми. Боши ўтган сонда.)

28

... У ерга ер юзидаги энг баланд, энг хушбўй ўсимликларнинг уруғларини олиб бор.

... У ерга ер юзидаги энг емишли, энг ёқимли ва хушбўй таомларнинг уруғларини олиб бор.

... Нобуд бўлмасликлари ва йўқ бўлиб кетмасликлари учун уларни жуфт-жуфт қил.

29

Бироқ зинҳор у ерга букрилар, пуштсизлар, ғўллар, дрявака[40], дайвак[41], касвиш[42], визбориш[43], сўйлоқ тишли, пес, умуман, Аҳриман ўз доғини қолдирган бирор-бир кимсани кирита кўрма!

30

У кенгликда тўққиз ўтар жой қил. Ўрталиқда олти, қўйиликда уч. Эркак ва урғочиларнинг минг дона уруғини ўша кенгликдаги ўтар жойларга олиб бор. Олти юз уруғ ўрталиққа, уч юз уруғ қўйиликка.

Уларни заррин сувра билан вар томон ҳайда. У варга ичдан нур таратгувчи дарвоза қур.

31

Шунда Жам ўз-ўзича андиша қилди:

– Аҳура-Мазда айтган варни қандай қилиб тикласам экан?

Шунда Аҳура-Мазда Жамга деди:

– Эй, қуёш юзли Жам, Вайвангҳоннинг ўғлони!

Одамлар қуруқ тупроқни юмшатганларидек ерни товонинг билан эзғила ва қўлларинг билан шудгор қил!

32

Шунда Жам Аҳура-Мазда истагини бажо айлади:

одамлар қуруқ тупроқни юмшатганларидек, ерни товонида эзди ва қўллари билан шудгор қилди.

33

Ўшанда Жам ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигида бўлган вар бино қилди ва қўйлар, туялар, одамлар, итлар, паррандалар ва қуйдиргувчи қизил олов уруғларини у ерга олиб борди.

Ўшанда Жам одамлар яшамоғи учун ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигида бўлган вар бино қилди. Сигирлар, қўйлар учун ҳар бирининг тўрт томони асприйс узунлигида бўлган вар барпо айлади.

34

Шундан сўнг у ерда сувлар узунлиги бир ҳосар бўлган ўзанларда шитоб билан оқдилар.

... У ерда ҳамиша ям-яшил ва хуррам, ҳамиша егулик ва қут-баракотли яйловлар яратди.

... У ерда кенг ва баланд уйлар қурди.

35

... У ерга ер юзидаги энг улуғ, энг олий, энг яхши эркак ва урғочиларнинг уруғларини олиб борди.

... У ерга ер юзидаги энг улуғ, энг олий, энг яхши жонварларнинг хилма-хил уруғларини олиб борди.

36

... У ерга ер юзидаги энг баланд, энг хушбўй ўсимликларнинг уруғларини олиб борди.

... У ерга ер юзидаги энг емишли, энг ёқимли ва хушбўй таомларнинг уруғларини олиб борди.

... Нобуд бўлмасликлари ва йўқ бўлиб кетмасликлари учун уларни жуфт-жуфт қилди.

37

... Ва у ерга букрилар, пуштсизлар, ғўллар, дрявака, дайвак, касвиш, визбориш, сўйлоқ тишли, пес, умуман, Аҳриман ўз доғини қолдирган бирор-бир кимса йўл тополмади.

38

У кенгликда тўққиз ўтар жой қурди. Ўрталиқда олти, қўйиликда уч. Эркак ва урғочиларнинг минг дона уруғини ўша кенгликдаги ўтар жойларга олиб борди. Олти юз уруғ ўрталиққа. Уч юз уруғ қўйиликка.

Уларни заррин сувра билан вар томонга ҳайдади. У варга ичдан нур таратгувчи дарвоза қурдирди.

39

Зардушт сўрди:

– Эй, оламни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!
Жам бино қилган вар хоналаридаги ёруғлик – эй, Аҳура-Мазда Ашаван – сўйлагил, недир?

40
Аҳура-Мазда деди:
– Ўзини ва борлиқни яратган ёруғлик.
У ерда юлдузлар, ою қуёшнинг пайдо ва пинҳон бўлиши йилда бир марта юз беради.

41
Ва улар (варда истиқомат қилувчилар) кунни йил деб гумон қиладилар. У ерда эркак ва урғочи жуфтларнинг қўшилишидан қирқ зимистонда эркак ё уруғочи дунёга келади. Турли биялар ҳам худди шундай.
Жам бунёд этган вардаги хоналарда истиқомат қилувчилар тириклар ичидаги энг бахтиёр кимсалардирлар.

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Жам бунёд этган вардаги хоналарга маздапарастлик динини ким олиб борди?
Аҳура-Мазда деди:
– Эй, Сипийтмон Зардушт!
Гаршифт қуш[44]
– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
– Улар учун энг буюк ва доно ким?
Шунда Аҳура-Мазда деди:
– Эй, Зардушт!
Урвататнара[45] ва сен – Зардушт!

УЧИНЧИ ФАРГАРД
Биринчи бўлим

1
– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Замини ҳаммадан кўра бахтлироқ бўлган дунёдаги биринчи жой қаер?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Эй, Сипийтмон Зардушт!
Бундай жой қўлда покиза ўтин, барсам[46], ҳован[47] ва янги соғилган сут тутган, ўз амал-эътиқодига дилда ишончи собит, ўктам овоз, кенг яйловлар ишқи билан масрур ва бу яйловларни қўшиққа солган бир Ашаван оёқ босган заминдир.

2
– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Замини ҳаммадан кўра бахтлироқ бўлган дунёдаги иккинчи жой қаер?

3
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Бундай жой бир Ашаван уй тиклангган макондир. Ўша уйда мубад[48] рўзғор тебратади. Сигирлар галаси ва уй бекаси, фарзандлар ва сурувлар яшайди бу уйда. Сигирлар галаси яхши парвариш қилинади. Ашаванлик афзун бўлади. Тевалар хўроки фаровон, яхши итларнинг ризқи сероб. Уй бекаси бахтиёр, фарзандлар шодмон. Ҳамиша олов гуриллаб туради. Тириклиқнинг гўзал ҳар бир ҳодисаси яхшиликка қовушади. Бундай жой дунёдаги иккинчи бахтиёр заминдир.

4
– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Замини ҳаммадан кўра бахтиёрроқ бўлган дунёдаги учинчи жой қаер?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Эй, Сипийтмон Зардушт!
Бундай жой бир Ашаван ҳаммадан кўпроқ буғдой, ёғ ва мевали дарахтлар экқан, одамлар қуруқ ерларга сув чиқарган, сувли ерларни шудгор қилган заминдир.

5
– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Замини ҳаммадан кўра бахтиёрроқ бўлган дунёдаги тўртинчи жой қаер?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Бундай жой қўйлар суруви ва тевалар уюри энг кўп парвариш қилинадиган заминдир.

6
– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Замини ҳаммадан кўра бахтиёрроқ бўлган дунёдаги бешинчи жой қаер?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Бундай жой сернасл қўйлар ва тевалар яшайдиган заминдир.

Иккинчи бўлим

7
– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Замини энг аччиқ ғуссага гирифтор бўлган дунёдаги илк жой қаер?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Бундай жой Аризвар[49] тоғининг кифти бўлиб, унинг саҳнида дўзах моғораларидан чиққан девлар жам бўладилар.

8
– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Замини энг аччиқ ғуссага гирифтор бўлган дунёдаги иккинчи жой қаер?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
У одамлар ва итларнинг кўплаб мурдорлари (лош, жасад) тупроққа кўмилгувчи жойдир.

9
– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Замини энг аччиқ ғуссага гирифтор бўлган дунёдаги учинчи жой қаер?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
У сон-саноқсиз дахмалар тикланиб, унинг ичига одамларнинг мурдорлари қалаштириб кўмиладиган жойдир[50].

10
– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Замини энг аччиқ ғуссага гирифтор бўлган дунёдаги тўртинчи жой қаер?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– У Аҳриман яратган махлуқлар кўплаб ин қурган макондир.

11
– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Замини энг аччиқ ғуссага гирифтор бўлган дунёдаги бешинчи жой қаер?
Аҳур-Мазда жавоб берди:
– Эй, Сипийтмон Зардушт!
У қуруқ ва ғуборли кўчада ўлдирилган Ашаван ортидан унинг хотин ва фарзандлари оҳу фиғон чекиб бораётган жойдир.

Учинчи бўлим

12
– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ бахтиёр қилган илк кимса ким?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– У одамлар ва итлар жасадини тупроқдан энг кўп чиқариб ташлаган зотдир.

13
– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ бахтиёр қилган иккинчи кимса ким?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– У мурдалар қалашиб ётган дахмаларни бузиб ташлаган зотдир.

14
Одам зотидан ҳеч бир киши мурдани ёлғиз ўзи дахмага олиб бормаслиги керак. Кимда-ким ёлғиз бир ўзи мурдани дахмага олиб борса, насв[51] унга ҳамла қилади ва бурун, кўз, оғиз, эркаклик ё аёллик аврати ёхуд мурданинг ортидан кириб уни булғайди ва палид қилади.
Дуруж[52] ва насв унинг ичига кириб олади ва тирноқларининг орасигача булғаб ташлайди. Шундан сўнг, у нопок бўлади ва нопоклигича қолади.

15

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Ўликни ёлғиз бир кимса дахмага элтадиган жой қаерда?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Ер юзининг сувсиз, бўм-бўш, қуп-қуруқ қисми. Қўйлар суруви ва йилқи у ердан ниҳоятда оз ўтади.

Олов – Аҳура-Мазданинг ўғлони у ерда камдан-кам ёқилади.
Барсам дасталари ва диний урфлар у ерда деярли кўзга ташланмайди. Ашаванлар у ердан ахён ўтиб қоладилар.

16

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
– Оловдан нечоғли узоқда?
– Сувдан нечоғли узоқда?
– Барсам дасталаридан нечоғли узоқда?
– Ашавандан нечоғли узоқда?

17

Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Оловдан уч қадам олис.
– Сувдан уч қадам олис.
– Барсам дасталаридан уч қадам олис.
– Ашавандан уч қадам олис.

18

Маздапарастлар у ернинг атрофини айланасига ўраб қўйишлари керак (*бундай жой "армиштгоҳ", яъни "нопок шахс жойи" дейилади – тарж.*). Унга хўрак ва энгил-бош берсинлар. Энг ёмон хўрак ва энг искирт кийим-бош. Хўрак жуда оз бўлиши ва таом ҳам ночиз бўлиши зарур.

19

Ўша иҳоталанган жойда у (нопок шахс) қариб, тандан мадори кетиб, мункиллаб қолгунича яшаши керак.

20

Қариб, тандан мадори кетиб, мункиллаб қолганидан кейин маздапарастлар паҳлавон, забардаст бир эркакка амр қилсинлар, уни баланд тоғ бошига олиб чиқсин-да терисини сидириб, бошини танадан жудо қилсин. Шундан кейин унинг мурдорини (жасадини) Аҳура-Мазда яратган ўлаксахўр зоғларнинг олдига ташлаб юборсин ва ушбу сўзларни айтсин:

21

"Бу ерда ётган одам ўзининг бутун аҳриманий андишалари, сўзлари ва амалларидан пушаймондир. Агар бошқа бир кишининг аҳриманий амаллари бу одам орқали юз кўрсатган бўлса, патити[53] қонунига мувофиқ афу этилади. Борди-ю бу одам бошқа ҳеч қандай аҳриманий амалларни қилмаган бўлса, унинг шу пушаймонлиги абадий мағфиратига кифоят қилади".[54]

22

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ бахтиёр қилган учинчи шахс ким?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Аҳриман бино қилган инларни энг кўп вайрон қилган зот.

23

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ бахтиёр қилган тўртинчи шахс ким?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Эй, Сипийтмон Зардушт!
У ҳаммадан кўп буғдой, гиёҳ ва мевали дарахтлар экқан зотдир! У қуруқ ерларга сув чиқарган ва сувли ерларни шудгор қилган зотдир.

24

Узоқ замон экилмаган ва омоч тегмаган замин бахтсиздир. У омочни орзу қилади. Бундай замин балоғат палласига кирган соҳибжамол қиздир. Бу қиз фарзанд кўриш ва яхши ёстиқдошга интиқдир.

25

– Эй, Сипийтмон Зардушт!
Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўл билан, ўнг қўл ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга фаровонлик бахш этади. У гўзал ва покиза қизга ўхшайди. Бу қиз эр хонадонига кириб бориб, ўз тўшагида ҳалол ёстиқдошига фарзандлар туғиб беради. Замин ҳам мўлкўл меваларини инъом этади.

26

Эй, Сипийтмон Зардушт!
Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўл билан, ўнг ва чап қўл билан шудгор қилса, замин унга шундай дейди:

27

– Эй, мард! Эй, мени чап ва ўнг қўл билан, ўнг ва чап қўл билан шудгор қилган зот!
Одамлар ҳамиша бу ерга келадилар ва нон сўрайдилар. Мен бу ерда ҳосилга кираман, сен учун ҳар турли хўрак ва мўл-кўл буғдой етиштираман.

28

– Эй, Сипийтмон Зардушт!
Кимда-ким заминни чап ва ўнг қўл билан, ўнг ва чап қўл билан шудгор қилмаса, замин унга шундай дейди:

29

– Эй мард! Эй, мени чап ва ўнг қўл билан, ўнг ва чап қўл билан шудгор қилмаган зот!
Сен бегоналар эшиги остонасида нон истовчилар билан бирга бўлурсан. Кўзларинг йўл кўради. Улар сени эшиги остонасидан ҳайдаб юборадилар.

30

– Эй, дунёни яратган зот!
Эй, Ҳақиқат!
Мазда динини қандай таом тўйғизади?
Аҳура-Мазда жавоб берди:
– Эй, Спийтмон Зардушт!
Буғдой экмоқ ва яна буғдой экмоқ.

31

Кимда-ким буғдой экса, у Ошани (ҳақиқат) экади. У Мазда динини яна ва яна кўкартиради. У Мазда динини юзлаб ҳамду сано, нарзу ниёз ва ўн минглаб қурбонликлар билан қувватлантиргандек қудратли қилади.

32

Қачонки эгатларда уруғ етилса, девлар ўринларидан қўпадилар.
Қачонки буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар.
Қачонки буғдой ун бўлса, девлар нола чекадилар.
Қачонки буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар.
Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлаша олмайди.
Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, девлар у хонадондан узоқлашадилар.
Қай бир хонадонда буғдой омбори бўлса, гўё қиздирилган темир девлар бўйнини чирмаб ташлайди.

33

Руҳонийлар ушбу варжованд мансарасини[56] одамларга ўргатсинлар.
"Ҳеч ким хўраксиз Оша қонунларига амал қилиш қудратига эга эмас. Омоч тортиш қудратига эга эмас. Фарзандлар дунёга келтирмоқ қудратига эга эмас.
Моддий оламда халқ қилинган ҳар бир мавжудот емак билан тирикдир, емаксиз ўликдир".

34

– Эй, оламни яратган Зот!
Эй, Ҳақиқат!
Заминни ҳаммадан кўра кўпроқ бахтиёр қилган бешинчи шахс ким?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Заминни яхшилаб шудгор қилган ва уни бир Ашаванга топширган Зот!

35

– Эй, Сипийтмон Зардушт!

Кимда-ким заминни шудгор қилиб уни меҳрибонлик ва парҳезкорлик билан бир Ашаванга топширса, Спандармаз уни замин қаърида, ҳасрат ва паришонлик оламида, тубанлик ва шўрбахтлик сарзаминида девлар макони – дўзах тубига улоқтириб ташламайди.

Тўртинчи бўлим

36

– Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким одамлар ва итлар жисмини тупроққа топшириб, олти ойгача тупроқдан олмаса бу гуноҳнинг жазоси нечук?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Беш юз қамчин аспаҳиҳ-ашатра[57] билан, беш юз қамчин саравушу-чарана[58] билан саваланади.

37

– Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким одамлар ва итлар жисмини тупроққа топшириб, бир йилгача тупроқдан олмаса, бу гуноҳнинг жазоси нечук?

Аҳура Мазда жавоб берди:

– Минг қамчин аспаҳиҳ-ашатра билан, минг қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

38

– Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким одамлар ва итлар жисмини тупроққа топшириб, икки йилгача тупроқдан олмаса, бу гуноҳнинг жазоси нечук, бу гуноҳкорликнинг товони нима, қандай қилиб у бу гуноҳдан пок бўлади?

39

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Бундай гуноҳга ҳеч қандай на жазо, на товон бор. Бундай гуноҳкорликка бирор бир жазонинг имкони йўқ. Дунёда ҳеч бир жазо, ҳеч бир товон бундай гуноҳни поклай олмайди.

40

– Қандай ҳолатда содир бўлади?

– Гуноҳкор Мазда динининг мураббийси ёхуд бу диндан батамом огоҳ бўлган чоғда ушбу ҳол содир бўлади. Борди-ю гуноҳкор Мазда динининг мураббийси ёхуд бу диндан огоҳ бўлмаса ва ўз қилмишига қаттиқ пушаймон бўлса ҳамда қайтиб нораво кирдорларга қўл урмаса, Мазда унинг гуноҳларини афв этади.

41

– Эй, Сипийтмон Зардушт!

Ҳақиқатда, кимда-ким бу динни қабул қилса, ўз ёзуғлари бандидан халос бўлади.

Мазданинг дини нодуруст амалларни кечиради. (Ўғрилик гуноҳ эканини билади, бироқ бадавлат одамнинг молини ўмариб, уни бенаволарга бермоқни ашаванларча (яъни, ҳақ иш) мардоналик, деб гумон қилади).

Мазданинг дини ашаванлардан бирор бир кишини ўлдирган зотни афу этади. (У биладики ўлимга муносиб одам қатл қилиниши керак. Бироқ у бундай амал ҳақамнинг амрисиз бажарилмаслигини билмайди).

Мазданинг дини жасадни тупроққа топширишни афу этади. (У мурдани тупроққа топширмоқ нораво эканини билади, аммо гумон қиладики, борди-ю шундай қилмаса итлар ёхуд шоқоллар мурдани тортқилаб, сувга ёхуд оловга ташлашлари мумкин.) Бинобарин, у мазкур амалини ашаванларча (яъни, ҳақ иш) мардоналик, деб гумон қилади.

Мазданинг дини энг қаттиқ гуноҳнинг жазосини афв этади. (У энг олий ҳузур-ҳаловат, энг олий баҳрамандлик раво эканини билади, бироқ бу сўнгсиз ҳузур-ҳаловат ва олий баҳрамандлик ашаванларга (яъни, ҳақ йўлдагилар) нораво эканини билмайди).

Мазданинг дини одамлар истар-истамас қўлларини бўлғашлари мумкин бўлган гуноҳларни афу этади.

42

– Эй, Сипийтмон Зардушт!



Суратни Р.Эрматов чизган.

Мазданинг дини шамол сахроларни шитоб билан тозалагани каби Ашаваннинг (Ҳақ йўлдаги киши) ҳар қандай андишасини, сўз ва амалини поклайди.

Эй, Сипийтмон Зардушт!

Бундан кейин сенинг барча амалларинг эзгу бўлгуси. Мазданинг дини сенинг гуноҳинг учун оғир товон беради.

ТЎРТИНЧИ ФАРГАРД
Биринчи бўлим

1

Кимда-ким қарзни ўз эгасига қайтармаса, унинг бу амали ўша омонатни ўғирлаган билан баробар бўлади. Қарз олган киши омонатни уйида сақласа, ҳар кун ва ҳар тун унга қўл урса ва ўзиники, деб гумон қилса, унинг бу амали омонатни иккинчи марта ўғирлаган билан баробардир.

Иккинчи бўлим

2

– Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Қасамларнинг саноғи нечадир?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Менинг қасамларим олтита:[59]

биринчи – сўз қасами;
иккинчи – қўл қасами;
учинчи – қўй қасами;
тўртинчи – сигир қасами;
бешинчи – одам қасами;
олтинчи – экин қасами; энг яхши, энг обод, энг серҳосил заминдаги экин.

3

Кимда-ким сўз қасамини ёлғиз сўзнинг ўзи деб тасвир этса, уни қўл қасами билан тузатиши ва қўл қасамининг товонини тўлаши керак.

4

Қўл қасамини қўй қасами билан тузатиши ва қўй қасамини унинг ўрнига бериши керак.

Қўй қасамини сигир қасами билан тузатиши ва сигир қасамини унинг ўрнига бериши керак.

Сигир қасамини одам қасами билан ўзгартириши ва унинг ўрнига одам қасамини бериши керак.

Одам қасамини экин қасами билан ислоҳ қилиши ва экин қасамини унинг ўрнига бериши керак.

5

– Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сўз қасамини бузса, бу гуноҳ учун гирифтор бўладиган жазосининг андазаси нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг уч юстасига тенгдир.[60]

6

– Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким қўл қасамини бузса, бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андазаси нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг олти юстасига тенгдир.

7

– Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким қўй қасамини бузса, бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андазаси нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг етти юстасига тенгдир.

8

– Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сигир қасамини бузса, бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андазаси нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг саккиз юстасига тенгдир.

9

– Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким одам қасамини бузса, бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андазаси нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг тўққиз юстасига тенгдир.

10

– Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким экин қасамини бузса, бу гуноҳи учун гирифтор бўладиган жазосининг андазаси нечукдир?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Унинг ва энг яқин қариндошлари гуноҳининг товони ўша қасам баҳосининг мингтасига тенгдир.

11

– Эй, дунёни яратган Зот!

Эй, Ҳақиқат!

Кимда-ким сўз қасамини бузса, гуноҳининг жазоси нечук?

Аҳура-Мазда жавоб берди:

– Уч юз қамчин аспаҳ-ҳашатра билан, уч юз қамчин саравушу-чарана билан саваланади.

ИЗОҲЛАР

36. Аридвай – бу ўринда мақсад ё баландлик ўлчови ёхуд машҳур асотирий дарё Аридвюсвардир. Эҳтимол дарё баландликка қиёсланяпти.

37. Асприйс – асосан, йўл узунлиги ўлчови бўлиб, отчопар майдони андазасида ўлчанади. Қадимги Шарқда йўл узунлиги ўлчовлари отчопар майдонларининг ҳажмига нисбатан олинган. Маълум бўладики, асприйс ўлчовининг муайян бир андазаси бор. Чунончи, "Вандидод" китобининг 2-фаргард, 25-бандида Аҳура-Мазда Жамга фармон беради: "Одамлар ва жониворлар учун ҳар бирининг тўртта томони ҳам асприйс узунлигида бўлган вар қур".

"Вандидод"нинг паҳлавийча шарҳида варларнинг узунлиги икки ҳосар, яъни икки фарсанг дейилади. Шундан хулоса қилиш мумкинки, асприйс икки фарсанг узунлигидаги ер (эҳтимол икки фарсанг кенгликда). Аммо ҳосар ўлчов бирлиги учун муайян бир андаза йўқ.

38. Вар – ерости манзили. Аҳура-Мазданинг кўрсатмаси билан Жам одамлар ва ҳайвонлар учун бино қилган ерости манзили.

39. "Ҳосар" узунлик ўлчовининг муайян бир андазаси йўқ. 37-изоҳга қаранг.

40. Дуясана – бир гуруҳ кимсаларнинг сифати ёхуд унвони. Аҳура-Мазда бундай кимсаларнинг Жам барпо этган ерости манзиллари – варларга йўл топишини истамайди. Бу сўз паҳлавий тилида бир неча маъноларда қўлланилади, жумладан, ҳаромзода боланинг ота-онаси маъносини ҳам билдиради.

41. Дайвак – бир жамоа одамларнинг сифат ва унвони. Аҳура-Мазда бундай кимсаларнинг Жам барпо этган ерости манзиллари – варларга йўл топишини истамайди. "Вандидод" шарҳида "дайвий" тарзида қўлланилган. Баъзи мутахассислар уни "ёлғончи, аврагувчи" маъноларини бор, деганлар. Бошқа бир гуруҳ авестошунослар "дайвий"ни бадандаги нуқс ё иллат маъносида шарҳ этганлар.

42. Касвиш – кин ва жазо девининг исми.

43. Визбориш – бемор ёхуд танасида иллати бор кимсалар гуруҳи. Аҳура-Мазда Жамга бундай гуруҳларни ерости манзили – варга киритмасликни қатъий таъкидлайди.

44. Афсонавий қуш.

45. Арвататнара – паҳлавийда ва ҳозирги замон зардуштлар истилоҳида – Арватаднор. Зардуштнинг иккинчи фарзанди. Маздапарастлар динида оламдаги биринчи деҳқон Арвататнара ҳисобланади. "Вандидод"нинг 2-фаргард, 42-бандида қайд этилишича, Жам бунёд этган вар аҳли орасида Зардушт ва Арвататнара энг буюк ва энг донодир. "Бундаҳиш"да келади: "Арватаднар деҳқонларнинг улуғи эди, энди Жам бунёд қилган варнинг буюгига айланди". Арватаднар абадий зотлар сирасидан.

46. Барсам – Авестода "барисман", "силамоқ", "серпимоқ" маъноларини ифода этади. Дарахтнинг янги кесилган шохи. Зар-

душтийлар ҳамд-сано лаҳзаларида бу шохларни қўлда тутганлар. Авестонинг бирор бир ўрнида ушбу қай бир дарахтдан кесиб олиниши айтилмаган. Бироқ, энг охирги маздапарастлар адабиётида бу шохлар анор дарахтидан кесиб олинади, дейилган. Уларни "барсамчин" номли пичоқда кесиб олишган. Ювиниш маросими бажо келтирилаётган маҳалда барсамдан фойдаланилган. Бошқа расм-русумлар адо этилаётганда барсамлар махсус "барсамдон" ёхуд "мохрўй"га қўйилган.

47. Ҳована (ҳований) – ҳозирги замон форс тилидаги "ҳован" (ўгир)нинг этимологияси ушбу авестойи "ҳована"га бориб тақалади. Авестойи эътиқодга кўра бир кечакундуз беш қисмдан иборат. Унинг дастлабки қисмини асрагувчи илоҳнинг номи Ҳованадир. Бундан ташқари маздапарастлар учун муқаддас саналган ҳвана ўсимлиги эзиб шарбати олинадиган махсус идишнинг номи ҳам ҳованадир. Ҳвана ўсимлиги янчилаётган чоғда янграган овоз оташпарастларни ибодаттоҳга чорлайди. Ҳован масиҳийлар калисосидаги қўнғироққа ўхшайди. Бу қўнғироқнинг келиб чиқиш манбаи ҳованадир, деган қарашлар мавжуд.

48. Мубад, мубид – оташпарастлик динида муғлардан мартабалироқ руҳоний.

49. Аризвар – асотирий тоғ. "Вандидод"да бу тоғ ўнгирлари ва чўққисида девлар жам бўлади, дейилади.

"Бундаҳишн"да Аризвар тоғи ўнгирлари дўзах дарвозаси дейилган. Гўё ушбу дарвоза орқали девлар дўзах ва жисмоний олам оралиғида шитоб қилганлар. Бошқа зардуштий манбаларда ҳам Аризвар девлар жамланадиган манзил, дейилади.

50. Зардуштийлик таълимотига кўра жасадларни қалаштириб кўмиш оқибатида тупроқ булғанади.

51. Насв – паҳлавийда "наса" ёки "нас". Лош, жасад, мурдор жисми каби маъноларга эга. Насв ўлик жисмга таъсир кўрсатувчи дев. Кимда-ким ўликка яқин келса, ё унга қўл теккизса, ё ёлғиз бир ўзи ўликни дахмага олиб борса, насв – дев унинг баданидаги ҳамма тешиклар орқали ичига кириб булғаб чиқади. Мурданинг тепасида туриб Амшосипандларнинг номи тилга олинса, насв йўқ бўлади (Амшосипандлар – Аҳура-Маздага энг яқин кучлар). Насв мурданинг ёнига Аҳриман ва девлар маконидан келади. Шу боисдан мурда олиб борилаётган йўлга насвни қўрқитиб, ҳайдаб юбориш учун тўрткўз ит боғлаб қўйилади.

52. Дуруж – Авестода "Друж" ё "Друг". Паҳлавийда – "Друз". Маъноси – "дуруғ", ўзбекчада "ёлғон". Каззоб, аҳдсиз урғочи девнинг номи.

53. Патити – Авестода "пайтита", паҳлавийда "патийт", "патит" – гуноҳлардан қайтиш, тавба қилиш. Зардуштийлар адабиётидан патит – истиғфорнинг тўрт хил матни бизга маълум.

54. "Ардовирафнома"[55] китобида келишича, гуноҳкорга бериладиган жазо бундан баттар-роқдир: "... Бир кишининг руҳини кўрдим. Унга одамлар жасадининг гўштини қон ва йиринг аралаш егизардилар.

"Бу жасад нима гуноҳ қилди?" сўрадим мен. Фаришта ва илоҳ Озар жавоб берди: "Бу руҳ дунёда рад этилганлардан. У ҳаёти дунёда кўплаб одамларнинг жасадини сув ва оловдан олиб ўтди. У якка-ёлғиз мурдакаш эди. Ва ўзини ҳеч қачон одатга мувофиқ ювмади (покламади – тарж.).

55. Ардовирафнома – қисқартма шакли "Ард". Паҳлавий тилидаги рисола бўлиб, унда зардуштий динининг пешволаридан бири Вирафнинг нариги дунёга сафари ҳақида ҳикоя қилинади. Вираф бу сафарда жаннат ва дўзах аҳлининг қисмати билан танишади. (Зардуштийлар пешвоси бўлмиш Вирафнинг ўзи хусусида ҳам турли-туман қарашлар бор). Ушбу рисоладан айрим парчалар оврупойи тилларга таржима қилинган.

56. Варжованд мансараси – ахуровий муқаддас сўзлар. Илоҳий каломлар.

57. Аспаҳиҳ-ашатра – гуноҳкорларни жазоловчи асбоб.

58. Саравушу-чарана – муайян гуноҳлар содир бўлганда қўлланиладиган жазо қуроли.

59. Ушбу вандидодий қасамларни 4-фаргардда ўқиймиз. Одатда қасам келтирган томон ўз сўзининг товони сифатида кейинги қасамни келтиради. Чунончи, қўй-қасамнинг баҳоси бир қўй қийматига баробар. "Буюк ривоят" китобида "қўл-қасам" ҳақида қуйидагиларни ўқиймиз. "Бу ҳолда ҳар икки томон қўл сиқиш йўли билан шартлашадилар".

60. "Буюк ривоят" китобида келишича, гуноҳ ёлғиз гуноҳкорнинг (қариндошларнинг эмас) елкасига юкланган. Авесто матнида уч юздан мингга довур ошиб борган баҳо, "Буюк ривоят" китобида гуноҳкор руҳининг дўзахда кечирган йиллари деб талқин қилинган.

Таржимон – А.Сомер

Давоми бор.



Рассом Любовь ТИОРАнинг "Авесто" мавзусидаги ишларидан.

МУҚАММАЛЛИК ЙЎЛИДА

Инсондаги истеъдод, иштиёқ, лаёқатни ўлчаб бўлмас экан. Хўш, уни рўёбга чиқариш, қандай йўллар билан бўлса-да, барчага намоён этиш кимга, нимага боғлиқ?

Бу иштиёқ куртаклари қалбингизнинг қайсидир бир кенгликларида аста-секинлик билан илдиз отар экану, унинг гуллаб-яшнаши учун туртки керак экан, аслида.

Ўқувчи Ортиқали ҳам болаларча ҳавас билан турли суратлар чизиб юрарди. Бир куни у шу суратлардан бир нечтасини иштиёқ билан "Гулхан" журналига юборди. Омадни қарангки, кўп ўтмай бу суратлар журналда босилиб, унга улуғ мусаввир Чингиз Аҳмаров оқ йўл тилаган эди.

– Биласизми, бу воқеа келажагимни ҳал қилган, уни белгилаб берган, – қувониб эслайди рассом, – чекка қишлоқнинг чанг кўчаларида болаликнинг беғубор оламида юрган болакай – мен ҳаётимда илк бора ҳайратга, мўъжизага дуч келгандай эдим. Чизган суратларимни журнал саҳифаларида кўриб, қалбимда илиқ туйғулар уйғонди. Шундан сўнг сездимки, бу олам – ранглар олами, ижод олами энди меники, у мен билан. Ёш қалбим тобора бу оламга интилар, унга янада тезроқ, ранг-баранг суратлар билан кириб боргим келарди.

... Ниҳоят Ортиқалининг орзуси ушалиб, олийгоҳ талабаси бўлди. Раҳим Аҳмедовдек устозга шогирд тушди. Хаёлида етилган, хаёл кўзгусида жилоланган нозик, шаффоф туйғулар аста-секин қоғозга кўчар, мавзу ранг, чизги билан тўлдирилиб, яхлитлик кашф этар эди.

Кундалик ҳаётдаги ҳар бир нарсага ижодкорга хос синчковлик, сезгирлик билан қарар, унинг турфа рангларини нозиклик, ички туйғу билан сезар, уни янада мукаммаллаштириш учун иштиёқ билан қайта-қайта машқ қилар эди. Бундай изланишлар самараси ўлароқ, бирин-кетин янги картиналар юзага келарди.

Шу ўринда ижодкорнинг "Унутилган ҳовли", "Байрам садолари", "Эски ҳовли", "Унутилган тегирмон", "Бизнинг ҳовли" каби картиналарини кузатар эканмиз, уларда миллий рангни, ўзбекона урф-одатни, шарқона тасвирни яққол сезамиз. Шакллар ўта таъсирчан, ранглар – шаффоф, мавзулар – ранг-баранг.

Рассом ўз йўлини топиши учун кўп изланди, машаққат чекди. Бир лаҳзалик дақиқани қоғозда тасвирламоқ учун ойлаб, йиллаб меҳнатини, вақтини аямади.

Реализм услубида ижод қилаётган рассомни модернизм услуби қизиқтириб қолди.

Модернизм фалсафий услубдаги ижоддир. Бу услубда яратилган асарни томоша қилар экансиз, уни дастлаб тушуна олмаслигингиз мумкин. Лекин қалб кўзи, тафаккур туйғуси билан қараркансиз кўнглингизга яқин алланарсани туйган бўласиз. Боиси услубдаги картиналарда фалсафий фикрлар нозик мушоҳадалар билан мужассам этилган. Бунинг учун инсоннинг хаёлот дунёси кенг, мушоҳадаларга бой бўлмоғи керак. Ҳар бир рангга, шаклга қараб, бир маънони тушунасиз, уни ўйлашга, фикрлашга ҳаракат қиласиз.

Мен рассом устахонасида бўлганимда энг аввало уни сермаҳсул мусаввир сифатида кашф этдим. Устахона деворларида катта-кичик ҳажмдаги, турфа мавзудаги асарлар санъат шинавандаларини ўзига тортади. Такрорланмас суратлар сизни гоҳ ўтмишга, гоҳ келажакка етаклайди. Ўз ифодаси билан ўзга дунёга олиб кириб кетади. Рассом хаёлидаги ўйфикрлар ҳайрат бўлиб тасвирларга кўчгач, сизни ўйлашга, фикрлашга ундайди. Агар мушоҳада қилишга ундамаса, билингки у етук асар эмас.

– Чизилган ҳар бир картинамни энг аввало ўзим тўла тушунмоғим керак, – дейди, мусаввир, – уларга қараб ҳар сафар янги маъно кашф этгандек бўлаверaман. Картинани бир кўргандаёқ тушуниш қийин, лекин унинг заминида фалсафий ғоялар яширинганлигини сезиб қоласиз. Ҳар бир ранг, шакл, чизги – буларнинг барчаси бирлашиб, янги ғоя, ҳақиқатни кашф этганлигини ҳис этасиз.

Ижодхонадаги картиналар шунчалар дид билан илиб қўйилганки, худди кўргазмалар зали дейсиз. Уларни кузата туриб, рассомнинг хаёлот дунёсининг чексиз-чегарасизлигига, қалб ва тафаккурининг нечоғли бекиёслигига амин бўлдим. Гўё нозик туйғулар дунёсига, гўзаллик оламига кириб қолгандек.

Мусаввир бир картинасини "Ватан ҳақида қўшиқ" деб номлабди. Асарда бир қўлида найза-қалқон тутган эркак ҳамда мусиқий соз ушлаган аёл образи тасвирланган. Кўкда эса янги чиққан ҳилол ёғду сочиб турибди.


– Биласизми, дунёда буюк бир туйғу бор, – шарҳлайди рассом, – бу Ватан туйғуси – сарҳадсиз туйғу. Бу туйғуни кўриб, эшитиб бўлмайди, уни фақат қалбан ҳис қиласиз. У сизни ҳеч қачон тарк этмайди. Айниқса хорижда бўлганингизда буни янада кенгроқ, батафсилроқ сезасиз.

Эркак – Ватан қудрати рамзи. Ватаннинг асл фарзандлари доимо халқ хизматига камарбаста турганлар. Аёл эса муҳаббат рамзи. У қўлидаги соз билан меҳр-муҳаббатни, бахт-иқболни қўшиқ орқали тараннум этмоқда. Ватан – муқаддас даргоҳ. Унинг ҳар бир гиёҳ-гуллари, бинолари, урф-одатлари, ҳаттоки кўкдаги ягона ой ҳам биз учун муқаддас. Аёл соз чалиб, ўз ёрига, ака-укаларига Ватанга муҳаббат туйғуларини сингдирмоқда. Оила эркак ва аёлдан ташкил топганидек, Ватан туйғуси муҳаббат ва қудратдан иборат. Кўкдаги ой эса Ватан туйғуси ҳар нарсадан улуғ, юксак дегандек баландликдан нур таратиб турибди.

– Ҳар бир картина ўз руҳияти билан яшамоғи, ўзгалардан ажралиб турмоғи керак, – дейди рассом картиналарни бирма-бир таништира бориб, – бу руҳиятни асосан ранглар билан ифодалайман.

Руҳият асли нима? У қандай шаклдаю қандай рангда? Ҳар қайси инсоннинг руҳияти бир хилми?

Ортиқали ҳам ўз руҳиятини картиналари орқали кўрсатади. Худди шу сабаб ҳар бир асарнинг ўз руҳий олами бор. "Дугоналар", "Эгизаклар" картиналари бунинг далилидир. "Дугоналар"да балоғат ёшидаги икки сирдош дугона, уларнинг ўй-фикрлари, орзулари ёниқ эҳтиросларга тўлган. Баҳорнинг дастлабки



«Чўпон» 1997й. Мато, мойбўёқ.

кунлари... фаслнинг илк даракчиси қалдирғоч қизларнинг орзу-умидлари тимсоли. Оқ либослари уларнинг оппоқ ўй-фикрларига ҳамоҳангдек гўё. Дугоналар чеҳрасидаги майинлик, сирли-сеҳрли ишоралар бўлажак шодликдан, бахтдан дарак бераётибди. Рассом икки дугонани гўзаллик, бахт тимсолида тасвирлаб, ҳаёт гўзаллигини нозиклик билан илғаб, уни ёркин бўёқларда ифодалай олган.

Картиналарни кўришда давом этарканмиз, "Қўша-қариганлар" асари диққатимизни ўзига тортди. Чол қўлида най, кампир қўлида доира. Улар умр бўйи шодумон ҳаёт кечирганликлари юз-кўзларидан, нурли чеҳаларидан сезилиб турибди.

Рассом оила Шарқда доимо муқаддас даргоҳ деб ҳисобланишини яхши англайди. Шу сабаб бу асарда Шарқнинг табиатини, турмуш тарзини, инсоний муносабатларни рангин бўёқларда куйлаган.

Картиналарда тарих ҳам, ҳаёт ҳам, келажак ҳам, муҳаббат ҳам – тирикликнинг барча иньомлари нозик чизгилар, бетакрор ранглар билан ўз аксини топгандай, гўё. Кўплаб асарлар фалсафий мушоҳадаларга бойлиги, инсоний ҳиссиётларни қаҳрамон руҳи орқали теран ифодаланганлиги билан сизни ўзига мафтун этади. "Ҳаёт тергирмони", "Намозшом", "Ёмғирдан сўнг" асарлари руҳингизга бир нозик илиқлик олиб киради. Табиат ёмғирдан сўнг яна бир бор тиниқлашади, мусаффо бўлади. Айниқса баҳор ёмғиридан сўнг руҳингиздаги ғуборлар ювилиб қалбингиз ором топади. Дарахт, гул-япроқларнинг бутун ғуборлари ювилиб, жилваланганидек, нафақат табиат, балки инсонлар дили ҳам поклангандек бўлади. "Ёмғирдан сўнг"даги қиз образи – балоғат ёшидаги муҳаббат тимсоли. Қиз хаёллар қуршовида, хаёллари мисли камалак, ўйчан кайфиятда ўтирибди. Орзу-умидлари камалакдай ёркин, нурли, ранг-баранг. Дарахтлар ҳам, пойидаги кўм-кўк майсалар ҳам муҳаббатдан бир эртак сўйлаётгандек...

Ортиқали жаҳонгашта рассом. У кўплаб хорижий давлатларда ўтказилган нуфузли кўргазмаларда қатнашиб, асарларини намойиш қилмоқда.


1995 йилда Измирда унинг шахсий кўргазмаси намойиш этилди. Унинг картиналари Италия,Япония, Америка, Канада, Кипр, Голландия каби жаҳоннинг ўнлаб мамлакатлари музей ва шахсий галереяларидан жой олган.

Мен устахонада "Кулфат ҳайқириғи", "Келажак билан суҳбат" каби юксак маҳорат билан чизилган, мазмунан бой суратларни кўриб, улар тақдири билан қизиқдим.

– Ҳар бир рассомнинг ўз олтин фонди бўлмоғи керак, – шарҳлайди ижодкор. – Чунки ўнлаб картиналарим орасида баъзилари жуда ардоқли, қадрли. Мен шундай картиналаримни ўз олтин фондимда сақланмоғи керак деб ўйлайман.

Дарвоқе, инсондаги лаёқатни қандай рўёбга чиқариш мумкин деган саволга шундай жавоб топдим. Лаёқатни, истеъдодни намоён қилиш, инсоннинг ўзига, тиришқоқлигию, қизиқишига боғлиқ экан. Мен бунга Ўзбекистон Республикаси Бадиий Академиясининг биринчи мукофоти – Олтин медаль билан тақдирланган истеъдодли рассом Ортиқали Қозоқов ижоди билан танишгач, яна бир карра амин бўлдим.

Маҳмуда АБДУЛЛАЁРОВА.



Муҳаммад алайҳиссалом деганлар: *“Сизларнинг яхшиларингиз ўз аҳли аёлига (оиласига) хушмуомалада бўлганларингиздур”.*


(Ҳадиси шарифдан)

Истиқлол йиллари мобайнида иқтисодиётни барқарорлаштириш, бозор муносабатларини шакллантириш, кучли ижтимоий сиёсатни ўтказиш, кенг кўламли маънавий-маърифий ишларни амалга ошириш собитқадамлик билан олиб борилмоқда.

Мамлакатимизда дин аҳлига кўрсатилаётган ҳурмат ва эътибор, айниқса, диққатга сазовордир. Бу борада уларга зарур шарт-шароитлар яратиб берилмоқда: янги масжидлар қурилаётгани, диний мактаблар очилаётгани, илоҳиётга доир китоб, газета, журналлар нашр қилинаётгани, Маккаи Мукаррама ва бошқа муқаддас жойларни зиёрат қилиш сезиларли даражада ўсгани шулар жумласидандир. Истиқлол йилларидаги энг муҳим ютуғимиз мамлакатимизда барқарорлик ва миллатлараро тотувликнинг сақланиб қолганлигидир.

Мустақил Ўзбекистон давлати иқтисодий-ижтимоий, маданий ва маърифий тараққиётида ўзига хос ва мос йўлини танлаб олди. Республикамиз Президенти И.Каримов бундай деб таъкидлаган эди: “Биз фақатгина демократик жамият эмас, балки адолатли демократик жамият қуриш ниятидамиз. Адолатга интилиш халқимиз менталитетининг ўзига хос томонидир. Энг олий адолат ғояси – шариат меъёрларида, давлат қурилиши белгилаб берилган низомларда қизил ип бўлиб ўтади... Биз фуқаролар жамияти қурмоқдамиз. Бу дегани – давлатчилигимиз шакллана боргани сайин, бошқаришнинг хилма хил функциялари халқнинг ўзига, ўз-ўзини бошқариш жамоат органларига берилади”.

Ҳуқуқий давлатсиз демократияни, шахс эркинлигини ривожлантириш мумкин эмас. Илғор мамлакатларнинг, шу жумладан мусулмон давлатларнинг тараққиёт тажрибаси шуни кўрсатмоқдаки, илоҳий кўрсатмаларга ва умуминсоний қадриятларга асосланган шариат аҳкомларини мустаҳкамлаш айни вақтда фуқароларни ҳалол яшашга чақирувчи қонунчиликни мустаҳкамлаш, дунёвий қонунларни ўрганиш ва улардан фойдаланиш яхши самаралар беради. Шариат қонунларининг кучи ва обрўйи шундаки, улар муқаддас Қуръони Каримгагина асосланиб қолмай, балки асрлар бўйи шаклланган, шахс манфаатларини, жамиятнинг ҳар бир аъзосини ва жамоани муҳофаза қилувчи ёзилмаган қоидалардан, анъана ва урфлардан ташкил топган одат меъёрларига ҳам асосланади.





Собиқ Иттифоқ ўрнида пайдо бўлган Ўрта Осиё ҳудудидаги мустақил мамлакатларда янги давлатчиликни ва миллий ҳуқуқий тизим яратишда тарихий, миллий-анъанавий турмуш тарзи, маданияти, шунингдек, кундалик одат меъёрларини ҳисобга олиш ҳам жуда муҳим. Мусулмон мамлакатлари тажрибаларини ўрганиш шуни кўрсатадики, уларда шариат ва замонавий ҳуқуқ уйғунлашганида эски ва янги ҳуқуқий тизимлар бирикиб кетади, шу асосда бир неча тагтизилмалар (умумҳудудий ёки умумдавлат ҳуқуқлари, диний ҳуқуқлар (шариат) ва инсон ҳуқуқлари) биргаликда амал қилади.

Шу кунгача Абу Ҳанифа (Имоми Аъзам) таълимоти тарқалган барча мусулмон мамлакатларида шахс статуси ва оила ҳуқуқи ҳамда қоидаларини кўриб чиқишда асосан мовароуннаҳрлик фақиҳларнинг асарларидан фойдаланиб келинмоқда. Шариат меъёрларини шарҳлашда мазкур асарлар эътироз билдирмайдиган обрўга эга бўлиб, муайян юридик тортишувлар ва зиддиятларни ҳал қилишда ҳал этувчи куч ҳисобланган. Атоқли мусулмон фақиҳларнинг келишилган ёки якдил қабул қилинган фикрлари (концессус) ижмоъ деб номланиб, ўз аҳамияти жиҳатидан Қуръон ва суннадан кейин учинчи шариат манбаи ҳисобланади.

Шариат қонун-қоидалари инсон фаолиятининг де-

ярли кўп томонларига, айниқса, шахсий ҳаётига сингиб кетган. Ҳозиргача кўп мамлакатларда исломнинг социал ҳуқуқий-ахлоқий роли кучайиб, у маънавий маданиятнинг таркибий қисми ва ижтимоий тараққиётнинг муҳим омилига айланган.

Маълумки, бизнинг давримизда муайян эътиқод, аниқ умид ва эзгу ниятларга эга, ўз мавқеи ва ҳуқуқини англаган билимдон, ўз ватани ва бурчига садоқатли фуқароларсиз давлат тараққий этолмайди. Шунинг учун ёш авлодни тарбиялашда унинг дунёқараши, билим даражаси, маданий ва сиёсий савияси, хулқ-атвори умуминсоний қадриятларга ва қонун-қоидаларга мос келиши ҳам муҳим аҳамиятга эга.

оила ва одат

Инсон моҳияти масаласини, унинг жамиятда тутган ўрнини, шахснинг руҳий оламини ифодаловчи ўзаро узвий боғланган эътиқод (иймон), ҳуқуқ, бурч, диёнат (виждон), адолат, ҳалоллик каби қадриятларга қандай амал қилишидан аниқлаш мумкин. Аслида ҳар бир фуқаро ҳаётдаги ўрнини ва мавқеини ўз жамияти, ватани, теварак-атрофидаги муҳит (оила, меҳнат жамоаси, маҳалла ва ҳ.к.) олдидаги бурчи ва масъулиятини, виждонан тушуниб олса жамият тараққий этади.

Ҳозирги мураккаб бир замонда фуқароларимизнинг, айниқса, ёшларнинг дунёқараши ва онги қандай бўлишига бефарқ қарай олмаймиз, келажакда ҳам ҳар томонлама камол топган, билимдон ва ишбилармон, онгли ва фаол, Ватан олдидаги бурчига садоқатли эркин шахсни тарбиялашимиз зарур. Эркин шахс мутаассибликдан озод ҳолда ақл-идроки, куч-ғайрати ва виждонига таяниб, ҳалол меҳнати билан турмуш шароитини яхшилашга интиладиган бўлиши зарур.

Оилада ёшлар кекса авлодлардан меҳнат тажрибасини, ижтимоий ва оила-никоҳ муносабатларини, дунёқараш ва ахлоқий тамойиллар тартибини ўрганади. Оила жамиятдаги барча социал-иқтисодий, маданий-маиший ва ахлоқий ҳодисаларга ҳеч вақт бефарқ бўлмаган. Юртбошимиз қайд қилганидек, "халоллик, ростгўйлик, ор-номус, шарму ҳаё, меҳру оқибат, меҳнатсеварлик каби барча инсоний фазилатлар энг аввало оилада шаклланган". Шунинг учун ҳам республикамиз Конституциясида оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга, деб алоҳида қайд қилинган.

Мусулмон оилавий ҳуқуқ қоидаларида ҳам оиланинг ички ҳаёти, никоҳ, шахслараро муносабат муаммолари, фарзанд тарбияси ва уларни маблағ билан таъминлаш (нафақа тўлаш), мулкчилик ва мерос, васийлик каби нормалар аниқ ишлаб чиқилган ҳамда уларни бошқариш масалалари кўрсатилган. Қуръонда эркак ва хотиннинг мулкдорлиги ҳуқуқи ва даромадларига алоҳида эътибор берилган.

Мусулмон ҳуқуқчилигида эру хотиннинг мол-мулки мустақиллиги, уларнинг бу соҳада кафолатланганлиги тўғрисида бир қатор кўрсатмалар мавжуд. Эр ва хотин умумий хўжаликка эга бўлса-да, ҳар бири шахсий мулкига ўзи хўжайин ҳисобланган, аммо ўзаро мулкий муносабатларда умумий қоидаларга амал қилганлар. Шу туфайли мулк ва мерос ҳуқуқи асосида мусулмончиликда эркаклар билан аёллар тенг ҳуқуққа эга бўлмаса-да, хотин-қизларнинг ижтимоий ва хўжалик ишларида фаоллиги кафолатланган.

Ўзбекистон мустақилликка эришганлиги шарофати билан миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз ва этномаданий анъаналаримиз тиклана бориши билан оилани мустаҳкамлашда, фарзандларимизнинг тарбиясини яхшилашда шариат қоидаларига амал қилиш дастлабки мевраларини бермоқда.

Оила соҳасида давлатимизнинг ҳозирги энг долзарб вазифаларидан бири инсон ҳуқуқлари устуворлигини ҳисобга олган ҳолда оила манфаатларини ҳуқуқий ҳимоя қилишни таъминлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш давлат дастурини рўёбга чиқаришдан иборат.

Санжар
ЖАББОРОВ.



Раънонинг раъноси

Дунё қизиқ... Минг йўқотасан, бир топасан ёки аксинча. Ана шу ажиб дунёнинг одамлари ҳам ўзига ўхшайди, гаройиб, бири-биридан мутлоқ бошқача, тамоман ўзга... Шундай одамлар борки, у томон узоқ интиласан ва етасан ҳам!.. Бироқ кўрасанки, у сен айтган "ўша" эмас! Кейин нима қилишингни билмай қоласан, кўнглинг қолади. Уни таниганингга ачинасан.

Аммо яна бир бошқа инсонлар борки, қанча билганинг сари шунча билолмайсан, мўъжиза янглиғ, қанча яқинлашганинг сари шунча соғинасан. Дафъатан шоир Парфийнинг мисраларини эслайсан:

"Сени топгунга қадар,
Қандай яшадим мен.
Наҳотки, яшадим?"

Раъно менинг юрагимга шундай кириб келди, юрагимда раънолар очилди, бўйлар таратди, қанча ҳидлаганим сари, шунча маст бўлдим, шунча тўймадим.

У ўзига ўхшаб яшайди, ўзлигида собит. Рост гапиради, рост кулади, рост йиғлайди...

Раъно шеърлар ёзди, мен тингладим, китобига жон деб муҳаррирлик қилдим, сўзбоши ёздим:

"Шеърият тоғнинг чўққисидаги булоққа ўхшайди. Унга фақат ўзинг чиқиб борасан. Унинг йўли ёлғизоёқ йўл. Етиб олиб, ўша шифобахш, мўъжизакор сувдан юз-қўлларингни ювиб, бир қултум ичсанг, ортингга сира ҳам қайтгинг келмай қолади.

Раънонинг юзи нурли, ўша булоқ сувларига чайиб олган. Раънонинг кўнгли шаффоф, ўша булоқ сувларидан қониб-қониб ичган. У дунёнинг ўткинчи ваъдаларига ишонмайди, у ёлғиз ОЛЛОҲга ишонади.

Ушбу тўпламдаги шеърлар менинг ҳам юзимни ёруғ қилади деган умиддаман..."

Биз дилкушо суҳбатлар қурамиз, дийдор байрамлари қиламиз.

Бугун сизларни суҳбатимизга ошно қилгим келди. Унинг боладек кўнглига, беғараз дунёсига сизларни ҳам олиб киргим келди.

Фарида АФРЎЗ – Раъно, сиз кўпроқ кимга ўхшайсиз? Отангизгами? Ё онангизгами? Тўғрироғи сиздаги қувноқлик, ҳозиржавоблик, латофат, беғуборлик кўпроқ кимдан ўтган, демоқчиман.

Раъно ЯРАШЕВА – Агар тўғрисини айтсам кўринишимни отамга ўхшатишади, феъл-атворимни онамга. Руҳиятимни онамнинг онаси Хадича бувимга туташ дейишади. Хадича бувим давраларнинг гули эдилар. Тўйга борсалар ҳаммани қулдирар, азага борсалар ҳаммани йиғлатардилар.

Ф.А. – Раъно, ҳар бир ниҳолга тўрт унсур: ҳаво, сув, ер, қуёш бирдек зарур, агар шулардан бирортаси кам бўлсинчи... Ижодкор ҳам бир ниҳолдек гап тўғрими?

Р.Я. – Тўғри айтяпсиз, Фарида опа. Саньаткор – ниҳол, истеъдод – тупроқ, меҳнат – ҳаво, омад – қуёш, муҳит – сувдир. Бири бўлса, бири етмай, бўй берса мева туголмаган, баҳорида қовжираб ётган ижодкорлар ҳам йўқ дейсизми орамизда. Шу кунга етказганига ҳам минг шукур.

Ф.А. – Болалик ажойиб фасл – шўхликлар, бебошликлар... Ерга урса, кўкка сапчишлар... Қизиқ, болаликда ҳамма нарса аниқ ва равшан бўларди гўё. Мен ҳам интилган, мўлжал қилган ҳар бир ишимга етмай қўймас эдим. Дарахтнинг энг учидаги мева меники, анҳорда оқиб кетаётган беҳи меники бўлиши шарт эди. Раъно яхшики, мен Қўқонда, Сиз Каттақўрғонда туғилган эканмиз. Бир маҳаллада яшаган бўлганимизда, бормиди?...

Р.Я. – Вой, қаердан билдингиз? Сизга "шайтон"ликларимни айтмовдим шекилли?

Ф.А. – Жуда билинади-да. Ҳозир ҳам ҳеч кам эмассиз...

Р.Я. – Ҳақиқатан мен ҳам болалигимда жудаям шўх эдим. Ҳамма ерда юрса, мен томда юрардим, хуллас шўхликда маҳаллада менинг олдимга тушадиган хатто ўғил бола ҳам йўқ эди. Аммо инсон ақлини таниганидан кейин бутунлай бошқача бўлар экан. Ўқийди, ўрганади, вояга етади. Мен биласизми опа, бир нарсадан қўрқаман. Энг дахшатли нарса шуки, олдида мақсади йўқ инсон. У бир куни албатта пароканда бўлади, шарпага айланади. Шундан худонинг ўзи асрасин. Онам ҳозир китобларимни ўқиб: "Тавба, болалигингда ҳам йиғингни қофияга солиб айтардинг-а?" дейдилар, кулиб.

Ф.А. – Учрашувларга борсанг шеъриятга қачон кириб келгансиз, деган савол берилади. Мен ҳайрат ичра: ҳақиқатан ҳам қачон кирган эканман, деб ўйланиб қоламан. Худди тонг отиши, қуёшнинг қандай чиқиши, тун чўкиши, юлдузларнинг пайдо бўлишини билмаганим каби. Саньат эса бошқачароқ...

Р.Я. – Тўғри айтяпсиз, Фарида опа. Мен ҳам унча-мунча шеърлар машқ қиламан, лекин қайси пайтда шеър келишини билолмайман, ҳануз. Аммо саньатга, актёрликка қизиқиш, интилиш ақлимни таниганимдан кейин асосий мақсадим эди.

Ҳозир эътибор билан қараб турсам инсон ёшлик пайтларданоқ ўз олдига асосий бир мақсадни, яъни ҳаёти давомида йўлчи юлдузни белгилаши керак экан. Ёшлик пайтида одам мўлжалига аниқ тушади. Масалан: сакрайман деган арикдан сакрайди, шу вақтда етиб бораман деган жойга югуриб етиб олади. Аммо ёши улғайгандан кейин мутлоқ бошқача... Мен шундан хурсандманки ёшлигимдаёқ актёр бўлишни орзу қилдим, интилдим, минг машаққат билан етишдим.

Ф.А. – Раъно. "Етишдим" деяяпсизу ахир булар ўзига бўлмагандир...

Р.Я. – Опажон, болаларимни тишимда тишлаб, 1985 йили ҳеч ким мени кутмаётган Тошкентдек шаҳри азимга келдим. Ягона ниятим Тошкент саньат институтига кириш... Ўқиш, актёр бўлиш эди, шуни билдимки худодан ниманики чин дилдан поклик билан сўрасанг, интилсанг албатта берар экан.

Ҳозир эса уйим бор, жонажон театрим, азиз устозларим, мени соғиниб кутиб турадиган дўстларим, болаларим, қолаверса жону жаҳоним – саҳнам, озми-кўпми мухлисларим бор.

Ф.А. – Раъно, аёл, она сифатида ташвишу ниятларингиздан хабардорман, актриса сифатида сизни нималар ўйлантираётганини билмоқчийдим.

Р.Я. – Саволингизга узоқроқдан жавоб бермоқчиман. Томошабинлар баъзан спектаклдан, баъзан актёрдан нозози бўлиши мумкин. Яхши спектакль эмас ёки яхши ижро этмаган, дейишади. Агар яхши асар бўлса ундан ёмон спектакль чиқмайди. Қолаверса, истеъдодли актёр яхши асарда ёмон образ ижро қилмайди. Аксинча, баъзан ёмон асарни ҳам кучли актёрлар ўз истеъдоди билан елкасига олиб, жонини бериб яхши даражага етказади.

Ф.А. – Бирор образни яратаётганингизда драматург ёзган сўздан қониқмаган пайтингиз бўладими, матндан бошқачароқ айтиб юборгингиз келадими?

Р.Я. – Албатта, чунки драматург қоғозга воқеани туширади. Актёр воқеада яшай бошлайди, табиийки, баъзан драматург берган матн актёрга сингишмайди ёки бошқача айтиш қулай бўлади. Шундай пайтда биз аввал режиссёрга ўз фикримизни айтамиз. Агар унга маъқул келса драматург билан келишиб қўшимча матн ёзилади ва ижро этилади. Аммо бу ишлар фақат спектакль бадиий кенгашга топширилгунга қадар бўлади.

Ф.А. – Ҳозиргача яратган бадиий сиймоларингизни санаб ўтайлик.

Р.Я. – Чўлпоннинг "Ёркиной"ида Ёркиной, А.Қодирийнинг "Меҳробдан чаён"ида Нозик, "Бахтиқаро келин"да Келин, "Муҳаббат султони"да Ёқут, "Сохиб қирон"да Бибихоним, "Чимилдиқ"да Янга, "Боши қотган ошиқларда" Сулувхон, "Ҳаёт эшик ортида"да Табассум, "Шайтон ва фариштa" спектаклида Ўғилой, "Сеҳрли Танбур"да – Оролгул.

Ф.А. – Раъно, сиз телеэкран орқали намойиш этилган видеофильмлар орқали жуда кўпчилик мухлислар кўнглидан жой олдингиз: "Нодира ва Увайсий" мусиқали видеофильмида Нодира, "Меҳробдан чаён"даги Раънонинг онаси Нигоройим, айниқса, "Кўнгил кўчалари"даги яхши келин, "олий маълумотли келинойи" – Шарифа образи ишонарли чиққан. Бундай муваффақиятларингизни сири нимада деб биласиз?

Р.Я. – Халқимизда жуда яхши мақоллар бор. "Эринг суйди, элинг суйди", "Қайноналик келин қарқара келин, қайнонасиз келин масхара келин" каби... Менинг асардаги биринчи муваффақиятим Ўзбекистон халқ артисти, ажойиб инсон, серқирра ижодкор Тўти Юсупованинг ҳам ижодда, ҳам ҳаётда ёнимда бўлишлари. Қолаверса, қайнонамнинг энг яхши кўрган келини бўлганим, иккинчидан қайнотам Файзулла Аҳмедов, турмуш ўртоғим Рустам Маъдиев, айниқса, режиссёримиз, ажойиб саньаткор Маҳкам ака Муҳамедовларнинг менга нисбатан муносабатлари, муомалаларида деб биламан...

Раъно учун энг ноёб нарса вақт. Доим югур-югур. Ҳеч хотиржам, беғам ўтирганини кўрмаганман. Унга қараб туриб "Аёлнинг жони қирқта" деган гапга ишониб кетаман. Бир жони театрда, бири дубляжда, яна бири радиода, нашриётда, тўйларда, учрашувларда, уйда бўлса, яна бири Самарқандда – ота-онасида, хуллас, жони ичига сиғмайди. "Мен саньатга жуда кеч келдим, тенгдошларимга етиб олишим керак", дейди у камтарлик қилиб. Аслида улардан баъзан-баъзан ўзиб кетаётганини ўзи ҳам сезмайди. Раъно ўзи ҳайдаб юрадиган машинасининг чўнтагида ҳар доим турадиган бир китоб бор, уни дам-бадам қўлига олиб, ўқиб қўяди. Бу китоб шоир Сирожиддин Саййиднинг "Куйдим" шеърлар тўплами.

Мен ҳам аста варақлаб кўрдим. Шоир дастхат ёзиб берибди: "Раъноларнинг раъноироқ, раъноларнинг раъносига".

Мен суҳбатимиз лавҳасига бундан ортиқ сарлавҳа топа олмадим. Раъно ҳаммага яхши тилаклар тилайди, яхши кунларингизга шерик бўлишни истайди.

Р.Я. – Мен бизнинг ижодимизни кузатиб, баҳо бериб келаётган азиз томошабинлардан жуда хурсандман. Имкониятдан фойдаланиб, барча мухлисларимизга ўз миннатдорчилигимни билдираман. Доимо соғ-омон бўлиб, ўйлаган мурод мақсадларига етиб юришларини оллоҳ раббил оламийндан сўраб қоламан!

Мана, мен унинг шеърларидан сизга илиндим. Зеро, минг эшитгандан бир кўрган, ўқиган афзалроқдир.

Фарида АФРЎЗ.

Сен кетдинг

Сен биздан кетолдинг ҳеч иккиланмай,
Биз ҳам йиғлай-йиғлай кўзикдик охир.
Сен кетдинг, дарёлар оқавердилар,
Кунлар ўтаверди ҳар доимгидай.

Сен кетдинг, кетмади биздан бу фалак,
Юлдузлар биз билан, биз билан гуллар.
Булутлар кетмади, ёмғирлар ёғди,
Қолдилар биз билан сен юрган йўллар.

Фақат битта дарахт, сен севган гилос
Гулламади қайта келса ҳам кўклам.
Битди деб ўйласак айрилиқ доғи,
Сени эсга солди гулламай у ҳам.

Сени унутгандик тақдирга кўниб,
Қисмат қаршисида бошни эгиб жим,
Аммо гулламаган гилосни кўриб,
Ҳайрат ва ҳасратдан йиғладик сим-сим.

Раъно ЯРАШЕВА.



800 йиллиги олдидан

ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ

(шимсол, баҳо ва талқин)

Тойир ИСЛОМОВ,
санъатшунослик номзоди

Иккинчи жаҳон урушининг энг қизиган ва ҳал қилувчи палласида шоир ва драматург Мақсуд Шайхзоданинг "Жалолиддин Мангуберди" тарихий романтик драмаси Ҳамза номидаги академик драма театри томонидан кенг жамоатчилик эътиборига тақдим қилинди. Аммо асарга қизиқиш кучайган, халқимизнинг ватанпарварлик туйғуси жўш урган бир пайтда московлик икки ақл ўргатувчи А.Еголин ва А.Лебедев деган кимсаларнинг сўзи билан, муаллиф хонни идеаллаштиришда айбланиб, асар саҳнадан олиб ташланди.

Улар "Драма театрлари репертуари ҳақида" мақоласида "Совет ҳаётини диққат-эътибор билан ўрганиш, воқеалар ичида бўлиш, халқимиз фикри ва ғоялари билан яшаш, замонавий яхши пьесалар яратиш устида жиддий жаҳд ва сабот билан ишлаш ўрнига кўпгина драматурглар подшолар, боёнлар, хонларни идеаллаштирувчи тарихий пьесалар "тўқимоқдалар": Едигей, Жалолиддин ва бошқалар шулар жумласидандир", деб асарнинг саҳна ҳаётига тўсиқ қўйдилар. Унга маҳаллий муаллифлардан Ж.Бойбулатов "Шайхзоданинг "Жалолиддин"и ҳақида" ("Звезда Востока", 1946 й., 12-сон) мақоласи билан жўр бўлди.

Энди ўша вақтларда мазмуни тарихга хилофликда айбланган драмани муфассал таҳлил қилиб, ютуқ ва камчиликларни аниқлаб, адабиёт ва санъатимиздаги ўрнини аниқлаш пайти келди ва бу фойдалидир, деб ўйлаймиз.

Агар Бойбулатов ва юқоридаги икки муаллифнинг фикрини Ойбек ва Ғафур Ғулом мақоласидан ва бевосита асар ҳамда унинг саҳна талқини жиҳатидан қарайдиган бўлсак, юқоридаги уч муаллифнинг фикри нотўғри ва тенденциоз эканлигига амин бўламиз.

Бойбулатовнинг "Жалолиддин Мангуберди" драмасини фақат камчиликлардан, хатолардан иборат деб кўрсатишга қаратилган, бирёқлама руҳда ёзилган, тарихий асарга қўйган "талаб"и примитив ва саводсизлик даражасига бориб етган.

Драмадаги воқеаларни санама-сана, шахсларни номма-ном тарихга мутлақо мос бўлишини талаб қилиш мақоланинг мағзини ташкил этади:

"Шайхзода драмаси тарихийдир: шунинг учун у тарихий воқеаларни ва тарихий шахслар ролини ҳаққоний акс эттириши керак эди. Пьесада бўлса, тарихий фактлар бутунлай бузилган ва тарихий шахслар роли онгли равишда ва ҳойнаҳой, жўрттага чалкаштирилган (Таъкид бизники - Т.И.).

Мақола автори драматургни тарихни онгли равишда бузишда айблагач, мисоллар билан исбот қилишга ўтади. "Хоразмшоҳ қизининг исми аслида Султонбегим эмас, балки Хон-Султондир. У Бадриддиннинг хотини эмас, балки Самарқанд султони Усмоннинг хотинидир...

Хоразмшоҳ Чингизхон элчиларини 1210 йилда Самарқанддамас, балки 8 йил ўтгач, Бухорода қабул қилган".

Мақолада драма олдига қўйилган бундай талаблар жуда кўп топилади. Лекин шу нарса аниқки, тарихий драмага ана шундай фактологик талаб билан ёндошиш бадиий ижод шартлари ва ҳуқуқларидан хабарсизликдан далолат беради. Тўғри, Ж.Бойбулатовнинг айрим фактологик талаблари ўринли. Чунончи, "Хоразмшоҳ Чингизхон элчиларини 1210 йилда Самарқандда эмас, балки 8 йил ўтгач Бухорода қабул қилган" дер экан, у тамомила ҳақли. Лекин ана шу эътироз ҳам бадиий ҳақиқатга унча путур етказмайди, балки уни кучайтиради. Муноқиқид эса асосан композиция ва бадиият нуқтаи-назаридан тутилган эркинликларни достон қилиб олиб, асарни тарихга туҳмат деб савалай бошлайди ва ўзи тарихий жараён талқинларига, принципларига зид иш тутади. Чунки ҳар бир тарихчи ва шу мавзуда асар ёзувчи адибнинг вазифаси фақат тарихий фактларни эслашгина эмас. Чунки қуруқ эслаш тарих ҳам, адабиёт ҳам эмас. Балки уни билишдир. Шундай экан, гап аввало мана шу асосий муаммо атрофида бўлмоғи лозим эди. Лекин бу масала мақолада четлаб ўтилади. Зотан, муаллиф ўрни билан айрим "икир-чикир" далилларни ўзгартирса-да, асосий тарихий жараён ва саналарни, шахсларни тарихан айнан беради. Бундан мурод маълум тарихий жараён ва ўтган тарихий шахслар фаолиятини чуқур бадиий идрок этишдир. Шундай экан, аввало, автор позициясини англамоқ ва шунга амал қилиб, унинг ҳақ ёки ноҳақлигини мунозара этмоқ лозим эди. Лекин бундай бўлмади ва бўлиши ҳам мумкин эмас эди.

Шайхзода ўз тарихий романтик драмасида тарихий воқеа ва ҳодисаларнинг фактологик изчиллигини эмас, балки воқеалар ривожининг ички ҳаракатига амал қилди ва баъзи бир воқеалар ва шахслар масаласида тарихий фактдан ҳақиқатан ҳам чекинди. Унга бунинг ҳаққи бор эди. Зеро, у асар жанрини соф тарихий драма эмас, тарихий романтик драма деб атади. Шундай экан, унинг қаҳрамони маълум даражада ижобий идеал. Шу боис жанр имкониятига яраша айрим чекинишлар ўринлидир. Бинобарин Ж.Бойбулатовнинг Шайхзода асарига билдирган фикрлари унинг бир вақтлар Фитрат ижодига берган баҳоси каби асоссиз эди. Буни асарнинг режиссураси ҳам тасдиқлайди.

Мақсуд Шайхзода драмасидаги қаҳрамон биографияси ёркин ва драматик ҳолатларга эга ва саҳна асари яратиш учун режиссёрга кенг имкониятларни очиб беради. М.Шайхзода буни етарли ҳис этган ва ватанпарварлик ғояларини тарғиб қилувчи бадиий асар ярата билган.

Атоқли адиблар - Ойбек ва Ғафур Ғулом тили билан айтганда, Маннон Уйғур "Жалолиддин Мангуберди" драмасини саҳналаштириб, бадиий мазмундор, улкан қаҳрамонлик оҳанги билан суғорилган спектакль яратишга муваффақ бўлган.

Ҳар бир саҳнада ва мизон саҳнада етук устанинг кенг диапазони, улкан режиссёрнинг йўли сезилиб турар эди. Спектакль актёр маҳоратининг кўрсаткичи бўла оладиган йирик ишларга бой эди. Фақат бош қаҳрамонларгина эмас, балки иккинчи даражали образлар Академик театрнинг улкан усталари томонидан яратилди.

Масалан, Замира Ҳидоятова ва Тошхон Султонова ижро этган Она образи ҳажм жиҳатидан эпизодик бўлса-да, улкан бадиий умумлашма образ даражасига кўтарилган. Ўз тимсолида фарзандларидан ҳимоя ва жасурликни талаб қилувчи Она Ватан образини ифода қилар эди. Бу ғояни янада бўрттирган, тўлақонли чиқишига олиб келган образлардан бири Чол образи бўлиб, уни тажрибали санъаткор Ҳикмат Латипов яратган эди.

Драма ва спектаклда Чол образи Жалолиддин ва халқ ўртасидаги муносабат масаласини ёритишга хизмат қилган.

Чол - Латипов томошабин кўз ўнгида илк бор олтинчи саҳнада намоён бўлади. Мўғуллар оёғи остида топталган, хонавайрон бўлган кулбалар олдида боши эгик, ғариб Чол - Латипов ўтирибди. Унинг қиёфасида тортган азоб-уқубатлари ойнада акс этгандек намоён. Саҳнага Султонбегим хизматкори билан кириб келади. Чол - Латипов унга бошидан кечирган алампларларни ҳикоя қилади; қонхўр босқинчилар хотинини кўз олдида қийматаб, қизини зўрлабдилар, ўғлини эса тириклайин ерга кўмибдилар. Шунча ғамташвишлар бу бечора чолни ақлдан оздириши мумкин эди. Лекин Чол эсини йўқотган эмас. У қасос олишни истайди. Чол - Латиповнинг оқ қошлари остидаги ботиқ кўзлари нурида ўч асари мавжуд. Шунинг учун Латипов яратган Чол образи босқинчилар асоратидан эзилган халқ вакили тимсоли даражасига кўтарилган.

Чол образи муносабати билан шуни айтиш мумкинки, спектаклда халқ мавзуси маҳорат билан ҳал қилинган. Режиссёр Уйғур халқ образини яратишда омма намоён бўладиган (халқ оммаси бешинчи саҳнада пайдо бўлади ва мамлакатни ўз ҳолига ташлаб кетаётган Хоразмшоҳдан кетмасликни ва Ватанни ҳимоя қилишликни илтижо қилади) саҳна билан чекланмай, халқ вакили бўлган айрим шахслар образини бадиий ҳаққоний ифодалашга, айниқса, катта аҳамият берган. Лутфулла Назруллаев яратган чўпон Элборс, Ҳ.Латипов яратган Чол образлари ана шундай образлардир. Душман олиб келган жабру-жафолар учун қасос олиш истаги, ғалабага бўлган ишонч ҳислари Ҳ.Латипов ва Л.Назруллаев яратган образларнинг характерли хислатлари эди.

Спектакль ғоясини ўз елкасида кўтарувчи ғоят мураккаб образни яратишдек масъулиятли вазифани Шукур Бурҳонов улкан маҳорат ва чуқур тушунча билан бажарди. Дарҳақиқат, Жалолиддин образи мураккаб ва қарама-қаршиликлар билан тўла. Бу тарихий сабабларга кўра, Жалолиддин фаолияти салбий ва ижобий белгиларга эга шахсда ва инсон образидир.

Пьесада Жалолиддин фаолиятининг ижобий бўлаги тасвир этилса-да, спектакль бош қаҳрамони образини яратишда, унинг келажагига ишора мавжуд. Шукур Бурҳонов яратган қаҳрамон характерида яқин келажакда юз берувчи хислатларни сезиш қийин эмасди. Жасур, довюрак Жалолиддин - Бурҳонов қиёфасида вақти-вақти билан кишини ҳайратга солувчи даҳшатли белгиларни кўриш мумкин. Чунончи, Жалолиддин вужудида бир томондан довюрак инсон, иккинчи томондан тошбағир одам доимо бир-бири билан олишаётгандек эди. Жалолиддин айрим нарсага муносабат ва ғазабланиш ҳисларини баён этар экан, у шундай кайфиятга тушардики, бундай шахсдан ҳар қандай нарсани кутиш мантиққа хилоф бўлмасди. Бу жиҳатдан, асир тушган Бадриддин Жалолиддин томонидан ўлимга маҳкум этилиши саҳнаси жуда характерли эди: Жалолиддин – Бурҳонов ғазаби чексиз. Бадриддин авф этилишини сўрар экан, Жалолиддин ғазаби баттар аланга олади: чопар "Қочқин шоҳ"дан Бадриддинни озод қилиш хабарини келтиргач, Жалолиддин ғазаб косаси тўлиб-тошади ва хоинни ўлдиришга ҳукм қилади. Бироқ Жалолиддин бу ерда адолат ҳукмини амалга ошириш билан чекланмайди, балки асирни қийнаб ўлдиришни буюради:

"Икки марта ўлдир буни, жаллод, тез,
Аввал ўққа михла, сўнгра бошин кес!"

Шукур Бурҳонов ўз қаҳрамонининг ана шундай гапларига атайлаб урғу берганини тушуниш қийин эмас. Шукур Бурҳонов Жалолиддин образига қадар тарихий персонаж қиёфасини яратишнинг ажойиб тажрибасини И.Н.Берсенев саҳналаштирган "Бургутнинг парвози" спектаклида орттирган эди. Бу тажриба Жалолиддин образини яратишда ҳам қўл келди, актёрни бирдан-бир тўғри йўл - тарихий шахс ҳақидаги тарихий материалларни ўрганишга ундади.

Бурҳонов қаҳрамонининг хатти-ҳаракатлари ғоят кескин ва ишончли. Кўзларида ўт чақнаб турган серҳаракат Жалолиддин – Бурҳоновда ёшлик куч-ғайрати, жангларга интилиш, ғалабага ишонч барқ уриб турар эди.

"Жалолиддин образи Ш.Бурҳонов ижросида мазмундор талқин топди. Унинг Жалолиддини салобатли, жўшқин, ақлли ҳамда улкан ҳисга, бой қалбга эга", деб ёзади театршунос А.Хўжаева.

Бурҳонов Жалолиддин образини тарихий жиҳатдан ғоят ҳаққоний, бадиий жиҳатдан эса ифодали бўлишига катта аҳамият берди. Ҳатто жанг майдонида ва тарихчи Насавийнинг хотираларини ўқиш саҳнасида, умуман, ҳамма саҳналарда ундаги қаҳрамонлик шижоати ҳеч бир сусаймайди. Шуниси диққатга сазоворки, унинг жангчилари мағлуб бўлганида ҳам томошабинни Жалолиддин яна қайтадан Чингиз билан курашни давом эттиради, деган ишонч мустаҳкам эди.

Машҳур Хўжанд мудофааси қаҳрамони Темур Малик образи атоқли санъаткор Аброр Ҳидоятов томонидан алоҳида қунт билан яратилганди. Унинг қаҳрамони басавлат, вазмин... хатти-ҳаракатлари бир қадар бўрттирилган бўлиб, халқ эпоси қаҳрамонлари қиёфасини эслатарди. Аброр Ҳидоятов улуғворликни образ нутқи билан уйғунлаштириш устида қунт билан ишлаган ва "қизил сўзлик"ни сусайтириб, унинг ўрнига матнга матонат ва қудрат оҳангларини бажо этишга ҳаракат қилган. Натижада, Чингизхон билан ўтадиган саҳнада Темур Маликни олижаноблик ва қудратнинг тимсоли даражасида кўрамиз. Мазкур саҳнада юксак маънавиятнинг офат билан тўқнашуви ва унинг енгилмаслигининг ифодаси яққол кўрсатилади.

Амин Турдиев томонидан яратилган Чингизхон образи спектаклнинг улкан ютуғи эди. Турдиевнинг Чингизи бутун қиёфаси билан завол ва офатнинг умумлашган тимсоли бўлиб, у ўтакетган маккор ва ғаддор. Қиёфа, хулқ-атворида одамга хос белгини топиш қийин. "Томошабин кўз ўнгида - ақлли, тадбиркор ва шафқатсиз душман, унинг ташқи бадбашаралиги асирлар ва атрофидагиларда ҳайрат, қўрқинч, нафрат ҳисларини қучайтиради" (А.Хўжаева сўзи).

Ўхшаш йўқ золимнинг бадиий саҳна талқинида театр ва ижрочининг инсоният душманига бўлган муносабати ғоят ўткир, аёвсиз белгиларда кўринib турар эди.

Тарихий-романтик спектаклда ижобий, салбий қаҳрамонларнинг қиёфаси жанр имкон берганча бир қадар кўтаринки талқин этилмаган бўлса-да, режиссёр М.Уйғурнинг диққат-марказида тарихий воқеа ва тарихий персонажларни тарихий ҳаққоният позициясидан идрок этиш вазифаси турарди. Бу муродга режиссёр асосан эриша олди.

Спектаклда оммавий саҳна, воқеаларда омма ва унинг конкрет кимсаларининг тутган ўрнини ифода этишга режиссёр масъулиятли вазифа деб қаради. Шунинг учун ҳам у халқнинг типик эпизоддаги вакиллари қиёфасини очишни улкан саҳна усталарига топширди. Фикримизнинг исботи учун Ҳ.Латипов яратган Чол ва Назруллаев ижро этган чўпон Элборс образларини эслатиб ўтиш кифоя.

Шундай қилиб, "Жалолиддин Мангуберди" асари ва унинг саҳна талқини ўзбек театри саҳнасида тарихий жанрни ривожлантиришда ҳал қилувчи аҳамият касб этди. Давр нуқтаи-назари билан қараганимизда бу асарда тарихийлик ўзининг энг яхши жиҳатларида намоён бўлди, давр талаблари даражасига мослаб талқин этилиши табиий бир ҳол эди.



ЕТТИ ХУНАР ЭГАСИ



Олим ёки арбоб саналмаса-да, ўзининг муомаласи, маъракада ўтириб-туриши билан халқ орасида ҳурмат қозонган, қаерга борса даврани тўрига ўтказиладиган азиз одамлар бўлади. Бекчон уста шундайлардан бири эди. У билан бўлган мулоқотдан кейин дилингиз равшанлашарди.

Ўтган асрнинг охирларида – 1898 йили туғилган Бекчон ота болалигида отаси Мулла Давлатдан тарбия олди. Хивадаги эски мактаблардан бирида, сўнг эса Шерғозихон мадрасасида ўқиди. Қуръони Каримнинг кўплаб сураларини ёд олиб, тенгдошлари даврасида Қори деган ном чиқарди.

Аммо замоннинг зайлини тушунган отаси уни мактабу мадрасаларда ўқитиш билан бирга ҳунар ўрганишга ундади: Хиванинг машҳур усталаридан бири Карим устага шогирдликка берди.

Ёшлигиданоқ мактаб, мадрасада таълим олган, босиқ, аммо қўл-оёғи чаққон Бекчон уста оғзига маъқул келиб қолди. Уста Карим ўзининг жамики ҳунарларини унга ўргатишга интилди.

– Бир ишни бажариб бўлиб, буёғига қўлимдан келмайди, деб турган уста чин уста эмас, иморатни бошладингми, охирига етказиб, уй эгаларининг фотиҳасини олиб кетиш керак, - дерди Карим уста. "Карим устага шогирдлиги сабабли ёш Бекчон уста ҳозирда тарих мулки бўлиб қолган Кўҳна аркда, Нуриллабойдаги Исфандиёр саройини безашда қатнашди", – дейди хивалик кексалардан бири Рўзимат Шомуротов.

Кейинчалик шўро ҳукумати қурилиб, алғов-далғов замонлар бошланганда Бекчон уста отаси Мулла Давлатнинг нақадар доно одам бўлганлигини ҳис қилди. У мадраса таълими туфайли илоҳиётни эгаллаган бўлса, ҳунари сабабли бола-чақа боқиб, қийин замонлардан омон-эсон ўтиб олди, эл орасида обрў қозонди. Ҳунари бўлмаганида янги ҳукумат кўп имому муфтилар қатори уни ҳам қатағон қилиши турган гап эди.

30-йилларда Хивада ганч ўймакорлиги урф бўла бошлади.

Ўша пайтлари Хиванинг Робот деган жойида ганч кони бўлиб, уни пиширириш, қайта ишлов бериш лозим эди.

"Бекчон уста Роботдан ганч пиширириб олиб келиш билан бирга, уни тайёрлаб, махсус қолипга қуюлган ганчга хивача гуллар тушириб, ўймакорлик ишларини ҳам ўзи бажарди. Кейинчалик шогирдларига ўргатиб, идоралар ва жамоат жойларини дид билан безатишди. Бекчон уста ўз сафдошлари Рўзимат арбоб, Раҳим арбоблар билан биргаликда қуриб, безаган бу хил иморатлар ҳали ҳам салобат тўкиб турибди", дейди хивалик Ражаб ака Абдукаримов.

Аммо Бекчон устани янгидан-янги

ҳунарлар кутарди. 1940 йилда "Учқун" артелида кигиз босиш, гилам ва палос тўқиш цехлари очилганда уни Самижон Батраков ишга чақирди.

Бекчон уста гиламга гул чизиб беришдан тортиб, мисгарлик ишларигача бажариб юрди.

Уруш бошланганида Бекчон устани ҳам армияга чақиришди. Қирғин урушнинг барча жабру жафоларини тортган уста оғир ярадор бўлиб Хивага қайтди.

Бироз ўзига келгач, яна ишга шўнғиб кетди. Тошкентда Навоий театри қурилаётганда Рўзимат арбоб, Абдулла Болтаевлар билан биргаликда безаш ишларига қатнашди. Навоий театридаги Хива зали шу усталар ва уларнинг шогирдлари томонидан гўзал қилиб безатилди. Тошкентда қилинган хизматлар бекор кетмади, унга Халқ устаси унвони берилди.

Бекчон уста ганчкорлик, мисгарлик, кулолчилик каби халқ ҳунармандчилиги ишларига бош-қош бўлди. Султон Увайс тоғидан кулолчиликка ярайдиган оқ лой олиб келиб, уни қайта ишлаб, идиш-товоқларга чиройли гуллар тушира бошлади. Ҳатто "Умид" деб аталган артел очилганда яна гиламчилик ишлари билан шуғулланди.

Бир пайтлар устози Карим уста унга Хоразмда чиннисозлар кўп бўлгани, Чингизхон босқинида улар Мўғулистон ва Хитойга олиб кетилгани ҳақида гапириб берган эди. 70-йилларда ёши ўтиб қолган бўлишига қарамасдан чиннисозлик билан шуғулланишга бел боғлади. Дастлаб бу ниятини айтганида чинни тайёрлайдиган лой Хоразмда йўқ, деб жавоб беришди. Аммо Бекчон уста бу гапга кўп ҳам ишонмади. Ўзидан кексароқ одамларга: "Ота-боболаримиз бинолар пештоқини мунаққаш қилганда лойни қаердан олишган", деб савол берди. "Бу ўзига хос тупроқ байталнинг сутига қорилиб ийланган", дейишди.

Аммо бу гап устага шубҳали туюлди. Ўғли Ҳамробекни ёнига олиб, чинни лойи қидириб бутун Хоразмни кезиб чиқишди. Ниҳоят кўҳна Урганч ёнидаги Наложнинг қири деган жойдан чинни ишлашга ярайдиган лой топишди. Уста уни махсус лабораторияда текширириб кўрди. "Лой ёмон эмас, аммо таркибида темир моддаси кўпроқ" дейишди.

Шу орада Тошкент чинни заводи лабораториясидан Санъат опа деган аёл Хивага ташриф буюриб, бу лойнинг таркиби, манбалари билан қизикди. Бекчон уста уни Наложнинг қирига ўша тупроқни кўрсатиш учун олиб борди.

Санъат опа тупроқ таркибини шу ернинг ўзидаёқ дастлабки текширишдан ўтказди. "Таркибида темир кўплиги ростга ўхшайди", деди.

– Темир кўп бўлса пиёла ва чойнаклар бақувватроқ бўларкан-да, – деди Бекчон уста ҳазил аралаш. Улар Санъат опа билан туман ва вилоят раҳбарлари ҳузурига киришди. Хоразмда чинни ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш зарурлигини уқтиришга интилишди. Бекчон уста ўғиллари ёрдамида ўз уйида кичкина устахона қурди. Дастлабки чиннилар сал ғадир-будурроқ чикди. "Бу тупроқ таркибида темирнинг кўплигидан бўлса керак" деб ўйлаган Бекчон уста лой қорадиган идиш остига оҳанграбо магнит ўрнатди. Кейинги пиёлалар анча силлиқ чикди ва уларни раҳбарларга олиб бориб кўрсатди. Бекчон уста Боғотга бориб, машҳур Искандар Дўсовга учрашди. Искандар ака жамоа хўжалигида кичикроқ бўлса-да, чинни заводи қуришга маблағ ажратди...


Чинни заводи ишга тушиб, эндигина дастлабки маҳсулотларини бера бошлаганда, Хоразмга Шароф Рашидов қадам ранжида қилиб қолди. Вилоят раҳбарлари, табиийки, вилоятдаги янгиликлардан бири сифатида чинни заводини ҳам кўрсатишди. Шароф ота дарҳол устани ҳузурига чақиртирди, суҳбатлашди ва унинг қилган ишларига ҳам, донолигига ҳам тан бериб, Наримонов жамоа хўжалигида бўлиб ўтган мажлисда роса мақтади.

1973 йили ташаббускор ёшлар улоқни олиб кетишди. Хивада керамика заводи қурилди. Турли-туман совғабоп идишлар, ҳайкалчалар ясалди. Улар Бекчон устанинг тажрибаси ва маҳоратидан унумли фойдаланишди.

Бекчон уста узоқ ва самарали умр кўриб, 1984 йили 86 ёшида қазо қилди.

Агар тирик бўлганида ҳозир Бекчон уста 100 ёшга тўлган бўларди. Бу дунёда у қурган иморатлар, безаган нақшлар, ясаган чойнак-пиёлалару ўстирган қобил фарзандлар ва шогирдлар қолди. Улар ҳозирда устанинг эзгу ишларини давом эттиришмоқда.

Ботир ЖУМАНИЁЗ ўғли.



МУТАФАККИРЛАР АЁЛЛАР ҲАҚИДА

Севимли аёлнинг ҳаттоки қаҳри ҳам биз бахтли дамларимизда бошқа аёллардан топишимиз маҳол бўлган чексиз жозиба билан тўлиб-тошгандир.

СТЕНДАЛЬ

Аёлнинг вазифаси – эркакнинг қалб шуурини, ундаги олижаноб эҳтиросларни алангалатиш, бурч туйғуси ва юксаклик ҳамда буюклик сари интилишини қўллаб-қувватлашдан иборатдир – аёлнинг қисмати шу ва бу қисмат буюк ҳамда муқаддасдир.

В.Г.БЕЛИНСКИЙ

Аёлга муҳаббат биз учун буюк, ҳеч нарсанинг ўрнини босолмайдиган аҳамият касб этади. У худди гўштга сепиладиган туздек: юракка сингиб, уни бузилишдан сақлайди.

В.ГЮГО

Аёллар асабларимизни, ортиқча шахсиятпарастлигимизни юмшатади: улар бизга қайдан бунёд бўлганимизни эслатиб туришади.

М.БАРРЕС

Ердаги барча гўзалликлар аёлга бўлган муҳаббат туфайли юзага келган.

М.ГОРЬКИЙ

Аёл – буюк сўз. Унда қизлик мусаффолиги, дўстга хос фидойилик, она жасорати мужассамлашган.

Н.А.НЕКРАСОВ

Каерда аёллар, қизлар қаттиққўл, талабчан бўлсалар, ўша ерда ўсмирлар ҳақиқий эркак бўлиб етишадилар.

В.А.СУХОМЛИНСКИЙ

Табиат аёлга шундай дейди: уддасидан чиқсанг гўзал бўл, хоҳласанг оқила бўл, аммо идрокли бўлмоғинг шарт.

П.П.БОМАРШЕ



Аёллар

(Ҳикоя)

Тилаб МАҲМУД

Мухторжон хотинининг билинар-билинмас ингроқ товушидан уйғониб кетди. Хотини кроватнинг четида икки оёғини осилтириб букчайганича безовта ўтирарди. Тўзғиган сочлари пешонаси оша шишинқираган юзи, салқиган қовоқларини ўраб олган. Чап қўли кроватга суянган, ўнг қўли билан қорни аралаш биқинини сийпалар эди.

Мухторжон сапчиб ўрнидан туриб, "Бошландими?" деди хотинининг елкасига қўлини қўяр экан. У аллақандай таниш-нотаниш, енгил титроқ билан хотинини бағрига босгиси, юз-кўзларидан ўпиб-ўпиб далда бергиси келдию, бунақа қилиқни тўнғич ўғли туғилганда қилганини эслаб, ўзини босди. У хотинининг қорнига қулоғини қўйиб туриш, қимир-қимир қилаётган боланинг ҳаракатларидан юраги ёрилиб кетгудай қувониб кетиш одати бор эди.

Биринчи фарзандида Мухторжон жуда кўп маротаба хотинининг қорнига гоҳ қўлини аста қўйиб, гоҳ қулоқларини тегизиб, ёш боладай "ана, ана, қимирлади" деб севинган.

Лобархон бироз тинчиди-да олдиндан тайёрлаб қўйган нарсаларини кўздан кечирди. Нариги хонада ухлаб ётган ўғлининг пешонасидан ўпаётганда кўзларидан дув-дув ёш томчилади.

– Шунақа эмасда, онаси, – деди Мухторжон хотинини қучоқлар экан, – яхши ният қилинг, сенга ука олиб келаман, деб кўнглингизни тўқ тутинг.

– Дадаси, – бирдан йиғи аралаш эрининг бўйнига осилди Лобархон, – мабодо... вой, вой, вой... эҳ, бошланди...

Лобархон икки қўли билан эрининг елкасини шундай қаттиқ сиқиб олдики, Мухторжоннинг эти увишиб кетди. Лобархон эрини бурдалаб ташлайдиган аҳволда уни ғижимлар, тобора букчайиб, эгилиб борарди. Лаҳза ўтмай, Лобархон ўзига келди.

– Мен машина топиб келай, сиз бир амаллаб туринг, – деди Мухторжон.

– Йўқ, кетманг, – деди Лобархон ваҳимали қиёфада, – мени ёлғиз қолдирманг, туғруқхона яқин, сиз машина қидиргунча секин-секин етиб оламиз.

– Юра олармикинсиз?

– Юролмасам, опичлаб борасиз, – бироз илжайгандай бўлди Лобархон.

Туғруқхона Мухторжонларнинг уйидан бир чақирим келмайди.

Тахтапулнинг қинғир-қийшиқ кўчаларидан "Собир Раҳимов" кинотеатрига чиқилса, у ёғи бир қадам. Ярим кечада эру хотин бир тўхтаб, бир юриб боришарди.

Йўлда инграган Лобархон эрига ёпишиб қўлларини жингиртоб қилиб юборгудай сиқар, сўнгра бўшашиб қаддини ростлар, тез одимлашга ҳаракат қиларди. Озгина юрмасдан яна инграш, аччиқ оғриқ Лобархонни йўлнинг нақ ўртасига чўққайтириб қўярди.

Эру хотиннинг ғалати алпозда боришаётганини кўрган катта-кичик итлар қўралар орқасида, дарвоза-деворлар ёнида ҳуриб қўяр, айрим баджаҳллари

уларга қараб югуриб қоларди. Лобархон эрининг итдан қўрқишини билади.

Мухторжон ёшлигида опалари опичлаб юрганда қўшниларининг ити қочиб кетаётган опасининг орқасида липиллаб бораётган яланғоч оёқларини тишлаган, шу-шу ҳар қандай ит зотини кўрганда ранги қув учиб, оёқ-қўллари қалтираб қоларди. У йигит бўлгандаям қайси кўчада ит кўрса, шу кўчадан юрмас, олдидан кичкина кучук чиқиб қолса ҳам тақ-қа тўхтаб, бирор одамга эргашиб ўтишни пойлаб тураверар эди.

Эру хотин не аҳволда боришига қарамай, итвачалар тобора кўпайса кўпаяр дию, камаймас эди. Чурқ этмай кетишаётган, аҳён-аҳёнда тўхтаб аллаланимлар дейишаётган бегона одамлар итларнинг тобора ғашини келтирар, катталарига эргашиб кичиклари ҳам ҳамла қилмоқчи бўларди.

Бир маҳал думи кесилган, катта ит уларга яқинроқ келиб қолганини сезган Лобархон аста тўхтаб ит келаётган томонга ўтиб, эрини пана қилгандай бўлди. Мухторжон аввал сезмади. Бироз юришгандан кейин хонадонларда "қўнғироқ" деб аталадиган баджаҳл кучук ириллаганча тишларини гуруч қилиб уларга ташланди. Лобархон эрининг йўлини тўсиб ердан тош олиб кучукка отмоқчи бўлгандай чўккалаб олди. Кучук худди шуни кутиб тургандай орқасига қараб чийиллаганча қочиб қолди.

Мухторжон кучукдан қўрқиб кетдими, ё хотинининг шу аҳволда бўлсаям унинг олдини тўсиб қолишидан уялдими пешонасидан совуқ тер чиқиб кетди.

– Қўрққан одамнинг бошидан тутун чиқармиш, уни итлар кўрар экан, – деди Мухторжон, – шу рост гапга ўхшайди.

Лобархон бир соатдан буён энди хиёл жилмайгандай бўлди. Мухторжон хотини унинг устидан кулдими, ё гапи наша қилдими, билолмай нафаси ичига тушиб кетди. У хотинининг қўлтиғидан қўлини ўтказиб, умр бўйи илиқлиги ўчмайдиган аллақандай бир мулойимлик билан бағрига босди.

Туғруқхонада ечиниб-кийиниб олган Лобархон эрига "Уйга тезроқ бора қолинг, ўғлингиз уйғониб, яна қўрқиб кетмасин" деди.

Лобархонни бири кроватга икки қўли билан бошини чангаллаган, бири дераза олдида ҳовлига қараб турган, бири бошига ёстиқ бостириб ухлашга уринган, бири тумбочка устидаги кичкина ойнага энгашиб сочларини турмаклаётган беш-олтита дардли аёллар орасига олиб киришди. У бурчакдаги кроват ёнига етар-етмас дераза ёнидаги дуркунгина жувон шунақа бақириб юбордики, аёлларнинг дарди учиб кетгандай бўлди.

– Э, қилиғинг курсин, – деди бақирган аёлга яқинроқ турган 30-35 ёшлардаги юзлари чувакина хотин, – додлаганинг билан дардинг енгил бўлармиди? Қилар ишни қилиб қўйгандан кейин буёғигаям чидагин-да!

"Вой, онажоним, ўламан, ўламан, онажон!!" деб ўрнидан туриб кетди кроватда ўтирган ёшгина жувон. Лобархон уни юпатмоқчи бўлиб бир қадам қўйишини билади, бели, қовуғи аралаш биқинида шунақа оғриқ турдики, худди бир нима уни босиб, эзиб юбораётгандай, қандай қилиб темир кроват симларини маҳкам сиқиб, энгашиб қолганини билмай қолди. Додлай деса нотаниш аёллардан ийманган дай бўлди, додламай деса бели синиб, парчаланиб кетаётгандай. У тишини тишига қўйиб, қаро терга буркана бошлади. Ниҳоят, "сув" дея олди ёнида бунақа машмашаларни кўраверіб бепарво бўлиб қолган ҳамшира қизга.

Бошидаги ёстиқни улоқтирган аёлнинг кўзлари ола-кула аҳволда кроватдан турди-да хонанинг у ёғидан-бу ёғига юриб "Ўлдираман уни, ўлдираман" деб жаврай бошлади.

– Кимми ўлдирардинг, – деди яна ҳалиги жиккаккина жувон аёлларнинг аҳволи унга алоқаси йўқдай ғалати бир босиқликда, – аввал эсон-омон бўшаниб олгин, кўрамиз, ҳаммадан бурун бўйинларига осилиб қоларсан.

Ҳозиргина тўс-тўполон бўлиб турган хонанинг ичи бирдан сув қуйгандай бўлди. Аёллар худди чарларга келгандай бир-бирларидан ҳол-аҳвол сўраб, "Буниси нечанчиси?" деган саволларга ҳам ўтиб қолишди.

Жиккак аёл Лобархоннинг ёнига келиб ўтирди.

– Ўзингизни тутинг, синглим, манави мегажинларга ўхшаб дод-фарёд қилган билан фойдаси йўқ. Худонинг ўзи яратганми, йўлини ҳам ўзи беради, – деди.

– Раҳмат, опажон, илойим айтганингиз келсин, – жавоб қилди Лобархон, – фақат бир нарсадан бироз хавотирдаман.

– Ҳеч хавотир олманг, ҳаммаси яхши бўлади, нимадан хавотирдасиз, а, нимадан?

– Эрим олиб келувдилар. Уйда ўғлим ёлғиз қолганди, кутманг, кетаверинг, деган эдим уларга.

– Тўғри қилибсиз, нима, эрингиз бу ерда қолиб дардингизга шерик бўлармиди.

– Йўқ, уни ўйлаётганим йўқ, опа, – жимиб қолди Лобархон, – ярим кеча, кўчалар қоронғу, итлар кўп экан, эрим итдан қўрқадилар...

– Вой, бу хотин тушмагурей, – икки қўлини сонларига шапиллатиб урганича ўрнидан туриб кетди жувон, – мен бунинг дарди ичида десам, ҳали итдан қўрқадиган эрингизни ўйлаб ётибсизми? Э, ўзингизни ўйланг, синглим, эркакларни ит емайди, аввал эсон-омон кутилиб олинг, у ёғи бир гап бўлар. Ҳаҳ, аёллар-а, аёллар, қанақасизлар ўзи, бир оёғингиз гўрда бўлсаям, бир хаёлингиз уйда-я!

Шу пайт яна ёш жувон овозини борича бақириб, "Ўлдираман, уни ўлдираман, кўргани кўзим йўқ, йўқ, йўқ!!!" деб деворни муштлай бошлади.

1999 й.



Анвар ҲОЖИ ва Туроб ТЎЛА.

БИР БОШГА – БИР ВАТАН...

Дунёда ҳамма нарса кексаради... Самбит толлар ушалади; адл тераклар синади; метин тошлар уваланади... Умр нима? Келмоқ-кетмоқ... Дунёдан ҳамма нарса ҳориб ўтаверади. Аммо фақат шоирнинг қалбигина кексармайди. Унинг сочларига оқ тушади, қомати эгила боради, кўзлари хира тортаверади, аммо қалби...

Ўтган умр сочни оққа белайди,
Ўтган умр юзга ажин йўллайди.

Ўтган умр яноқнинг рангин олар,
Ўтган умр елкада юкдек қолар.

Ушбу андишаманд сатрларнинг муаллифи шоир Анвар Ҳожи 60 ёшга тўлди. Биз кўп мингсонли журналхонларимиз ва таҳририятимиз номидан шоирни қутлуғ ёшлари билан муборакбод этамиз.

ВАТАН ЯГОНА

Бир бошга – бир Ватан – тупроқ ягона,
Йўлларим нурафшон – порлоқ ягона.

Чеки йўқ ўлкам жо муштдек қалбимга,
Боғ-рогим ҳаттоки гиёҳ ягона.

Кундузим мунаввар танҳо қуёшдан,
Тунимни ёритган чироқ ягона.

Мусаффо осмоним, сонсиз юлдузлар,
Ўзга билмас қалбим мутлоқ ягона.

Уфққа туташ қирлар, соя салқиним,
Майсалар оғуши ўтлоқ ягона.

Ҳожига илҳомбахш замоним меҳри,
Бахтимиз яратган байроқ ягона.

❀❀❀

Ўтган умр сочни оққа белайди,
Ўтган умр юзга ажин йўллайди.

Ўтган умр яноқнинг рангин олар,
Ўтган умр елкада юкдек қолар.

Ўтган умр қўлларга тутқазар асо,
Бу ҳам етмагандек кўзлар сим-сиё.

Ўтган умр инсондан олар барини,
Ўғил-қизи боссин дея ўрнини.

ЮРТ МЕҲРИ

Бўш бўлсам баъзида қавартиб қўлни,
Экаман гулларни ҳаммадан аъло.
Кўпчилик қатори севаман гулни,
Қўлимда кўтариб юрмайман аммо.

Истагим, у боққа хуш бўйлар сочиб,
Тер тўкиб экканим намоён қилса.
Бутовига қўнган булбул тилидан,
Юртимга меҳримни бир баён қилса.

ДУО ОЛИНГ, ЎҒЛОНЛАР!

Отасининг дуосин олган,
Онасининг меҳри-ла ёнган.
Ҳар иккисин кўрса қувонган,
Мард ўғлонлар Сизга тасанно,
Дуо олинг, тургунча дунё!

Дуо қадрин билар ўзбегим,
Бахшидадир жону юрагим
Дуо айлаб толмас билагим,
Мард ўғлонлар Сизга тасанно,
Дуо олинг, тургунча дунё!

Дуо олган ёзади япроқ,
Ғам-ғуссадан бўлади йироқ.
Ҳеч ўчмагай уйдаги чироқ
Мард ўғлонлар Сизга тасанно,
Дуо олинг, тургунча дунё!

Бужур қўллар очганда дуо,
Юракларга йўрғалар зиё.
Меҳр жўшар мисоли дарё
Мард ўғлонлар Сизга тасанно!
Дуо олинг, тургунча дунё!

Олтин олма, дуо ол, ўғлон!
Бу ҳикматдан бўлмайсан нолон.
Ҳожи Анвар дуода ҳар он,
Мард ўғлонлар Сизга тасанно!
Дуо олинг, тургунча дунё!

ХУРШИДИ-АНВАР

То кўзим тушди юзига дил уйи баҳор ўлди,
Шул баҳор тонгида қалбим булбули бедор ўлди.

Шукурким гул юзини бир кўрмоқлик бўлди насиб,
Кўрмаганлар оразини хастаи бемор ўлди.

Гунчадек япроқ аро пинҳон эди гулгун юзи,
Андалиб янглиғ куйида ёнганим самар ўлди.

Ишқида ёнганларимни англади ёр шул кеча,
Бир табассум ҳадя этди, кокили камар ўлди.

Шул эди Ҳожи умидим васлидин топдим хабар,
Йўлларимга нур сочувчи хуршиди-анвар ўлди.

Анвар ҲОЖИ.

Ихтиёр РИЗО

АСҚАРТОФ



Достондан парча

1

Қодир Оллоҳ, паноҳим бўл, ёрим бўл,
Синовларда мададкорим, пирим бўл!
Идрис Наби, кўзларимда нурим бўл!
Нурларингки ёғилибдир тоғимга,
Неча-неча жаннатмакон боғимга!..

Боғларингда чечакларинг минг тола,
Идрис Наби, дардларингни ким олар?
Асқартоғинг қучоғида ким қолар?
Оқин қолса, бахши қолса на бўлар?
Сойларинг, ҳо, на қарир у, на сўлар!!.

Идрис Наби, Асқартоғинг — виқорим!
Қора-қора қариналар, саҳарим!
Эсдан чиқмас у тунларим — баҳорим!
Баҳорим, ҳо бобо юртим, Туркистон,
Дилимдасан минг-минг йиллик бир достон!

2

Салом, дедим, Асқар дада, элингга,
Кунларингга, ойларингга, йилингга!
Айт, бунча кеч тушдинг, ахир, дилимга,
Дилларимда ястанибсан, ётибсан,
Тупроғимга минг бир изиз отибсан!

Асқар дада, саломимнинг ўзисан,
Диёримнинг йўлагисан, изисан!
Ватанимнинг виқорисан, кўзисан,
Оқ юзингдан нур ёғилар юртимга,
Унутилмас Ватанимга, ўрдамга!

Асқар дада, юртимизнинг бошисан,
Тарихимнинг қарисисан, ёшисан!
Достонимнинг кўнгли, кўзи, қошисан,
Тик кўксингда бургутларинг болалар,
Болаларинг шамолларинг аллалар!

Ёдламадим достонларда отларинг,
Жуда кўпдир ирқдошларинг, ётларинг!
Бу дунёда шодонларинг-шодларинг,
Қайғуларинг қалбимдадир, дадам-эй,
Кимлар учун унутилган одам-эй!

Асқар дада, Алпомишинг, Манасинг,
У Кўккўлинг - тўлиб-тошган тим-яъсинг!
Қўзғатарсан бу дунёнинг ҳавасин,
Ҳавасимсан, ўз сасимсан, маним, ҳо!
Кўкка туташ нафасимсан, маним ҳо!

Қорларингни Орол деб ким эритди?
Кўксойингни ўғлонларинг унутди!
Бегоналар бошинггами тош отди?
Отганлари етгани йўқ, дадажон,
Оқ кўксингга ботгани йўқ, дадажон!

Асқар дада, Шоҳ Жаҳонинг, Акбаринг,
Улуғбегинг, у енгилмас сардоринг!
Қайтаяпти яна эски баҳоринг,
Баҳорингга поёндоздир, ўлкам, ҳо!
Дардларингни чекди, чекар елкам, ҳо!

Асқар дада, Туронимни бўлдилар,
"Осиё" деб, устимиздан кулдилар.
Кунда бизни минг қолипга солдилар,
Қолипларки мана чириб битибдир!
Хуш кунлари аллақачон ўтибдир!

Асқар дада, асир эдим, бўзладим,
Бу кунимни қадам-қадам изладим!
Сени топгач этагингда музладим!
Музларинг ҳам энди эриб битдилар!
Этакларинг озодликка етдилар!

Асқар дада, улуғ-улуғ тоғларинг,
Туғамоқда қора-кура доғларинг!
Олдингдадир гўзал-гўзал чоғларинг,
Хуш кунингга бу юрагим поёндоз,
Эркинлигинг менинг учун бир парвоз!

Асқар дада, бўрким бору тўним бор,
Неча-неча тушунчам бор, уним бор!
Сенга қурбон меним ёлғиз жоним бор!
Бу жон сенинг йўлингдайди тўнмас, ҳо!
Оқ чўққингдан бир қадам ҳам энмас, ҳо!

3

Асқар дада, какликларинг бошингда,
Марвариддир тупроғинг-да, тошинг-да,
Неча ёвлар тиз чўкдилар қаршинг-да,
Чўққиларнинг саноқлари йўқдир, ҳо!
Ғўзалигинг ётлар учун ўқдир, ҳо!

Булоқларинг шакар эрур, муз эрур,
Этакларинг баҳор эрур, куз эрур!
Сойларингда фасминг-ҳануз ёз эрур,
Сойларингки гул-чечакдир азалдан,
Сойларингга ёқар шеърлар, ғазаллар!

Кўкламларда чақмоқларинг чақади,
Дарёларинг тўлиб-тошиб оқади,
Қирғоқларни тўғонларни йиқади,
Йиқилмаган налар қолди қўйнингда?
Бинафшалар гулчамбардир бўйнингда!

Шифобахшидир юздан ортиқ ўтларинг,
Олтин ўзак йўқотади бодларинг!
Йўқ, сўлмаган қатламларинг, қатларинг,
Қатларингда нелар йўқдир, дадажон,
Устинг дунё, ичинг эса бир жаҳон!

4

Тўйганим йўқ чечагингга, гулингга!
Ўғилойинг, Ойбарчининг, элингга!
Болу шакар томчилайди тилингдан,
Шакарингни тотганим йўқ, дадажон,
Лекин ташлаб кетганим йўқ, дадажон!

Асқар дада, қояларинг метиндир,
Жилғаларинг сенинг йўрга отингдир!
Писқон сенинг оёғингдир, бутингдир,
Оёғингдан болу шакар оқар, ҳо!
Бу ғўзаллик қиз-келинга ёқар, ҳо!

Кузинг гўзал гўзалларнинг кўзидай,
Ошиқларнинг суҳбатидай, сўзидай,
Сўқмоқларинг гўзал қизлар изидай!
Изларингда каклик сақрар, сайрар-эй!
Архарларинг кўксинг узра яйрар-эй!

Ақидақиз Оқсоқсойдан ўтганда,
Чимён тоғда хола бўлиб битганда.
Термоқ учун қўл узатдим - тутганда...
Чақмоқ чақди, титраб кетди тоғларинг
Мунча гўзал боғчаларинг, боғларинг?!

5

Асқар дада, дуо кетган тошингга,
Дўппи учар, қараганда бошингга!
Зиёратга, кимлар келмас, қошингга?
Қошингдадир кунда минг бир муқаддас,
Улуғ бобом, у пайғамбар, у Идрис!

Улуғ бобом Буюк Идрис пайғамбар,
Анқиб ётар тупроғимда мушк-анбар!
Туркистоним шу учунми симу зар?
Зарларингки бир ўқ бўлди ётларга!
Мен қурбонман у муқаддас отларга!

Асқар дада, чўққингга мен йўл олдим,
Сойларингда чодир қурдим, тин олдим!
Сени дедим, дада, дедим, мен қолдим,
Қолай десам Идрис каби ўзингда,
Жаннат, ахир баҳорингда кузинг-да!

1996-1997 йил, Сижжак.

Яхшилар ёди

МЕҲРИБОНИМ

(Устоз Шуҳрат сийратига чизгилар)

Шоир ва адиб Шуҳратнинг ижоди бир томон, одамийлиги бир томон эди десам хато бўлмас. У муҳтарам зот ниҳоятда меҳрибон инсон эдилар. Бир иборани тез-тез такрорлаб қўярдилар: "Ари чақди, деб аразлама, боли бор!"

У вақтларда бу иборанинг маъносига ким етибди дейсиз. Айтдилар, қўйдилар-да, деб кетаверар эканман...

Аммо йигитлик умрининг роса саккиз йилини ҳарбий кийим кийиб, машқларда, ертўлаларда, кейинроқ "виз-виз" ўқ учиб, бомбалар дайдиб тушиб, ерни ола-тўполон қилиб ташлаган қонли майдонларда ўтказган, кейин... Ҳа, кейин, ғалабадан кейин, Иккинчи Жаҳон уруши қатнашчилари эъзозланиш ўрнига жамиятга ва коммунистик партия юргизаётган бераҳм сиёсатга ўт очиши мумкин, чунки дунёни кўрди, деб хавфсираб, кўзи очиқ, ҳушёр, Европадан яёв юриб ўтган инсонларни хавфсиз жойга олиб бориб қўйиш сиёсати авж олди.

Мирзакалон Исмоилий, Мақсуд Шайхзода, Миркарим Осим, Саид Аҳмад, Тўхтасин Жалолов, Ёнғин Мирзо каби қатор адиблар ана ўша қора зулмнинг тутқунлари бўлдилар. Бу энди бошланган қаро кун эмасди. Бу машъум ўттиз еттинчи йилда авжига минган қаро кунларнинг узвий давоми эди.

Тутқунлик қисмати шунақа оғир бўларкан. Ўртача ҳар ўн йилда уни ё бу ёки баҳона қилиб, буғдойдай бошоқ тортиб, етилиб келаётган у ё бу халқ вакилларини чалғида ўриб ташлаб, хотиржам бўлиш ўша даврга хос ғайриинсоний сиёсат эди.


Устоз Шуҳратнинг авжи кучга тўлган, қуввatга кирган йигитлик йиллари ўз иборалари билан айтганда "пўстимбага чиқиб кетди"...

Иродаси метиндай бу инсон урушдан кейин яна беш йилини тутқунликда ўтказишга мажбур бўлди.

У киши тутқунликда одамийликни йўқотмадилар. Аксинча, ундоқ зиндонсифат манзилларда юртини қаттиқ соғиниб яшадилар. Бекор ўтаётган кунларини рўмолчанинг учига маҳкам тугиб бораверган эканлар. Омонликка чиққан кунларидан бошлаб рўмолчанинг учини шашт билан ечиб, қўйлакнинг енгини шимариб, ўтган кунлар учун ҳам меҳнат қилишга киришдилар...

Гоҳида:

– Мен бугун ўн иккита шеър ёздим! – десалар бизга эришроқ туюларди. Хом эканмиз, бу гапнинг таг-заминига фаҳмимиз етавермасди. Ҳозир ўйлаб қарасам, у киши шеър ёза олмай қолган кунлари учун ҳам шеър ёзар эканлар. Ҳамма фазилатлар устига Аллоҳ у кишига тинмай самарали меҳнат қилиш фазилатини ҳам ато этган эди.



Шуҳрат ва Абдулла Орипов.

Шоир ва адиб Шуҳрат "Шинелли йиллар", "Жаннат қидирганлар", "Олтин занглamас" романларини, "Балладалар", "Бизнинг кўча", "Сенинг севгинг" каби ўнлаб шеърий китобларни халққа мерос қолдирди. Шундоқ йирик асарлар билан бир қаторда "Беш сўмлик куёв" каби қатор саҳна асарлари ўз даврининг долзарб муаммоларига бағишланиб, инсонлар тақдирига кўчди. Булар Шуҳрат муаллимнинг бир томони. У киши ёш ижодкорларнинг ҳақиқий устози эдилар. Шундай жанг бўронлари, тутқунлик заҳматлари у кишининг инсонларга меҳрини елга солиб, олисларга учириб юбормади. Акс ҳолда биринчи шеъру ўргимчак мисралари бирозгина умид туғдирган ёшлар борки, у киши дарров ўз қанотлари остига, ҳимоясига олар эдилар ва Ёзувчилар уюшмаси эшигининг икки тавақасини кенг очиб қўйиб, марҳамат кўргазиб кутиб олардилар. Азиз Абдураззоқ, Эркин Воҳид, Тўлқин, Барот Бойқобил, Ҳусниддин Шарипов, Эркин Самандар, Қамчибек Кенжа, Охунжон Ҳаким, Тошпўлат Ҳамид ва мен кабилар у киши атрофида гала-гала бўлиб юрардик. Менинг "Бошсиз ҳайкал" достонимни устоз маъқуллади. Ҳаммамиз умид ва ишончга тўлиб астойдил ижод қила бошладик. Чунки ижод қилсак, яхши нарса ёзсак, чиқар экан, деган ишонч пайдо бўлди бизда.

Ҳусниддин Шариповнинг "Қуёшга ошиқман", Эркин Воҳиднинг "Буюк ҳаёт тонги" асарлари кетма-кет пайдо

бўлди ва "Шарқ юлдузи"да босилди. Буларнинг ҳаёт юзини кўришида Миртемир, Шайхзода, Асқад Мухтор қаторида Шуҳрат аканинг улкан ҳиссаси бордир.

Сўзим қуруқ бўлмасин учун муҳтарам устознинг кўп хатларидан бирини келтиришни лозим, деб билдим. У 1960 йил 21 ноябрда менга Москвага, бир фақир талабага ёзилган. "Сайёр! Сенинг шунча хатинг ва телеграммангга шу биргина журнал жавоб бўла олади, чунки хат ёзмасам ҳам сени ўйлаб юрганимга қаноат ҳосил қиласан. Бу сонда сенинг сўнгги арзанданг-поэманг бор ва менинг анча-мунча шеърим.

Биз тошкентликлар соғ-саломат. Отанг билан иккаламиз тупроққа ва ғиштга ҳужум қилиб ётибмиз. Сен онангга рўмол учун озроқ пул юборибсан, улар бениҳоя хурсанд. Демак, "Ёш гвардия"дан 25% олгандирсан. Яхши бўлибди. Мана поэма ҳам чиқди. Ҳақини ўзингга юборайми ёки уйга ишонч хати юборасанми? Хабар қил.

Мен журналга ўтиб, сенлар учун ютдим, бўлмаса ўзим учун ҳали ҳеч иш бўлганича йўқ. Мана 1 сонда Эркиннинг поэмасини берамиз, наборда. Сеникини атайин хабар қилмай ўтирган эдим, билишимча кимдир "жосуслик" қилиб сенга хабар бериб қўйибди. Мана, энди ўзини кўр, қувон, руҳлан, қаноатлан. Бу сенинг Союзга киришингга – пропуск!!!

Энди шошма, ҳовлиқма, соғлиғингни эҳтиёт қилиб яша ва ижод эт!

Сени соғиниб, жигаринг Шуҳрат".

Бундай хатлардан талайини келтириш мумкин. Ушбу хат у киши уй қураётган даврларига тўғри келади. Шу биргина мактубданоқ Шуҳрат аканинг меҳрибон, акаларча ғамхўр юраги борлигича намоён бўлиб турибди.

Шуҳрат ака адабиёт жамғармаси директори бўлган кезларда Москвага тез-тез келиб турардилар. Шунда ҳар гал бизни йўқлаб, тушган жойларини дарҳол хабар қилардилар. "Москвадаман. "Украина" меҳмонхонасида, 19-қават, 19-хона, телефоним Г-3-22-39. Телефон қилинг, келинглар! Декада ишлари ва ўз романимнинг русчаси масаласида келдим. Азизга салом!

Сизларни кутиб, Шуҳрат!"

Ёки мен учун нақадар азиз бир мактубдан: "Жигарим Сайёр! Аввало улкан бошимни (яъни, оппоқ бошимни) эгиб, Сендан узр сўрайман, кўп хатингга бўлар-бўлмас нарсалар билан банд бўлиб хат ёзолмадим. Сен азиз жигарим, асло бир нарсани кўнглингга олма. Сен менинг қиёматли инимсан, бағримсан, жигаримсан!"

Шундай ёшини яшаб, сочи оқарган, таниқли инсоннинг бир талаба шоир болага меҳр-муҳаббат билан мактуб битаётганини қаранг. Камтарлик, олижаноблик, инсонийлик олдида тиз чўкасан, киши.

Тошкентга хатларим бирор кунлар узилиб қолгудай бўлса, дарҳол телеграмма жўнатишларини айтмайсизми?

"Сендан хавотирдамиз, ўзингдан хабардор қил" ва ҳоказо. Бундай олижанобликкa осонликча жавоб бериб бўладими? Бир умр хизматларини қилсанг ҳам у кишининг бир кунлик эътиборини ўтаб бўлмас...

Горький номидаги Адабиёт институтининг учинчи курсига ўтганимда семинар машғулотларининг бирида ҳамма ёзганларимнинг савиясини аниқлаш муҳокамаси бўлди. Ё чикка, ё пукка, деганларидек жуда хавотирга тушдим. Чунки яроқли асар топилмай қолса, институтни тарк этиш керак бўлади. Ярагудек гап бор бўлса бир нав... Яна ўқиш давом этади.

Муҳокамага Бутуниттифоқ Ёзувчилар уюшмаси ёш котиби Владимир Соколов, Вероника Тушнова, Светлана Сомова, Семён Липкин, Инна Лисянскаялар ташриф буюришди. Бу шоирларни таништириш шарт эмасдир.

Машғулот давом этаётганда Павел Антокольский петербурглик шоир Вадим Шефнерни бошлаб келди. Юрагим қинидан чиқаёзди. Тамом. Алвидо, институт! Маъруза қилувчи семинардошим Ирина Озерова деган шоира ва таржимон эди... Ўшанда мўнғўл шоири Шагдасурен Цокат билан саналганда ўн тўрт киши гапирди. Юзларим ловуллаб кетди. Бу менга – ҳаётимда жиддий имтиҳон бўлди. Шагдасуренни эслаганимиз, у "Бошсиз ҳайкал" достонимни мўнғўл тилига ўгирган экан. Ўз тилида парча ўқиб берди.

Семинар машғулоти қария шоир Павел Антокольский таклифи билан шеърлар ва достонлар китобимни "Молодая гвардия" нашриётига бир овоздан тавсия қилди. Шу хабарни айтиб, қувончимни Шуҳрат акамга етказишга ва бир йўла уюшмамиздан тавсия хати олишга деб, у кишига Марказий телеграфдан кўнғироқ қилдим.

Шуҳрат акам мени чин кўнгилдан қутлаб, лекин Уюшмадан тавсия хати олишни ўзим бевосита Ҳамид Ғуломдан илтимос қилишимни маслаҳат бердилар. "Ўзимнинг бўйим баробаридаги ишга мен уринай, бўйим етмайдиган жойга қўл узатиб, уялиб қолмай", – дедилар. Ана шунда у кишининг нақадар мулоҳазали эканликларини, ҳаётда ўз ўринларини аниқ билиб олганларини, бировга малол келиб қоладиган ишга огоҳ туришларини тушундим. У кишига яна ҳурматим ошди.

Уюшмамиз котибига кўнғироқ қилдим. У кишидан зудлик билан ушбу хат келди:

"Ҳурматли Сайёр! "Молодая гвардия"га хат ёзиб юбордик. Ўқишингизда, ишингизда муваффақиятлар тилайман. Ҳамид Ғулом.

2/IV.1960. Тошкент.

Сих ҳам куймади, кабоб ҳам. Иш юришиб кетди. Адабиёт институтида қолиб ўқишни давом эттирдим. Энди оғир имтиҳондан ўтиб олганимдан сўнг ўзимга бироз ишонч ҳам туғилди.

Шуҳрат акам шеърларига устоз Мақсуд Шайхзода атрофлича, кенг тўхталиб, ўз адолатли фикрларини ёзганлар. Улардан ўтказиб фикр билдириш биз шогирдларни қўлидан келиши амримаҳол. Шунинг учун шоир Шуҳратнинг шеър, баллада, туркум ва достонларига тўхталмадим. Фақат айтишим мумкинки, улар эрта оқарган оппоқ сочлари ҳақида қирқдан ортиқ шеър ёзган эдилар.

Улкан ёзувчи Абдулла Қаҳҳор қўлларидан келганча ёзувчи Шуҳратни қўллаб келдилар. Гарчи аямай, гоҳида "ушбу асарингизни қовоқ ари чақиб олибди", деб асарнинг кўпсўзлигидан огоҳ этсалар ҳам, ҳар ёзувчининг ўз ёзиш усўлини инкор этмас эдилар.

Шуҳратнинг ҳикмат тўла, шеърдай мусиқага бой, ёғдай ёқиб тушгувчи тили ва у киши қалами остидан чиққан ўзбекона иффат, такаллуф лавҳалари ва улар остидан яшнаб кўриниб тургувчи ўзбек хонадони манзаралари Абдулла акани ҳам мафтун этган бўлиши табиий...

Яна инсон сифатида, доно, сермулоҳаза, мулойим, сабрли, қалби нафис ва нафосатга мўл инсон сифатида Мирзакалон Исмоилий ҳам Шуҳрат акамга яхшилигини аяган эмас. Оилавий ишларда ҳам, жамият юмушларида ҳам у киши чиндан ҳам катта ака эдилар... ва бир умр Шуҳрат акам юраги тўрида улуғ сиймо бўлиб қолдилар...

САЙЁР.

АСРЛАР ВА ХХ АСР ДАВОМИДА

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида халқ амалий безак санъати турлари бой ва ранг-баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташкил этади. Ўзбек диёрида вужудга келиб, гуллаб-яшнаган санъат турлари бемисл ва бетакрорлиги билан дунёга машҳур. Бундай камолот ва тараққиёт босқичлари ҳақида фикр юритадиган бўлсак, ўзбек амалий безак санъати турларининг шоҳ илдизлари инсониятнинг болалиги, яъни ибтидоий жамиятга бориб тақалишининг гувоҳи бўламиз.

Самарқанд, Бухоро, Хива, Шаҳрисабз, Термиз, Тошкент, Қўқон каби шаҳарлардаги меъморчилик ва халқ амалий безак санъати ёдгорликлари ўтмиш авлодимиз яратган баркамол, тарихан бебаҳо санъат асарларининг намуналари бўлиб, халқимизнинг, шу билан бирга жаҳон маданиятининг дурдоналари бўлган бадиий ва маданий меросини ташкил этади.

Мустақиллик шарофати билан юзага келган муҳим ўзгаришлардан бири бу тасвирий ва амалий санъатга оид илмий-тадқиқот ишларининг аввалгига нисбатан кўпроқ фоизда давлат тилида бажарилишидир.

Жумладан, бу вазият мустақиллик йилларида тасвирий ва амалий санъат олимлари муаллифлигида нашр этилган монография, дарслик, ўқув қўлланмалари, альбом ва илмий мақолаларда ўз аксини топа бошлади. Улар ўзбек, рус, инглиз, француз, немис, араб ва бошқа тилларда чоп этилмоқда.

1998 йилда Германияда чиқадиган Vostok (Восток) журнали республикамиз санъатига бағишлаб махсус сон эълон қилди. "Ўзбекистон санъати, анъаналари ва замонавийлик" деб номланган ушбу нашр саҳифаларидан мустақил юртимиз санъати ва маданиятига доир мақолалар, суҳбатлар, рангли фотосуратлар ўрин олган. Журналнинг бош муҳаррири Бритта Волоченвербер хоним "Ўзбек замонавий тасвирий санъати ўз тарихи сингари серқирра ва бой" номли мақоласида ўлкамизнинг маданияти ва санъати ҳақида ҳикоя қилади. Мақоланинг "Жавлон Умарбеков олами", "Леким Ибрагимов ранглари", "Акмал Нур умиди", "Акмал Икромжонов фалсафаси" деб номланган бобларида ижодкорларнинг гўзаллик оламига саёҳат қиласиз.

1997 йил 23 январда Ўзбекистон Бадиий Академиясини ташкил этиш ҳақидаги Фармон ва Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги "Ўзбекистон Бадиий Академиясининг фаолиятини ташкил этиш" тўғрисидаги қарор эълон қилинди.

Бадиий Академия истеъдодли ижодкор ёшларни, юксак малакали рассомлар, дизайнчилар, меъморлар, амалий санъат усталари ва санъатшуносларни тарбиялаш учун замин бўлди. Бадиий Академия Ўзбекистонда ва чет элларда юксак профессионал даражадаги бадиий кўргазмаларни ташкил этиш марказига айланди.

Аввалги бошқа идоралар тизимига кирадиган қатор муассаса ва ўқув юртлари Ўзбекистон Бадиий Академияси таркибидан ўрин олди. Академия тизимида академик ўқув юртлари тармоғи ташкил этилди. Чунончи, Камолиддин Беҳзод номидаги миллий рассомлик ва дизайн институти, Республика бадиий коллежи ҳамда барча вилоятларда тасвирий ва амалий санъат академик лицейлари ташкил қилинди.

Ушбу ўқув юртларининг ҳаммаси юксак малакали мутахассисларни тайёрлашга доир оптимал дастурни таъминлади. Истеъдодли рассомлар ва усталарни излаб топиб, уларга шарт-шароитлар яратилди.

Ўзбекистон Бадиий Академиясининг муассасаларидан бири бўлмиш Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтида амалий санъат турлари бўйича ҳам катта илмий тадқиқот ишлари олиб бориляпти.

1991 йилда "Хамар" – халқаро алоқалар маркази ташкил этилди. Унинг вазифаси республикада ҳамда хорижда кўргазмалар, ярмаркалар ва кимошди савдоларини ташкил қилиш шаклида бадиий меросни ва ҳозирги тасвирий, амалий безак санъати амалиётини оммалаштиришдир.

1997 йил майида Тошкентда бўлиб ўтган XII Халқаро кинофестиваль доирасида Ўзбекистон Бадиий Академияси биринчи академиклари ишларининг кўргазмаси уюштирилиб, турли мамлакатлардан ташриф буюрган кўплаб санъат арбоблари уни томоша қилдилар.

1997 йил март ойида Ўзбекистон Бадиий Академияси тасарруфидаги рассомлик коллежи амалий санъат бўлими усталари Покистоннинг Исломобод шаҳрига ижодий сафар қилдилар. Исломобод шаҳрининг кўкаламзор масканида жойлашган "Халқ мероси", "Лок вирса" музейида Ўзбекистон галереяси ташкил этилди. Ўзбекистон галереясида ўзбек халқининг қадимий санъат турларидан бадиий нақкошлик, миниатюра, ганч ўймакорлиги асарлари билан галлереянинг интерьери безатилди.

1997 йил 8 апрелда Покистон мустақиллигининг 50 йиллик юбилейига бағишланган фестивалга дунёнинг 36 та мусулмон давлатларидан фольклор этнографик ансамбль ва ҳунармандлари таклиф этилди. Бу фестиваль 10 кун давом этди. Фестивалда Ўзбекистон усталари ҳам қатнашдилар.

1998 йил 22 октябрда Ўзбекистон Бадиий Академияси улуғ муҳаддис Имом ал-Бухорий таваллудининг 1225 йиллик ва аллома Аҳмад ал-Фарғоний таваллудининг 1200 йиллик тўйи арафасида "Шарқдан келган зиё" шиори остида кўргазма ташкил этди. Санъатшунослик институтида очилган бу кўргазмага таниқли ижодкорлар яратган рангтасвир, ҳайкалтарошлик, кулолчилик ва халқ амалий санъати асарлари қўйилди. Мазкур кўргазмада республикамизнинг рассомлари қатори ҳиндистонлик Сарфдов Аҳмад, мисрлик Саид ал Ҳазар, АҚШлик Ричард Дан, туркманистонлик Қурбон Мередованинг Аҳмад ал-Фарғонийга бағишланган асарлари ўрин олди.

Ҳозирги замон миллий халқ амалий безак санъати ижодиёти услубан бой ва ранг-баранг, кўлами кенг жараён сифатида ривож топиб келмоқда. Миллий илмий санъатимиз жуда қадим, бетакрор анъаналарига эга бўлгани ҳолда XX аср давомида замона зайли билан янги-янги йўналишлар, шакл, жанр, услуб билан бойиди.

Саидахбор БЎЛАТОВ.

Тарихнинг ўқилмаган саҳифаси

МАЪЛУМ ВА НОМАЪЛУМ МУХТОРИЯТ

1917 йил октябрь давлат тўнтаришидан сўнг мустамлакачилик янгича шакл ва мазмун касб этди. Туркистон халқининг озодлик, тенглик ва мухторият ҳақидаги умидлари йўққа чиқарилди. Туркистон Советларининг III ўлка съезди маҳаллий миллат вакилларини ҳатто ўлка ҳукумати таркибига ҳам киритмади. Шундай шароитда, 1917 йилнинг 28 ноябрида, Қўқон шаҳрида ўтган ўлка мусулмонларининг фавқулодда IV курултойи "Туркистон мухторияти" ташкил этилганлигини эълон қилди.

Ўзининг кўпгина юридик ҳужжатларида миллий зулмга чек қўйишни, барча халқларга ўз тақдирини ўзи белгилаш ҳуқуқи берилишини такрорлаган Шўролар ҳокимияти Туркистон мухториятини тан олмади. 1918 йилнинг февраль ойида Қўқоннинг эски шаҳар қисми қизил гвардиячилар ва дашнакцутюн миллатчи фирқасининг қуролли қароқчилари томонидан штурм қилинди, шаҳар вайрон қилинди ва таланди, минглаб бегуноҳ одамлар қириб ташланди. Мухториятчиларни қўлга олиш ва жазолаш баҳонасида Фарғона аҳлига нисбатан зўравонлик қилиш авжига чиқди. Бунга жавобан Фарғона водийсида фуқаролар уруши бошланиб кетди.

1918 йилнинг январида Советларнинг IV ўлка съезди кўрсатмалари ва Фарғона вилоят Советининг 30 январь қарори билан Туркистон мухториятини тан олмаслик ва уни қуролли йўл билан бостиришга ахд қилдилар. Мухториятнинг тугатилиши большевиклар ўйлаганидек масаланинг тугал ечими эмас эди. Аксинча, бу қонли воқеа янги-янги муаммоларни келтириб чиқарди. Уларнинг ичида, энг асосийси, Фарғонада миллатлараро муносабатларни кескинлаштириб юборди. Европалик фуқароларнинг кўпчилиги теваракатрофдаги жойлардан Скобелев ва бошқа йирик шаҳарларга қочиб кела бошлади. Вилоятда бошланиб кетган очарчилик натижасида вазият оғирлашди. Ана шундай шароитда маҳаллий халққа бошчилик қилиб турган Туркистон ўлкаси мусулмон аскар ва ишчилар Совети, Фарғона вилояти мусулмонлар Совети ўз аъзолари ва барча фуқароларга мурожаат қилиб, одамларни тинчлик ва осойишталикка даъват этдилар, давлатманд кишиларни саховат қилиш ва очликни бошдан кечираётган кишиларга ҳар галгидек ёрдам беришга чорладилар. Аммо жабр-зулм ва зўравонликдан сабр-косаси тўлган маҳаллий халқни ташвиқот ва чақириқлар билан тинчлантиришнинг иложи йўқ эди. 1918 йилнинг баҳоридан бошлаб қўлига қурол олган истиқлолчиларнинг сони тобора ошиб борди. Шунинг учун ҳам ўлка шўро ҳукумати мухторият ҳаракатида қатнашган кишиларга нисбатан қўллаган репрессив чораларини тўхтатишга, уларга умумий авф эълон қилишга мажбур бўлди. 1918 йилнинг апрелида Туркистонга номига бўлса-да, социалистик мухторият мақоминнинг берилиши ҳам шу билан изоҳланади.

Эълон қилинаётган ҳужжатлар ўқувчиларнинг мухторият ҳақидаги тасаввурларини янада кенгайтириб, тарихимизнинг ушбу ҳасратли саҳифаси мазмунини теран идрок этишларига ёрдам беради, деган умиддамиз.

Раҳматжон АРСЛОНЗОДА,
тарих фанлари номзоди.

1.Фарғона вилояти солдат, ишчи ва деҳқон депутатлари Советининг 1918 йил 30 январ қарори

"Қўқон (шаҳрини) мустаҳкамлаш учун зудлик билан 250 кишидан иборат ҳамда пулемёт ва тўплар билан қуролланган отряд юборилсин.

Отрядга Осипов бошлиқ этиб тайинлансин, унинг таркибига бошқа офицерлар ҳам жалб этилсин".

ФВДА. Ф.121. I-Р. 6-й. 5I-в.

2. Ўлка мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари Советининг телеграммаси

Андижон, Ўш, Асака, Наманган, Хўжанд, Самарқанд, Чоржўй, Ашхобод, Тошкент мусулмон ишчи ва аскар депутатлари Советларига

Ўлка мусулмон ишчи, аскар ва деҳқон депутатлари Совети Қўқон шаҳрида жойлашганлиги туфайли Қўқон воқеалари натижасида ва йўллар, почта, телеграфнинг ишдан чиққанлиги сабабли маҳаллий ташкилотлар билан алоқа қилиш имкониятидан маҳрум бўлди ҳамда шу боисдан Скобелевга кўчиб ўтди. Ушбуни маълум қилиб, барча аъзоларни зудлик билан Скобелевга келишларини сўраймиз. Фарғонада вужудга келган вазиятни ҳисобга олиб ҳамда биродаркушлик уруши ва алоқа йўлларининг бузилиши дахшатли ва хавфли оқибатларга, барча аҳолининг очликдан қирилиб кетишига олиб келиши мумкинлигини назарда тутиб, Ўлка Совети мусулмон ишчи ва аскарлар маҳаллий ташкилотларига митинглар ўтказиш, ўз вакилларини қишлоқларга юбориш, бошқа миллатларнинг демократик ташкилотлари билан биргаликда мурожаатномалар тарқатиш йўли билан аҳолини тинчлантириш учун барча чораларни кўришни таклиф этади.

Раис ўрнига: *Губайдуллин*

(Сана кўрсатилмаган - Р.А.)

ФВДА. 121-ф. I-р. 64-й. 73-в.

8. Эски Марғилон шаҳар думасининг 1918 йил 13 (26) март йиғилишининг 4-рақамли баённомаси

ЭШИТИЛДИ: Шўройи исломия ва Мухторият фойдасига йиғилган 59 минг сўмга яқин маблағ масаласи

ҚАРОР ҚИЛИНДИ: Шаҳар думаси бир овоздан қарор қилди: Мазкур маблағ аҳолидан тартибсиз равишда йиғилганлиги, шунинг учун уни эгаларига қайтариб бериш мумкин эмаслигини, очликни бошдан кечираётган аҳоли учун илгари турли баҳоналар билан умумхалқ манфаатлари учун деб тўпланган пулни эмас, балки нон олиш муҳимлигини ҳамда юқорида номлари айтиб ўтилган ташкилотларнинг фаолияти аслида аҳолига зарар келтиришга қаратилганлигини ва бу жамиятлар ҳозирги вақтда ўз фаолиятини тўхтатганлигини эътиборга олиб, Фарғона вилояти солдат ва ишчи депутатлари Советидан кўрсатилган маблағни шаҳарнинг энг камбағал аҳолисига озиқ-овқат (сотиб олиш) учун фойдаланишга рухсат бериш сўралсин.

ФВДА. 121-ф. I-р. 30-й. 11-в.

9. Фарғона вилояти ишчи, солдат ва деҳқон депутатлари Советининг 1918 йил 28 март йиғилишининг 68-рақамли баённомаси

"... Қўқон воқеалари муносабати билан тутиб олинган барча шахслар Ҳарбий-Инқилобий трибунал ихтиёрига топширилсин".

ФВДА. 121-ф. I-р. 6-й. 67-в.

10. Туркистон Марказий Ижроия Комитетининг барча Советларга юборган телеграммаси. 1918 йил 15 июль.

Ўлка Советларининг 5-съезди қарорига мувофиқ бутунжаҳон пролетар байрами куни – 1 майда тантанали тарзда Туркистон мухторияти эълон қилинди. ... (Шу муносабат билан) Туркистон ҳудудида тўғри тушунмаганлиги натижасида Туркистон буржуа-мухторияти ҳаракатида қатнашган ва жавобгарликка тортилган барча шахслар учун умумий авф эълон қилинади.

ФВДА. 121-ф. 1-р, 37-й. 9-в.

Жалолиддин
РУМИЙ

Маснавий

МАСНАВИЙ

Гўфт: "Эй шаҳ! Мужда! Ҳожотат равост,
Гар ғарибе оядат фардо зи мост".

ТАРЖИМА

Деди: "Эй шоҳ! Мужда! Ҳожотинг раво,
Бир ғариб келгайдир эрта, қарши ол!.."

ШАРҲ

Шоҳнинг тушида зуҳур этган пийр деди: "Эй шоҳ, қутлуғ бўлсин! Сенинг ҳожатинг раво бўлди. Эрта қошингга биз томондан бир ғариб келади. Уни хушнудлик билан қарши ол. Зеро, у ҳақдир".

МАСНАВИЙ

Чунки, ояд у ҳакими ҳозиқ аст,
Содиқат дон, к-ў амину содиқаст.

ТАРЖИМА

Чунки келгай бир ҳакими ҳозиқ у,
Ростгўй билким амину содиқ у.

ШАРҲ

Қошингга келувчи ғариб одам ҳаким ҳозиқдир. У ростгўй, амин ва содиқдир.

МАСНАВИЙ

Дар иложаш сеҳри мутлақро бубин,
Дар мизожаш қудрати Ҳақро бубин.

ТАРЖИМА

Мутлақо сеҳр[1] ошкор имконида,
Қудрати Ҳақ ҳам мизожу[2] жонида.

ШАРҲ

Сен ўша табибга оддий нигоҳ билан боқма. Унинг амаллари ғоятда фавқулодда. Унинг мизожида Ҳақ қудрати намоён.

МАСНАВИЙ

Чун расид он ваъдагоҳ ва рўз шуд,
Офтоб аз Шарқ ахтарсўз шуд.

ТАРЖИМА

Етди ваъда чоғи, тун ҳам ўтди-ку,
Офтоб, Шарқдан чиқиб, юз тутди-ку.

ШАРҲ

Шундай қилиб тун ҳам кечди. Ваъда маҳали ёвуқ келди. Шарқдан қуёш чиқиб, юлдузлар бир-бир кўздан йитдилар.

МАСНАВИЙ

Буд андар манзара шаҳ мунтазир,
То бубинад он чи бинмуданд сир.

ТАРЖИМА

Шоҳ манзар узра бўлди мунтазир,
Кош ошкор бўлса эрди тунги сир.

ШАРҲ

Шоҳ сарой кўшкида кеча тушида унга берилган мужда – бир ғариб зотнинг йўлига интиқлик билан кўз тутарди.

МАСНАВИЙ

Дид шахсе фозиле, пурмояе,
Офтобе дар миёни сояе.

ТАРЖИМА

Кўрди бир шахс фозилу пурмоя[1] у,
Гўиё офтобу тўрт ён соя у.

ШАРҲ

Бир донишманд зот гўё соя қаъридаги офтобдек намоён бўлди.

МАСНАВИЙ

Мерасид аз дур монанди ҳилол,
Нест буду ҳаст монанди ҳаёл.

ТАРЖИМА

Ташланарди кўзга ҳудди бир ҳилол,
Гоҳ ҳувайдо, гоҳ ниҳон мисли ҳаёл.

ШАРҲ

Ўша пир олисдан ҳилолдек нозик ва нурли бўлиб назарга ташланарди. Пинҳон, яъни унинг мартабаси одамлар назаридан яширин эди. Ҳаёлнинг ҳорижий вужуди йўқ. Яъни, ҳаёлни зоҳиран кўриш мумкин эмас. Бироқ унинг ботиний вужуди бор. Зеро, ҳаёл таъсир ва ҳаракатга тортки беради.

МАСНАВИЙ

Нестваш бошад ҳаёл андар равон,
Ту жаҳоне бар ҳаёле бин, равон.

ТАРЖИМА

Аслида йўқдек бу жон ичра ҳаёл,
Бошқарар лек, бу жаҳонни безавол.

ШАРҲ

Ҳаёл аслида мавжуд эмасдек туюлади. Зеро, юқорида таъкидланганидек, ҳаёлнинг зоҳирий вужуди йўқ. Лекин боқки, оламни ҳаракатга келтиради. Яъни, оламнинг ҳамма ерида ҳаёл тасарруф ва ҳокимият қудратига эга.

МАСНАВИЙ

Бар ҳаёле сулҳашон ва жангашон,
В-аз ҳаёле фахришон ва нангашон.

ТАРЖИМА

Бил, ҳаёлдандир омонлик, жанглари,
Ҳам ҳаёлдандир фахр, ор-нанглари.

ШАРҲ

Одамларнинг уруш ва талошлари, сулҳу омонликлари ҳам ҳаёл туфайли. Фахр ва орномуслари ҳам аслида ҳаёлдан. Ҳаёл воситасида сулҳ тузиб, бир-бирларига қучоқ очадилар, ҳаёл туфайли жанг оловини ланғиллатадилар.

МАСНАВИЙ

Он ҳаёлоте, ки доми авлиёст,
Акси маҳрўёни бўстони Худост.

ТАРЖИМА

Ул ҳаёлким авлиёнинг домидир,
Гулшани Ҳақ ойюзин андомидир.

ШАРҲ

Худонинг дўстлари – авлиёлар, каромат ва асрор аҳлига насиб қилган ҳаёл Худованд бўстони ойюзлиларининг акс – сувратидир. Юқорида одам ҳаёлининг фавқулодда қудрати ҳақида сўз юритдик. Демак ҳаёлнинг қудрати шу қадарки, бутун дунё халқларининг омонликда ёхуд жанг ҳолатида бўлмоқлари ҳам ҳаёлга вобаста, одамларнинг руҳий ҳаракат ва сукунатлари ҳам ҳаёлдан бошланади. Шундай экан, у ҳолда Худо авлиёларининг аҳволи қандай? Улар ҳам олам аҳли каби ўз ҳаёлларига асирми?

Мавлоно юқоридаги байт орқали авлиёларни ушбу қоидадан мустасно этади. Валий Муҳаммад Акбарободий мазкур байтни шундай шарҳлайди: "Валийларнинг ҳаёли Ҳақ зоти маълумотининг чеҳрасидир. Бу то

Изоҳ: 1. Фавқулодда ҳолат. Ҳеч қандай қайд ва шартсиз рўй бергувчи ғайритабиий ҳолат. 2. Аслий унсурлар ва моддалар воситасида вужудда пайдо бўлгувчи кайфият.

Изоҳ: 1. Хирадманд, донишманд, фарзона

Давоми. Боши журналнинг 1996, 1997, 1998 йил сонларида.

ифанинг хаёли айни ҳақиқат. Уларнинг хаёлида неки намудор бўлса, худди ўша ҳолат ҳиссий суврата айланади".

Аммо "ойюзли"лар иборасига шарҳ берган Николсон бундай ёзади: "Бундан мурод Мутлақ жамолининг тажаллийсидир. Ҳақ мардлари, унинг дўстлари қалбида рўё ёхуд тасаввур шаклида акс этади".

Баъзи бир "Маснавий" шарҳлари "Ҳақ гулшанининг ойюзлилари" иборасида ғайбий маъно бор, деганлар. У хоҳ қалбий аҳволот ёхуд кашф бўлсин ёки каромат ва қурб бўлсин, барчаси Ҳақ фазлининг файзидир.

Исмоил Анқаравий ёзади: "Ойюзлилардан мурод буюк анбиёлардир . Улар Худонинг нуридан мунаввардирлар".

МАСНАВИЙ

Он хаёле, ки шаҳ андар хоб дид,
Дар рухи меҳмон ҳаме омад падид.

ТАРЖИМА

Ул хаёлким шоҳ кўриб уйқусида,
Келди меҳмондек анинг ўтрусига.

ШАРҲ

Подшоҳ тушида кўрган хаёл, ғайбий меҳмон шаклида намоён бўлди.

МАСНАВИЙ

Шаҳ ба жой ҳожибон фо пеш рафт,
Пеши он меҳмони ғайби хеш рафт.

ТАРЖИМА

Шоҳ чиқиб пешвоз дарбондан бурун,
Ғайб меҳмонин кутиб олмоқ учун.

ШАРҲ

Шоҳ ҳаяжон ва хушҳоллик шиддатидан ўз қўриқчиларидан ўзиб, ғайб меҳмонининг ҳузурига ошикди.

МАСНАВИЙ

Ҳар ду баҳре ошно омўхта,
Ҳар ду жон бедўхтан бардўхта.

ТАРЖИМА

Икки дарё, ошнодир, шубҳасиз,
Икки жонким боғламишлар риштасиз.

ШАРҲ

Улар гўё бир ўзанга келиб қўшилган икки ирмоқ мисоли эдилар. Гўё зоҳирда бир-биридан жудо бўлсалар-да, маъно оламида бир-бирига пайванд этилган жондирлар.

МАСНАВИЙ

Гўфт маъшуқам ту будастй, на он,
Лек, кор аз кор хезад дар жаҳон.

ТАРЖИМА

Деди: "Маъшуқам ўзинг, ул қиз эмас,
Лек, дунё ишлари бежиз эмас".

ШАРҲ

Шоҳ одоб риояти билан ғайбдан келган меҳмонга деди: "Ҳақиқий маъшуқим ул канизак эмас, сен экансан. Лекин бу дунёда бир ишнинг рўёбга чиқиши учун бошқа бир иш сабаб бўлади".

Бу ўткинчи дунёда Худованд бир ишни турли баҳона ва сабаблар воситасида амалга оширади. Подшоҳнинг канизакка нисбатан майли унинг ранж ва роҳатсизлигига сабаб бўлди. Бироқ, айни ҳолда мажозий ишқдан ҳақиқий ишққа томон йўл очилди. Яъни, шу ишқ туфайли бир Худонинг дўстини топмоққа муяссар бўлди.

МАСНАВИЙ

Эй, маро ту Мустафо, ман чун Умар,
Аз барои хидматат бандам камар.

ТАРЖИМА

Мен учун сен – Мустафо, менман – Умар,
Хизматингга боғладим белга камар.

ШАРҲ

Эй муршид, сен мен учун гўё Мустафосан. Мен сен учун гўё ҳиммат камарини боғлаган Умармен.

МАСНАВИЙ

Аз Худо жўям тавфиқи адаб,
Беадаб маҳрум шуд аз лутфи Раб.

ТАРЖИМА

Иста Оллоҳдан тавфиқи адаб,
Беадабга лутф қилмас ҳеч Раб.

ШАРҲ

Худо даргоҳидан одоб тавфиқини сўраймиз. Зеро, беадаб Оллоҳ лутфидан маҳрумдир. Одоб жамийки ҳамида хулқларнинг ҳосиласи. Муҳйиддин ибн Арабий дейди: "Адаб яхши хислатлар ва эзгуликларнинг мажмуидир. Бинобарин, одобли шахс макорим ахлоқнинг жамъидир".

Ибн Арабий давом этади: "Одоб аҳлуллоҳ (Оллоҳ дўстлари) истилоҳида тўрт қисмдан иборат: 1 – Шариат одоби. 2 – Хизмат одоби. 3– Ҳақ одоби. 4 -Ҳақиқат одоби.

Мавлоно юқоридаги байтда шоҳнинг илоҳий ҳакимга нисбатан эҳтиромини халифа Умарнинг (р.а.) Муҳаммад Мустафога (с.а.в.) нисбатан чексиз эҳтиромига қиёс этади. Соликнинг ўз муршидига ва атрофдагиларга ҳам беқиёс одоб ва эҳтиром кўрсатиши лозимлиги ҳақидаги тасаввуфий масала ойдинлашади.

МАСНАВИЙ

Беадаб танҳо на худро дошт бад,
Балки оташ дар ҳама офоқ зад.

ТАРЖИМА

Беадаб бир ўзни солмас чоҳга,
Балки ўт қўйгай бутун офоққа.

ШАРҲ

Беадаб танҳо ўзинигина балога гирифтор қилмайди, балки бутун оламни фитна олови билан ёқиб юборади.

МАСНАВИЙ

Моида аз осмон дармерасид,
Бесудоюу бефўрухту бехарид.

ТАРЖИМА

Осмондан инди дастурхонлари,
Тотдилар ҳеч оғримасдан жонлари.

ШАРҲ

Илоҳий ризқ-рўзи ҳеч ранжсиз, олди-сотдисиз осмондан Мусо (а.) қавмига туширилди. "Бақара" сурасининг 57-оятида буюрилади: "Ва анзална алайкумул манна вас-салва". "Осмондан ширинлик ва беданалар ёғдирдик".

МАСНАВИЙ

Дар миёни қавми Мусо чанд кас,
Беадаб гўфтанд: "Кў сиру адас?"

ТАРЖИМА

Беадаблар чиқди Мусо қавмидан:
"Бер, таомнинг бизга турли навъидан!.."

ШАРҲ

Ҳазрат Мусо қавмидан шундай беадаблар хуруж қилдиларки, улар Оллоҳ ёзган дастурхонга қаноат қилмай заминий неъматларни сўрадилар. Улар Оллоҳнинг неъматларига ношукур бўлдилар ва мункирлик қила бошладилар. "Ва из қултум, я Муса, лан насбира ъала тоамин воҳидин: фадъулана Раббака юхрижлана мимма тунбитул арзу мин бақлиҳа ва қиссаиҳа ва фумиҳа ва адасиҳа ва басалиҳа".

"Эсланг: " Эй Мусо, бир хил таомга ҳеч қаноат қила олмаяпмиз. Парвардигорингга дуо қил, бизга ерда ўниб-ўсадиган сабзавотлардан, бодринг, саримсоқ, мош, пиёзга ўхшаган ўсимликлардан чиқариб берсин".

(А.Мансур таржимаси).

МАСНАВИЙ

Мунқатиъ шуд нону хони осмон,
Монд ранжи зарьу белу досмон.

ТАРЖИМА

Битди осмон нони, дастурхони ҳам,
Қолди белнинг ранжи-ю, меҳнат, алам.

ШАРҲ

Осмоннинг нон ва дастурхони узилди. Яъни тўрт-беш беадабнинг баднафслиги, меъёрни бузганлиги боисидан Оллоҳ ўз неъматлари чашмасини бани Исроилдан тўсди. Осмондан ҳеч нарса ато қилинмади. Бу ёғига ранжу алам, меҳнат, машаққат қолди.

МАСНАВИЙ

Боз Ийсо чун шафоат кард, Ҳақ
Хон фиристоду ғанимат бар табақ.

ТАРЖИМА

Сўнг шафоат қилди Ийсо, кўкда Ҳақ
Тузди дастурхон, иниб келди табақ.

ШАРҲ

Иккинчи дафъа ҳазрат Ийсо алайҳиссалом шафоат қилди. Оллоҳ марҳамати билан кўкдан ноз-неъмат тўла дастурхон ва табақлар иниб тушди.

МАСНАВИЙ

Боз гўстохон адаб бигзоштанд,
Чун гадоён заллаҳо бардоштанд.

ТАРЖИМА

Боз гўстохлар адабни қўйдилар,
Не ажабки, оч гадога дўндилар.

ШАРҲ

Яна бепарво густохлар одоб доирасини буздилар. Гадолар каби дастурхонда қолган неъматларга чанг солдилар. Бурунда сўфийларда ҳам шундай одат бўлган экан.

МАСНАВИЙ

Лоба карда Ийсо ийшонро, ки ин,
Доим аст ва кам нагардад аз замин.

ТАРЖИМА

Илтижо қилди пайямбар аҳлига,
Ким туганмас бу таом, йўқ таҳлика.

ШАРҲ

Ийсо алайҳиссалом ўз қавмига осмондан индираётган бу дастурхон тўла ноз-неъматлар тугаб қолмаслигини, бинобарин, зиёда ҳарис бўлмасликларини илтижо қилди.

МАСНАВИЙ

Бадгумонӣ кардану ҳирсо ворӣ,
Куфр бошад пеши хони меҳтарӣ.

ТАРЖИМА

Бадгумонлик қилдилар, ҳирсу ҳаво,
Куфрдир пир нонига бул иддао.

ШАРҲ

Бир буюк зот ёзган дастурхон тепасида ҳарислик ва бадгумонлик билан ношоён амаллар қилмоқ куфрдан баттардир.

МАСНАВИЙ

З-он гадорӯёни нодида зи оз,
Он дари раҳмат бир ийшон шуд фароз.

ТАРЖИМА

Бул гадолар дастидан раҳматнишон
Қопқалар қарс-қарс ёпилар шу он.

ШАРҲ

Ҳарис, очофат, жоҳил кимсаларнинг бу зайл ҳаракатлари туфайли раҳмат эшиклари тақа-тақ ёпилди.

Ношукурчиликнинг оқибати мана шу!

МАСНАВИЙ

Абр барнояд пайи маньи закот,
В-аз зино афтад вабо андар жиҳот.

ТАРЖИМА

Гар закот ман бўлса, юзмайдир булут,
Ҳам зинодан қолди офат ичра юрт.

ШАРҲ

Одамлар закот нималигини унутсалар, ўз бисотларидан ниёзмандлар учун ҳисса чиқармасалар ўша юрт устида булутлар юзмас, раҳмат ёмғирлари ёғмас экан. Зино сабабли дунёда вабо касаллиги тарқалади. Ушбу ҳадисга ишора қилинмоқда: "Ма ҳабаса қовмун заката илла ҳабасаллоҳу анҳумул қотро". Қай бир қавм закотдан қўл узмаса (тарк қилмаса) Оллоҳ ўша қавмдан раҳмат ёмғирини манъ этмайди".

МАСНАВИЙ

Ҳар чи бар ту ояд аз зулмоту ғам,
Он зи бебокӣ ва густохист ҳам.

ТАРЖИМА

Ҳар не зулмат, ғусса солса сенга дом,
Бул сенинг густохлигингдандир тамом.

ШАРҲ

Бошингга неки мусибат, ғам-ғусса тушадиган бўлса, шубҳасиз, улар сенинг густохлигинг ва бепарволигинг оқибатидир."Нисо" сурасининг 78-оятида буюрилади: "Ва ма асобака мин саййиатин фамин нафсика". "Ҳар қандай кўргилик бошингга ўзинг (нафсинг) туфайли келади".

МАСНАВИЙ

Ҳар кӣ бебокӣ кунад дар роҳи дўст,
Раҳзани мардон шуд ӯ номард ўст.

ТАРЖИМА

Кимки дўстин йўлида бедард у,
Мардни шилган ўғридир, номард у.

ШАРҲ

Кимда-ким дўст йўлида густохлик қилар экан, илоҳий мардларни тунаган номард қароқчи ҳисобидадир. Яъни, ҳам гумроҳдир ва ҳам номарддир.

МАСНАВИЙ

Аз адаб пурнур гаштаст ин фалак,
В-аз адаб маъсуму пок омад малак.

ТАРЖИМА

Ҳам адабдан нурга тўлди бу фалак,
Ул сабаб масъум ва пок бўлди малак.

ШАРҲ

Бу фалак адаб туфайли нурга тўлди. Яъни, қачонки бу чархфалак, бу айлангувчи олам бино бўлди, унинг меҳвару мадори одоб доирасидан заррача тажовуз қилган эмас, Оллоҳ амрини бир лаҳза тарк қилгани йўқ. Масалан, қўёш одам табиатига кириб, хоҳлаган пайтида отиб, кўнгли тусаган пайтида ботиб кетаверса эди, унда томошани кўринг эди.

МАСНАВИЙ

Буд зи густохӣ, кусуфи офтоб,
Шуд Азозиле зи журьат радди боб.

ТАРЖИМА

Офтобни тутди густохлик – кусуф,
Рад этилди ҳаддидан шайтон ўтиб.

ШАРҲ

Биринчи мисрани икки хил маънода шарҳлаш мумкин.

Биринчидан, одамларнинг айбу гуноҳи, густохлиги ва битмас-туганмас маъсиятлари қуёшга ҳам ўз таъсирини ўтказди. Бу қабоҳат қуёш юзига ҳижоб бўлди. Бу илоҳий танбиҳ бўлиб, одамлар қуёш тутилган бир неча соат давомида тавба қилмоққа шошиладилар.

Иккинчидан, қуёш тўртинчи осмонда якка-ёлғиз бўлгани учун кибрга кетди. Шу боисдан Оллоҳ мағрур қуёшга танбиҳ бўлсин учун бир неча соат давомида унинг нурларини кетказди.

Ҳожи Мулло Ҳодий Сабзаворий бундай дейди: "Густохлик аслида ойдан содир бўлди. У қуёшнинг олдини тўсди ва кусуф рўй берди".

Иккинчи мисранинг мазмуни барчага ойдек равшан. Иблис Одам алайҳиссалом қошида густохлик, ҳудбинлик ва такаббурлик қилди. Оқибатда жаннат юзи унга ҳаром қилинди.

ШОҲНИНГ ТУШДА БАШОРАТ БЕРИЛГАН ИЛОҲИЙ ТАБИБ БИЛАН МУЛОҚОТИ

МАСНАВИЙ

Даст бикшуду каноронаш гирифт,
Ҳамчу ишқ андар дилу жонаш гирифт.

ТАРЖИМА

Шоҳ қучоқ очди, табибим, кел дебон,
Жону дилни ишқинг ўртабдир ёмон.

ШАРҲ

Шоҳ илоҳий табиб ҳузурига қучоқ очиб борди ва уни бағрига олди. Бу жону дилга қаттиқ ўрнашган ишқ мисоли эди. Шоҳ бир кўришдаёқ табибга эътиқод қўйди.

МАСНАВИЙ

Дасту пешониш бўсидан гирифт,
Аз мақому роҳ пурсидан гирифт.

ТАРЖИМА

Қўлларидан, манглайидан ўпди шоҳ,
Ҳам мақому йўлидан қилди савол.

ШАРҲ

Шоҳ илоҳий табибнинг қўллари ва пешонасидан ўпиб, ўз меҳру муҳаббатини изҳор этди. Ғайбий меҳмоннинг қандай равиш ва мақомда экани, йўл ва сулуки, ҳол-аҳволидан саволлар қилди.

МАСНАВИЙ

Пурсу пурсун мекашидаш то ба садр,
Гўфт: "Ганж ёфтам охир ба сабр".

ТАРЖИМА

Ҳол сўраб шоҳ они элтди садрига,
"Ганж топдим", – таҳсин айтар сабрига.

ШАРҲ

Шоҳ йўл-йўлакай табибдан ҳол-аҳвол сўраркан, ниҳоят сабр-таҳаммул оқибатида ганж – хазина топдим, дерди. Шодлик ва ҳаяжонининг чегараси йўқ эди. Шоҳ табибни садр мажлисига бошлаб борди.

МАСНАВИЙ

Гўфт: "Эй ҳадям Ҳаққу дафъи хараж,
Маънии "Ас-собру мифтоҳул фараж".

ТАРЖИМА

Деди: "Эй, Ҳақ ҳадяси, дафъи хараж,
Маъни бу: "Ассобру мифтоҳул фараж".

ШАРҲ

Шоҳ илоҳий табибга хитобан деди: "Эй Худойимнинг менга юборган армуғони, ҳар қандай танглик, зулм ва зуғумни даф айлагувчи зот. Мен ушбунинг маънисига етдим. Ҳақиқатан, "Сабру таҳаммул кушойишларнинг калити" экан.

МАСНАВИЙ

Эй, ликои ту жавоби ҳар суол,
Мушкул аз ту ҳал шавад, беқийлу қол.

ТАРЖИМА

Эй, юзинг минг бир саволга Ҳақ жавоб,
Ҳар не мушкул ҳал қилурсан беитоб.

ШАРҲ

Эй, илоҳий ҳаким, сенинг дийдоринг ҳар нечук саволга ошкора жавобдир. Ҳар нечук мушкулот қийлу қолсиз сен туфайли ҳал бўлади. "Лиқо" сўзи тилимизда дийдор маъносини англатади. Сўфийлар шайх лиқои, яъни дийдорга бениҳоят катта эътибор қаратадилар. Зеро, улар қалбларидаги яширин фикрларни шайх билиб туришига ишонадилар.

МАСНАВИЙ

Таржумони ҳар чи моро дар дил аст,
Дастгирй, ҳар ки пояш дар гил аст.

ТАРЖИМА

Қалбимизда неки бор тилмочи сен,
Ким оёғи лойдадир, қўлловчи сен.

ШАРҲ

Эй, пинҳон сирларни билгувчи, неки дилимизда яширидир, билурсен. Кимнинг жонин оёғи моддиёт ботқоғига ботиб қолган эса, қўллагувчисен.

МАСНАВИЙ

Марҳабо, ё мужтабо, ё муртазо,
Ин тағоб жаал қазо, зоқал фазо.

ТАРЖИМА

Хуш келдинг, эй кенг бағирлик, эй танланган зот. Агар сен ғойиб бўлсанг, қазо ёвуқ келгай ва фазо танг бўлгай.

МАСНАВИЙ

Анта мавлал қовми ман ла яштаҳий,
Қод родая калла лаън лам янтаҳий.

ТАРЖИМА

Сенсан (сулуклар) қовмининг сурури. Кимда-ким сени истамаса, қидирмаса ва бу ишидан воз кечмаса, ҳақиқатда тубан кетади ёхуд ҳалок бўлади.

ШОҲНИНГ ТАБИБНИ БЕМОР ҲУЗУРИГА ЭЛТГАНИ ХУСУСИДА

МАСНАВИЙ

Чун гузашт он мажлису хони карам,
Дасти ў бигрифту бўрд андар ҳарам.

ТАРЖИМА

Ўтди мажлис, ўтди дастурхон, карам,
Сўнг олиб илкин они элтди ҳарам.

ШАРҲ

Шоҳ ва илоҳий ҳакимнинг иссиқ дийдорлашуви тугагач, шоҳ унинг илкидан тутиб, ўз ҳарамига бошлади. Мавлоно ушбу байт орқали танбеҳ беради: мурид ўз пирини маҳрами роз этмоғи лозим. Абадий саодат, қурб ва илоҳий ҳолга етмоқнинг йўли шу.

МАСНАВИЙ


Қиссаи ранжуру ранжурй бихонд,
Пас аз он дар пеши ранжураш нишонд.

ТАРЖИМА

Сўйлади шоҳ ул париваш ҳолидан
Бўлди воқиф ҳам табиб аҳволидан.

ШАРҲ

Шоҳ канизакнинг беморлик можаросини сўйлаб, табибни унинг қошига олиб келди.



МАСНАВИЙ

Рангу рўву набзу қорура бидид,
Ҳам аломоташ, ҳам асбобаш шунид.

ТАРЖИМА

Кўрди рангу рўю тутди набзини,[1]
Тинглади асбоб[2], аломат[3] – барини.

ШАРҲ

Табиб бемор канизакнинг аҳволидан огоҳ бўлиш мақсадида юқоридаги усулда уни текширди ва гувоҳларнинг сўзларига қулоқ осди.

МАСНАВИЙ

Гўфт: "Ҳар дору, ки ийшон кардаанд,
Он аморат нест, вайрон кардаанд".

ТАРЖИМА

Деди: "Неки анга дармон қилдилар,
Филҳақиқат, они вайрон қилдилар".

ШАРҲ

Илоҳий вакил деди: "Бу худбин ва худнамо табиблар беморга ҳар қанча дори-дармон қилганлари билан, уни соғайтириш ўрнига, аксинча аҳволини оғирлаштирдилар".

МАСНАВИЙ

Бехабар буданд аз ҳоли дарун,
"Астаъийзуллоҳа мимма яфтарун".

ТАРЖИМА

Билмас эрдилар ичинда ҳол нечун,
"Астаъийзуллоҳа мимма яфтарун".

ШАРҲ

Мағрур ҳакимлар канизакнинг ботиний аҳволидан бехабар эдилар. "Бундай такаббур ва жоҳиллар дастидан Худодан паноҳ сўрайман".

МАСНАВИЙ

Дийд ранжу кашф шуд бар вай нухуфт,
Лек, пинҳон карду бар султон нагуфт.

ТАРЖИМА

Кўрди ҳолин, кашф бўлди барча сир,
Лек, пинҳон тутди шоҳдан бари бир.

ШАРҲ

Илоҳий ҳаким канизак аҳволини мушоҳада қилди ва иллатнинг тагига етди. Бироқ бу ҳолни шоҳдан мутлақо сир тутди. Зеро, авлиёуллоҳ бирор кимсанинг ботиний сирини Оллоҳнинг изнисиз ҳеч кимга фош қилолмайди. Сир соҳибининг ўзига ҳам ошкор қилмайди.

МАСНАВИЙ

Ранжаш аз савдо ва аз сафро набуд,
Бўйи ҳар ҳезум падид ояд зи дуд.

ТАРЖИМА

Ранжи савдодан ва сафродан эмас,
Ҳар ўтининг бўйи дуд ичра абас.

ШАРҲ

Бемор канизакнинг дарди сафро ёхуд савдонинг зиёд бўлишидан эмас. Ҳар бир ўтиннинг ҳиди унинг тутунида яширинган. Яъни, ҳар бир нарсада мавжуд аломатлар унинг зотига далолат қилади. Ишқ дардига дучор бўлган инсон маъшуқ ҳажрида шодлик барқ урган чеҳрасидан жудо бўлади. Яъни, шоир айтганидек, "Хазон яфроғи янглиқ гул юзинг ҳажрида сорғардим..."

МАСНАВИЙ

Дийд аз зорийш к-ў зори дил аст,
Тан хушаст ва ў гирифтори дил аст.

ТАРЖИМА

Кўрди зорин ким бу зор дил зоридир,
Тан саломат, бу фақат дил коридир.

ШАРҲ

Илоҳий табиб канизакнинг аҳволини кўздан кечиргач, билдики, унинг касали жисмоний бўлмай, қалб хасталигидир. Яъни, канизакнинг жисмида ҳеч қандай иллат йўқ. Нима бўлса ҳам унинг кўнглида пинҳон.

МАСНАВИЙ

Ошиқи пайдост аз зории дил,
Нест бемори чу бемории дил.

ТАРЖИМА

Ишқ пайдодир кўнгилнинг зоридан,
Йўқ беморлик кўнгил беморидан.

ШАРҲ

Канизакнинг дил зоридан унинг ошиқлиги зоҳир эди. Оламда ҳеч бир беморлик кўнгил хасталигидек кучли эмас.

МАСНАВИЙ

Иллати ошиқ зи иллатҳо жудост,
Ишқ устурлоби асрори Худост

ТАРЖИМА

Айридир иллатдан ишқ беморининг,
Ишқ устурлоби Ҳақ асрорининг

ШАРҲ

Ишқ касаллиги барча жисмоний касалликлардан фарқ қилади. Ишқ Оллоҳ зоти офтоби, унинг исм ва сифатлари юлдузларини кўрсатгувчи устурлоб кабидир. Маънавий осмон мунажжимлари ҳисобланмиш орифлар ишқ устурлоби воситасида Оллоҳ асрори ва ботиний илмлар юлдузлари аҳволини ўрганадилар ва шу восита билан Ҳақиқатга эришадилар. (Устурлоб - осмон жисмлари ҳаракатини ўрганувчи нужумий асбоб).

МАСНАВИЙ

Ошиқи гар з-ин сару гар з-он сар аст,
Оқибат моро бадон сар раҳбараст.

ТАРЖИМА

Ишқ хоҳ ул бош, хоҳ бул бошдадир,
Оқибат ҳар бош учун йўлбошчидир.

ШАРҲ

Ишқ хоҳ мажозий, хоҳ ҳақиқий бўлсин, охир-оқибат одамни камолот манзилига элтади.

МАСНАВИЙ

Ҳар чи гўям ишқро шарҳу баён,
Чун ба ишқ оям, хижил бошан аз он.

ТАРЖИМА

Неча қилдим ишқни шарҳу баён,
Ишққа дуч келгач бўлибмен нотавон.

ШАРҲ

Ишқ ҳақида ҳар қанча шарҳу баён берганим билан, унга дучор бўлгач ўзимнинг нақадар ожиз ва нотавонлигимни ҳис қиламан. Зеро, ишқ Ҳақнинг сифатидир. Бу сифат шу қадар поёнсизки шарҳлашнинг имкони йўқ. Ақлу тил ожиз. Ушбу байтда ҳар икки маънодаги ишққа ишорат қилинмоқда.

МАСНАВИЙ

Гарчи тафсири забон равшангараст,
Лек, ишқи безабон равшантар аст.

ТАРЖИМА

Гарчи тилнинг тафсири ёруғ эрур,
Тилсиз ишқ андин равшанроқ эрур.

ШАРҲ

Маълумки бир маъно ёхуд моҳият тил воситасида тафсир қилинади. Ҳар нечук маъно тил воситасида ошкор этилса-да, аммо, ишқ ҳеч қандай тафсир ва баёнга сиғмайди. Ишқ келгач ҳамма сир-асрор ўз-ўзидан очилади. Ишқ ўзи ҳақида ўзи сўзлайди. Бирор бир тил ишқни унинг ўзидек тафсир ва баён қилиш қудратига молик эмас.

МАСНАВИЙ

Чун қалам андар навиштан мешитофт,
Чун ба ишқ омад, қалам барҳуд шикофт.

ТАРЖИМА

Ул қаламким моҳир эрди ончунон,
Ишққа етгач лол бўлди бегумон.

ШАРҲ

Қалам ҳар нечук мавзуни шиддат ва суръат билан ёзарди. Қачонки ишқ мавзусига дуч келди, ночор бўлди.

МАСНАВИЙ

Ақл дар шарҳаш чу хар дар гил бихуфт
Шарҳи ишқу ошиқӣ ҳам ишқ гуфт.

Изоҳ: 1. Қўлнинг бош бармоқ томонидаги уриб турғувчи томири. Табиблар бу томирни тутиб, бемор аҳволини билиб оладилар. 2. Касалликнинг зоҳирий белгилари. 3. Беморликнинг бадандаги асоратлари.

ТАРЖИМА

Ақл ишқнинг шарҳида эшшак сиёқ,
Ишқу, ошиқ шарҳида ишқ яхшироқ.

ШАРҲ

Ақлу тафаккур ишқ ва ошиқликни шарҳлаш қудратига эга эмас. Ушбу бобда у тупроққа беланиб ётган эшакка ўхшайди. Ишқ ва ошиқликнинг шарҳига ёлғиз ишқнинг ўзигина қодир.

МАСНАВИЙ

Офтоб омад далили офтоб,
Гар далил бояд, аз вайрў матоб.

ТАРЖИМА

Офтобга офтоб бўлгай далил,
Гар далил даркор - ундан кечмагил.

ШАРҲ

Офтобнинг мавжудлигига далил офтобнинг ўзидир. Унинг мавжудлиги хусусида далил лозим бўлса, офтобдан юз бурма.

МАСНАВИЙ

Аз вай ар соя нишонӣ медиҳад,
Шамс ҳар дам нури жонӣ медиҳад.

ТАРЖИМА

Гарчи соя офтобдандир нишон,
Шамсдир у - нур жони, нуржон.

ШАРҲ

Гарчи соя офтобнинг мавжудлигига далолат қилса ҳам, ғойиб бўлгач соя йитади. Хуллас офтобнинг жонларга ҳузур ва шавқ бағишловчи нурлари унинг борлигига буюк бурҳондир. Ушбу байтда зимнан нур ва соя муқояса қилинмоқда.

Офтоб - ҳақиқат. Биз унга томон интилмоғимиз керак. Сояда қолиб кетмоқ умрнинг заволи. Жоҳиллик ва зулмат.

МАСНАВИЙ

Соя хоб орад туро ҳамчун самар,
Чун барояд шамс "иншаққул қамар".

ТАРЖИМА

Соя - эртак, уйқу элтгай беасар,
Офтоб чиққач, бўлур "шаққул қамар".

ШАРҲ

Тунги эртак ва афсоналар уйқуга элтгани каби ақлнинг сояси ҳам сени ҳақиқатдан узоқлаштиради ва ғафлат уйқусига чўмасан. Қачонки, оламларни чароғон этгувчи Ҳақиқат офтоби чарақлаб бош кўтарса, ақл маҳтоби ўз тароватини йўқотади, унинг нурларидан шукуҳ кетади. "Қамар" сурасининг 1-оятида келади: "Иқтаробатис саату ваншаққул қомар" ("Ўша лаҳза ёвуқ келди ва ой парчаланди").

МАСНАВИЙ

Худ ғарибе дар жаҳон чун шамс нест,
Шамси жон боқист, ўро амс нест.

ТАРЖИМА

Офтоб янглиғ ғариб дунёда йўқ,
Жон қуёши бардавом, рўёда йўқ.

ШАРҲ

Оламда қуёшдек ҳайратга сазовор жисм йўқ. Жон қуёши ҳам шундай. Унинг бугуни, эрта-индини мавжуд эмас. У бирдек боқий, бардавом, инсон руҳи бу моддий оламда ғариб. Зеро, у асл ватанидан жудо бўлган. Инчунин жон ёхуд руҳни ҳамма ҳам англай-вермайди. Шунинг учун у мужаррад - ёлғиздир. Макони ғайб оламидир.

МАСНАВИЙ

Шамс дар хориж агарчи ҳаст фард,
Метавон ҳам мисли ў тасвир кард.

ТАРЖИМА

Офтоб хорижда гар танҳо эрур,
Лек хаёлда офтоб пайдо эрур.

ШАРҲ

Офтоб оламда агарчи танҳо ва олисдир. Барибир сиз уни офтоб деб тасаввур қила оласиз.

МАСНАВИЙ

Шамси жон к-ў хориж омад аз асир,
Набвадаш дар зеҳну дар хориж назир.

ТАРЖИМА

Жон қуёши хориж ул афлокдан,
Ҳамда хориждир зеҳн-идроқдан.

ШАРҲ

Жон қуёши, ҳақиқат офтоби моддиёт оламидан ташқарида. Одам ақл-идрок тасаввур этолмайдиган манзил-маконда. Унинг ўхшаши йўқ.

МАСНАВИЙ

Дар тасаввур зоти ўро гунч кў?
То дарояд дар тасаввур мисли ў.

ТАРЖИМА

Ҳеч тасаввур сиғдиролмас зотини,
То тасаввур қилсалар зарротини.

ШАРҲ

Ҳақиқат қуёши инсон тафаккурига сиғадими? Унинг бир заррасининг ҳам сиғиши даргумон...

*Шарҳлар – **Обиддин Пошшо, Карим Замоний.***
*Мутаржим – **Асқар Маҳкам.***

Давоми бор.



Расмларни Р.Эрматов чизган.

"ДЕВОНУ ЛУҒОТИТ ТУРК" ФИТРАТ ТАЛҚИНИДА

Назар РАЖАБОВ,
филология фанлари доктори, Самарқанд давлат дорилфунуни профессори

"Девону луғотит турк" таржимаси ва унинг илмий аҳамияти билан яқиндан қизиққан ва қатор тадқиқотлар олиб борган машҳур олимлардан бири Абдурауф Фитрат эди. Эҳтимол, "Девон" таҳлили бобида Фитратга тенг келадиган аллома бўлмагандир. Чунки 20-йилларда "Девону луғотит турк"ни фақат араб хатини билганларгина ўқиши ва мулоҳаза юритиши, таҳлил қилиши мумкин эди. Бинобарин, Абдурауф Фитрат араб тилини мукаммал билган.

Биз буни унинг "Энг эски турк адабиёти намуналари" ишидан ҳам аниқ билиб олишимиз мумкин. Бу тадқиқот 20-йилларнинг охирларида яратилган.

(Уни 70-йилнинг бошида ёш тадқиқотчи Эркин Жалолов менга тақдим этиб, эҳтиёт қилиб сақланг, вақти келса оммалаштирарсиз, деб илтимос қилган эди. Эркин Жалолов ҳозирги вақтда йирик адабиётшунос олимдир.)

Абдурауф Фитратнинг "Энг эски турк адабиёти намуналари" тадқиқоти 115 бетдан иборат бўлиб, мундарижаси қуйидагича: "Бир-икки сўз" (3-9-бетлар), "Биринчи қисм": "Алп Эртунга марсияси" (9-78-бетлар), "Иккинчи қисм" (79-101-бетлар), "Учинчи қисм" (102-115-бетлар). Демак, асар ёзиб тугалланган, лекин босмага тайёрлаб улгурмаган бўлиши керак. Тадқиқотга Б.Солиев деган олимнинг икки бетлик ижобий тақризи берилган. Тақризда ишдаги "Алп Эртунга" марсиясига кўпроқ эътибор берилган.

Фитрат туркий халқлар ва уларнинг уруғлари ҳақида гапириб, профессорлар В.В.Радлов ва А.Н.Самойловичларнинг таснифларини санаб ўтиб, асосий таснифи Маҳмуд Кошғарийда эканлигини таъкидлаб ўтади. Чунки муаллиф туркий халқлар тилларини синчиклаб ўрганиб, уларнинг ҳақиқий таснифини беради. Бунда уруғ ва қабила тилларидан бошлаб, қабила иттифоқлари тилларигача бўлган жараён ҳақида мулоҳаза юритилган. Девонда, – дейди Фитрат – 6000 дан ортиқ сўзларнинг ҳақиқий изоҳи берилган. Уларнинг кўпларини келиб чиқиши, қайси қавмга хослиги аниқ кўрсатилади. Китобнинг жой-жойида турк сарфи тўғрисида кенг ҳамда тўла маълумот бериб ўтиладики, ҳаммасини йиғиб текширганда, тарихий сарфимиз учун жуда катта қимматли материаллар беради.

Олим "Девону луғотит турк"ни таҳлил қилишда Нажиб Осим ва Ф.Купрулузода хизматларини айтиб, жумладан халқ мақоллари, марсиялар кенг талқин этилишига асосий диққатни қаратади. "Девону луғотит турк"даги маълумотлар, мавзуларни баён этиб бериш учун Фитрат тер тўкиб ишлаган, зарурий манбалардан қиёсий усулда кенг фойдаланиб иш кўрган. Натижалари ҳам кўнгилдагидек бўлиб чиқди. Тадқиқотда бу хусусда қуйидагиларни ўқиш мумкин: "Уларни изоҳ қилиш учун "Қутадғу билиг", "Ҳиббатул ҳақойиқ", "Муқаддиматул адаб" ҳам чиғатой адабиётига оид кўп китоблардан фойдаландим".

Фитрат "Бир-икки сўз"нинг охирида тадқиқотни, даставвал, иккига бўлиб, "Биринчи қисм" ва "Иккинчи қисм" деб тадқиқ этишини айтади. Сўнгра ўз фикрини давом эттириб, биринчи қисмда "тасвирий асарлар" ва иккинчи қисмида, асосан, "таълимий-ахлоқий асарлар" ўз ифодасини топишини айтиб ўтади. Шунингдек, баъзи сўзларга изоҳлар бериб, улардаги "сарф" ва "савт" хусусиятлари ҳақида аниқроқ маълумотлар бериш учун китобга учинчи қисм қўшилганлигини асослаб беради. Ниҳоят, "Девон"даги имлога ҳам қисқача тўхталиб ўтади. "Энг эски турк адабиёти намуналари"да "Биринчи қисм", "Алп Эртунга марсияси" асосий ўринни эгаллайди. Унда марсия ўн парчадан иборат бўлиб, уларнинг ҳар парчаси бир тўртликдан ташкил топганини айтади. Аллома "Алп Эртунга" деган турк ботирининг вафоти муносабати билан марсия айтилганлигини таъкидлаб, у турк хоқони Афросиёбнинг лақаби "Тунга Алп Эр эди," дейди. Бу ҳолнинг "Қутадғу билиг"да ҳам ўзининг аниқ ифодасини топганлигини таъкидлаб ўтади ва намуна ҳам келтиради. Манбаларда қайд этилишича, Алп Эртунганинг форсларда "Афросиёб" деб аталишини ҳар жиҳатдан тушунтириб беради.

Фитрат марсияларини оғзаки талаффузга мос ҳолда амалдаги ёзув орқали берилади. Бундаги муҳим томонлардан бири унда қийин сўзларнинг тушунтириб берилишидадир. Жумладан, биринчи марсияни келтиради ва ҳозирги тилда беради, изоҳларини келтиради:

Алп Эртунга ўлдиму,
Эссиз ожун қолдиму,
Ўзлак ўчин олдиму,
Эмди юрак йиртилур.

(Алп Эртунга ўлдими,
Ёмон дунё қолдими,
Замона ўчини олдими,
Эмди бу воқеадан юраклари йиртилмоқда.)

Бошқа марсиялар ҳам юқоридаги тарзда бирма-бир келтирилади, изоҳлар ва тушунтиришлар берилади. Бу эса шеърий парчаларни қийинчиликларсиз тушуниб олишга ёрдам беради.

Абдурауф Фитрат марсиялар тафсилотини якунлаб, сўнгра "Ёз-қиш мунозараси" мавзуси остида йигирма учта тўртликни тартиб билан жамлайди. Масалан, "Қиш" ҳавоси ҳақида тўхталиб, тўрт мисра шеърий парча келтиради. Бунда қатнашган ўн икки сўзнинг етти тасига изоҳ ва тушунтириш беради.

Келди эйсин эснаю,
Қодқо тугал уснаю,
Кирди будун қуснаю,
Қоро булут кўкрашур.

(Кор ҳавосига ўхшаб,
Шамол эсиб келди.
Эл титраб, тиш қоқиб уйга кирди,
Қора булут кўкраб, қичқириб турадир.)

Муаллиф "Бир уруш майдони ҳақида" номи билан ўн бешта тўртликни изоҳлайди. Бунда ҳам юқоридаги тартибда иш кўради. Тадқиқотда "Ёз" мавзуси билан битта тўртлик келтирилиб, улар талаблар даражасида тушунтириб берилади.

Шундай қилиб, қиш воқеалари, баҳордаги ишлар тасвирла-

ниб бўлгач, ёзга, ёз ўйинлари тасвирига ўтилади. Бу мавзуга ҳаммаси бўлиб олтита тўртлик бағишланади. Уларга "Ёз ўйинлари" деб умумий ном берилган. Шеърий парчаларда дам олиш, ўйин-кулги қилиш, ов овлаш кабилар бирма-бир тасвирлаб ўтилади. Навбатдаги олтинчи бўлим эса "Овдан урушго" деб аталади ва ўн икки парчани ташкил этади. Шунингдек, "Тонгутбекнинг уруши" деб жамланган саккизта парча "Уйғурлар билан уруш" мавзусига бағишланади.

Етти парчадан иборат бўлган "Икки савдогар орасида" шеърларида эса юқоридаги тартиб баъзан бузилади, яъни осон шеърий парчаларни фақат ўша давр талаффузида бериш билан чегараланади. Бу маъкул ишдир:

Ўртоқ бўлиб билишди,
Менинг товар сотишди,
Биста[1] била ёрашти[2],
Кезлаб тутар жойини.

Тадқиқотда "Айрилиқ" ("Ҳижрон") деб тўрт парча, "Яна айрилиқ" мавзусида тўрт парча шеър келтирилади. Ушбу шеърларда ҳам юқоридаги каби тушунтиришлар, изоҳлар ва баъзан таҳлиллар бериб борилади.

Тадқиқотнинг 70-73-бетларида олтита шеърий парча берилади ва уларни умумий ном билан аташ қийин эканлигини таъкидлайди.

(1.Биста-даллол. 2. Ёрошмоқ-келишмак.)

Абдурауф Фитрат ўз асарининг иккинчи қисмини турли соҳаларга оид ўгитларга бағишлайди. Бу ўгитлар теранлиги билан аҳамиятга молик. Масалан, "Ота-онангни сўзларини қайтарма, уларни тингла" "Ўғлон, мендан насиҳат ол, фазилатли бўл", "Билимли кишиларнинг гаплари билан ўгит ол", "Олим бир одамни топсанг, шунга томон қара" каби.

Тадқиқотнинг учинчи қисми ҳам ниҳоятда муҳимдир. Бу қисмда (102-115-б.) тушунилиши қийин бўлган сўзларга изоҳлар берилади. "Девону луғотит турк"-даги сўзлар "Ҳиббатул ҳақойиқ", "Муқаддиматул адаб", "Қутадғу билиг", "Исмоил оға саёҳатномаси" (XVIII аср, татарча асар) ва бошқа манбалар билан қиёс қилинган ҳолда текширилади. Ана шу қисқа изоҳли луғат асосида "Девону луғотит турк"нинг умумий изоҳли луғатини яратиш имкони туғилган. Демак, Фитрат "Девон" бўйича изоҳли луғат тузишга асос солган.

Хулосаи калом Абдурауф Фитрат тадқиқоти асосида адабиёт, тилшунослик ва бошқа соҳаларда илмий ишлар, қўлланмалар яратиш мумкин. Бинобарин, "Энг эски турк адабиёти намуналари"ни нашр этиш ҳар томонлама фойда келтиради.

Тошкент давлат миллий рақс хореография олий мактаби муаллимаси
Карима УЗОҚОВА
бўлажак раққосалар билан



Мамажон РАҲМОНОВ,
профессор

БИРИНЧИ ХАЛҚ ҲОФИЗИ



XX аср ўзбек мусиқа маданиятининг атоқли арбоби Муҳиддинқори Ёқубовнинг ёрқин сиймоси, ноёб истеъдоди қирралари ҳануз замондошларини ҳайратга солмоқда. Унинг ижод йўли сермаҳсул ва тадқиққа арзигулиқдир.

Тўғри, М.Ёқубовнинг катта санъат йўли, малакали ижодкор даражасига кўтарилиши ўзининг босқичларига эга.

Отаси уни яхшигина қори-ю курро бўлишини орзу қилган. Шу боис эски мактабга ва қориларга шогирд қилиб берган. Муҳиддин қориликни пухта эгаллаб олган бўлса-да, аммо бу йўлдан кетмади. Мусиқа санъати уни ўз жозибаси билан сеҳрлаб қўйди. У 1916 йилда ҳарбий эгри-карнайчилар (духовой) оркестри раҳбари билан танишади. Ўзи ҳам кейинчалик ана шундай жамоани ташкил қилади. Шу орада атоқли шоир ва драматург, режиссёр Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий билан танишади. 1918 йил 21 майда Ҳамзанинг "Яша, Турон", "Уйғон" шарқияларини ижро этади. Бу патетик оҳангдаги ашула кейинчалик турли саҳналарда куйланди. Қори Ёқубов ижро этган қўшиқлар миллий эрксизлик асоратларига қарши исёнкорона жаранглайди ўша вақтда.

Муҳиддинқори Ёқубов 1921 йилда Москва Давлат санъат ўқув юртида таҳсил кўриб, рус ва Оврупо ижрочилик санъати сирлари билан танишди, 1923 йилда унга Туркистон Республикасининг биринчи халқ ҳофизи унвони берилди. 1925 йилда Парижда биринчи умумжаҳон халқ амалий санъати кўргазмасида, сўнгра Берлинда Тамарахоним билан бирга концерт бериб катта муваффақият қозонди. 1936 йилда Лондонда ўтказилган Шарқ халқлари мусиқа фестивалида иштирок этди.

Атоқли санъаткор фақат ижрочилик билан чекланмади, 1926 йилда Ўзбекистонда биринчи этнографик ансамбль ташкил қилади. Унда машҳур халқ ҳофизлари, устоз созандалар, сўз усталари ва раққосалар ижод қиладилар. Унинг довруғи бутун Марказий Осиёга ёйилган эди.

1927 йили Қўқонда, 1928 йили Андижон шаҳарларида ўзбек мусиқали театрига асос солади. "Ҳалима" , "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин" каби мусиқали спектакллар майдонга келади.

Санъаткор ижоди билан боғлиқ ҳужжатлар, фактлар унинг миллий мусиқамизни, Оврупо мусиқа маданияти тажрибасини изчил ўрганиш ва ўзлаштиришга интилганидан далолат беради. Унга устозлик қилганлар Италияга бориб опера, хусусан, итальян ижрочилик сирларини ўқиш-ўрганишни тавсия этадилар. Аммо Шўро ҳукумати унга йўл бермайди...

Қори Ёқубов умидсизликка тушмайди. У бор кучини миллий санъатни ривожлантиришга қаратади. Ўзбекистонда биринчи опера ва балет театрини вужудга келишида, опера санъатининг қалдирғочлари Ҳалима Носирова, Мухтор Ашрафий, Толибжон Содиқов, Мутал Бурҳонов, Сулаймон Юдаков, Карим Зокиров, Бобораҳим Мирзаев, Назира Аҳмедова, Сора Самандарова, Саодат Қобулова, Михаил Давидов каби ижодкорларнинг элга танилишида Муҳиддинқори Ёқубовнинг хизматлари катта. Унинг ўзи ижро этган Фарҳод ("Фарҳод ва Ширин"), Бўрон ("Бўрон"), Улуғбек ("Улуғбек"), Маҳмуд ("Маҳмуд Торобий") сингари етакчи образлар театр санъати солномасида ўчмас, ёрқин саҳифалар қолдирди.

Уни барча ёру дўстлари эъзозлаб, "Қори ака" деб аташган. Ушбу беназир истеъдод соҳиби ҳақида ўзбек театрининг намояндаси Маннон Уйғур "Овозда, ашула усулида Муҳиддинқори Ёқубовнинг тенги йўқдир. Опера партиялари ижросида гўзал, пурвиқор, ҳақгўй. Янги-янги ижодий жамоалар ташкил қилишда беқиёс, минбарда эҳтиросли, салобатли, жозиб нотиқ, қачон, қаерда бўлмасин, Муҳиддинқори Ёқубов - илҳомкор, шавқ-рағбат тимсоли, чин шайдо..." деб ёзган эди муҳаббат билан.

Бугунги ҳуррият, миллий тараққиёт, маънавий покланиш замонида ижодий жасорат намунасини кўрсатган фидойи зотлар қаторида юксак истеъдод соҳиби Муҳиддинқори Ёқубовнинг номи ифтихор билан эсга олинаётгани у кишининг миллий маданиятимиз ва санъатимиз равнақи йўлида чеккан заҳматлари зое кетмаганлигидан далолат бериб турибди.

Одобинг-зийнатинг

"СЕН" ЯХШИМИ, "СИЗ"

Кундалик турмушимизда, инсонлар ўртасидаги муомалада "Сен" ва "Сиз"чалик кўп ишлатиладиган сўз топилмаса керак. Ҳар куни эрта тонгдан уйқуга қадар ҳар биримиз бу сўзларни такрор ва такрор ишлатаверамиз. Хўш, биз ўзбеклар, қачон ва қай вазиятда "Сен" деймизу, қачон "Сиз"?

Халқимизда "Сен" кўпроқ ёши кичик одамга, болаларга, оилада рафиқага, энг яқин дўст ёки дугонага нисбатан қўлланади. "Сен"ни энг юқори поғонада яратган Худои таъолога нисбатан ҳам ишлатамиз. Масалан, "Э, Худо, ўзинг сақла", "Ўзингга шукур, ўзинг қувватла, ўзинг мадад бер" каби. Демак, "Сен" худога муножот қилинганда ёки юракка энг яқин дўстга нисбатан қўлланар экан.

"Сиз" эса кўпинча ёши катта одамга, нотаниш кишига, оилада ота-онага, эрга, лавозими юқори мартабали шахсга, ҳурматга лойиқ инсонларга мурожаат қилганда, кўпроқ расмий муомалада ишлатилади.

"Сен" ва "Сиз" ҳақида буюк рус шоири Пушкиннинг ажойиб бир шеъри бор. Бу шеърни она тилимизга севикли болалар шоири Илёс Муслим таржима қилган. Мана ўша шеър:

Маъносиз сиз ўрнига сен деб,
Чин қалбидан чақирди жонон.
Юрагимнинг чуқур еридан -
Бахтли орзу жой олди шу он.
Ёнида лол турибман ўзим,
Ола олмай мен ундан кўзим;
Сиз дилбарсиз, – деса-да тилим!
Сени севгум, – дейди жон-дилим!

Демак, шоир гўзал жононни ўзига яқин олиб "Сен" деб чақиргани учун унга жавобан тилда "Сиз" десада, юракдан "Сен" дейишни маъқул кўради.

Баъзан "Сен" ва "Сиз"нинг ўз ўрнида ишлатилмаганидан ҳаётда даҳанаки жанглар ҳам чиқиб

НУТҚ СУРАТИ ВА СИЙРАТИ

Одам боласи дунёга келган кунидан бошлаб гўзалликка интилади. Оламни гўзал кўрганида баҳра олганидан бўлса керак, ўзини ҳам бошқалар кўзига чиройли кўрсатишга ҳаракат қилади. Бу унинг ташқи кўринишига оро беришидан тортиб, одамлар билан мулоқотда чиройли сўзларни топиб айтишга бўлган интилишидан ҳам яққол билиниб туради. Шу зайл одамзод нафақат ўзига, балки сўзига ҳар пардоз бера бошлайди. Қадимги Афинада инсон табиатидаги бундай хоҳиш суханпардозлик (нотиқлик)ни юзага келтирганлиги ҳам фикримизни тасдиқлайди. Қонида суханпардозликка мойиллиги кўпроқ бўлган кишилар эса Абдулла Қаҳҳорнинг "Нутқ" ҳикоясидаги "кенг эшитувчилар оммасига мўлжалланган нотиқ" каби ҳатто ўзининг жуфти ҳалолига ҳам қуйидаги усулда гапирадиган бўлиб қолади: "Ўртоқ рафиқам! Ижозат берасиз, хушчақчақ ҳаётимизни шараф билан давом эттириб, оилавий бурчимизни намунали бажариб келаётганимизга бир йил тўлган кунда сизни бевосита табрик қилишга!.."

Ўзлигимиздан ажралиб яшаган йилларимизда жуда кўп нарсалар билан бир қаторда ҳақиқий миллий муомала маданиятимиздан ҳам анча йироқлашиб кетдик. Охироқибатда шунга бориб етдикки, она сутимиз билан қонимизга кирган тилимиз табиатига зид иш тута бошладик, яъни гапларимиз сунъийлашиб, миллийликдан йироқлашиб борди.

Агар ойнаи жаҳон кўрсатувларига эътибор берсангиз, мухбир билан бирор киши (кўпинча оддий меҳнаткашлар) мусоҳаба олиб бораётган пайтда суҳбатдош анча ноқулай аҳволга тушади. Чунки мухбирларнинг адабий тилда, баъзан ҳатто расмий талаффузда гапиришларига қараб, суҳбатдошлар ҳам шевада сўзлашдан уялиб, қийналиб бўлса ҳам адабий тилда гапиришга ҳаракат қиладилар. Ҳатто баъзи жамоа хўжалиги раислари, бригада бошлиқларининг гаплари бир-бирига жуда ўхшаб кетади. Масалан: "Бу йил хўжалигимиз заршунослари об-ҳаво қийинчилигига қарамай, ўз зиммаларига олган йиллик плонди ортиғи билан адо этдилар..." каби. Бундай зўрма-зўракилик кўрсатувнинг табиийлигига путур етказади, томошабинни шу мавзудаги кўрсатувларни кўришдан бездиради.

Буюк мутафаккир Алишер Навоий сўзнинг ҳашамдорлигидан кўра, ҳаққонийлигини улуғлаган. Фикринг халқ учун фойдали ва тушунарли бўлсин, десанг, содда тилда гапир, дейди: "Сўзки фасоҳат зеваридин музайян эмасдир, анга чинлик зевари басдур. Ёлғончи ҳар неча сўзида фасиҳроқ, сўзи қабиҳроқ. Чин сўз нечаким бетакаллуф, қойилғи иборат соддалиғидин йўқ тассуф" *(Асарлар, 13 т, 178-б.)*.

Ўтмиш донишмандларимиздан бири Зайниддин Восифий "Бадое ул-вақое" асаридан баландпарвоз, аммо мантиқсиз нутқ эгаси кулгули ҳолга тушиб қолишлиги ҳақида қизиқ бир ҳикоят келтиради. Унда айтилишича, Навоий замонида бўлиб ўтган бир галги мушоирада давра иштирокчиларидан бири шеърни чунонам дабдабали оҳангда ўқибдики, унинг бу қилмиши кўпчиликка маъқул тушмабди. Шунда даврада ўтирган донишмандлардан бири у кишига:

– Мавлоно, сиз шеър ўқийдирсизму ёки одам кўрқитадирсизму? – дея танбеҳ берган экан.

Ҳа, ҳамма замонларда ҳам гапни қуруқ олиб қочадиган, халқ тили билан айтганда тузсиз сўзлайдиган кишилар нутқи ҳеч кимга ёқмаган. Аммо биз баъзан нутққа унинг мазмунига қараб эмас, кимнинг оғзидан чиққанига қараб баҳо берадиган бўлиб қолганмиз. Демак, биз Навоий бобомизнинг "Хазойин ул-маоний" асаридаги

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолига,
Кўрма ким дер они, кўргил ким на дер, –

дея таъкидлаб кетган ҳикматларига амал қилишимиз даркор.

Нутқимизнинг сурати (ифодаси, ташқи кўриниши)га зеб бериб, сийрати (мазмуни, моҳияти)га эътиборсиз бўлиб қолаётганлигимиз чиройли талаффуз қилинадиган, лекин ўзимиз маъносига унчалик тушунмайдиган сўзларни нутқимизда ноўрин қўллаётганимизда ҳам аён бўлиб қолади.

Туппа-тузук зиёлилар, ҳатто филолог олимлар нутқида, мақолаларида "фалон жойга қадам ранжида қилдик", "ташриф буюрдим" қабилидаги жумлаларни эшитиб, ўқиб қоламизки, бунга чидаб бўлмайди. Чунки "қадам ранжида қилиш" оёкларимизга озор бериб келдик, деган мазмунни; "ташриф буюрмоқ" эса улуғлантириш, шарафлантириш, мушарраф қилиш, марҳамат қилиб келиш маъноларини англатадики, бу жумланинг келувчи (меҳмон)нинг оғзидан чиқиши анча нокамтарлик ёки бефаҳмлик нишонасидир.

Қиссадан ҳисса шуки, ўзликни, ўзлигимизни англаш палласида нутқимизнинг суратига маҳлиё бўлиб, унга ҳар хил либослар кийдириб, унинг энг муҳим жиҳати – сийрати ёдимиздан кўтарилмасин.

Сиддиқ МЎМИН,
Фарғона давлат университети докторанти.

туради (кўпинча транспортда).

Яхши муомаладаги дўстларнинг кутилмаганда "Сиз"дан "Сен"га ўтиши суҳбатдошини ноқулай ҳолатга солиб қўяди. Бу ҳол улар ўртасидаги илиқ муомаланинг дарз кетишига сабаб бўлиши ҳам мумкин.

Гоҳо оила қурғунча бўлажак қуёв бола ўз қайлиғини сизлаб, тўйдан бироз ўтгач, сенга ўтиши яхшилик аломати эмас. Халқимизда "яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан мусулмон динидан чиқибди", деган нақл бор. Қани, ўзбекларда Оврупо халқларидаги каби ота-онага фарзанди "сен"лаб мурожаат қилсинчи?! Бундай ҳолни ҳар қандай ўзбек ота-она кўтаролмаса керак, лекин ота-онанинг ўз фарзандларини "сен"лаши одат тусига кирган. Фақат Фарғона водийсида болаларни "сиз"лаш одати бор, республикамизнинг бошқа жойларида болаларни эркалаганда кўпинча "сиз"га ўтилади. Баъзан "сен" ўрнига киноя ли "сан" ёки "сиз"ни ҳам эшитиш мумкин. Бундай ҳолда гапдаги оҳанг ҳал қилувчи ўринга ўтади.

Тасаввур қилингки, устоз ўз талабаларига, ўқувчиларига "сиз"лаб мурожаат қилса қандай яхши бўларди. Бу ҳол талабаларда ўз домласига нисбатан ҳурматни ошириш билан бирга талабаларда ўзларига ишонч, ҳурмат руҳини уйғотади. Бирбирига "сен"лашиб мурожаат қиладиган ўртоқларнинг кўпчилик ўртасида, жамоада бир-бирини "сиз"лашгани маъқул.

Мансабга кўтарилган кишининг илгари "сиз"лашиб юрган дўстига нисбатан кутилмаганда "сен"га ўтишини ҳам яхшилик аломати деб бўлмайди. Айниқса, "сен" кишилик олмошининг ҳақоратомуз "сан"га ўтиши жуда кўнгилсиз ҳолдир.

Кўриниб турибдики, ҳаётда "сен"нинг ҳам, "сиз"нинг ҳам ўз ўрни бор экан. Фақат ўзбекона хушмуомалаликни йўқотмасдан, уларни қай вазиятда, кимга нисбатан ва қандай оҳангда айтишга кўп нарса боғлиқ. Қуруқ, эҳтироссиз, ҳафсаласизлик билан айтилган "сиз"дан кўра, юракдан чиққан "сен" афзалроқдир. Шунинг учун ҳам кейинги пайтда, назаримда, тарозининг иккинчи палласини кўпроқ "сен" босиб бораётганга ўхшайди, айниқса, ёшларимиз ўртасида. Лекин ҳар қандай вазиятда ҳам биз шарқона одоб-ахлоқни, ўзаро ҳурматни унутмаслигимиз керак, айниқса, халқимизнинг "Сен ҳам, сиз ҳам бир оғиздан чиқади" деган нақлини асло эсдан чиқаришга ҳаққимиз йўқ.

Нормўмин ОЧИЛОВ.

ЕТИМ ҚИЗНИНГ БАХТИ

Дунёнинг турли тилларида сўзлашувчи халқлар ғозаки ижод донишмандлигига оид фольклор асари қайси мавзу ва қандай руҳда яратилмасин, у бутунлай бошқа минтақа ва бошқа эътиқодга мансуб тингловчиларга аллақандай жиҳатлари билан яқин.

Ўзбек халқ ғозаки ижоди донишмандлиги эпик намуналарининг меҳнаткаш халқ, эзилган ва камситилган одамлар тўғрисида ҳикоя қилинувчи айрим ривоят, эртак ва достон сюжети тасвири миллий маданияти, этник хусусияти бутунлай бошқа халқлар ғозаки ижодида ҳам учраши қизиқарли бир ҳолатдир. Халқ маросимлари, удумларида ибрат тариқасида ҳикоя қилинувчи ривоят, ҳикоятлар сюжетининг бошқа халқлар ғозаки ижодида ҳам мавжудлигини "Биби Сешанба" номли қисса сюжети мисолида кўриш мумкин.

Узоқ даврлардан бери хотин-қизлар учун бевосита хос бўлган "Момо оши", "Мавлуд", "Биби Сешанба" каби маърифий аҳамиятга эга бўлган ибратли анъаналар ўтказиб келинаётганлиги – халқнинг ўз меҳрибон оналари, қизларига нисбатан буюк муҳаббат рамзи эканлигидан дарак беради. Ана шундай маросимларнинг бири – "Биби Сешанба"да ҳикоя қилинадиган етим қиз тақдири фольклор сюжети учун типологик (умумлашма тур) бўлиб, у Оврупо халқлари ғозаки ижодида ўзгача талқин этилади. Масалан, "Золушка" номли эртак қаҳрамони тақдири, унинг "мурод-мақсадга етиш" йўлидаги қийин синовлар "Биби Сешанба" маросими пайтида айтиладиган қиз тақдирига ўхшаб кетади. "Биби Сешанба" маросими ҳақидаги ёзма манба 1895 йил Тошкентдаги жадид матбаачи Ғулом Ҳасан Орифхонов босмахонасида чоп этилган "Нур китоби"да мавжуд. Китобда фақат хотин-қизлар ўртасида ўтказиладиган илму маърифий маросими – "Биби Сешанба" ҳақида батафсил маълумотлар баён қилиниб, унинг ўтказилиши тартиби билан берилган. Унда Биби Сешанба деган улуғ ном олган авлиё зот ҳақида фикр юритилиб, у киши Ислом маданияти, маърифатининг буюк аломаси Ҳазрати Баҳоуддин Нақшбанднинг холабибилари – Валий Комилахон эканлиги, бу зот шарафига ҳар сешанба ўтказиб келинган маросим ўсиб келаётган ёш қизларимиз тарбияси учун муносиб аҳамият касб этиши айтилади. "Нур китоби"да ҳикоя қилинган етим қиз тақдири билан боғлиқ қисса ҳар қандай соф эътиқод ва ҳар қандай тузум мафкураси учун бебаҳо қадрият эканлиги учун ҳам ундан фақат юртимиз ғозаки донишмандлигидагина эмас, балки бошқа эътиқод одамлари ҳам баҳраманд бўлганлигини "Золушка" типидаги хорижий халқлар эртакларн тизимидан ҳам топамиз.

"Биби Сешанба" маросимида ҳикоя қилинадиган етим қиз ҳақидаги қиссанинг илохий руҳ билан суғорилган ғояси ҳозирги маънавий тарбия учун ҳам бениҳоя зарурдир. Чунончи, онасидан етим қолган қиз ўгай она қўлига тушиб қолади. Ўгай онанинг ўз қизи ҳам бўлиб, оиладаги барча юмушлар бечора етим қизнинг гарданига юкланади. Ўгай она шу даражада шафқатсиз эдики, етимга фақат уй ишларидан ташқари, унинг қўлига бир бўғча пахта ҳам бериб, уни чигитидан ажратиш, йигириб ип қилишдек вазифани ҳам топширган эди. Хуллас, одамзотнинг қадим-қадим замонлардан бери келаётган салбий ҳолатларидан бири бўлган ўгайлик билан боғлиқ иблисона ҳаракатлар етим қиз бошига аччиқ қисмат келтириб, ҳаёт синовида тоблайди. Маълумки, Яратганнинг ўгай она қўли билан берган синовлари натижасида етим қиз бахт-саодатга эришади. У саҳрода сигирини боқиб юрган кезларнинг бирида сигир шамолдан қочиб, бир ғорга кириб кетади. Қиз ҳам ортидан кирса, ундан шуъла таралаётганлигини кўради. Ғорга кириб, унда юзларидан нур таратган бир нуроний онани кўради ва икки букилиб салом беради. Кампир қизни ғорга таклиф қилиб, қайғусини билгач, қизнинг мушкулини енгиллатиш мақсадида, тугундаги пахталарини сигирга едириб, орқасидан ип қилиб олишини айтади. Қиз ҳалиги нуроний онанинг айтганларини қилиб, ўгай она берган мушкул ишлардан бир оз фориғ бўлади. Бироқ кундан-кун юмушни кўпайтириб борган ўгай она қизнинг ип йигириш сиридан воқиф бўлади. Ўгай она етимга ёрдам берадиган сигирни бир баҳона топиб эрига сўйдиради. Қиз эса бу воқеадан Биби Сешанба онага хабар берганида, Сешанба она сўйилган сигир суякларини одам оёги босмайдиган бир ҳоли жой топиб, кўмишни айтади. Қиз унинг айтганларини бажаради. Кунларнинг бирида ҳали уйланмаган шаҳар ҳокими ўзига қарашли ҳудуддаги бўй етган барча қизларни оналари билан катта базмга чорлаб, ўзига муносиб қайлиқ танламоқчи бўлибди. Шу аснода, ўгай она ҳам арзандасини олиб тўйга жўнабди ва кетар олдидан етим қизга топшириқ бериб, мош билан гуручни аралаштириб тўйдан келгунча, уларни бир-биридан ажратиб қўйишни буюради. Улар базмга кетгач, фурсат топиб, қиз Биби Сешанба олдиларига борибди ва бўлган воқеадан уни хабардор қилибди. Сешанба она қизга уйлардаги чипор товуқни катакдан чиқариб юборишни ва у мошни гуручдан ажратиб беришини айтибди. Онахон қиздан унинг тўйга боргиси келаётганлигини сўраганда, бечора етим бу ночор аҳволда тўйга қандай бораман, деб эзилибди. Шунда она унга сандиғидан асл матолардан тикилган шоҳона либос ва чиройли тилла тақинчоқлар олиб берибди. Қиз ғор оғзидан чиқса, уни чиройли от қўшилган олтин арава кутиб турган экан. Шаҳар ҳокими одамлари қизни иззат-икром билан кутиб олишиб, меҳмонхонанинг тўридан жой беришибди. Қиз ўгай она ва қизининг пойгакда ўтирганлигини кўриб, мезбонлардан ўз олдига қўйилган ноз-неъматлардан улар олдига олиб боришни илтимос қилибди. Базм охирлай бошлаганда кейин, ўгай она газабидан қўрққан қиз шоша-пиша меҳмонхонадан чиқиб, олтин аравага чиқаётганида, ўнг оёғидаги бир пой тилла ковуши тушиб қолади ва учқур от аравани бир зумда кўздан ғойиб қилади. Маълумки, базмга ташриф буюрган барча қизларни кўрган (алззода) йигит олтин аравада келган гўзал қизга ишқи тушиб қолган эди. Акобирнинг одамлари қизнинг оёғидан тушиб қолган ҳалиги тилла ковушни келтириб берганларида, йигит: "Шу ковуш қайси қизнинг оёғига тўғри келса, ўшанга уйланаман", – дея жар солдиради. Шаҳардаги барча қизлар ковушни кийиб кўрганларидан кейин ҳам ҳеч бирининг оёғига тўғри келмаганлигини билган йигит: "Қайси қиз бу ковушни киймади?" деб сўрайди ва шаҳар четида яшовчи бир етим қиз уни киймаганлигини айтишганда уларникига одамларни юборади. Ўгай она тилла ковуш ўз қизи оёғига тўғри келмаётганлигини кўриб, уни йўниб бўлса ҳам кийдиришга ҳарчанд уринса ҳам сиғмайди. У ўгай қизини йиртиқ-ямоқ кийимлар кийдириб, юзларига қоракуя чаплаб, тандирнинг ичига беркитиб қўйган эди. Акобирнинг одамлари келиб, етим қизни сўроқлаганларида кампир унинг бу ерда яшамаслигини айтади. Бироқ шунда ҳамманинг эътиборини тандир сари безовталаниб бориб-келаётган чипор товуқ тортади. Келган одамларнинг бири бориб қараса, ҳақиқатан ҳам, башараси қоп-қора "хунук" қиз тандирда ётган экан. Улар Акобирнинг буйруғига мувофиқ ковушни қизнинг оёғига кийдиришса, ковуш худди унинг учун атайлаб тикилгандек, лойиқ келади ва қизни тўппа-тўғри аслзода йигит олдига олиб боришади. Акобир ҳам ўз сўзида турадиган асл йигит эди. Қизни дарҳол ҳаммомга олиб бориб, яхши либослар кийгизиб олиб келишни буюради. Ҳаммомдан чиққан қизнинг гўзаллигини кўрганларнинг ҳуши бошидан учади. Чунки бу – базмга келган шоҳона либосдаги ва тилла ковушнинг бир пойини туширб қолдирган қиз эди. Акобир йигит Яратганнинг марҳаматига чексиз шукрлар қилиб, тўй-томоша берибди ва уйланибди.Етим қиз ҳам бундай бахтга эришгани учун Сешанба она олдига борибди, чексиз миннатдорчиликлар изҳор қилади. Биби Сешанба қизга: "Агар ҳурматимни доимо бажо келтирмоқчи бўлсанг, ҳар сешанба кунлари етим қиз ва бева хотинларга ҳудойи оши бергин. Ҳудойи оши қилиш учун етти хонадондан етти хил масаллиғ олиб чиқиб, ундан ош қилгин ва етим-есирларни чақириб, бошқа аёллар билан биргаликда уларга ҳудойи ошини тарқат. Ош тановул қилиб бўлингач, мен тўғримдаги қиссалардан ҳикоя қил. Агар хонадонма-хонадон юришни хоҳламасанг, уйнинг чор бурчагига ҳудойи қилиш лозим бўлган ун, ёғ, туз ва бошқа нарсаларни қўйгинда, ният қилиб Сешанба онага ҳудойи бераётибман, дея улардан ош тайёрла. Ҳудойи тугаганидан сўнг, Аллоҳни ёд этиб, ундан муродингни сўрагин. Мен сен учун кафил бўламан," дея қиз билан хайрлашибди.

Бу қиссадаги ковуш масаласи ҳақида ҳам бир оз тўхталишга тўғри келади. Биз кўриб ўтган Биби Сешанба қиссасида ҳам, "Золушка" эртагида ҳам етим қизларга ҳомийлик қилувчи восита илоҳий қудратга эга персонажлардир. "Зулм" номли ўзбек халқ эртагида ҳам тилла ковуш детали бор. Бироқ мазкур эртакдаги ковушни ҳомий кучлар эмас, балки реал одамлар, яъни "подшонинг вафот этган хотинидан қолган ёдгорлик" сифатида уйланажак қизга кийдириб кўриш воқеаси тасвирланади. Бу эртак сюжети воқеаларида ҳаёлий уйдирма элементлари сеҳр ёки мўъжиза ёрдамида эмас, балки ҳаётий-маиший муносабатлар оқимида берилади. Эртак қаҳрамони – отаси томонидан таҳқирланган қиз ўз иффати ва шаънини ҳимоя қилиш эҳтиёжида ҳийла ўйлаб топади ва ўз бахтига эришади.

Хулоса қилиб айтганда, халқ ғозаки ижоди анъаналари оммавий аҳамият касб этувчи моҳиятга эга, у қайси тил ва қандай ҳудудда яратилган бўлмасин, турли тилда сўзловчи, турли эътиқодий қарашларга эга халқлар учун умумбашарий аҳамиятга эгадир.

Саид АЛИМОВ,
филология фанлари номзоди.

Мукимийнинг "Чўнтак баёз"и

Мумтоз адабиётимиз намояндаларининг ижодини тадқиқ этишда бирламчи манба сифатида ижодкор асарлари киритилган қўлёзма китоблар ва тўпламлар олинади. Айниқса, шоир дастхати билан кўчирилган қўлёзмалар қимматли ҳисобланади.

XIX аср иккинчи ярми ўзбек адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири Мавлоно Мукимий адабий мероси ҳам ўз даврида ва ундан сўнг кўплаб қўлёзма ҳамда тошбосма асарлардан ўрин олган. Кўқондаги Фафур Ғулом номли вилоят Адабиёт музейи жамғармасида 4100.49 рақам билан сақланувчи қўлёзма тўплам Мукимий "Чўнтак баёзи" дея юритилади. Баёзнинг диққатга сазовор жиҳати шуки, унда шоир дастхати билан кўчирилган бир неча шеърлар бор. Ўз даврида бу тўплам ҳақида адабиётшунос А.Шокиров тўхталиб ўтган эди. (Шокиров Абдувоҳид, "Мукимийнинг янги топилган автографлари (Кўқон адабиёт музейи материаллари асосида)". (Адабий мерос, 2, Тошкент, "Фан", 1971 йил. 267-272 бетлар).

Мукимий асарларининг қўлёзма манбалари ҳақида тўхталинар экан, ушбу баёз саҳифаларида тоабад муҳрланган ёзувлар фактик жиҳатдан чуқурроқ тадқиқ этилишга сабаб бўлди.

Мазкур қўлёзма баёз тахминан XIX асрнинг охири ва XX асрнинг дастлабки (1900-03) йиллари орасида чиққан, қизғиш картон муқовали (ҳозирги кундаги ён дафтарчаларга ўхшаш) рус фабрика дафтарчаси ҳолида. Кўкиш, қизғиш рангли варақларга қора сиёҳ билан настаълиқ ва шикаста хатида кўчирилган.

Қўлёзма ўлчови: 7x13 см. Матн ўлчови: 5,5x11см.

Сақланиб қолган 39 варақ (79 бет)да ҳаммаси бўлиб, тўлиқ ва нотўлиқ ҳолда 20 та шеър берилган. Улар 477 мисрани ташкил этувчи Машраб, Амирий, Мукимий қаламига мансуб ғазал, мураббаъ, мухаммас жанридаги шеърлардан иборат.

Мазкур баёз диққат қилиб ўрганилганда, бир масалага ойдинлик киритишга эҳтиёж сезилади. А.Шокиров ўз мақоласида "Чўнтак баёз"да Мукимийнинг 15 шеъри борлиги ва унинг 10 тасинигина шоир ўз қўли билан кўчирганлигини таъкидлайди.

Аммо текширишлар шуни кўрсатдики, мазкур баёзда 16 та шеъри борлиги ва нафақат 16 шеърини, балки тўпламдаги яна уч шеърини ўз қўли билан кўчирганлиги маълум бўлди. Шуни айтиш мумкинки, баёздаги ёзувлар ўзаро кескин фарқ қилмайди. Фақат баёзнинг 32б варағидаги ёзув Мукимийники бўлмай, кейинчалик ёзилганлиги билиниб турибди. Тўпламдаги шеърлар бир вақтнинг ўзида эмас, замон ўтиши билан оралатиб ёзилган кўринади. Чунки, шоир дастлабки бетларга бир мухаммаснинг 2 бандини ҳам сиғдирган бўлса, кейинги бетларга келиб бир ғазалнинг 2 байтини ёки мухаммаснинг бир бандини кўчиради. Баёз охирига келиб, мураббаънинг 4 бандигача бир бетга жойлаштирилади. Кўп ҳолда шоир, нуқтасиз ёзиш услубини танлайди. Баъзи ҳарфларнинг ёзилиш шакли ва ёзувдаги айрим элементлар "Чўнтак баёз"даги 19 шеър Мукимийнинг ўз дастхати эканлигини кўрсатади. Шоирнинг жияни Рўзимуҳаммад Дўстматов ва бошқа кишиларга ёзган хатлари билан ҳам ушбу ёзувларни ўзаро қиёслашлар юқоридаги хулосани келтириб чиқаради. Фикримизча, тадқиқотчини чалғитадиган ҳол, яна шу бўлиши мумкин: баёзда шеърлар қатъий тартибда берилмаган, айрим саҳифаларда котиб (яъни Мукимий) томонидан тузатишлар қилинган. Энди, ушбу тўпламни аввал таъкидлаганимиздек, XIX асрнинг охири ва асримизнинг дастлабки (1903 йилгача) йилларида кўчирилган деб тахмин қилсак, Мукимий (1850-1903 й.) умрининг сўнгги йилларида тез-тез касалланиб турган ва албатта бу касалликлар унинг ҳаттотлик фаолиятига ҳам таъсир қилмай қолмаган. Ҳар қандай кишининг ҳам вақт ўтиши билан ёзуви ўзгариши мумкин. Турли хил кайфият ва соғлиқ даражаси киши каллиграфиясига ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. Айниқса, Мукимий каби нозиктаъб шахслар учун бу ҳол истисно эмас. Яна, баёздаги шеърларнинг бетартиб келиши ва баъзи тузатишлар бу тўплам шоир учун ўзига хос "қоралама" вазифасини ўтаганлигини ҳам кўрсатади. Қўлёзма шоирнинг дастнавислари билан бой бўлганлиги учун ҳам Мукимий ижодхонаси ва руҳий дунёсидан дарак бергандек бўлади.

Мазкур баёздаги Мукимийга мансуб 16 шеърнинг 3 таси ғазал, 4 таси мураббаъ ва 9 таси мухаммас бўлиб, бу мухаммаслар ичидан шоирнинг Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий, Сакқойи Бухорий, Амирий, Фурқат ғазалларига боғланган мухаммаслари ҳам ўрин олган. Ушбудан эса, Мавлоно Мукимийнинг устоз ва замондош шоирлар ижодига муносабатини ҳам билиш мумкин.

Агар шоир дастнависларини ҳозирги мавжуд нашрлардаги шеърлари билан ўзаро қиёсласак, баъзи матний аниқликларга эга бўламиз. Масалан, "Чўнтак баёз" 21а варақда Мукимийнинг Амирийни "Мужгонинг" радифли ғазалига боғланган мухаммасини еттинчи банди қуйидагича кўчирилган:

Мукимий хонавайрон манзилимни санга айтурга,
Қаронғу шомдин ҳам маҳфилимни санга айтурга,
Машаққатдур ечилмас мушкилимни санга айтурга,
Борур эрдим, Амир, арзи дилимни санга айтурга,
Мурувват бирла қошингга ишорат қилди мужгонинг.

(21 а варақ)

Юқоридаги банд иккинчи мисра "қаронғу", учинчи мисра "ечилмас", бешинчи мисра "қошингга" тарзида берилган сўзлар Мукимий асарларининг сўнгги нашри бўлган "Мукимий. Асарлар"(Тошкент, F.Ғулом нашриёти, 1974 й.) китобининг 253-бетида "каронғу", "ешилмас", "қатлимға" шаклида берилган. Тўғри, атоқли адабиётшунос F.Каримов томонидан нашрга тайёрланган, ушбу китоб учун танланган манбада шундай берилган бўлиши мумкин.

Аммо Мукимий дастхати асосидаги вариант ҳам вазн, ҳам маъно жиҳатдан уйғундир.

Бу каби мисолларни "Чўнтак баёз" мисолида яна кўплаб келтириш мумкин. Баёзнинг аҳамиятли жиҳатини орттирадиган факт унда бошқа манбаларда учрамайдиган Мукимийнинг бир неча шеъри мавжудлигидир. Мазкур баёзнинг 33 а-б, 34 а варақларида яна бир нотўлиқ ғазал бўлиб, бошқа манба ва нашрларда учратмадик. Ғазалнинг кейинги 5 байти сақланган бўлиб, бош қисми кўчирилган варақлар йўқолган. Қуйида ушбу ғазал илмий жамоатчиликка илк бора тақдим этилмоқда.

...Юз очиб, қилғил тақаллуф, боғ аро ғашт айласанг,
Оразинг булбулларға, тўтига гуфторинг керак.

Сажда қилсун, қўйсун эмди бошни меҳробиға ҳам,
Бўйла тарсолар белига зулфу зунноринг керак.

Борида мундоғ матоъи ҳусн, Ҳақ оро бериб,
Ўз бозоринг эрур, ўтмай харидоринг керак.

Шамьни парвона ҳам, чандон фуруғи бўлмаги,
Бўлса ҳуснинг зийнати, албатта ҳушдонинг керак.

Қилди ҳашм, Мукийм, дафъиға таъвиз учун,
Бу ғазални тоқғоли кокилча тумморинг керак.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Кўқондаги Адабиёт музейида сақланаётган "Чўнтак баёз"и Мукимий асарларининг муҳим қўлёзма манбаларидан биридир. Шоир асарларини матний таҳлил қилиш ва илмий-танқидий нашрини тайёрлаш адабиётшунослигимиз олдида турган навбатдаги вазифалардан биридир.

Отабек ЖЎРАБОЕВ,
Кўқон ДПИ ўзбек адабиёти кафедраси ўқитувчиси.

Ҳамза таваллудининг 110 йиллигига

"БОЙ ИЛА ХИЗМАТЧИ" ПЬЕСАСИ МУСТАҚИЛЛИК КЎЗГУСИДА

Сўнгги йилларда ўзбек миллий адабиётининг мумтоз асари бўлмиш Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи" пьесасига турли эътирозлар билдирилмоқда. Айрим адабий танқидчилар томонидан буюк санъаткорнинг бу драмаси синфийлик нуқтаи-назаридан ёзилган, дин арбоблари ҳақорат қилинган, деган даъволар қилинмоқда. Шу билан улар ўзбек миллий драматургиясининг дурдона бир асарини мустақиллик мафкурасига зид деб пучга чиқаришга уринмоқдалар.

Асарга ҳозирги давр талабларидан жиддий ва чуқур ёндошсак, юқоридаги салбий мулоҳазалар асоссиз эканлигига комил ишонч ҳосил қиламиз.

Аввалambор бадиий асарнинг табиатидан келиб чиқмоқ лозим. Уни тўғри келса ҳам, келмаса ҳам ҳадеб сиёсатга боғлайбермаслик керак. Бадиий асарни ҳаётнинг инъикоси сифатида қараб, ундаги муаммоларни қандай талқин этганлигидан, унинг бадиий эстетик хусусиятларидан келиб чиқиб баҳоласак адабиётнинг қонунқоидаларига амал қилган бўламиз. Юртбошимиз Ислом Каримов "Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин" деган сўзларидан келиб чиқиб драмага ёндошайлик.

Пьесада Солиҳбой ва Қодиркул жиддий танқид ўтига тортиладилар. Ҳамза уларнинг бири бой, иккинчиси мингбоши бўлганлиги учун салбий муносабат билдирдими? Агарда муаллиф Солиҳбой ва Қодиркулга фақат амалдор бўлганликлари учун уларни қоралаганда эди, унинг юқори табақага нисбатан синфий муносабатини, нотўғри баҳосини оқламаган бўлар эдик. Адиб ўз асарида, биринчи навбатда, уларга, инсоний ҳуқуқлардан, одоб ва ахлоқдан, холислик ва адолат нуқтаи-назаридан келиб чиқиб ёндошган.

Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи" драмасидаги асосий масала – адолатсизликка қарши курашдан иборат. Хўш, бу адолатсизлик нималарда кўринади?

Уч хотинли Солиҳбой ўз хизматкори Фофирнинг жуфти ҳалолини, қайноқ муҳаббат билан севган ёрини қақшатиб, иссиқ бағридан олиб, ўзига тўртинчи хотин қилиб олмоқчи. Ахир шариатда ўзганинг хотинига кўз олайтириш, ҳийла, маккорликлар ила иффатига чанг солиш, уни хўрлаш гуноҳи азимку!

Солиҳбой Жамилани хўрлабгина қолмай ёш жонига азоб бериб, турмушини завол қилади, зўравонлик билан шариатни оёқости этади. Икки пок қалбни тилка-пора қилиб қонини ичади. Буни устига Фофирга туҳмат ёғдириб, ўғри, муттаҳамга чиқариб Сибирга сургун қилишга эришади. Жамиланинг қанотларини қайириб, совуқ бағрига тортмоқчи бўлади. Бундай адолатсизликка инсон боласи қандай чидаши мумкин?

Муаллиф Солиҳбойнинг ёвузлик, риёкорлик, инсофсизлик хусусиятларини биринкетин очиб беради. У ўз хизматкори Фофирни тўй-томоша қилиб уйлантириб қўйиш билан эл олдида ўзини "халқпарвар", "камбағалпарвар" сифатида кўрсатмоқчи бўлади. Бу "меҳрибон"ликнинг замирида бойнинг ўтакетган разиллиги, очқўзлиги ётади. Бой бундан икки қора ниятини амалга оширади. Биринчидан, у Фофирни ўзига умрбод хизматкор қилиб боғлаб олади, иккинчидан, ундан моддий манфаат кўради. Тўйга сарф қилган етти юзни бир минг еттига юзга оширib, Фофирнинг гарданига юклайди. Бу ҳам ноинсофлик эмасми?

Солиҳбой ғирромликда устаси фаранг. У қилмишидан номус ўрнига роҳат қилади. У бегуноҳ ёш хотини Гулбаҳорнинг ҳам ҳаётдан бевақт кўз юмишига сабабчи бўлади. Худбинликда Солиҳбойнинг олдига тушадиган йўқ. Ўғли бу ёқда ўлиб ётса ҳам у янги жазманга, Жамиланинг ҳуснига маҳлиё бўлиб унга тузоқ қўйиш режасини тузади.

Энди гапни Қодиркул мингбошидан бошлайлик. У ҳам ёвузликда, адолатсизликда, ҳаромхўрликда, бузуқликда Солиҳбойдан қолишмайди. Иккиси эгизак. Ҳамза "Бой бойга боқар, сув сойга оқар" мақолидан келиб чиқиб, уларнинг характерларини яратган. Қодиркул халқ оммасининг молмулкини шилиб олиб бойлик орттирган. Бузуқликда ҳам устаси фаранглардан. Унинг асосий мақсади – қандай бўлмасин мингбошилик мансабини асраб қолиш. Бунинг учун у ҳар қандай пасткашликка боради. Фофирда айб йўқлигини билгани ҳолда Солиҳбойнинг раъйини бажариб, уни жазога тортади. Унинг учун адолат – пул, мансаб, бойлик. Гарчи Қодиркул бойни ёқтирмаса ҳам унга ёрдам беради, ундан ёрдам олади. Бу эса бойнинг бойга боқиши, бой-бойнинг кўзини чўқмаслигининг ёркин намунасидир. Шулардан кўриниб турибдики, Ҳамза бойларни бой бўлганлиги учун эмас, балки улар адолат ва ҳақиқатни оёқости қилганликлари учун қоралайди ва ҳақиқатга амал қилишга даъват этади. Тарихга назар ташласак, бу хилдаги образлар, шу тарздаги ифодалар кўп учрайди. Инсоният пайдо бўлибдики, адабиёт халқ ҳаётини акс эттира бошлабдики, унда ноҳақ, инсофсиз амалдорлар, хонлар, беклар биринкетин ўз аксини топа борган. Баъзи мисолларни кўздан кечирайлик. Вильям Шекспир ўзининг машҳур "Ҳамлет" трагедиясида Клавдий қирол бўлганлиги учун эмас, фожиали жинояти туфайли тахтни эгаллаганлиги, унинг қотиллиги учун қаттиқ қоралайди. Н.В.Гоголь "Ревизор" комедиясида ҳам Сквозник-Дмухановскийни шаҳар ҳокимлиги учун эмас, балки порахўрлиги, бузуқчилиги учун ҳажв найзасига олади.

Энди ўзбек миллий адабиётимиздаги айрим мисолларга аҳамият берайлик. Улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоий қонхўр, бешафқат, ноинсоф, маишатбоз шоҳларни қоралаб, уларнинг иши кундуз кунлари зулм қилиш, кечалари эса маишат қилишдан иборатдир дейди. "Ҳайратул аброр"да бундай шоҳларга завол тилайди, зулм устунлари қулашини оллоҳдан сўрайди. Машҳур "Фарҳод ва Ширин" достонидаги Хисрав шоҳ образи эса салбий хусусиятларини айтиб тугатиб бўлмайдиган босқинчи, жирканч кимса. Шунинг учун ҳам энг аччиқ тиғ унга санчилган. Хўш, энди табиий бир савол туғилади. Юқоридаги адиблар ҳам синфийлик нуқтаи-назаридан келиб чиқиб, ҳажвий типларни яратганларми? Бундай деб қараш ноўрин бўлар эди. Ундай бўлса шоирлар қайси принципларга амал қилганлар?

Уларнинг асосий ижодий принциплари ҳаёт ҳақиқати бўлган. Ҳар бир қаламкаш ўзи кўрган, билган, эшитган воқеаларни, шахсларнинг қилмишларини қаламга олганлар. Ҳамза ҳам худди шу принциплардан келиб чиқиб, ижод этган. Бой, амалдорлар образларини яратишда уларнинг анъаналарини давом эттирган, XX аср бошларидаги воқелик заминида ривожлантирди. Ҳамзанинг Солиҳбой ва Қодиркулларида янги замондаги Клавдий, Сквозник-Дмухановский, Хисрав каби адолатсиз, порахўр кимсаларнинг образлари давоми ва маълум даражада тараққийсини кўрамиз. Ҳамза ўз қаҳрамонларини атрофида юрган, салбий қилмишлари билан унга яхши таниш бўлган реал шахслар заминида яратган. Шу сабабдан Солиҳбой ҳам, Қодиркул ҳам XX аср бошларидаги ҳаёт тарзига зид

келмайди, балки уни тўлароқ тасаввур этишга имкон беради.

Табиий бир савол туғилиши мумкин. Ҳамза нега фақат салбий бой ва амалдорларнинг қилмишларини қаламга олган, ахир бойлар ичида ижобийлари ҳам кўпку? Тўғри, ҳар соҳада, ҳар бир касб-ҳунар бобида, мансабдорлар ичида, камбағаллар орасида ҳам яхши, ҳам ёмон инсонлар мавжуд. Ҳаёт мураккаб, зиддиятли, оғир. У турли шахсларни етказиб бераркан, шунга қараб тарбиялаб бораркан. Адиблар бу мураккабликларни назарга олмасдан муваффақиятли ижод этишлари амри маҳол. Ҳар бир қаламкаш буларни эътиборга олган ҳолда ўзининг ижодий ниятларидан келиб чиқиб, жамиятдан масала қидиради, ҳаётдаги ҳодиса ва шахсларни ўз асарига олиб киради. Ижобий амалдорларни ифода этадими ёки салбий мансабдорларга урғу қиладими, бу қаламкашнинг шахсий ижодий иши. Тилга олинган адибларни сизлар нега салбий характерларга эга бўлган бойларни, шоҳларни, бекларни акс эттирдингиз, деб асло айблаб бўлмайди. Энг асосий гап уни уддалай олишда, яъни қаҳрамонлар ўз характерлари билан ишонарли чиқиши, бадиий жиҳатдан далилланиши зарур.

Яна Солиҳбойга қайтсак, у кўп жиҳатдан "Қутлуғ қон" романида Ойбек яратган Мирзакаримбойга ўхшаб кетади. Улар бир-бирларини тўлдиради ва бойитади. Бу ҳол ҳам Солиҳбойнинг қанчалик реал ва ҳаққоний чиққанлигига далил бўла олади. Ойбек ҳам Ҳамза каби ўз қаҳрамонига амалини эмас, балки қилмишларига қараб баҳо берган.

Энди гапни иккинчи масалага, "Бой ила хизматчи" драмасида дин аҳлларига бўлган муносабатга олиб ўтайлик. Бу соҳада ҳам ажойиб, ҳалол, пок диндорлар билан бирга, ҳаром-хариш йўллар билан бойиган, халқ оммасини алдаб-сулдаб шилган нопок руҳонийлар ҳам йўқ эмас.

Ҳамза онгли равишда ўз манфаатларидан келиб чиқиб халқни хурофотлар оғушида тутишга уринган руҳонийларни халқ ҳукмига ҳавола этишга ўз ижодини қаратган. Улардаги ҳудожўйлик ғирт товламачилик эканлиги Ҳамзанинг асарларидан-асарларига ўтиб борган. Хусусан, "Заҳарли ҳаёт" пьесасида ёш қиз Марямни беш хотин устига олмоқчи бўлган ҳазрат Эшон, ҳалол, пок аёл Фотимага кўз олайтирган домла ("Туҳматчилар жазоси"), гўзал Ойхон билан айш-ишрат қилмоқчи бўлган дин аҳллари ("Майсаранинг иши") қаттиқ қораланади, уларнинг асл жирканч ички оламлари очиб ташланади. Бу мисоллар шуни кўрсатадики, айрим ҳамкасбларимиз ўйлаганларидек, динга ишонувчиларни эмас, балки шариатга хиёнат қилган, фуқароларни алдаган ва талаган фирибгар руҳонийлар ҳажв қилинган. Шуни таъкидлаш керакки, Ҳамза умуман исломни инкор қилмаган, эъзозлаган.

Энди бизнинг асосий объектимиз бўлган "Бой ила хизматчи"даги руҳонийлар қандай акс эттирилганлигига диққат қилайлик.

Бу асарда Имом, Тўра, Қози каби шариат пешволари қандай номаъқулчиликлар қилганликлари далиллар билан исботлаб кўрсатилган. Улар пул ва бойликнинг қуллари, бой ва амалдорларнинг "отган ўқлари". Уларнинг разилликлари нималарда кўринади? Агарда улар исломга содиқ бўлганларида Солиҳбойни ношаърий ишлардан, яъни шариатга зид қилмишларидан қайтарган бўлур эдилар. Амалда қози, домлалар шахсий манфаатларини ўйлаб, бойдан оладиган уч-тўрт танга эвазига шариат юзига оёқ босдилар, Солиҳбойга арқон эшиб бердилар, Жамилага етишиши учун нопок йўлларни кўрсатиб, зулм пичоғини қайраб солдилар. Уларнинг қаллоблиги, хушомадгўйлиги ва ахлоқий тубанликлари, ичларини ёрсанг алиф ҳам чиқмайдиган гумроҳларнинг софдил инсонларга нисбатан ёвузларча инсофсизликлари асарда тўла очиб берилган.

"Бой ила хизматчи" пьесасида айрим танқидчиларни чалғитиши мумкин бўлган яна бир жойи бор. У ҳам бўлса Жамиланинг ҳалок бўлиши олдидаги сўнгги сўзи: "Гофиржон, унутма мени. Болангни ўлдирган, хотинингни хазон қилган бойнинг, барча бойларнинг жазосини бер. Замонасига ўт қўй, ёндир..."

Бу ерда Жамилага азоб берган, зулм ўтказган, унинг инсоний ҳуқуқларини поймол қилган, ўлимга олиб борган Солиҳбойлар ва Қодирқуллар назарда тутилганлигини унутмаслик керак. Чунки бош қаҳрамоннинг кўз очиб кўрган золим амалдорлари шулардан иборат эди.

Шуни ҳам назарга олишимиз керакки, Ҳамза камбағаллар камбағал бўлгани учун яхши деб масалани талқин қилмаган. Муаллифнинг диққат марказида инсонларнинг қандайлиги, қалби, виждонининг поклиги, ҳалоллиги, имонлари мустаҳкамлиги, ҳақиқат ва адолат учун қайғуришлари ва курашишлари турган. У ҳеч қачон барча камбағаллар, қашшоқлар ва хизматкорларни идеал шахслар сифатида ифода этмаган. Уларда ҳам инсонларга хос нуқсонлар учраши мумкинлигини таъкидлаб ўтган. Бу жиҳатдан олганимизда Холмат образи характерлидир. Ҳамза бу шахснинг чапани қиликларини ёқлаш йўлидан бормайди. Унинг Солиҳбойга қайишиши, мутелиги, ҳаёсизлигини, хўжайини Солиҳбойдаги ифлос ниятни қайтариш ўрнига, Жамиланинг ҳуснини мақтаб, бўрттириб таърифлаб, хўжайинида шахвоний ҳирсини ошириб, Гофирни камситишларини муаллиф маъқулламайди. Айниқса, Холматнинг бойнинг хотини Хонзода билан дон олишиши енгил кулги ва ҳазил билан қораланади. Аммо Холматнинг кўзи очилиб, ҳақиқатни тушуниб, виждони тилга кириб, Гофирга ҳамдард бўлиши билан у айбини ювгандай, тўғри йўлга тушгандай тасаввур туғдиради.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Ҳамзанинг "Бой ила хизматчи" драмаси ҳар жиҳатдан ҳам мукаммал чиққан. Пьесанинг асосий омиллари бўлган - ҳаётий конфликт кенг ва ҳар томонлама ифодасини топган. Унинг қон томири бўлган драматик ҳаракат асардан изчиллик билан қизил ип каби ўтган. Ҳар бир характер пухта ишланган. Пьесанинг тили равонлиги, халқ ибора, мақолларига бой, ширадорлиги, фалсафий-эстетик кучининг ўткирлиги билан ажралиб туради. Шу сабабдан ҳам ўзбек миллий саҳнасида узоқ вақтлардан бери умр кўриб келди. "Бой ила хизматчи" жаҳон саҳналарига ҳам қадам қўйиб, бир қанча чет эл театрларининг репертуарини бойитди, томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлди, адиблар ва танқидчиларни ҳаяжонга солди. Минглаб актёрларга театр санъатидан сабоқ бериб, маҳоратларини оширди.

Айрим адибларнинг фикрларидан мисоллар келтирамиз: Ойбек ёзган эди: "Бой ила хизматчи" менда сўнмас из, чуқур таассурот қолдирди". Озарбайжоннинг улуғ ёзувчиси Мирза Иброҳимов: "Бой ила хизматчи" инсонга туганмас эстетик завқ берадиган улкан санъат асарлари жумласидандир. Мен шахсан Ҳамзанинг ушбу классик пьесасининг ошиғиман". Туркманистоннинг машҳур маданият арбоби Берди Кербобоев "Бой ила хизматчи"ни юракни тўлқинлантирувчи асар деб, узоқ вақт миллий саҳнада қўйилиб, минглаб томошабинларни тарбиялаганини завқ-шавқ билан таъкидлайди. Бундай юксак баҳоларни яна кўплаб келтиришимиз мумкин.

Булар ҳаммаси шуни кўрсатадики, "Бой ила хизматчи" драмасига фақат ўзбек миллий адиб ва адабиётшунослари томонидан юқори баҳо берилиб қолмай, у жаҳон маданий оламида ҳам эътироф этилиб, ижобий баҳога сазовор бўлган.

Шундай машҳур, ажойиб асарни мафкурага суньий равишда боғлаб ундан воз кечсак, адолатдан, инсофдан бўлармикан?

Ахир, тўлақонли, маъқул бадиий асар, айниқса пьесалар ёзиш жуда ҳам мушкул иш эканлигини биламиз-ку. Бир тарихга назар ташласак, антик адабиёт давридан то ҳозиргача, яъни XXI аср бўсағасигача минглаб, юз минглаб драмалар ёзилган. Улардан жуда ҳам оз қисми адабиёт тарихида қолган. Шулардан бири жаҳон драматургияси тарихидан мустаҳкам ўрин олишга муносиб бўлгани "Бой ила хизматчи" асаридир. Шундай экан бу мумтоз пьесадан ўлиб-толиб кир қидирмасдан, уни ҳимоя қилайлик.

Ҳафиз АБДУСАМАТОВ,
филология фанлари доктори.

Юсуф САРЁМИЙ:

Гул очилиб, гулшан ўлуб лолагун ...

Юртимиз узра эсаётган истиқлол насими бизга мумтоз адабиётимизнинг кўркам чечакларидан бирига айланган, юксак бадиий маҳорат соҳиби Юсуф Сарёмийни қайтадан кашф этиб берди.

Сарёмий шеъриятининг салмоғли қисмини ғазаллар ташкил этади. Шоир ўз ижодиёти жараёнида қадимий ва бой назм анъаналарини мукаммал ўзлаштирди ва ўз ғазалиёти тимсолида уларни янада ривожлантирди.

Инсон қисматига жавобгарлик, унинг юрак, эътиқод эркига раҳна соладиган ҳар қандай ёвузликларга қарши муросасиз шоир алоҳида шахс тақдири, туйғу ва кечинмаларини изчил тадқиқ этиб боради. Сарёмий улкан дард билан яшади. У девон тузиш учун дафтар тўлдириш ғаразида қўлига қалам олган эмас. Воқеан, унинг шеърлари вафотидан кейингина шогирди Тавалло томонидан йиғиб девон қилинган. Шунингдек, Сарёмий девонида одам ва олам хусусида, ҳаётнинг паст-баланди, аччиқ-чучуги, турли ҳолат-ҳодисалари борасида илгари сурилган пурмаъно байтлар шоир қаҳрамони кўз ўнгида жонланган, руҳиятида яшаган зиддиятли, рангин оламни ёркин ифодалашга хизмат қилади. Чинакам шеър биринчи навбатда инсон руҳини тарбиялар экан, Сарёмий лирикасида ҳам инсон қалбининг мураккаб, зиддиятларга тўла оҳанглари атрофлича ифодасини топа олган.

Бадиий асарнинг элга берадиган файзи унга лаззат билан бирга камолот бағишлашдан иборат. Бунга эришиш учун эса завқли шоир таъбидан яратилган асар маърифий, тарбиявий ва бадиий қимматга эга бўлмоғи даркор.

Сарёмий асарларининг қиммати ҳам унинг таълими, маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган юксак фикрларни олий бадиий шаклда берганлигидир. Фикримизни равшанлаштириш учун бир мисол келтирайлик:

Кори дунёи бемадор абас,
Қилмасанг мунда яхши кор абас.
Навжувонлик хато билан кечуруб
Вой, беҳуда-рўзғор абас.
Билмайин умр ўтти беҳосил,
Қуввати вақти киштикор абас.
Гул умидида орзу чамани
Чектуруб санга ранжи хор абас.
Гул узуб, лола термай айлаб доғ
Борди айёми навбаҳор абас.
Ҳақдин ўзга бориси бегона,
Айлаган ошнову ёр абас.
Юсуфий ғафлат ила кечди ҳаёт,
Билдинг умрингни пойдор абас.

Сарёмий ғазалларини ўқишли қилган хусусият ҳам биринчи галда шоирнинг сўзга фаол муносабати, сўзни ўз ўрнида ишлата билиш маҳоратидир:

Сўз дема, барқи жаҳон сўздур, бўл андин бохабар,
Боиси суди зиён ҳам куфру иймон келди сўз.
Юсуфий сўз қадрини ким билди, топди иқтидор
Шарбати юз йиллик изом лаъли жонон келди сўз.

Ушбу сатрлардаги ҳар бир сўз ўз ўрнини топган. Шунинг учун улар маъно томонидан жуда тушунарли ҳамда ўзига хос ички нурланишга эга. Шеъриятда сўз билан сўзни тил топтириш оғир. Чунки сўзнинг оҳанги, ифода қудрати ва бўёғини ҳисобга олмай туриб улардан ғоявий-бадиий муносабат талаб қилиш мумкин эмас. Юсуф Сарёмий тажрибалари эса бу жиҳатдан катта ибрат мактаби.

Юқоридаги бир-икки мисолнинг ўзидан ҳам Сарёмий шоир сифатида халқимизга нақадар улуғ ва қимматбаҳо санъат хазиналарини мерос қилиб қолдиргани кўриниб турибди.

Муқаддас ТОЖИБОЕВА.

Юсуф Сарёмий шеъриятидан

Бир неча гул барги қабо яли-яли,
Айлағали бизни адо яли-яли,
Тузмоқ учун савти наво яли-яли,
Жамъ бўлинг моҳилиқо яли-яли,
Бўлди қизиқ базми саро, яли-яли.

Қўлга олиб нозу тарабдин ғино,
Қилди жигарсўз тараннум бино,
Чанг ила даф ҳалқасида деб сано,
Нағма била мутриб этиб тарона,
Соқий тутуб жоми сафо, яли-яли.

Рози ниҳонимға етар бир гириҳ,
Оҳу фиғонимға етар бир гириҳ,
Тори равонимға етар бир гириҳ,
Риштаи жонимға етар бир гириҳ,
Қилди вужудимни фано, яли-яли.

Сабза бўлуб боғ сари раҳнамун,
Бўйнида сунбули таноби жунун,
Сарв боши узра чекиб қумри ун,
Гул очилиб, гулшан ўлуб лолагун,
Булбул анға нағма саро, яли-яли.

Васли умидида ани умр ўтуб,
Бир-бирини ҳасратида қон ютуб,
Роҳи вафосида ўтурдум кутуб,
Бир назари солса дебон кўз тутуб,
Қоматимиз бўлди дуто, яли-яли.

Кеча очиб орази тобонини,
Равшан этиб ғайр шабистонини,
Рашкка ёқиб Юсуфини жонини,
Ҳаста Навоийни тўкуб қонини,
Қўлларига қўйди ҳино, яли-яли.

Юсуф Сарёмийнинг бу мухаммаси шоирнинг девонида (132-бет) Навоий ғазалига мухаммас дейилади. Аммо Навоий асарлари ичида шу ғазалнинг йўқлиги текширишларда аниқланди. Биз бу мухаммасни Юсуф Сарёмий асари сифатида ўқувчиларга тақдим этдик.

Қитъалар

Санга булбул баҳордур боис,
Мани ноламға ёрдур боис,
Мунча савдо билан жунунимға
Бўйи зулфи нигордур боис.


❀ ❀ ❀

Кимики кўрса сани, санга мубтало бўладур,
Туролмас даме, кўргунча ул адо бўладур.
Руҳинг риёзи малоҳат гулини барги тари,
Чароғи базми юзинг бирла пурзиё бўладур.
Очилди лола юзингдин, кел эй баҳори тараб,
Чаман юзинг гули бирлан фараҳ афзо бўладур.

❀ ❀ ❀

Хумори бодаи гулфоми дийдорингман, эй соқий,
Гули рухсоринги кўрмоқ учун зорингман, эй соқий.
Тараҳҳумсиз кўзингдин ғамзапиро тири ноз истаб,
Манам чун сўрма, жон бирлан гирифторингман, эй соқий.

Нашрга тайёрловчи
Абдурашид АБДУҒАФУРОВ.



Юқоридан туманга қишлоқ тадбиркорларидан бирини Тошкентга ўқишга юбориш тўғрисида кўрсатма келди. Тумандагилар бундоқ дўппини олиб ўйлаб кўришса "пичоққа илинадиган" тадбиркор йўқ. Таваккал қилиб тоғ бағридаги жарқишлоқлик Мамасолини "марожне-пирожне" еб, шу баҳонада кўнгил хуморини ёзиб келасиз, бу ёғи текин, деб алдаб-сулдаб жўнатишди. Мамасоли бизнесмен бўлмасаям илгаритдан шаҳардан қишлоққа майда-чуйда олиб келиб, сотиб тирикчилик қилиб юрарди. Шуниси қизиқки, Мамасоли кўпчилик жарқишлоқликлар сингари чойхонада чойни хўриллатиб, бир отим носвойни тилининг тагига олиб, Елсиндан Клинтонгача бўлган жаҳон муаммоларини муҳокама қилишни сувдай ичворган "бўлсаям" ўзи туман марказидан нари ўтмаган эди.

Вилоятдан беш-олти киши бўлиб семинарга етиб келишди. Мамасоли осмонўпар уйларни кўриб оғзи очилиб қолди. "Вой-вуй, бу ўзимизни Тошкентми, бирам ўзгариб кетибдики, таниёлмаяпман", дерди худди шу кўчаларда ёнғоқ ўйнаб катта бўлгандек.

Айниқса, машғулот пайти Мамасоли ҳамманинг жонига тегди. Америкалик бизнесмен Ян Смит тадбиркорликни қандай ташкил этиб пул топиш йўлларини тушунтирар, ёнидаги таржимон аста-секин таржима қилар эди.

– Бу қизиталоқ америкаликларни "оқ танли" дейишарди. Қора мазанг экан-ку, – дерди шеригига Мамасоли.

– Жим ўтиринг, америкаликларни оқ танлисиям-қорасиям бўлади, – дерди хуноби ошиб қўшниси.

– Менга қара, хотинининг шўри бор экан-да, яна оқ кўйлак кийиб олганига ўлайми, ҳар куни кўйлаги қоп-қора бўлса керагов? Бу нима деб вайсаяпти ўзи?

– Ҳар бир одам тадбиркор бўлсин, пул топиш йўлини қилсин, деяпти, жим бўласизми, шарманда қилдингиз-ку!

Хуллас, уч кун шу аҳволда ўтди. Семинар охирида Мамасоли бориб америкалик билан қуюқ кўришди.

– Қалай, яхшимисан қоравой, болачақанг омонми?

Америкалик бир Мамасолига, бир таржимонга қараб тиржайиб турарди. Таржимон бидиллаб таржима қилди. Америкаликнинг оғзи қулоғига етди.

– Энди қоравой, ўзимиздан экансан, мен сени меҳмонга таклиф қиламан, бизникида ҳам чой-пой ичиб кетасан. Бир яйраб келасизлар, тоғ бағрида қимиз-пимиз ичиб келасизлар.

Таржимон бир курс раҳбарига, бир америкаликка қаради-ю таржима қилди.

Америкаликка бу гаплар мойдек ёқди шекилли, хурсанд бўлиб "окей, окей" деб қўйди.

Ҳаммани лол қолдириб, америкалик кутилмаганда нафақат розилик берди, балки бениҳоя қувонди.

Қишлоқнинг тор кўчаларидан чанға ботиб, секин юриб келаётган қора лимузиннинг орқасидан қишлоқ болалари югуриб келишарди. Уйи олдида виқор билан машинадан тушган Мамасоли қўшниларига бир қараб қўйди-ю, ҳаммага эшиттириб кампирига бақирди:

– Кампир, меҳмонларни кутиб ол, ёнғоқнинг тагига жой сол, Эшқобилга айт, Жума қассобни айтиб келсин. "Америкалик меҳмон келган, қўйни сўйиб бераркансиз" десин. Бирпасда қўй сўйилиб, зиёфат қизиб кетди. Кўни-қўшнилар, бола-чақалар, хотин-халажлар девор-дарвозадан мўралаб қора танли негрни томоша қилишарди. Кўп ўтмай гузардаги чойхона деворига катта эълон осиб қўйилди. У шундай ёзилган эди:

"Мамасоли Американинг нақд киндигидан тирик америкаликни олиб келди. Кириб кўриш 5 сўм, суратга тушиш 20 сўм, эшакка миндириб суратга тушиш 30 сўм. Қария ва участникларга бепул. Билетлар дарвозахонада сотилмоқда".

Меҳмон чой-пой ичиб, дамини олгандан сўнг кўни-қўшнилар узун-қисқа бўлиб кириб кела бошлашди.

– Бизда шундай одат бор, бир меҳмон келса ҳамма келиб кўради, – тушунтирди Мамасоли таржимонга.

Негр "окей" деб кулиб қўйди.

Бировлар меҳмон билан кўришиб "қўлим қора бўлмадими" деб ҳадиксираса, айримлари қучоқлашиб суратга тушишди.

Айниқса ҳовлига боғлаб қўйилган эшак Смитга маъқул бўлди. У ҳазилҳазил билан кулиб эшакка миниб олди, Мамасолининг ўғли эса фотоаппарат билан тинмай суратга оларди.

– "Америкалик, америкалик" деб ваҳима қилишади, сал семизлигини айтмасангиз Мирзачўлда қовун экқан ўзимизнинг деҳқонларга ўхшар экан-ку, – дейишарди тоғликлар.

Уч кун давомида меҳмонни кўриш атрофдаги қишлоқ одамларига ҳам насиб этди.

Уч кундан сўнг меҳмоннинг иззати битди. Мамасоли кўпчилик олдида меҳмонга тўн кийгизди-да, бошига дўппи кийдириб, белбоғ боғлади. Қўлига бир даста пул тутқазиб, "бу сенинг хизмат ҳақинг, гонорар" деди. Авваллар хурсанд бўлган Ян Смит пулни кўриб, қовоғини солиб таржимонга қаради. Таржимон Мамасолининг тадбиркорлик, яъни "бизнес" қилганини айтиб берганида, хохолаб кулиб юборди-да, пулни қайтариб берди ва "окей, окей" деб қўйди.

Шоҳ МУРОД.

СОВУҚ НАФАС

Ҳажвия

Баҳорнинг серёмғир кунларидан бирида Қиличбой аканинг "боди" қўзиди. Ўша куни тонг саҳардан шаррос ёмғир қуйиб берди. Акамиз эшикдан киришлари билан нолий бошладилар.

– Аширмат, осмон тешилганми, нима бало? Челаклаб қуяпти, – дедилар инқиллаб-синқиллаб қадам босаркан-лар. – Зўрға етиб келдим. Намгарчилик бошланди дегунча сабил қогур бел тараша бўлади-қолади. Ана ундан кейин эгиб кўр-чи... Эгасан-а!..

Қиличбой акага раҳмим келди. Ташқарига қарасам, ёмғир тезлашибди. Қиличбой ака ўрнига ўтирмай биринкетин Самадбек билан Қулмат ҳам шалаббо бўлиб кириб келишди. Самадбек кийимини илгакка илиш баробарида инқиллаб ўтирган Қиличбой акага сўз қотди.

– Мазангиз йўғроқми, дейман, а, Қиличбой ака?

Қиличбой ака ҳам бир ҳамдардга илҳақ эканми, дардини дастурхон қилди.

– Шу бел намгарчилик билан чиқишолмайди-да, – деди зўрға гавдасини кўтариб. – Эгилмайди сабил. Кундани ўзи. Ҳозир шуни Аширматга айтиб турувдим, денг...

– Эй, буни шундоқ қолдирманг, ака, – деди Қулмат девордаги кўзгуга ўзини соларкан, бепарволик билан.– Бизни бир тоғамиз бўлардилар, у киши ҳам худди сизга ўхшаб гоҳ белдан, гоҳ оёқдан нолиб юрардилар. Буни қаранг, ҳазил-ҳазил, уч-тўрт йил бурун оламдан ўтдилар. Раҳматли, доим айтардилар: ажал одамни ё оёғидан, ё белидан олади, у ғирром курашчидай гап... Авлиё эканлар...

Қиличбой ака тагида пуржинаси бор кўғирчоқдай сапчиб тушди. Шу баробарида "вой, белим" деди-да, қайта ўрнига михланди.

– Нафасингизни ел учирсин, бунча совуқ? Одамни ўтакасини ёриб юбордингиз-ку!

– Айтдим кўйдим-да, – деди Қулмат ўша бепарволик билан. – Бу бир шунчаки гап-да. Касалга ҳар ким ҳар хил маслаҳат беради. Мен ҳам билганимни айтдим-да, ака.

Бу ҳангомадан сўнг ҳамма ўз иши билан андармон кетди. Орадан оз фурсат ўтгач, Қиличбой ака кўксини силаганча гап бошлади.

– Бу йўтал деганлари балои азим экан, – дедилар бир-икки йўталиб. – Шу йўталсам, томоғимга бир нима келиб тиқилади, денг. Дори ичай десам, дорига ўрганиб қоламанми дейман. Дўхтир қўшнимизга айтсам, "кўпроқ шолғом енг" дейди. Кор қилармикан-а, Аширмат? Ё кўнгил учун айтдимикан?

– Кўнглингизга олманг-у, – деди Қулмат гурунгни қиздириш мақсадида. – Бир ўгай холам бор эдилар: онам билан она бир, ота бошқа. Шу кишини ўлишларидан уч кун олдин шунақанги йўтал тутган эди-ки, бечорага раҳмимиз келиб кетарди. Энди ҳар бир нарсани бир сабаби бўларкан-да. Холамни шу йўтал адо қилди...

Йўталишга чоғланган Қиличбой ака оғзини қўли билан шартта беркитди. Йўтал орқага қайтдими, нафаси тиқилиб, рангу рўйи докадек оқара бошлади. Бизга билдирмасликка ҳаракат қилиб, секин эшикдан йўлакка чиқди. Самадбек бир нимани сезгандай унга эргашди. Йўлакдан анчагача йўтал товуши эшитилиб турди. Мен эса Қулматни қойиган бўлдим.

– Унчалик эмасда, нуқул "ўлди-ўлди" дейсан, хаста одам кўнглига олади, деб ҳам ўйламайсан...

Мен гапимни тугатмасдан Самадбек кириб келди ва Қиличбой аканинг аҳволи ёмонлашаётганини айтди. "Тез ёрдам" чақирган эдик, келиб Қиличбой акани олиб кетди. Уч кун оралатиб у кишини кўргани бордик. Анча тетик, рангига ранг кирган, сўзлари бурро.

– Хайрият шу дўхтирлар бор экан, – деди Қиличбой ака мамнунлик билан. – Энди кетдим деб ўйлаган эдим. Йўқ, меҳрибон дўхтирларни давоси кор қилди. Мана, анча дурустман. Бугун эрталаб юракни ҳам эшитиб кўришди. Нормасидан сал кўпроқ ураётган экан...

– Бизнинг Тешавой деган қўшнимиз бўларди, уни ҳам юраги... – дея гап бошлаган Қулматнинг гапи оғзида қолди. Хонага Қиличбой аканинг хотини кириб келганда биз ўрнимиздан қўзғалдик. Қулмат ичкарида бошлаган гапини йўл-йўлакай бизга сўзлаб берди. Хайриятки, бу гапларни Қиличбой ака эшитмадилар...

Илҳом ЗОЙИР.

GULISTON

2

1999

Учредитель:
Министерство по делам культуры Республики Узбекистан

На узбекском языке

Навбатчи муҳаррир
Маҳкам МАҲМУДОВ

Мусаҳҳиҳ
М.АБДУЛЛАЁРОВА

Саҳифаловчи
Нодира СОАТОВА

Муҳарририят манзили:
700029, Тошкент – ГСП, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Телефонлар:

Бош муҳаррир – 136-78-90
Бош муҳаррир ўринбосари – 133-07-94
Масъул котиб – 133-07-94

Босишга рухсат этилди 23.03.1999 йил.

Қоғоз ҳажми 60x84/116
Офсет босма.
Шартли босма табоғи 7,64.
Нашриёт ҳисоб табоғи 9,88.
Шартли бўёқли нусха 18,5
Буюртма № 3677
6479 нусхада чоп этилди.

Сотувда эркин нархда.

"Шарқ" нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси.
700029, Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

© "ГУЛИСТОН" 2, 1999.




Василий БАЖИГЕЕВ. “Амир Темурнинг испан элчиси Руи Гонзалес де Клавихони қабул қилиши”. Мато, мойбўёқ, 1998 й.

GULISTON

Индекс: якка обуначилар учун – 820
ташкилотлар учун – 806
Баҳоси: Чакана савдода келишилган нархда.



Эҳромлар бағрида.



Ҳамза номидаги Академик драма театри актрисаси Раъно Яршева.